

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARI AKADEMIYASI
TILLAR KAFEDRASI**



**O‘ZBEK TILINING TARIXIY SHAKLLANISHI VA
RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI**

Respublika ilmiy - nazariy (online) konferensiya materiyallari

**TOSHKENT,
20 oktabr 2020 yil**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLI KUCHLARI AKADEMIYASI
TILLAR KAFEDRASI**

**O‘ZBEK TILINING TARIXIY SHAKLLANISHI VA
RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI
mavzusidagi Respublika ilmiy - nazariy (online) konferensiya
materiyallari**


**ИСТОРИЧЕСКОЕ СТАНОВЛЕНИЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И
ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗВИТИЯ**

**материалы
Республиканской научно - теоретической (online) конференции**

**THE HISTORY OF THE UZBEK LANGUAGE FORMATION
AND ITS DEVELOPMENT PERSPECTIVES**

**materials
of the Republican scientific – theoretical (online) conference**

Toshkent -2020



“Barchamizga yaxshi ayonki, ona tili -millat ma’naviyatining mustahkam poydevoridir... Shu ma’noda dunyo hamjamiyatidan munosib o‘rin egallashni maqsad qilib qo‘ygan har qaysi davlat avvalo o‘z xalqining milliy tili va madaniyatini asrab avaylashga, rivojlantirishga intiladi...”

***O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti - Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo‘mondoni
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev***

Mas’ul muharrirlar:

Tillar kafedrası mudiri Abdullayeva S.Y.

Tillar kafedrası dotseni Ertayev SH.I.

Tahrir hay’ati:

Psixologiya fanlari nomzodi, falsafa fanlari doktori, professor R.S.Samarov

Filologiya fanlari doktori Sh.K.Asqarova

Filologiya fanlari nomzodi, dotsent D.A.Xoliqova

Filologiya fanlari nomzodi, dotsent I.M.Azimov

Ilmiy - nazariy (online) konferensiya materiallarida keltirilgan maqolalar mazmuni va keltirilgan statistik ma’lumotlarga mualliflar mas’ul.

*Ilmiy - nazariy (online) konferensiya materiallari to‘plami O‘R QKA Tillar kafedrası yig‘ilishida muhokama qilindi va nashrga ruhsat etildi. Bayonnoma № 3
29.10. 2020 y.*

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

Абдуллаева С. Я.

ЎР ҚК Академияси Тиллар кафедраси мудири,

ф.ф.н., доцент

sohiba2006@mail.ru

“Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бўлогидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир”¹.

Ш.М. Мирзиёев

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек тилининг тарихига бир назар ташланиб, ўзбек тилига бўлган муносабат ҳақида мулоҳаза юритилади, унинг тарихига ва келажагига назар ташланади. Уни келажак авлодга чиройли сақлаган ҳолда мерос қилиб қолдиришимиз кераклиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Мафкура, ошкоралик, ҳуқуқ, миллатчилик, ниқоб, қудрат, эрк, бурч, маънавият.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, тилимиз мазкур мақомни олмасидан бурунги ва олганидан кейинги ҳолати ҳақида фикр юритишдан аввал ўша даврдаги барчамиз учун шарафли бўлган айрим воқеаларни бир эсласак. Собиқ советнинг охириги паллаларида, ошкоралик йилларида юртимизда бир неча яхши қонунлар қабул қилинган. Давлат билан халқ бир-бирига яқинлашиб, бирининг овозига иккинчиси кулоқ солиб, халқ ўртага қўйган масалаларни давлат ҳал қила бошлаган эди. Масалан, Орол денгизини сақлаб қолиш, табиатни асраш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш... каби масалаларни халқ ўртага қўйган эди. Биз орзу қилган жуда кўп моддалар кирмай қолган бўлса ҳам, бундай олганда, у қонун ёмон эмас эди, демоқчиман. Энг муҳими - совет даврида сиқув остида бўлган тилимизга эрк берилди, ҳуқуқ берилди, ҳурриятга чиқди ва... қонун қабул қилинган кун "Тил байрами" деб байрам қилинадиган даражага етдик. Ахир, ўзбек тили ҳам бир мустақил тил сифатида яшашга ҳақли дейишнинг ўзи илгари ўта миллатчилик деб баҳоланарди. Шу боис тилимиз ҳақида хос қонуннинг вужудга келиши жуда улкан ижобий ҳодиса бўлган.

Тил мавҳум бир нарса эмас. Ўз ҳолича бор бўлмайди. Тил асосан одамларнинг оғзида ва сўнгра ёзувларда яшайди, оғиз ва ёзувларда ҳаётини давом эттиради. Агар миллат турли сабаблар билан айрим сўзларини унутётган бўлса, аста-секин тилидан тушиб қолаверса, ўрнини “замонавий” ми, “маданий”ми ниқоблари остида бегона сўзлар эгаллайверса, бу тил олдиниға қашшоқлашишга юз тутаяди, кейин, тарихда кузатилганидек, ўлишга қараб кетади. Тилларнинг ўлиш ҳодисаси бор нарса. Айрим тилларнинг номи бор, айрим сўзлари атама ўлароқ ё бошқа бирон кўринишда ўзга миллатлар тилида сақланиб қолган, лекин ҳозир у тилда гапирувчилар йўқ. Бир пайтлар

¹ Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 21 октябрь куни Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

у тилда гапирган халқ (мас., лотин) йўқолиб, бошқа миллатларга сингиб-едирилиб кетган. Бошқа тиллар зуғуми остидаги кучсиз, кичик тилларнинг тақдирида ана шундай хавф доим туради. Шу боис бундай хавф остидаги тилнинг яшаб қолиш учун ҳаракати айниқса кучлироқ бўлиши керак. Озгина бепарво бўлинса, тил ўз ҳолига ташлаб қўйилса, натижа аянчли бўлиш эҳтимоли бор. Ҳар қандай мамлакатни бошқаларидан ажратиб турадиган унсурлардан биттаси – тил. Бизнинг ҳам шу тилимиз бор экан, ўзбек халқи, ўзбек адабиёти, ўзбек маданияти, ўзбек урф-одатлари ҳақида гап бўлиши мумкин. Демак, тил масаласи шунчаки гап орасида айтиб кетилаверадиган жўн, кичик, майда масала эмас, балки давлат аҳамиятига эга, улкан масаладир. Тилимизда нарса ва ҳодисаларнинг нозик-нозик жиҳатларигача ҳам ифодалай оладиган куч ва имконият борлигини исботлаб берган Навоий бобомиз бизнинг тилимизнинг ривожига ва такомилга учун қанча саъй-ҳаракат қилганлар. Ахир, “кўчмоқ” феълидан ясалган “кўчирилди” шаклининг ўзида уюшқоқлик, уюшиб қилинган ҳаракат маъноси бор. Ҳамма тирақайлаб қочиб кетди, дейилмаяпти, кўчирилди, дейилмаяпти. Бу сўзда кўчишни кимлардир ташкиллаштираётгани ҳам сезилиб турибди. Ҳатто тилларни ўрнлаштириш сиёсати юритилган совет даврида тилимиз ўзига хослигини ва бойлигини сақлаб қолишга тиш-тирноғи билан тиришган эди. Бунинг сабабларидан биттаси - миллат тақдирига куюнчак адибларимиз, шоиру ёзувчиларимиз ижобий маънодаги қайсарлик билан тилимизнинг ранго- ранглиklarини, бойлиklarини кўрсатиб ёзаверишди. Мафкураси қандай бўлишидан қатъи назар, тилни асраб қолиш ҳаракатида адабиётчилар орасида қандайдир бир фикрдошлик, уюшқоқлик бор эди. Асарларида хилма-хил сўз ва ибораларни қўллаб, иложи борида чеккадан сўз киритмай, кирганини ҳам жуда кам ишлатиб, тилимизнинг тозаллигини асраб қолишга хизмат қилишди. Бугун мустақилликка эришдик, дунё билан тўғридан-тўғри алоқаларга киришдик, мамлакат дарвозалари дунёга кенг очилди - булар бари яхши, аммо тилимизнинг дарвозасини мустаҳкам қўриқлашимиз лозим. Инчунун ўзбек тили шу қадар бойки, ҳар бир сўзнинг маънодошлари ҳам мавжуд.

Тилга муносабат ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, нарса ва ҳодисаларни ўзимизнинг тилимизда жаранглатса бўладими-йўқми, деб ўйлаб кўришга ҳам эринамиз ва осонгина четдан битта ажнабийча сўзни киритиб юбораверамиз. Худди бу бегона сўзда қанақадир бошқача бир маъно бордай. Ҳеч қанақа кўшимча маъно ё сир йўқ бу сўзларда, одамларимиз у сўзлар қаршисида жодуланиб қолган, холос. Натижада ўзининг тилига ишончсизлик туғилган. Демак, умумий аҳволимиз яхши эмас. Кўча тилга қайғурмаяпти, ҳисоб. Оммада шу қайғу бўлганида эди, тилига эҳтиёт бўларди ва четдан кирадиган сўзларга энг биринчи ўринда ўзи қаршилиқ қиларди. Инсонда бирор касалликка чидам қобиляти (иммунитет) камайса ё йўқолса, танаси ўша касалликка қарши курашолмай қолади. Тил ҳам ўзини химоя қилиш қобилятини йўқотса, чеккадан бостириб келган ҳар қандай сўзни қабул қилиб олаверади. Мана шуларни ўйларканмиз, тил ҳақида қабул қилинган қонун борлиги билан уни амалга киритишда изчил бўлмаётганимизни алоҳида

таъкидламоқчимиз. Тил ўз ҳолига ташлаб қўйилгандек туюлади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир биз нуфузи яқин қирқ миллионга етиб қолган катта миллатмиз ва ўзбек тили шу катта халқнинг тили. Тилимизга қайғурсак, тозалигини ўйласак, миллий шаънимизни, гуруримизни ўйлаган бўламиз.

Айрим олимларимизда, четдан сўз қўшилса тилимиз бойийди-ку, кирса нима қипти, деган хато тушунча бор. Бир тилда бор сўз устига кираётган ёт сўз тилни бойитмайди, аксинча, суриб чиқариши билан босқинчилик қилган бўлади ва мезбон тилни қашшоқлаштиради. Оммавий ахборот воситаларида тилни асраш, ҳолатини яхшилаш бўйича тинимсиз тарғибот-ташвиқот ишлари юритилиб, тил қайғусини халқ ҳаракатига айлантириб юборса бўлади. Шунда, Оллоҳ хоҳласа, яқин орада тилимиз анча- мунча тозаланиб оларди. Тил халқнинг оғзида яшайди, одамлар бир сўзни айтмай қўйса, у тил олдиниға камбағаллашади, бора-бора ўлади, дедик. Чиндан ҳам, бир нарса ё ҳодисаға мустақил от қўя олмаган тил ожиз ва нотавондир. Оллоҳға шукр, ўзбек тилимиз ҳали жуда унақа ожиз, нотавон бўлиб қолгани йўқ. Унга илгариги кудрати, қобиляти эслатилса, бир силкиниб, тезда ўзини ўнглаб олишиға ишончимиз комил. Ҳали тилимизда от қўйиш қобиляти сўнмабдими, демак, тилимиз ўлмайди. Кўнгилларимизни яйратиб, ақлларимизни шошириб узок йиллар яшайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Президент – ўзбек тили нуфузини ошириш тўғрисида. Маъруза матни. // Маърифат газетаси. 22 октябрь, 2019 й.
2. Қудратов Э. Навоийни ўқиб. Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти мударрисси маърузаси // ЎзМУ хабарлари. 2015. №3.
3. Қахҳор А. Анор. Қисса ва ҳикоялар. –Т., 2013.
4. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар. – Т.: Mumtoz soʻz, 2011. – 269 б.

HARBIY TA'LIM MUASSASALARIDA DAVLAT TILIDA ISH YURITISH MALAKALARINI RIVOJLANTIRISH

Asilova G. A.

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti professori, p.f.d.
asilovagulshan0407@gmail.com

***Annotatsiya.** Maqolada davlat tilida ish yuritishning umumiy va xususiy jihatlari, boshqaruv jarayonida davlat tilida hujjatlarni yuritish muammolari tahlil qilingan. Harbiy tashkilotlarning normativ hujjatlari misolida hujjatlarni yaratish va ular bilan ishlashga qaratilgan ta'lim yo'nalishlari ko'rsatilgan, davlat tilida ish yuritish kompetentsiyasini rivojlantirishning ahamiyati asoslab berilgan.*

***Kalit so'zlar:** o'zbek tili, davlat tili, ish yuritish, hujjat, boshqaruv hujjatlari, normativ hujjatlar, elektron hujjatlar, harbiy ta'lim.*

Har bir mamlakatning ichki va tashqi iqtisodiy, siyosiy, madaniy aloqalari muayyan hujjatlarda aks etib boradi. Bu esa hujjatlarning o'ziga xos turlari yaratilishini hamda har bir tilda hujjatlarni yuritishning me'yoriy shakllari va ularni

rasmiylashtirish qoidalari ishlab chiqilishini taqozo etadi. Hujjatchilik boshqaruv tizimi va uning taraqqiyotini aks ettiradi.

Ish yuritish amaliyoti yillar mobaynida shakllanib kelgan bo'lib, tashkilot faoliyatining tezkorligi va samaradorligini ta'minlaydi. Boshqaruv tizimida hujjatlar bilan ishlash me'yorlari, qoidalari va talablariga amal qilmaslik muhim ma'lumotlarning yo'qolishi, qabul qilingan qarorlarning ijrochilarga o'z vaqtida yetib bormasligi, tashkiliy-boshqaruv aloqalarining uzilishi kabi salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin. Shu nuqtayi nazardan ish yuritish, hujjatlar bilan ishlash har bir mutaxassisning ish faoliyatida alohida ahamiyatga ega.

Mamlakatimizda barcha sohalarida hujjatlarni yuritishning huquqiy asoslari "o'zbekiston Respublikasining Davlat tili haqida"gi Qonuni bilan belgilab berilgan. Ish yuritishning to'g'ri qo'yilganligi boshqaruv tizimi faoliyatining samaradorligini ta'minlashi bois bugungi kunda oliy ma'lumotli mutaxassisga qo'yilayotgan talablarga uning davlat tilida sohaga oid rasmiy hujjatlar bilan ishlash kompetentsiyasi ham kiradi.

Mamlakatimiz qonunchiligining takomillashtirib borilishi ish jarayonida qo'llanadigan hujjatlarning yangi turlari joriy qilinishi va elektron hujjatlashtirish tizimiga o'tishni taqozo qildi. Ushbu jarayonning muvaffaqiyatli kechishi hujjatlar mazmunini to'liq anglash va tushuntirib bera olish salohiyatiga, axborot hamda ma'lumotlarni qabul qilish, tayyorlash, tezkor tahlil qilish, qayta ishlash hamda ish yuzasidan muomala-muloqot yuritish malakalariga ham bog'liq. Bugungi mutaxassisning davlat tilidagi kasbiy kompetentligi, xususan, uning o'zbek tili imlosini, uslubiyat qoidalarini qay darajada egallaganligi, rasmiy ish uslubida hujjatlar matniga qo'yiladigan talablarni bilishi va ish faoliyatida ularga rioya qilishidan tashkil topadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 21-oktyabrdagi "o'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni talablarini bajarish maqsadida respublikamiz oliy ta'lim muassasalarida "o'zbek tilining sohada qo'llanishi" o'quv fani joriy qilindi. Bunga asosiy sabab muassasa, tashkilot va korxonalarda qabul qilingan hujjatlar bilan ishlash yo'riqlari va usullarini yetarli darajada bilmaslik tufayli barcha sohalarida hujjat yuritishda kamchiliklar bisyor ekanligidir. Bunday holat soha xodimlarining, avvalo, hujjatlarga xos xususiyatlarni, ularni rasmiylashtirish qoidalarini yaxshi bilmasliklaridan, ikkinchidan, hujjatlarni to'g'ri yozishga oid qoidalarini, hujjat yuritiladigan til me'yorlarini puxta o'zlashtirmaganliklaridan kelib chiqmoqda. Amaliyotda hujjatlarni yozish, ularni rasmiylashtirish borasida turli imloviy hamda uslubiy xatoliklar ko'plab uchraydi.

Harbiy muassasalarda ichki normativ hujjatlarning o'ziga xos shakllari qo'llanadi. Bu, bir tarafdand, harbiy sohadagi ijro intizomi bilan bog'liq bo'lsa, ikkinchi tarafdand, soha terminologiyasi xususiyatlari bilan bog'liqdir. Ushbu jihat harbiy ta'lim muassasalarida tinglovchilarning bo'lajakxizmat majburiyatlari doirasida qo'llanadigan ichki normativ hujjatlarni tuzishni o'rgatish zaruriyatini keltirib chiqaradi. Bunda xizmat faoliyatiga doir hujjatlarning namunalarini, masalan, bildirgi, ma'lumotnoma, majlis bayoni, yo'riqnoma, tavsifnoma, hisobot,

xizmat yozishmalari kabi hujjat turlarini o'rganish, ularni mustaqil tarzda tuzish malakalarini rivojlantirish muhimdir. Biroq amalda rasmiy-idoraviy uslubdagi hujjatlar bilan ishlash jarayonida, asosan, ularning namunalarini berish vatayyor namunalar asosida hujjat tuzish bilan cheklanib qolinmoqda. Bu esa mavjud qoliplarga ba'zi o'zgartirishlarni kiritgan holda hujjat tayyorlashdan iborat bo'lmoqda. Aslida ushbu jarayon bo'lajak mutaxassisni fikrlashga, tahlil qilishga, xulosa chiqarishga undashi, shuningdek, har bir tuziladigan hujjatga ijodiy yondashishni ham taqozo qilishi lozim. Buning uchun hujjatlarning zaruriy qismlarini yoki sxemalarini yozdirish bilan kifoyalanib qolmasdan, ulardagi nutq qoliplarini tahlil qilish, ularning o'ziga xos leksikasini o'rgatish, mantiqiy qismlarga ajratish va xulosalash malakalarini ham shakllantirish kerak. Jumladan, bo'lajak mutaxassisning kasbiy kompetentligini shakllantirishda unga kelgusida ish joyida qanday lavozim majburiyatlari yuklatilishi ko'zda tutilganligini e'tiborga olish zarur. Shundan kelib chiqib, harbiy ta'lim muassasalari tinglovchilarida davlat tilida sohaga doir normativ hujjatlarni yuritish, elektron hujjatlar bilan ishlash ko'nikmalarini shakllantirish hamda rivojlantirish muhimdir.

Hujjatlarni tuzish ko'nikma-malakalarini shakllantirish hamda rivojlantirishda turli ta'lim texnologiyalari va usullarini qo'llash tavsiya qilinadi. Hujjatlarning amalda qo'llanadigan tasdiqlangan blanklari, hujjat rekvizitlarining sxemalari, hujjatlarda uchraydigan terminlar bilan ishlashga qaratilgan amaliy topshiriqlar shular jumlasidandir.

Qayd etilganidek, davlat boshqaruvida jamiyat hayoti bilan bog'liq umumiy hujjatlardan tashqari muayyan sohaga aloqador ichki normativ hujjatlar ham mavjud bo'lib, ular o'ziga xos xususiyatlarga ega. Jumladan, harbiy sohalarda yuritiladigan hujjatlar vositasida ushbu tashkilotlarning tashkiliy-nazorat faoliyati amalga oshiriladi, ijro vahisobot tizimi yaratiladi. Ushbu yo'nalishda yuritiladigan ichki normativ hujjatlar davlat ijro hokimiyati organlari maqomiga egaligi, ularning faoliyati qat'iy reglamentga bo'ysundirilganligi, ijtimoiy muhit bilan faol o'zaro aloqada bo'lishi bilan farqlanadi. Boshqaruv tizimining asosiy maqsadlaridan biri tashkilotning barcha xodimlari tomonidan hujjatlarning bir xil yuritilishiga erishishdan iborat, shu bois har bir soha tizimi ish yuritish sohasida muayyan yo'nalishda ishlashi hamda o'z oldiga qo'yilgan vazifalarning bajarilishini ta'minlashi kerak bo'ladi.

XORIJLIKLARGA O'ZBEK TILINI O'RGATISH ORQALI MILLIY MADANIYATNI TANITISH

Sodiqova Sh. B.

TDSHU, o'zbek tili va adabiyoti
kafedrası mudiri, f.f.n., dotsent

Annotatsiya. Maqolada o'zbek tilining jahon hamjamiyatidagi mavqeyi va nufuzi ortib borganligi va davlat tilida ish yuritish kompetentsiyasini rivojlantirishning ahamiyati asoslab berilgan.

Kalit soʻzlar: oʻzbek tili, davlat tili, ish yuritish, hujjat, boshqaruv hujjatlari, normativ hujjatlar, elektron hujjatlar.

Dunyo arenasida oʻz oʻrniga ega oʻzbekistonning jahon hamjamiyatidagi mavqeyi va nufuzi ortib borgan sari, barcha sohalarida boʻlgani kabi madaniy sohada ham chet davlatlar bilan aloqalari kengayib takomillashib bormoqda. Mazkur jarayonlar, xususan madaniyat, sanʼat, adabiyot, kino, sport, moda singari sohalar qatorida oʻzbek tiliga qaratilgan eʼtiborda ham oʻz aksini topmoqda.

Bugungi kunda butun dunyoda oʻzbek tilini oʻrganishga alohida ahamiyat berilmoqda. Xorijlik yoshlarning oʻzbek tilini oʻrganishga boʻlgan ishtiyoqi, havasi kuchli. oʻzbekistonda turli sohalarida, jumladan sanʼat, taʼlim, tadbirkorlik, siyosat bobida oʻz faoliyatini olib boorish istagida boʻlgan xorijliklar davlat tilini mukammal bilishga intilmoqdalar. Bugungi kunda oʻzbekistonning qator oliy taʼlim muassasalarida, xususan, Toshkent davlatsharqshunoslik universitetida oʻzbek tilini intensiv oʻqitish borasida uzoq yillik tajriba mavjud.

Bugungi kunda oʻzbekistonda mazkur faoliyatni amalga oshirishda, yaʼni xorijliklarga oʻzbek tilini oʻrgatishda qator darslik, oʻquv qoʻllanmalar chop etilgan. Ular jumlasiga Kissen, Sh.Rahmatullayev kabi atoqli tilshunoslarimizning, mustaqillik yillarida A.Rafiyev, N. Mahmudov, R. Tolipova singari olimlarimizning xizmatlari eʼtiborga loyiq. Ammo xorijliklarga oʻzbek tilini oʻrgatish uchun darsliklar taqchilligi masalasi mavjud. Xorijliklarga moʻljallangan birnecha bosqichli, salmoqli oʻquv adabiyotlarga boʻlgan ehtiyoj katta.

Taʼlim tizimini yangilash, ilmiy uslubiy jihatdan zamonaviy usullar va adabiyotlar bilan taʼminlashga zarurat kuchli. Axborot texnologiyalari asri oʻquv adabiyotlar oldiga yangidan yangi talablarni qoʻymoqda, til oʻqitishning interfaol usul va vositalarni qoʻllashni taqozo etmoqda. Maʼlumki til taʼlimi jarayonini zamonaviy usul va texnologiyalar yordamida tashkil etish bilan til taʼlimi sifatini oshirishga erishiladi.

Zamonaviy til oʻqitish metodikasi oʻzbek tilini xorijiy til sifatida intensive va oson usullarda oʻrgatish imkonini beradi. Mazkur usullardan foydalangan holda oʻquv adabiyotlarini zamon talabiga mos ravishda yaratish muhim masalalardan biridir. Til oʻrgatish bilan bir qatorda milliy madaniyatimizni ham tanitib borishimiz lozim.

Xorijiy tillarni oʻqitish borasidagi koʻp yillik tajribalar tilni amaliyotda qoʻllash, jonli muloqotda oʻrganish orqali samarali natijalarga erishish mumkin. oʻzbek tilini xorijiy til sifatida oʻqitish jarayonida darslarda ogʻzaki va yozma nutqni hakllantirish, rivojlantirish, oʻrganuvchilarda tinglash koʻnikmalarini hosil qilish, soʻz boyligini oshirish maqsadida turli xil usul va texnologiyalardan foydalaniladi.

Oʻquv vadabiyotlari, jumladan darslik, oʻquv qoʻllanma, soʻzlashgichlar roʻqish, tinglash, soʻzlash, yozish, tarjima qilish malakasini egallashni nazarda tutadi. Mazkur adabiyotlarda matn bilan ishlash alohida oʻringa ega.

Ushbu maqolamizda zamonaviy darsliklarda matn tanlash, uning mazmuni masalasiga eʼtibor qaratmoqchimiz. Xorijliklarga oʻzbek tilini oʻrgatishdan maqsad

ularda yozma va og‘zaki nutq ko‘nikmalarini hosil qilish va rivojlantirish bilan bir qatorda ularga o‘zbek madaniyatini tanitish hamdir.

O‘zbek tilini intensiv o‘qitish birnecha bosqichlardan iborat jarayondir. o‘zbek tilini chet tili sifatida o‘qitishda kompleks yondashuv zarur. Dars jarayonida tinglab tushunish, suhbatlashaolish, matnni o‘qish, matn hosil qilish, tarjima qilish amaliy ko‘nikmalari hosil qilinadi. Odatda ma’lum darajada so‘z boyligiga ega bo‘lgandan so‘ng matn bilan ishlash boshlanadi.

Xorijliklarga o‘zbek tilini o‘rgatish uchun mo‘ljallangan darsliklar boshlang‘ich va davom ettiruvchi bosqichlar uchun mo‘ljallangan bo‘ladi. Ularda berilgan leksikani boyitish uchun yo‘naltirilgan mashqlar, lug‘atlar va tanlangan matnlar aksariyat hollarda “Oila”, “Oshxonada”, “Kiyim do‘konida”, “Sayohatlarim haqida”, “Do‘stimga xat”, “Mehmonda” singari ko‘plab mavzulargabag‘ishlangan. Bunday materiallar orqali milliy madaniyat, ma’naviyat, an‘ana, urf-odat kabi tushunchalarni qanday yoritib berish mumkin?

Quyida xorijliklarga o‘zbek tilini o‘rgatishda matntanlash borasidagi o‘z tajribalarimiz bilan o‘rtoqlashamiz.

Boshlang‘ich bosqich uchun mo‘ljallangan darsliklarda, odatda kundalik-maishiy mavzulardagi matnlar beriladi. Ularda ham xalq madaniyati, ma’naviyati, urf-odatlar, taomillari, qadriyatlarini singdirish mumkin.

Masalan, oila mavzusidagi “Mening oilam” matnni tahlil qilib ko‘rsak. Mazkur mavzu egalik qo‘shimchalari tanishtirilgandan so‘ng beriladi. Ularda hali fe‘l zamonlari o‘rgatilmaganligi sababli “bor” yoki “yo‘q”, “katta”, “kichik”, “inoq” singari ot kesimli gaplardan iborat bo‘ladi va holat dastlabki tanishuv bosqichida samarali natija beradi. “Oila” mavzusida berilgan matnda ham milliy madaniyatni ifodalas himkoni mavjud.

Misol uchun qavm-qarindoshlik nomlari va ularning yaqinlik darajasi haqida tushuncha beriladi. Avvalgi darslarda berilgan -lar ko‘plik qo‘shimchasi haqida ma’lumotni yodga tushirib, oila a‘zolarini tanishtirayotganda qarindoshlik nomlariga -lar qo‘shimchasi qo‘shilganda o‘zbek tilida ko‘plik ma’nosidan tashqari hurmat ma’nosini ham ifodalashi mumkinligi qayd etiladi. Bu sharqona, o‘zbekona odobning bir ko‘rinishi ekanligi iuqtirib o‘tiladi.

Yoki “qayerda ovqatlanish mumkin” mavzusidagi suhbat doirasida “o‘zbek milliy taomlari” matnini berish mumkin. Mazkur matnda ovqatlanish haqidagi soda shakldagi qurilmalar keltiriladi. Matnda taomlarning nomlari, xilma-xilligi haqida so‘z boradi. Gap orasida “palov” haqida uning o‘zbek madaniyatidagi o‘rni haqida tushuntiriladi. Manashu kabi ma’lumotlar ham o‘zbek ona madaniyatni yaqqol namoyish etadi.

Mavzu bevosita an‘analar, rasm-rusm haqida ham bo‘lishi mumkin. Bunday holda “o‘zbek urf-odatlar” matnini keltirish mumkin. 12-14 gapdan iborat matnda sodda qurilmalar orqali o‘zbek xalqining turli xil to‘y marosimlari, osh, kelin salom, singari udumlar, milliy cholg‘u asboblari haqida ma’lumotlar beriladi. Bularda ham albatta, o‘zbekona madaniya taks etadi.

“Sayohatlar” mavzusidagi suhbat jarayonida “o‘zbekiston” haqida matn kelturish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Uning yordamida ham milliy madaniyat, milliy

an'analar haqida ma'lumotlar taqdinetish mumkin. Mazkur matn dialog shaklida ya'ni ikki do'stning o'zbekiston bo'ylab qilgan sayohati haqidagi suhbat tarzida bo'lishi mumkin. Unda o'zbekistonning tarixi, qadimiy shaharlar, memoriy obidalar, mashhur allomalar haqida ma'lumotlar jamlanadi.

Mehmon kutish madaniyati haqidagi shuhbat doirasida "Mehmonda" matnini berib, sodda qoliplar yordamida o'bekona mehmonnavozlik haqida ma'lumotlar keltirilishi mumkin. Bu borada ham o'zbek xalqining mehmondo'stligini, sertavozeligini namoyish etish mumkin.

Mantlarning umumiy mazmuni, unga moslab keltirilgan rasmlar, matn yuzasidan bajarilgan mashqlar hamma hammasi jamlanganda milliylikni namoyish etishga qaratilgan bo'lishi zarur.

Davom ettiruvchi, ikkinchi bosqichda esa og'zaki va yozma nutqni o'stirish uchun ayni shu vashunga yaqin mavzular tanlanishi mumkin. Ammo ularda murakkabroq qoliplardan foydalaniladi. Leksikani boyitish uchun esa frazeologik iboralardan, maqollardan foydalaniladi. Mashqlarda esa leksemaning o'rniga frazeologik ibora tanlang, maqollarni sharhlang, jumlani davom ettiring kabi vazifalar topshiriladi va shu o'rinda albatta murakkabroq matn tanlanadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, har qanday til o'zida milliy ruhni mujassam etadi. Til o'rganish asnosida, albatta, milliy voqelik bilan to'qnash kelinadi. Agar darslik va o'quv qo'llanmalarda berilgan materiallarga milliylik singdirilsa maqsadga muvofiq bo'ladi, deb o'ylaymiz.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Салишева З. И.

ЎзДЖТУ, Ўзбек тили назарияси ва амалиёти
кафедраси доценти, ф.ф.д.(PhD)

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек тилини она тили ва иккинчи тил сифатида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, тил билишнинг компетенциявий даражалари, шунингдек, ўзбек тилининг хорижий давлатларда ўқитилиши масалалари ва бу борада эришилган ютуқлар ёритилган.*

***Калит сўзлар:** модел, компетенция, нофилогик, миллатчилик, ниқоб, қудрат, эрк, бурч, маънавият.*

Маълумки, мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий модели" асосида таълим соҳасида ўтказилган жиддий ислохотлар натижасида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим турларини ўз ичига олган ва мажбурий умумий ўрта таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичларига, улардан эса олий таълим босқичларига босқичма-босқич ўтилишини таъминловчи узлуксиз таълим тизими яратилди, таълим тизимига компетнциявий ёндашув жорий қилиниб,

барча фанлар бўйича ўқув дастурларининг мазмуни ҳам ушбу даражавий меъёрлар талаблари асосида қайта кўриб чиқилди. Бугунги кунда 11 йиллик умумий ўрта таълим мактаблари учун ушбу стандарт талаблари ва янгиланган ўқув дастурлари асосида модернизациялашган дарсликлар яратилди. Ушбу дарсликлар янги замонавий педагогик технологияларни қамраб олганлиги билан ҳам аввалгиларидан тубдан фарқланади.

Бироқ таълим соҳасининг ислохотига киритилаётган бу ўзгаришлар қанчалик муҳим бўлса-да, таълим соҳасидаги сифат самарадорлиги ҳали юқори даражада эмас. Маълумки, бу йил “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилинганига 31 йил тўлди. Ўтган вақт ичида биз ўзбек адабий тилининг ривожига анчагина ютуқларни қўлга киритдик. Бироқ етишиб чиқаётган кадрларнинг она тилидаги саводхонлиги, халқимизнинг нутқ маданияти, республикамизда яшайдиган турли миллатлар вакилларининг давлат тилини билаш даражасини қониқарли дея олмаймиз. Бу барчамизнинг олдимизга Нима қилиш керак? Қаерда хатога йўл қўйяпмиз? деган ўринли саволларни қўйяпти. Аксарият ҳолларда тестлар ўрнига иншоларни қўйиш, баҳолаш тизимини ўзгартириш каби фақат назорат турларига алоқадор таклифлар ушбу муаммоларнинг ечими сифатида ўртага ташланыпти, таълим жараёни шакллари ўзгартириляпти. Бироқ натижа яхшиланаётгани йўқ, айтиш мумкинки, камчиликлар оммавийлашиб бoryпти. Бизнингча, масалага чуқурроқ қараш, республикамизда ўзбек тилини ўқитишда камчиликларнинг илдизини топиш ва уларни бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўриш керак. Шу нуқтаи назардан республикамизда давлат тили таълими бўйича ДТС талабларини янада такомиллаштириш ва уни ўрганишга эҳтиёжни кучайтириш масалаларига тўхталиб, бу борадаги айрим мулоҳазаларни билдирмоқчимиз.

Маълумки, жаҳондаги етакчи мамлакатларда амал қилаётган халқаро CEFR даражалари тизимини республикамизда чет тилларни ўқитишга татбиқ этишнинг самарали натижалари компетенциявий ёндашувни барча фанларни ўқитишга жорий этишга олиб келди: умумтаълим ва ўрта махсус таълим босқичида ўқитиладиган барча фанлар бўйича ҳар бир таълим босқичида ўқувчилар эгаллашлари керак бўлган билимларнинг компетенциявий даражалари белгиланди ва шу асосда давлат таълим стандартлари талаблари такомиллаштирилди. Жумладан, мазкур такомиллаштирилган ДТСда узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишнинг компетенциявий даражалари белгилаб берилган. Бунда умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлар учун А1, 5-9 синфлар учун А2, ўрта махсус таълимни битирувчилар (айни вақтда юқори 10-11-синфлар битирувчилари учун ҳам) В1 даража, нофилологик йўналишдаги ОТМлар битирувчилари учун В2, филологлар учун эса С1 даража этиб белгиланган. 5-9 синфлар учун А2 даражада боғланишли нутқ бўйича ўқувчилар оммабоп материаллар (газета, шахсий ва электрон хатлар) мазмунини сўзлай олиши; 11-15 гап ҳажмида боғланишли матн туза олиши, А1+ даражада фикр баён қилиш учун зарур бўлган инкор, тасдиқ ва буйрукни ифодаловчи воситаларни нутқда тўғри

қўллай олиши;боғланишли нутқ элементларидан тўғри фойдаланган ҳолда содда матн туза олиши белгиланган. Бироқ ушбу талаблар А2+ даражада ривожлантирилмаган, С1 даража бўйича эса аниқ талаблар белгиланмаган. Кўринадики, ўзбек тилини ўқитиш бўйича компетенциявий талаблар республикамизда чет тилларни ўқитиш бўйича билимлар даражасига қўйиладиган талаблар билан бир хил. Бироқ, афсуски, олий таълим муассасаларида миллий гуруҳларда “Она тили” фанининг ўқитилмаслиги асосий кўпчиликнинг мактаб ва ўрта махсус таълимга қўйиладиган В1 даражада қолиб кетишларига, нофилологик олий таълим муассасаларида “Ўзбек тили” фанининг ўқитилиши борган сари қисқариб бораётгани русийзабон талабаларга ҳам республикамизнинг давлат тилини В2 даражада ўзлаштириш имконини бермаётганлиги эътиборга олинса, бу ҳолат республикамизнинг давлат тилини В1 даражада билишлари кифоя, деб ҳисоблашга, ўзбек тилининг мукамал даражасини кўрсатувчи С2 даража ҳеч кимдан талаб этилмаслигига олиб келмоқда.

Жаҳон дидактикасида тилни она тили сифатида ўқитиш ва чет тил сифатида ўқитиш бир-биридан кескин фарқланиши, тилни она тили сифатида ўқитилаётганда даражавий талаблар юқори туриши, бунда ўқитиш методикаси ҳам ўзгача кетиши, яъни она тили сифатида ўқитилганда таълим йўналиши пастдан юқорига қараб, иккинчи тил ёки чет тили сифатида ўқитилганда юқоридан пастга қараб ташкил этилиши самарали бўлиши таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам, она тили таълимида тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмаларига эга бўлган таълим олувчилар билан ишлаш керак бўлади. Бундай ҳолатда ўқувчида мавжуд нутқий кўникмаларни коррекциялаш, уларга грамматик қоидаларни ўргатиш орқали хатоларини тўғрилаш, оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлигини яхшилаш устида ишлаш керак бўлади.

Иккинчи тил таълим ва чет тилини ўқитишда эса таълим олувчиларни ўрганилаётган тил қоидалари билан таништириш ва шу асосда нутқ тузишга ўргатиш керак бўлади. Бу ҳолатда ҳам тилни тил муҳитида ўқитиш ва тил муҳити бўлмаган жойда ўқитиш жиҳатлари ҳам эътиборга олиниши керак бўлади.

Кўринадики, ушбу таълим олувчилар учун бир хил даражавий талабларнинг қўйилиши, бизнингча, тўғри эмас. Тилни она тили сифатида ўқитишда А1 даража талабалари мактабгача таълим муассасаларига тўғри келади. Яъни, она тили таълимида болаларни мактабга ушбу даражавий талаблар асосида суҳбатдан ўтказиб қабул қилиш, бошланғич таълим учун эса А2 даража талабларининг белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Республикамизда таълим бошқа тилларда таълим олаётган ўқувчиларнинг аксарияти ўзбек ва қариндош туркий тиллар оиласига мансуб тил соҳибларининг фарзандлари эканлиги, ҳатто қариндош бўлмаган рус тили соҳибларининг ҳам тил муҳитида яшаб вояга етаётганлари уларни ҳам мактабга А1 даража талабалари асосида қабул қилиш мумкинлигини кўрсатади. Афсуски, ҳозирги кунда ўзбек тилини ўқитишда ўқувчиларга қандай сўзлаш ва ёзишни ўргатишдан кўра кўпроқ қайси ҳодиса нима деб аталишига урғу

бериляпти. Жумладан, мактаб таълимида она тилини ўқитишда ўқувчиларга пайт маъносини билдириш учун қандай воситалардан фойдаланиш керак, сабаб маъносини ифодалаганда қайси воситани қачон ишлатиш кераклиги ўргатилмайди, қўшма гаплар қандай воситалар билан боғланишига кўра турларга ажратилиши ҳақидаги маълумот билан таништирилади. Афсусланарли томони яна шундаки, нутққа ўргатиш асос қилиб олинган ўзбек тилини таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишда ҳам она тилида бериладиган назарий маълумотлар киритилмаса, у жиддий хато сифатида қабул қилиняпти.

ДТС талабларида ўзбек тилидан фанга оид белгиланган компетенцияларнинг барчаси нутқий компетенцияни шакллантиришга хизмат қилиши, яъни таълим олувчиларда ўзбек тилидан эгалланган билимлар асосида амалий нутқий кўникмаларни шакллантириш, уларни босқичма босқич нутқий малакага айлантириб бориш ҳамда ушбу билим, кўникма ва малакаларни турли мулоқот вазиятларида эркин қўллаш лаёқатини таркиб топдиришга қаратилиши белгилаб қўйилган. Буни амалга ошириш учун тил таълими дарсларида ҳар бир дарс жараёнида тил фаолиятининг барча турлари: нутқ материалини тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш амаллари бўйича бир йўла иш олиб борилиши ҳамда, бизнингча, ДТС даражавий талаблари мазмуни такомиллаштирилиши зарур.

Бугунги кунда бутун дунё давлатларининг миллий таълим тизимида чет тилларини ўрганиш давлат аҳамиятига бўлган, жамиятнинг диққат марказида бўлган жараёнлардан ҳисобланади. Ўзбек тилини ўрганиш бугунга келиб дунёнинг кўплаб давлатларида талаб, эътибор кучли бўлган тиллардан бири ҳисобланмоқда. Ўзбек тилининг тарғиб қилиниши, унинг оммалашиб бораётганлиги ХХІ асрга келиб, тилимизнинг нуфузига бошқача тус бермоқда, кундан-кунга ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Биринчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ўрни, мавқеи ошиб бораётганлиги, энг тезкор тараққиёт билан ривожланиб бораётганлиги, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлаётганлиги ҳам ўзбек тили, маданияти ва бой тарихига бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Иккинчидан эса, ўзбек халқи маданияти эришган ютуқлар, унинг қадимий тарихий обидалари, адабий ёдгорликлари, ўзбек адабиётининг шоҳ асарлари бутун дунёдаги адабиёт ва тарих ихлосмандларининг ҳам эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Бугунги кунда ўзбек тилиАҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабида ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Москва давлат университетида ўзбек тили 70 йилдан ортиқ вақт давомида ўрганилиб келинмоқда. ОАМИ ташкил этилишидан олдин (1943 йилдан 1956 йилга қадар) ўзбек тили Москва давлат университетининг филология факультети тасарруфидаги турк филологияси кафедрасида ўқитилиб келинган. 1956 йил Москва давлат университети

қошида Шарқ тиллари институти ташкил топгандан сўнг Институт доирасида турк филологияси кафедрасида ўзбек тилини ўқитиш давом эттирилди. 2008 йил ОАМИда Ўрта Осиё ва Кавказ мамлакатлари кафедрасининг ташкил топиши ва унда ўрганилаётган минтақа тиллари, шу жумладан, ўзбек тилининг “Асосий шарқ тили” фани сифатида ўқитила бошланиши институтда Марказий Осиё тилларини ўрганиш жараёнида туб бурилиш ясади десак муболаға бўлмайди. Марказий Осиё тилларини, шу жумладан, ўзбек тилини ўрганиш, унинг нуфузини янада кўтариш ва ўқитиш сифатини ошириш долзарб вазифалардан биридир. Шу боис бугунги кунда ўзбек тили ва адабиётининг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли каби мавзуларда муҳим илмий изланишлар олиб борилмоқда, луғатлар, энциклопедиялар, монография ва ўқув қўлланмалар нашр этилмоқда. Илмий-педагог кадрларни, ўзбек тили ва адабиёти мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Асосий шарқ тили сифатида, юқорида қайд қилинганидек, ўзбек тили МОваК мамлакатлари кафедрасида бакалавр дастури бўйича 4 йил давомида, сўнгра магистратурада ўрганилади. Бакалавр талабалари учун “Ўзбек тили” курсини ўқитиш 2010 йилда бошланган. 2014 ва 2017 йилларда тарих бўлими гуруҳларига иккинчи ва учинчи қабул амалга оширилди. Шунингдек, МДЛУда ўзбек тилининг 2010 йилдан ўқитила бошланганлигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиздир.

Шу билан бир қаторда таълим беришда асос бўлиб хизмат қилаётган ўқув-услубий таъминот ҳақида сўз юритмоқчимиз. 2012 йилда Москва давлат университети профессори Д.Насилов ва ЎзДЖТУ профессори Х.Муҳитдиновалар ҳаммуаллифлигида “Ўзбек тили” дарслиги, Г.Х.Боқиева, Б.Х. Қораева, Е.Н. Коршуновалар томонидан яратилган «Узбекский язык для стран СНГ» ўқув қўлланмаси нашр этилди. 2018 йилда МДУ қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлиги доирасида МДУ доценти Д.В. Жигульская ва ЎзДЖТУ фалсафа дотори (PhD) З.И.Салишева, катта ўқитувчилар З.Ж.Усманова, Д.З. Пўлатовалар ҳаммуаллифлигида «Узбекский язык. Тексты и типовые примеры» ўқув-методик қўлланмаси, МДУ доценти Т.Махаматов, Т.Лосева-Бахтиярова ва ТДШУ доценти Х.Хамидовлар ҳаммуаллифлигида “Ўзбек тили (матнларнинг амалий таржимасига асосланган ўқув қўлланма) ўқув қўлланмаси нашр қилинди. Шунингдек, 2018 йилда Танем Валерьевна Лосева-Бахтиярованинг «Асосий шарқ тили. Ўзбек тили» ўқув фани дастури нашр этилди. 2018 йил 11-12 февраль кунлари ОАМИда бўлиб ўтган “Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва бугунги кун”, 2020 йил февраль ойида ОАМИ ташаббуси ва Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонаси кўмагида ўтказилган “Бобурнинг интеллектуал мероси” халқаро илмий-амалий анжуманларининг муваффақиятли ташкил этилганини алоҳида эътироф этиш мумкин. Шубҳасиз, тил бошқа миллат маданияти ва менталитетини ўрганишда ва англашда ўзига хос асосий қалитдир. Бу борада хорижлик талабаларнинг Ўзбекистонда амалиёт ўтиши

уларнинг ўзбек тилини ўрганишдаги асосий натижаларини кўрсатувчи омилдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка. – М.: Изд-во МГЛУ (русская версия), 2003. – 256 с.
2. Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз мажбурий таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар / Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари. –Т., 2017.

НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАКРОРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК АҲАМИЯТИ

Асқарова Ш. К.

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti
G'arb tillari kafedrası dotsenti, f.f.f. doktori (PhD)

***Аннотация.** Мақола Навоий асарларида такрорнинг лингвопоэтик аҳамиятига бағишланган.*

***Калит сўзлар:** такрор, стилистик усул, таржима, мазмун, адабиёт, бадиий асар.*

Дунёда турли халқ вакиллари мавжуд экан, улар нафақат ўз она тили, балки унга қардош ва қардош бўлмаган тиллар гўзаллигидан ҳам баҳра олиб яшашга интилади, чунки нодир асарларнинг вужудга келиши тил ва миллат танламайди. Зеро, бундай асарлар доимо ўз ишининг устаси таржимонларга муҳтож. Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгунига қадар ўзбек тили ва адабиётида яратиладиган таржималар доимо воситачи тилга эҳтиёж сезган. Ўша пайтдаги тузум ва шароит бевосита таржимага ҳеч қандай имкон бермас эди. Бугунги кунда жаҳондаги жуда кўп тилларни ўрганиш имконияти бевосита таржиманинг ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлади. Алишер Навоийнинг мазкур тадқиқот объекти бўлмиш такрор ифода усулига берган таърифни келтириш мақсадга мувофиқ. Навоий асарларида учрайдиган бадиий санъат ва шеърий унсурлар орасида такрор (такрир деб берилган) ўзининг алоҳида ўрнига эга. Бунда дастлаб такрорнинг ифода ва ҳис-туйғуни кучайтириш хусусиятига аҳамият берилган.

Маълумки, мумтоз ўзбек шеъриятида такрорга асосланган санъат қайтариш санъати деб юритилган. Ушбу санъат хусусида, жумладан, шундай фикр юритилади: “Қайтариш санъати поэтикага доир анча-мунча манбаларда “радд ул-ажуз ил-ас-садр”, баъзиларида эса “мутобика”, айримларида “тасдир” деб юритилган. Демак, мазкур санъат “радд ул-ажуз ил-ас-садр” деб юритиладиган бўлса, байтда “ажуз”нинг “садр” ўрнида қайтарилиши деган маъно келиб чиқади. Бу санъатнинг турлари кўп – адабиётшуносликда, уларнинг тури эллиқдан ошади². Шу сабабли санъатни “радд ул-ажуз ила-ас-

² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 362.

садр” деб эмас, балки жамловчи ном – “қайтариш санъати” деб аташ ўринлидир³.

Арузда ёзилган шеър байтининг биринчи қаторида такрорланиб келувчи бирликлар баъзи бир илмий адабиётларда “такрир” кўринишида берилган. Алишер Навоий асарларидаги санъатлар қомусий луғатида таъкидланишича, “Такрир (ар. – қайтариқ) – сўз такрорига асосланган лафзий санъат. Бунда шоир бир сўз ёки иборани икки ёки уч марта такрорлаш орқали муайян фикрга урғу беради, ҳис-туйғулари, ҳаяжонини янада кучайтириб ифодалайди. Сўз ёки ибора кетма-кет ҳам, байт ёки шеърнинг турли ўринларида ҳам такрорланиши мумкин. Мас.:

*Итмен мен, улусқа ормен мен,
Бошдин-оёғи фигормен мен”.*

Навоий муаллифлигидаги қуйидаги ғазалнинг Йўлдош Парда томонидан амалга оширилган инглиз тилидаги таржимаси⁴ ҳамда ундаги такрорнинг иштирокини таҳлил этамиз:

*Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?!*

Инглиз тилида

*Is it of her arched brows I should speak, or of the darkness of her eyes?
Or of the pain and the sorrow that both have caused my heart?*

Таржимон томонидан маъно-мазмунни сақлаш дастлабки режа бўлгани боис ўзбек тили билан чоғиштирилганда инглиз тилида сўзлар миқдори анча кўп. Ўзбек тилида такрор ҳолда келган *дейин* сўзи (эга яширин келган) инглиз тилида *I should speak* тарзида (бунда ифода гап ҳолатида келганини кузатиш мумкин) ифодаланган бўлиб, фақат бир марта берилган, лекин ушбу бирикма кўшма гапнинг ҳар икки томонига ҳам тегишли эканлиги англашилиб турибди. Унинг ўрнига инглиз тилида эгалик кўшимчаси мавжуд эмаслиги сабабли *of her* бирикмаси такроран келган. Мазкур лингвистик ҳодиса ҳам таржимада мисранинг узайиб кетишига таъсир этган. Шу туфайли такрор инглиз тилидаги таржимада такрорлик хусусиятини йўқотган.

*Кўзи қаҳринму дейин, киприки заҳринму дейин,
Бу кудурат аро рухсори сафосинму дейин?!*

Инглиз тилида:

*Is it of the cruelty of her eyes I should speak, or the poison of her eyelashes?
How should I speak of her radiant face in the midst of all this sorrow?*

Моҳият эътибори билан қараганда аслиятда ғазал ҳазажи мусаммани маҳзуф тарзида ёзилган ва ички қофия ҳам мавжуд бўлиб, “қаҳринму”, “заҳринму” сўзлари оҳангдорликни таъминлаган. Ички қофия тўлиқ шаклда бўлса, “заҳринму”, “сафосинму” сўзлари нотўлиқ қофияни ҳосил қилган.

*Ишқи дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,
Бу қаттиқ дард аро васлининг давосинму дейин?!*

³ Исҳоқов Ё. Қайтариш санъати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – №3. – Б.85.

⁴ Навоий А. Уммондан дурлар. – Т., 2000. – 104 б.

Таржимада мазмунни сақлаш учун бўғинлар сони бироз номуносивбликка учраган.

Инглиз тилида:

Should I speak of the pain her love has caused or of the heartache of parting from her?

Or perhaps I should rather speak of the healing balm of seeing her in the midst of my affliction?

Мазкур сатрлар таржимада жуда ҳам узун тасвирлангани, айрим сўзлар бироз ортиқча қўллангани боис биз бу ўринда ўзимизнинг таржимамаизни таклиф этамиз:

Should I speak her love's pain or the heartache of parting from her?

Or perhaps I should speak of the healing balm of her in my affliction?

Байтдан англашилиб турибдики, инглиз тилидаги иккинчи вариантда кофия ҳам, маъно ҳам путур етмаган ҳолда сақланган.

Зулфи долинму дейин, лаъли каломинму дейин,

Бирининг қаддин, яна бирининг адосинму дейин?!

Инглиз тилида:

Or should I speak of her flowing cuds or of the words pronounced by her lips,

Or should I describe the fineness of the former and the tenderness of the latter?

Эгалик қўшимчаси иштирокида келган *лаъли каломинму* изофаси инглиз тилида *of the words pronounced by her lips* тарзида ифодаланган бўлиб, сўзлар нисбати 2х7 шаклидадир. Кейинги мисрада ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоий тилининг мукамаллиги, ихчам ҳамда пурмаънолиги учун ҳам таржимон эътиборини асосан мазмун-моҳиятга қаратган ҳолда ўзбек тилидаги ҳар бир сўзнинг инглизчада қўлланишига ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган.

Турфа ҳолинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,

Мовий қўнглак узра гулрангни қабосинму дейин?!

Инглиз тилида:

Or should I speak of the changes of her moods or of the slegnderness of her form,

Or is it the crimson cape over her blue dress I shoud describe?

Агар Навоийнинг *дейин* радифининг инглизчасини *should I speak* ёки *I should speak* тарзида қабул қилсак, юқоридаги мисрада такрорга инглиз тилида амал қилинмаган, яъни *I shoud describe* ҳолида ифодаланган (*describe-тасвирламоқ*). Қолаверса, аслиятда Навоий томонидан бўғинлар нисбати ўзига хос ҳолда қўлланилган бўлиб (7+8 яъни ҳар бир 15 та бўғиндан иборат), улар таржимада нафақат узунроқ акс эттирилган, балки мисралар орасида ҳам номуносивбликка йўл қўйилганини кузатиш мумкин (масалан, дастлабки қатордаги бўғинлар сони 17 та, иккинчи қаторда 14 та, учинчисида 20 та, тўртинчисида эса 18 та ва ҳ.к.). Ваҳоланки, шеърят таржимасининг асосий шартлари энг аввало, мисралар мазмунини аслиятдагидек сақлаш бўлса, унинг

жарангдор ва жозибали чиқиши учун бўғинлар миқдорининг мувозанати ҳам аҳамиятлидир.

*Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,
Жонима ҳар бирининг жабру жафосинму дейин?!
Инглиз тилида:*

*Or should I complain of the trails of fate or the torments of the world,
Or should I speak of the sufferings both have caused my heart?*

Мазкур байт таржимасини мукаммал чиққан, дея оламиз, чунки гарчанд муаллиф ўзбек тилидаги аслиятда *чарх ранжин, даҳр шиканжин* каби мумтоз сўзлардан фойдаланган бўлса ҳам, таржимон айнан шу сўзларнинг ҳозирги инглиз тилидаги муқобилини муваффақиятли қўллай олган. Аммо яна бир муҳим жиҳат борки, *дейин* сўзи биринчи мисрада *should I complain* ибораси тарзида таржима қилинган. Бунда сўз бирикмаси ўзининг такрорлик хусусиятини йўқотган.

*Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини, айт,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?!
Бизнингча, юқорида келтирилган мисралар инглиз тилига куйидаги тарзда таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:*

*Listen, Navoiy, do not sing praises to her eyes and her brows. Say rather:
Is it of her arched brows I should speak, or of the darkness of her eyes?*

Натижада ғазал мақтаси ўзбек тилида нафис жаранглаганлиги каби инглиз тилидаги таржимада чиройли тарзда ўз аксини топади. Навоий бундан бир неча асрлар муқаддам ҳам такрор стилистик усулидан унумли фойдаланган, унга хос намуналарни шоирнинг ҳар бир асарида учратиш мумкин. Мазкур ғазал аслияти ва таржимасида ҳар бир сатрда сўз такрори (*дейин*), ғазалнинг боши ва охирида қўшма гап такрори (*Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин*) иштирок этган бўлиб, ҳар икки тилдаги гап такрорининг иштироки ҳалқа такрор (ғазалнинг боши ва охиридаги мисранинг такрори – *chain repetition*) билан ифодаланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий шеърӣ асарларида такрор (такрир)дан унумли фойдаланган. *Дейин* радифли ғазал таржимасида маъно-мазмунни сақлаш таржимоннинг дастлабки режаси бўлгани боис ўзбек тилидаги вариантга нисбатан инглиз тилида сўзлар миқдори анча кўп. Аслият ҳамда таржима асарларида такрор воқеалар ривожининг кульминацион нуқтаси тасвирида мунтазам равишда қўлланилади. Такрор орқали бадиӣ образ руҳиятининг очиб берилиши, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланиши, баён тарзи, тил хусусиятлари, хуллас, адабий асарнинг барча сатҳларида шаклий ўзига хосликларни юзага келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Қомусий луғат. Иккинчи жилд. – Т.: Шарқ, 2016. - 536 б.

2. Асқарова Ш.К. Инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг лингвистик хусусиятлари. /Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2019. – 135 б.
3. Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 654 б.
4. Навоий А. Уммондан дурлар. – Т., 2000. – 104 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик.–Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2006. – Биринчи жилд. – 680 б.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИДА БАДИИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИГА ДОИР

Атаев Ш. А.

ЎР ҚҚ Академияси Тиллар кафедраси
профессори, ф. ф. н.

***Аннотация:** Мазкур мақолада ўзбек тилининг ривожланиши йўлида ўзбек шоир ва ёзувчиларининг қўшган ҳиссаси ва уларнинг асарларида инсонни комиллик сари етакловчи ҳикматли сўзлари борасида фикр-мулоҳазалар юритилган.*

***Калит сўзлар:** ўзбек тили, адабиёт, миллат, такомиллаштириш, ривожлантириш, шеърят.*

Ўзбек халқи жаҳон харитасида кеча пайдо бўлгани қолгани йўқ албатта. Биз аслида дунё цивилизациясининг ривожига асрлар давомида ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган миллатларданмиз. Шу ўринда ўзбек тили ҳам ўзининг шаклланиш тарихига эга. Бу мавзуни бир маъруза ёки бўлмаса бир мақола доирасида ёритиб бўлмайди. Лекин шунга қарамай ўзбек тилининг ривожига катта ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг асарларига тўхталиб ўтишни лозим деб топдик. Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан ўзбек тилини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада қўйилган дастлабки қадам 1989 йил 21 октябрда амалга оширилди. Айнан шу куни она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Бундан кўзланган асосий мақсад она тилимизни мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти ва жаҳон миқёсидаги нуфузини ошириш, ёшларимизни аجدодларимиз қолдирилган бой мероси ва миллий урф-одат ва қадриятларимиз асосида таълим ва тарбия беришдан иборат. Албатта босиб ўтилган 29 йил ичида ўзбек тилимиз давлат тилига айланиш билан бирга буюк марраларга сафарбар этишга асосий омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Албатта ўзбек тилини ҳақида сўзлар эканмиз, буюк ўзбек шоири, ҳазрат Алишер Навоийни эсга олиш лозим. Унинг “Хамса”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муншаот”, “Мезон ул-авзон”, “Насоим ул-муҳаббат”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Девони Фоний” асарлари миллий адабиётимизнинг маънавий бойлиги десак хато бўлмайди. Шунингдек, Навоийнинг ғазал, рубоий, туюқ, фард, қитъа, мухаммасларини мутолаа қилар эканмиз, улар фалсафий

қарашлар билан йўғрилган. Унинг қолдирган меросини уммонга қиёс қилса бўлади.

Навоийнинг тилга оид фалсафий қарашларида асосан унинг тақдирига катта эътибор қаратиш, мавқеини кўтариш ва шу тилда сўзлашувчи халқнинг шаънини юксалтириш лозимлиги, ҳамда бу миллатдан етишиб чиққан илм аҳлини ўзга тилда эмас, балки ўз она тилисида бебаҳо бадиий асарлар яратишга ундади.

Шу ерда Амир Темурнинг “Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг” ҳикматини эсга олишини лозим деб топдик. Бунинг мантикий давоми этиб биз Навоийга қиёс қилиб “Бизнинг маънавиятимизни кўрмоқчи бўлсангиз, яратган асарларимизга боқинг” десак хато бўлмайди албатта. Бунинг яққол исботи сифатида шоирнинг “Хамса” асарини тилга олишни ўзи кифоя, унинг миллий ва умунисоний аҳамияти улкандир. Ёки бўлмаса унинг ҳикматли сўзлари ҳозир ҳам долзарблиги йўқотмаган, мисол учун қуйидаги мисраларга эътиборимизни қаратамиз:

Билмагани сўраб ўрганган олим,

Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Ёки: Оз-оз ўрганиб доно бўлур,

Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Бу ҳаёт фалсафаси айнан ўзбек тилига ёзилганлиги, шу тилга бўлган чексиз ҳурматдан далолат беради. Албатта Навоий ўзбек тилига асос солгандан ҳозирги кунга қадар асрлар давомида такомиллашиб борди. Ўзбек тилига ривожига катта ҳисса қўшган яна бир вакили, буюк шоир, ўзбек мутаз адабиётининг йирик вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўлиб, у Ҳазрат Навоийнинг ўзбек мутаз адабиёти ривожига йўлида ишларини давом эттирди. Бобур ҳақида мулоҳаза қилганимизда, албатта кўз олдимизда унинг “Бобурнома” асари намоён бўлади. Аслида бу тарихий-илмий асар ўша даврдаги Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган фазилят ва нуқсонлар, уларнинг тафаккур оламини кенглиги ва мураккаблиги билан бирга, ўша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тўлиқ манзараси ҳақида батафсил маълумот беради. Шунингдек, “Бобурнома” ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзига қамраб олган шоҳ асардир. Шу боис ўзбек тилида битилган бу тарихий ва адабий мерос дунё олимларини ҳайратда қолдирган ва қолдириб келмоқда.

Бобурнинг ғазалларини ҳам Шарқ шеърлятида ўз ўрнига эга бўлиб, Албатта бизни Бобур шеърлятида инсонни комилликка ҳиқматлари эътиборимизни тортди, мисол учун яхши инсоний ҳислатларни ўзлаштириш борасида шундай мисралар бизни эътиборимизни тортди:

Гарчи зоҳирда

тўғридектур нафс,

Жисминг уйида
ўғридектур нафс.

Бобурнинг яна бир фалсафий қараши, яъни “вафо қилган вафо кўради, жафо қилган жафо” эътиборимизни қуйидаги рубоийсида қаратди:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Албатта бу каби ҳаёт фалсафаси асрлар ошиб ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек тилини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, буюк боболаримиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўпгина шоир ва ёзувчиларимизнинг ўзбек тили ривожига қўшган улкан ҳиссасини ёшларимизга тарғиб қилиш биз ҳозирги кунда олдимизда турган асосий вазифалардан бири эканлигини эсдан чиқармаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоӣ. Ҳамса. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. – 496 б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. – 704 б.

ТИЛ – МИЛЛАТ ТАФАККУРИНИНГ ИНЪИКОСИ

Холиқова Д. А.

ҚҚ Академияси ХТМ педагог кадрлар
малакасини ошириш маркази доценти, ф.ф.н.

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек адабий тили ривожини, адабий тилнинг мустақкам мавқеини ошириш, ҳарбий соҳада давлат тилининг ўрни, таълим жараёнида давлат тилининг тутган ўрни борасида фикр-мулоҳазалар берилган.*

***Калит сўзлар:** она тили, давлат мақоми, мустақиллик йиллари, қонун, давлат тили, расмий тил, тарихий тараққиёт.*

Ҳали юртимиз ва халқимиз тўла мустақил бўлмаган мураккаб шароитда — 1989 йилнинг 21 октябрь куни Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинди. 1993 йил 2 сентабрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бир асрлик қарамликдан сўнг мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бундай катта маънавий жасорат эса халқимиз ҳаётидаги янги миллий уйғониш даврига кенг йўл очди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб, мустақкамлаб қўйилди. Натижада ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда она тилимизни тиклаш, унинг давлат тили

сифатида ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ва таъсирини кучайтириш йўлида улкан эзгу ишлар амалга оширилди. Бу борада бир жиҳат - кўплаб шаҳар ва қишлоқларимиз, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўча, хиёбон ва майдонлар, автобус ва метро бекатларига миллий кадриятларимизга мос номлар берилганини эслаш кифоя... Мамлакатимизда ҳар йили 21 октябрь кунини тил байрами сифатида нишонлаш анъанага айлангани, ўзбек тилининг қўлланиш доираси кенгайиб, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бир қатор илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалар, янги-янги луғатлар чоп этилаётгани жамият маънавий тафаккурини юксалтиришда муҳим асос вазифасини ўтамоқда.

Инсоният тарихида тилга доимо катта эътибор бериб келинган. XX аср охирида тилга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш ғояси кенг ёйилди. Бу бежиз эмас. Чунки жаҳондаги кўпгина мамлакатлар ўз мустақиллигига эришиб, миллий тиллар давлат тили ёки расмий тил мақомига эга бўлди. Айтиш жоиз, дунёдаги 200 тил бугун давлат тили мақомига эришган. Шулар орасида ўзбек тили ҳам бор. Бу ҳар биримизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиб, тилимиз софлигини сақлашда зиммамизга масъулият ҳам юклайди. Ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялаш эса биз педагоглар, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг вазифаси, бурчи ҳисобланади. Боиси тил - давлат тимсоли, мулки. Тилнинг эгаси халқ, аммо халқнинг битта вакили лоқайд бўлса ҳам тилнинг софлигига путур етади. Тил маданиятига амал қилинмаса, миллий маданиятга доғ тушади. Шу маънода ҳар бир Ўзбекистон фуқароси давлат тилида сўзлай олиш ва ҳурмат қилиш, унинг қонун-қоидаларига риоя этиши шарт[1].

Аммо, бугунги кунда адабий тил меъёрларига риоя қилмаслик билан бир қаторда лотин алифбосидаги имло қоидалари билан боғлиқ талай муаммолар мавжуд....

Она тилимизнинг бугунги мавқеи ҳақида гапирар эканмиз, унинг тарихи ва босиб ўтган йўлига назар солиш лозим. Она туркий тилимиз кейинги минг йиллик давомида кўпгина юксалиш босқичига чиққан.

- Биринчиси — IX-XI асрларга тааллуқли. Бу халқимизнинг шаклланиш жараёни тугаллигига, камолига эришган даврдир. Бунда Маҳмуд Қошғарий “Девони луғотит турк” асарини ёзди. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асари билан туркий тил нафосатини намоён этди.

Кейинчалик Олтин Ўрданинг расмий ва адабий тили турк тилининг Чиғатой лаҳжаси, яъни ўзбек мумтоз адабий тили бўлган. Таниқли рус тарихчиси А.П.Григорьев: «Ўша пайтда (ХИИИ-ХИВ асрлар) Олтин Ўрдада сўзлашув ва ёзув тили сифатида қипчоқ лаҳжаси қўлланилган бўлсада, расмий ёзишмалар ва адабий матнларда Чиғатой лаҳжаси, яъни эски ўзбек тили қўлланилган», - деб таъкидлаб ўтган.

Кейинги юксалиш даври — Темурийлар даври. Бу салтанатнинг шукуҳи, куч-қудрати, жаҳон сиёсатидаги беқиёс мавқеи туркий тилнинг тақдирига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Давлатнинг она тилини қўллаб-қувватловчи сиёсати

туфайли жаҳон маданияти майдонида буюк Алишер Навоий пайдо бўлди. Алишер Навоий ўзигача мавжуд бўлган туркий тили ривожланишини янги кенгликларга олиб чиқди, адабий тилимизнинг асосларини белгилаб берди. Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус” (Тўрт улус тарихи) китобида: Султон Муҳаммад Ўзбекхон ўзининг эл улуси билан илоҳий саодат ва фазилатга етишгач, ҳазрати Сайид Отанинг ғайб ишорати ва оллоҳнинг инояти билан уларнинг барчасини Мовароуннаҳр диёри сари олиб келди. Ҳазрати Сайд Отага кулоқ солишдан бўйин товлаганлар бу саодатдан бебаҳра ҳолда у йерда (Дашти Қипчоқда) қолдилар ва “қалмоқ” деган номга мансуб бўлдиларки, бунинг маъноси “қолган” демакдир. Ҳазрати Сайд ҳамда Султон Муҳаммад Ўзбекхон билан ҳамроҳликда Мовароуннаҳрга келган кишилардан: “Бу келган кишилар ким?” деб сўрадилар. Уларнинг сардори ва подшоҳи Ўзбекхон бўлгани учун уларни “ўзбек” деб атадилар[2]. Шу сабабли ўша замондан бошлаб Мовароуннаҳрга келган кишилар “ўзбек” деб атала бошланди. XVI аср бошларида Шайбонийхон бошчилигидаги қавмларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши билан маҳаллий аҳоли таркибида “ўзбек” ларнинг нуфузи янада ортган ва аста-секин бу ном туркий аҳолининг умумий номига айланган. Бу эса туркий тилнинг тобора кенгайиши ва нуфузи ошиб боришига кенг имконият яратиб берган.

Бу лутфкор тил токи XX аср бошигача ўз латофатини йўқотмади. Афсуски Чор Россияси истилоси ва унинг давоми ўлароқ қарийб бир асрга чўзилган Совет тузуми тилимизнинг нафақат обрўси, унинг гўзаллиги, мазмун-моҳиятини ҳам издан чиқариб юборди...

Ниҳоят, — мустақиллик арафасида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимиздаги мавқеи юксалди. Ўзбек миллати турли хил ва шаклдаги мустамлакачилик сиёсатига қарамасдан, асрлар оша ўз тили, урф-одатлари, қадриятларини асраб-авайлаб келди. Унинг Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Огаҳий, Фурқат, Муқимий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби минглаб фидойи ва донишманд фарзандлари она тилининг эътибори, мавқеи, тозаллиги, тушунарли бўлиши, миллий асосдан узоқлашмаслиги учун кураш олиб бордилар. Ўзбек тилининг нафақат миллий, балки умуминсоний, умумбашарий тушунча ва қадриятларни ҳам ифодалай олиш қобилияти ҳеч бир тилдан қолишмаслигини амалда исботладилар. Нафақат мамлакатимизда, ҳаттоки хорижий мамлакатларда адабиёт ва санъат йўналишида фаолият юритаётган таниқли тилшунос олимлар, туркий тилларнинг бойлиги ва хусусиятлари, жумладан, ўзбек тилининг жаҳон тиллари орасида энг гўзал ва нафис тил эканлиги, тарихийлиги билан ажралиб туриши ҳақида кўп ёзганлар. Турли анжуманларда она тилимизнинг бой тил эканлиги ҳақида одилона-холисона фикрлар билдирганлар.

Тил-миллат руҳи, халқнинг миллий-маънавий қиёфаси. Бу қиёфани доим парваришлаш, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш унинг келажак авлодлар учун

ҳам бардавомлигини таъминлайди. Йиллар ўтади, авлодлар алмашади. Она тилимиз келажак авлод учун она каби муқаддас, Ватан каби ардоқли бўлиб қолаверади. Зотан, она тилини асраган халқ ўз қалбини, тарихини, бугуни ва келажагини асрайди. Маърифатпарвар ва забардаст адибимиз Абдулла Авлоний: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”-[3] деган аниқ ва теран фикрларни баён этганда нақадар ҳақ эди.

Абдулла Авлонийнинг она тили ва адабиётни бузиш, бошқа тиллар билан аралаштириб, мазмун-моҳиятини ўзгартириш, пировард натижада, бир тилнинг бошқа тилдан устун туришига, тилнинг руҳиятини бузишга қаратилган ҳар қандай уриниш ва зид ҳаракатларга қарши чиққанлиги қуйидаги пурмаъно сўзларида яққол исботланади: “Зиғир ёғи солуб, мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадир. Боболаримизга етишгон ва яраган муқаддас тил, адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Дунёнинг лаззати содиқ дўстлар ила суҳбат қилмоқдан иборат” [3]. Ушбу далиллар шундан далолат берадики, аجدод ва авлодларимиз томонидан яратилган ўзбек тили асрлар оша ривожланиб, туркий тиллик миллат ва элатлар орасида кенг тарқалиб, янада сайқаллашиб, юксак маданий тилга айланганлиги ва ўзининг тарихийлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Қачонки болалар ўз она тилларида ўқишни тўхтатар экан, ўша тил йўқолиб кетиш арафасига келиб қолади. Тилларни сақлаб қолиш бу ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-русумларининг сақланиб қолинишини англатади. Чунки, халқ тақдири тил тақдири билан бевосита боғлиқ. Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 21.10.2019. uza. Uz (мурожаат санаси 12.09.2020).
2. Nurmatov A. o‘zbek tilshunosligi tarixi, - T.: o‘zbekiston. 2002.
3. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. /Б.Қосимов таҳрири. –Т.: Ўзбекистон, 1992.

O'ZBEK TILI – O'ZBEK MILLATINING RUHI

Baxronova D. K.

O'R QK Akademiyasi dotsenti, f.f.d. (PhD)

Sarimsakova N. K.

O'R QK Akademiyasi Tillar kafedrası katta o'qituvchisi

Annotatsiya. Millatlarni ajratib turuvchi asosiy belgilardan biri bu, shubhasiz dunyo xalqlarining ona tili hisoblanadi, har bir inson o'z tilini bilishi, uni ulug'lashi, unga hurmat bilan qarashi lozim. Shundagina tilning, millatning qadri, obro'yi va nufuzi oshadi. Til tarixini, uning me'yoriy nuqtai nazardan shakllanish jarayonini, rivojlanishini millat tarixidan ayri holda o'rganib bo'lmaydi. Demak, til bor – millat bor. So'nggi yillarida mamlakatimizda barcha sohalarida bo'lgani kabi tilimiz taraqqiyotida ham muhim o'zgarishlar yuz bermoqda. O'zbek tilining xalqaro miqyosda obro'yi oshib, faol muloqot vositasiga aylanib bormoqda. Turli darajadagi rasmiy uchrashuv va muzokaralarda tilimiz keng qo'llanilayotgani, xorijdagi qator ta'lim dargohlarida, ilmiy muassasalarda o'zbek tili markazlari tashkil etilib, ularda ona tilimizni o'rganishga qiziquvchilar soni ko'payib borayotgani quvonarli holdir.

Kalit so'zlar: o'zbek tili, davlat tili, dunyo tillari, til tarixi, globalizatsiya, neologizmlar, o'zbekchalashtirish, tilga hurmat.

O'zbekistonda 1989 yil 21 oktyabrda davlat tili haqidagi qonunning qabul qilinishi mamlakat suvereniteti va mustaqilligi sari qo'yilgan dastlabki dadil qadam edi. Aynan ana shu tarixiy hujjatga binoan o'zbek tili mustahkam huquqiy asos va yuksak maqomga ega bo'ldi. O'zbek tilining Vatanimizda davlat tili sifatida amal qilinishining huquqiy asoslari O'zbekiston Respublikasining "Davlat tili to'g'risida"gi qonunida uch tamoyilga asoslangan holda belgilab qo'yilgan: umumiylik, majburiylik va huquqiy kafolatga. Dunyoda taniqli mamlakat bo'lish uchun davlat tilining maqomini ko'tarish lozim. Buning uchun avvalo har bir vatanparvar fuqaro ona va davlat tiliga hurmat hamda uning sofligiga erishishni o'zidan boshlamog'i kerak.

1993 йил 2 сентябрда 931-XII-sonli O'zbekiston Respublikasining lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida Qonuni qabul qilindi. Ushbu Qonunda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga asoslanib va o'zbek yozuvining lotin alifbosiga o'tilgan 1929-1940 yillardagi ijobiy tajribasidan kelib chiqib, keng jamoatchilik vakillari bildirgan istak-xohishlarini inobatga olgan holda respublikaning har taraflama kamol topishi va jahon kommunikatsiya tizimiga kirishini jadallashtiruvchi qulay sharoit yaratishga xizmat qilishi e'tiborga olindi.⁵ Davlat tilini izchil joriy etish jarayonini takomillashtirish maqsadida alifboga bosqichma-bosqich o'tishga qaror qilindi. Bugungi kunda ko'plab turkiy respublikalar ushbu yozuvdan foydalanmoqdalar, masalan, Ozarbayjon, Qozog'iston va h.k.

Davlat tilini rivojlantirishga qaratilgan qator qaror va farmoyishlarda ona tilimizni har tomonlama rivojlantirishga, ommalashtirishga qaratilgan samarali tadbirlar o'tkazish, turli ilmiy-nazariy tadqiqotlar olib borish uchun tanlovlar e'lon qilish kabilar nazarda tutilgan. Shuningdek, ular shunisi bilan qadrliki, ham davlat

⁵ <https://www.lex.uz/docs/112286>

tilining huquqiy maqomi, ham amaliy ahamiyatini oshirish borasida muhim qadamdir. Zero, yurtida yashovchi har bir fuqaro, millati va dinidan qat'i nazar, davlat tiliga alohida hurmat va e'tibor ko'rsatishga birdek mas'uldir. Butun mamlakat ahli davlat tilini birdek sevsa va qadrlasagina, u o'z maqomida mustahkam bo'ladi, rivojlanish sari dadil odimlab boraveradi.

Til - millat qiyofasining bir bo'lagi. Dunyodagi barcha xalqlar o'zining milliy rasmiy tiliga ega deb aytolmaymiz. Chunki bu xalqning milliy mustaqilligi bilan bog'liq. Mutaxassislarining so'zlariga qaraganda, bugungi kunda har ikki haftada bitta til yo'qolib bormoqda. Bu o'z navbatida o'sha tilda so'zlashuvchi xalqlarning yo'qolishini anglatadi. YUNESKO vakillarining so'zlariga qaraganda, qachonlardir odamlar so'zlashadigan tillarning soni 7 mingdan 8 mingtagacha yetgan bo'lsa, bugungi kunda sayyoramizda 6 mingta til mavjud bo'lib, ularning 90 foizi yo'qolib ketish arafasida turibdi. Bu asosan sivilizatsiya tufayli madaniyatidan ayrilayotgan kam sonli millatlarning tillaridir⁶. o'zbek tilimizning esa shunday tillar qatoriga kirmasligi biz uchun ham faxr, ham quvonarli holdir. Tilimiz rivoji, yanada taraqqiy topishi uchun yurtimiz tilshunos olimlari turli izohli, terminologik, frazeologik va h.k. leksikografik lug'atlar tuzishlari, o'zbek tilining Milliy korpusini yaratish bo'yicha ishlarni jadal keng ko'lamda hamkorlikda olib borishlari lozim.

Til millatga ma'naviy ozuqa beruvchi asosiy kuchdir. Til orqali insoniyatga yaxshilik ham, yomonlik ham keladi. Buni Alisher Navoiyning til va so'zning buyuk qudrati haqidagi quyidagi o'lmas satrlaridan ham anglash mumkin:

Xayr muyassar gar emas el bila,
Naf tegurmak ham o'lur **til bila**.
Ganj berib bo'lmas ekin tutsa ko'z,
Ulcha qilur vaqtida bir **yaxshi so'z**.
So'z bila kufr ahli musulmon bo'lub,
So'z bila hayvon degan inson bo'lub.
Ham **so'z** ila elga o'lumdin najot,
Ham **so'z** ila topib o'luk tan hayot.
Bir **so'z** etib oncha baliyatni daf,
Kim sohibon ganj yetishmay bu naf.
Ma'dani inson guhari **so'z** durur,
Gulshani odam samari **so'z** durur⁷.

Til nafaqat o'zaro aloqa vositasi – balki xalqlarning madaniyati, urf-odati, uning turmush tarzi, tarixidir. Turli xalqlarning tillariga hurmat esa o'z navbatida o'zaro tushunish va muloqotga imkoniyat yaratadi. Tillarni saqlanib qolish uchun tillar doimo qo'llab-quvvatlanishga muhtoj. Aynan til tufayli insoniyat u yoki bu xalqqa mansubligidan faxrlanib yashaydi.

Bugungi kunda dunyoda 6809ta til mavjud bo'lib, manbalarda keltirilishicha ularning teng yarmi sakkizta davlat – Meksika, Indoneziya, Kamerun, Braziliya,

⁶ <http://uza.uz/uz/society/tilimizning-ko-rkamligi-boyligini-tarannum-eta-olsak-birligi-14-10-2019>

⁷ http://navoi.natlib.uz:8101/uz/xamsa_hayratul_abror_ettinchi_tom/hayratul_abror/41_50/

Hindiston, Xitoy, AQSh va Rossiya hissasiga to'g'ri keladi. Eng ko'p tilli mamlakat sifatida Hindiston tan olinadi. Sayyoramizda eng ko'p aholi so'zlashadigan til sifatida xitoy, ispan va ingliz tillari tan olingan. Birinchi o'nlikka hind, bengal, arab, portugal, nemis, rus va yapon tillari ham kiritilgan. Jahon tillarining atigi 4 foizi Yevropa qit'asiga to'g'ri kelsa-da, eng ko'p so'zlashuvchi tillarning teng yarmi "ko'hna qit'a"da ekani ma'lum bo'ldi. 341 million kishi ingliz tilini ona tili sifatida tan oladi, biroq yana 350 million kishi bu tildan ikkinchi ona tili sifatida foydalanadi. Tahlilchilar xitoy, ingliz va ispan tillari foydalanish bo'yicha o'z mavqeini oshirib borayotganini aytishadi. Vaziyatni o'rganayotgan kuzatuvchilarning fikricha, foydalanuvchilar soni bo'yicha ayni damda ingliz tili yetakchilik qilmoqda.

Mavjud tillarning 90%ning har biridan 100.000 aholi foydalanadi. Mana shuning o'ziyiq bu tillarning kelajagi qorong'uligidan dalolat beradi. Bugungi kunda 357 tilda atigi 50 nafar kishi so'zlashar ekan. 46 tildan esa atigi bir kishining foydalanishi aytiladi. Ularning o'limi bilan bu tillar ham yo'qoladi. Olimlarning fikricha, til yashab qolishi uchun undan kamida bir million kishi so'zlashishi kerak. Biroq bunday tillar dunyoda atigi 250 tadir. O'zbek tili ham mana shu 250taning ichida ekani quvonarli hol, albatta.

YUNESKO tomonidan nashr qilinadigan "Yo'qolib ketish xavfi arafasida turgan jahon tillari atlasida"da Yevropadagi 50ta, Tinch okeani mintaqasida esa 200ta til yo'qolib ketish arafasida ekani ta'kidlanadi. Afrikadagi 1400ta tildan 600tasi kelajakda, 250tasi esa yaqin orada butunlay yo'qolishi xaqida bong urilmoqda.

Olimlar insoniyat tarixida 9000 mingdan ortiq til yo'q bo'lib ketganini aytishadi. Nafaqat bosib olingan hududlardagi xalqlarning tillari, balki fotihlarning tillari ham yo'qolib ketgani tarixdan ma'lum. Bu borada qadimgi yunon, oromiy, lotin, sanskrit, vediy, assuriy, qadimgi fors tillarini misol sifatida keltirish mumkin. YuNESKO mutaxassislari o'lib va yo'qolib borayotgan tillarni qutqarib qolish mumkinligini aytishadi. Ikki ming yil davomida o'lik til xisoblanib kelingan ivrit tili xam qayta iste'molga kiritildi. Bugungi kunda ivrit tilida 9 million kishi suhbatlashadi.

Qachonki bolalar o'z ona tillarida o'qishni to'xtatar ekan, o'sha til yo'qolib ketish arafasiga kelib qoladi. Tillarni saqlab qolish bu o'sha xalqning madaniyati, urf-odati, rasm-rusumlarining saqlanib qolinishini anglatadi. Chunki, xalq taqdiri til taqdiri bilan bevosita bog'liq. Til har bir millat madaniyatining o'zagidir. Shu sababli ham tilning saqlanishi xalq taraqqiyoti va kelajagini belgilaydi. Til xalqni birlashtiradi, tarbiyalaydi, o'qitadi, urf-odat, an'analarini saqlaydi. Shunday ekan, ona tilimizning xalqaro miqyosdagi obro'-e'tiborini yuksaltirishda, uni milliy va umumbashariy tushunchalar asosida taraqqiy etgan tillar safiga qo'shishda har birimiz tilimizga chuqur hurmat bilan yondashimiz kerak "...Yosh avlod qalbida ona tilimizni bolalikdan singdirish maqsadida ta'limning barcha bosqichlarida o'zbek tilini zamonaviy va innovatsion texnologiyalar asosida mukammal o'rgatishga

alohida e'tibor qaratishimiz lozim. Toki, bolalarimiz o'zbek tilida ravon o'qiydigan, ravon yozadigan va teran fikrlaydigan insonlar bo'lib yetishsin".⁸

O'zbek adabiy tili tarixi haqida aytadigan bo'lsak, u quyidagi davrlarni o'z ichiga oladi:

Miloddan oldingi davrlardan to X asrlargacha bo'lgan davr. Bu davrdagi til fanda qadimgi turkiy til deb yuritiladi. Qadimgi xalq og'zaki ijodi namunalari, O'rxun-Enasoy yodgorliklari (VI-VII) asrlar shu tilda yaratilgan.

XI-XIV asrlarda amalda bo'lgan til eski turkiy til deb ataladi. Mahmud Qoshg'ariyning "Devonu-lug'atit-turk" ("Turk tillari devoni"), Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" ("Saodatga yo'llovchi bilim"), Ahmad Yugnakiyning "Hibatul haqoyiq" ("Haqiqatlar armug'oni"), Xorazmiyning "Muhabbatnoma", Rabg'uziyning "Qissai Rabg'uziy" asarlari shu tilda yaratilgan.

XV asrdan XIX asrning ikkinchi yarmigacha qo'llangan til eski o'zbek adabiy tili deb nomlangan. Atoyi, Sakkokiy, Sayfi Saroyi, Lutfiy, Alisher Navoiy, Bobur, Mashrab, Turdi, Mahmud, Gulxaniy, Muqimiy, Furqat, Zavqiy va boshqa ko'plab ijodkorlarning asarlari shu tilda yaratilgan.

Eski o'zbek tilining rivoji buyuk Alisher Navoiyning nomi bilan bog'liqdir. U eski o'zbek tilining keng imkoniyatlaridan foydalangan holda ajoyib asarlar yaratibgina qolmasdan, bu tilni ilmiy jihatdan chuqur tadqiq qiluvchi "Muhokamat-ul-lug'atayn" nomli yirik ilmiy asar ham yozdi va unda o'zbek tilining boshqa tillardan hech kam emasligini ishonarli misollar bilan isbotlab berdi. Masalan, yig'lamoq fe'lining 18ta variantini mazkur asarda keltirib o'tgan.

Hozirgi o'zbek adabiy tilining lug'at tarkibi asosan, 5 manba negizida tashkil topgan:

1. umum turkiy so'zlar: kishi, ot, qo'l, oyoq...
2. o'zbekcha so'zlar: ishxona, so'roq, bog'dorchilik...
3. fors-tojikcha so'zlar: dasturxon, chiroq, parda, marjon...
4. arabcha so'zlar: ahloq, mehnat, hayvon, ittifoq, millat...
5. ruscha so'zlar: fabrika, gimnaziya, doctor ...

Shu o'rinda zamonaviy o'zbek tiliga kirib kelgan ba'zi ajnabiy so'zlarning o'zbekona talqinini berishga harakat qildik, bunda turli bosma va internet manbalaridan foydalanildi. Shu qatorda "poldnik", "kovorking", "startap", kabi innovatsion so'zlarning ma'noviy tarjimasini berishga harakat qilindi.

полдник – tolma(s)choy, odatda tushlik bilan kechki ovqat o'rtasida tammaddi qilib olishga aytiladi. Tolmachoy varianti shevalarda faol qo'llaniladi.

⁸ Prezident Shavkat Mirziyoyevning o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining o'ttiz yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. <http://xs.uz/uz/post/prezident-shavkat-mirziyoyevning-ozbek-tiliga-davlat-tili-maqomi-berilganining-ottiz-jilligiga-bag'ishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>

Kovorking (coworking) – yakka yoki guruh bo'lib idoraviy ishlar, startaplar yoki ta'lim uchun mo'ljallangan, zamonaviy kompyuter texnologiyalari bilan ta'minlangan joy.

Gadget (gadget) – cheklangan vazifalar doirasida asqotadigan texnik uskunalarning umumiy nomi.

Insayd (inside) – biror tashkilotga tegishli axborotning boshqa manbalar ixtiyoriga borib tushishi. Insayder – shu axborotlarni yetkazuvchi kishi. Odatda ochiq qilinmaydi.

Klaster (cluster) – bir hududdagi bir necha korxona yoki tadbirkorlarning kreativ yechim uchun umumiy intilishi. Bu termindan metodikada ham faol foydalaniladi.

Loukoster (lowcoster) – nisbatan arzon chiptalar taklif etadigan aviakompaniya.

Trend – mavsum xiti, eng dolzarb, so'nggi urf.

Chellenj (challenge) – chaqiriq, bajarish lozim bo'lgan topshiriqqa chorlov.

Kollaboratsiya (collaboration) – umumiy manfaatga birga erishish uchun ikki yoki undan ko'proq kishining sherikchiligi.

Startup (startup) – ingliz tilidan olingan bo'lib, lug'aviy ma'nosi "start oluvchi", "boshlang'ich" demakdir. Dastlab 1973 yilda "Forbes" jurnalida ishlatilgan. Yosh tadbirkorlar amalga oshirmoqchi, tezda muvaffaqiyatga erishish niyatida bo'lgan loyihalar.

Xeshteg – ilgi. Bu ham biror chorlovni ommalashtirishga qaratilsa, odatda ushshu # belgi bilan beriladi.

Frilanser (freelancer) – ingliz tilidan olingan so'z bo'lib, «erkin rassom». Odatda rasmiy va doimiy ish joyi bo'lmagan, buyurtmaga ishlaydigan erkin ijodkor tushuniladi.

Bugun esa lug'atlarimiz pandemiya munosabati bilan kovid, tojdorvirus kabi so'zlar bilan boyidi. Turizm salohiyatini oshirish va investitsion diplomatiyani yaxshiroq tushunish uchun bu kabi so'zlarni nafaqat yon daftarchangizda, balki xotirangizda saqlashingiz foydadan xoli bo'lmaydi. Ma'rifat fidoiysi Abdulla Avloniyning «Hifzi lison» maqolasida mana shunday o'tli so'zlar qayd etilgan: "Milliy tilni yo'qotmak — millatning ruhini yo'qotmakdir. Hayhot! Biz turkistonlilar milliy tilni saqlamak bir tarafda tursun, kundan-kun unutmak va yo'qotmaqdadurmiz..." Ishoqxon Ibrat: "Bizning yoshlar albatta boshqa tilni bilish uchun sa'y-harakat qilsinlar, lekin avval o'z ona tilini ko'zlariga to'rtiyo qilib, ehtirom ko'rsatsinlar. Zero, o'z tiliga sadoqat — bu vataniy ishdir", degan edi.

Xullas, til – jamiyatning asosiy tayanchi, insoniy muloqot-munosabatlarning birlamchi vositasi, millat ruhi va davlatchilik taqdiridir. Har bir xalq va millat, davlat va jamiyatning o'tmishi, buguni va kelajagini, uning mavjudligini birgina omil – ona tili bildirib turadi. O'zbek tilining xalqaro miqyosdagi obro'-e'tiborini yuksaltirish, uni milliy va umumbashariy tushunchalar asosida taraqqiy etgan tillar safiga qo'shish har birimizdan milliy tilga chuqur hurmat bilan yondashishni talab etadi. Zero, til bor ekan, millat barhayotdir. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida davlat tilining maqomi huquqiy jihatdan mustahkamlab qo'yilgan. Shu tariqa o'zbek

tili mustaqil davlatimizning Bayrog'i, Gerbi, Madhiyasi qatorida turadigan, qonun yo'li bilan himoya qilinadigan muqaddas davlat ramzidir.

ТИЛ МИЛЛАТ РАВНАҚИ

Ертаев Ш. И.

ЎР ҚҚ Академияси

Тиллар кафедраси доценти

***Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан ўзбек тилини давлат тили сифатида жорий этиши ва жаҳон тиллари орасида ўзбек тилининг тутган ўрни унинг мавқеи оширилиши борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда шу ислохотларнинг амалий натижалари илмий жиҳатдан ёритилган.*

***Калим сўзлар:** миллий тил, миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий қадриятлар, тирик тиллар, ўлик тиллар, халқаро тил, давлат тилида иш юритиш, экстралингвистик омиллар, терминологик система.*

Ҳар бир халқнинг ўзлигини намоён этувчи миллий ва умуминсоний қадриятлари бўлади. Тириклик учун тоза ҳаво билан қуёш нури, нону сув қанчалик ҳаётий зарурат бўлса, миллатнинг яшаши ва равнақ топишини ҳам она тилисиз тасаввур этиб бўлмайди. Дунёда ҳар хил одамлар, турли элат ва миллатлар, урф-одатлар мавжудки, уларнинг ҳаммаси ўз манфаатлари, қадр-қиммати, шунингдек миллий қадриятларини ҳимоя қилиб яшайди. Бу уларнинг бошқа миллат вакиллари орасида ўзига яраша ҳурмати ва ўрнини белгилайди. Дарҳақиқат, ҳозирда дунёдаги халқлар 3000 дан ортиқ тилларда гаплашади. Тиллар аввало тирик ва ўлик тилларга бўлинади. Ҳозирги кунда халқлар гаплашадиган тиллар тирик тилларва халқлар гаплашмайдиган тиллар ўлик тиллар ҳисобланади. Масалан, лотин, қадимги славян, санскрит (қадимги ҳинд), қадимги хоразмий, сўғд тиллари ўлик тиллар ҳисобланади.

Дунё тилларида халқларнинг гаплашуви ва мамлакатларда тилларнинг тарқалиши ҳар хил. Чунончи, Хитой тилида миллиардга яқин киши сўзлашса, чукот тилида бир неча минг киши гаплашади. Янги Гвинеяда эса деярли ҳар бир қишлоқ аҳолисининг ўз тили бор.

Айрим мамлакатларда эса кўплаб тилларда гаплашилади. Жумладан, Канго аҳолиси 500 тилда, Индонезия аҳолиси 250 тилда, Суданда эса 117 тилда гаплашилади. Бугунги кунда жаҳондаги 6 та тил халқаро тил сифатида тан олинган. Улар инглиз, испан, рус, хитой, араб ва француз тилларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаши мустақиллигимиз йилларида яратилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлар натижасида ўзбек тилининг миллий ўзига хослиги, сўзга бой ҳамда тарихий илдизлари чуқур эканлигини яна бир бор исботлаб берди. Бундан ташқари ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан юксалтирди ва мамлакатимизда давлат тилини тўла қонли жорий этилганлигини намоён қилди.

1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. 1990 йил 19 февралда “Давлат тили тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун 30 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб эътироф этилган.

1995 йил 21 декабрда янги таҳрирдаги “Давлат тили тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун 24 моддадан иборат.

1993 йил 2-3 сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш” тўғрисида қонун қабул қилинди.

1995 йил 6-7 майда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди” ва 26 ҳарф 3 ҳарф бирикмаси ва кўчиш белгисидан иборат бўлган алфавит қабул қилинди. 82 банддан иборат лотин ёзувига асосланган ўзбек тилининг имло қоидалари 1995 йил 24 августда 339-сонли қарор билан тасдиқланди.

Юқоридаги яратилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлар натижасида ўзбек тилининг миллий ўзига хослиги, сўзга бой ҳамда тарихий илдизлари чуқур эканлиги янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Ўзликни англаш, миллий онг ва миллий тафаккур ривожини, аждодларнинг бой меросини ўрганиш миллат тили орқали амалга оширилади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони ва Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори билан юртимизда давлат тилини ривожлантириш, унинг мақеини мустаҳкамлашга йўналтирилган қатъий саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилиб, вазирлик ҳамда идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Мақсад тилга эътибор ва эҳтиром орқали миллатсеварлик, ватанпарварлик, бир сўз билан айтганда, эзгуликни тарғиб қилиш, юзага чиқаришдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясида ҳам амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, академия бўлимларида ҳужжатларни давлат тилида олиб борилиши қатъий назоратга олинган. Ўқув жараёнига тегишли барча ҳужжатлар давлат тилида расмийлаштирилади ва барча раҳбарий ҳужжатлар давлат тилида ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Она тилимизга Давлат тили мақоми берилганлиги, унинг халқаро миқёсда обрў-эътибори ортиб бораётганлиги каби экстрелингвистик омиллар ўзбек тилининг терминологик системаларини монографик планда ўрганишни тақазо этмоқда. Бу борада анча ишлар қилинди. Бироқ ўзбек тилшунослиги, айниқса, унинг терминологиясида соҳавий терминологик тизимларнинг

барчаси ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Ўзбек тилининг ҳозирги босқичдаги ҳарбий терминологик системаси мана шундай тўлиқ ўрганилмаган соҳалардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор, деб давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак. Зеро, дунёда ҳар хил одамлар, турли элат ва миллатлар, урф одатлар мавжудки, уларнинг ҳаммаси ўз манфаатлари, кадр-қиммати, шунингдек миллий кадриятларини ҳимоя қилиб яшайди. Миллий тил ва унинг равнақи йўлида ғамхўрлик қилиш бир гуруҳ мутахассисларгагина тегишли илмий-амалий соҳа ёки мавсумий бир тадбир эмас. Аксинча, бу авлодлардан-авлодларга ўтиб, бойиб ва сайқалланиб келаётган халқ тилининг софлиги ва истиқболи ҳақида қайғуриш, она тилининг тўлақонли яшаш ҳуқуқи учун, миллат маънавияти, маърифати ва маданияти учун курашдир. Бу энг улуг муҳорабадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. o‘zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil 21-oktabrdagi “Milliy o‘zligimiz va mustaqil davlatchiligimiz timsoli” mavzusidagi o‘zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining 30 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqidan // Xalq so‘zi, 2019. 22-oktabr.
2. o‘zbek shevalari tadqiqoti va ta’limini muvofiqlashtirish Markazi Nizomi. –Т., 2019. –В.3.
3. Nurmonov A. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari. – Т.: Akademnashr, 2010.–В. 61.
4. Расулов И. Улуг Ватан уруши даврида ўзбек тили лексикасининг тараққиёти./ф.ф.буйича номзод. дисс. Т., 1961.
5. Ёдгоров Ҳ. Э. Ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг синхроник тадқиқи. – номзод. дисс. Т., 1996.

ТИЛ – ДАВЛАТ РАМЗИ

Якубова Ф.

ЎР ЖОКУ ОАБ ва ноширлик иши факультети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек тили ривожини, давлат тили сифатида мавқеи, тилнинг ўзига хос жозибаси ҳақида маълумотлар жамланган. Давлат тили мақомининг мамлакат ривожидagi ўрни қиёсий таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** давлат тили, она тили, мустақиллик, ўзбек тили, давлат тили мақоми, тил маданияти, адабий тил, шева.*

Ҳар бир давлат, халқ ўз мавқеини тилига бўлган эътибор билан сақлаб туради. Она тили ва адабиётни ўрганишни бузиш, бошқа тиллар билан аралаштириб, мазмун-моҳиятини ўзгартириш, пировард натижада, бир тилнинг бошқа тилдан устун туришига, тилнинг руҳиятини бузишга сабаб бўлади. Аждодларимиз томонидан яратилган ўзбек тили асрлар оша

ривожланиб, туркий тиллик миллат ва элатлар орасида кенг тарқалиб, янада сайқаллашиб, юксак маданий тилга айланганлиги ва ўзининг тарихийлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Давлат тили мавқеини кўтариш учун Юртбошимиз расмий ҳужжатларни барчаси давлат тилида юритилиши жуда муҳимлигига урғу бериб ўтдилар [1].

Мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласида жуда қизғин, баъзида кескин, муросасиз баҳс-тортишувлар бўлгани Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида ҳам ўз ифодасини топган. Ўшанда айрим сиёсий гуруҳлар Ўзбекистон шароитига мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига бутунлай зид ва қарама-қарши фикрларни олға сурган, шунинг ҳисобидан ўзига обрў топиш, одамларни ортидан эргаштиришга уринган эди. Нега деганда, тил билан боғлиқ муаммолар орқали миллий туйғуларни рўқач қилиб, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш мумкин, - деб ёзади муаллиф, - Ана шундай қалтис ва мураккаб вазиятда эҳтиросга берилганимизда, хушёрликни йўқотганимизда учкундан ўт чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди [2].

Маърифатпарвар ва донишманд тилшунос олимларимизнинг ўзбек тилининг нақадар бой тил эканлиги ҳақидаги пурмаъно фикрлари ҳаётимизда исботланган. Шу боис, ўзбек тили - она тилимизга Асосий қомусимизда давлат тили мақоми берилганлиги шу элнинг фуқароси сифатида ҳар биримизга миллий ғурур ва ифтихор бахш этади. “Ўзбек тилим - она тилим - дунёда энг гўзал, жарангдор ва бой тилим”, “Дил идроки - тил жавҳари, уни изҳор этмак, тил ила жарангдор сўздир”, - дея таърифласак, она тилимизга ва тил маданиятимизга тўғри баҳо берган бўламиз. Россиялик тилшунос олима, Н.А. Безменова “Ўзбек тили нафосати ва мусиқийлиги билан ажралиб туради” [3], деб тан олганлиги ва юксак баҳо берганлиги бежиз эмас, албатта. Китобда нотиклик фанини ривожлантириш учун, айниқса, тилнинг жамиятда тутган ўрни, қўлланиши ва ривожланиши учун зарур омиллар ҳамда тилнинг инсонлар маънавияти, маданияти, урф-одати, менталитети билан боғлиқ этнолингвистик ва психоллингвистик жиҳатларини чуқур ўрганишга ундовчи даъватлар бор.

Мустақиллик шарофати билан 1993-йил 2-сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу ҳуқуқий тадбир, ўзбек тилининг халқаро доирасидаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, Ватанимизнинг жаҳон коммуникация тизимига боғланишини таъминлаш, чет тиллар ва ахборот технологияларини пухта эгаллаш учун қулай шароитлар яратиб берди. Ҳозирги кунда юртимизда мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, яъни таълимнинг барча босқичларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси қўлланилмоқда. Эндиликда бу ёзувда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, газета-журналлар, реклама ва эълонлар нашр этилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолисининг кўпмиллатли экани эътиборга олиниб, айрим миллий гуруҳлар тилида кирилл ёзуви қўлланиши учун имконият яратилди ва бу ҳозир эркин

равишда амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда катта ва кичик мажлислар залларида турли маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, йиғилишлар, конференциялар, халқаро анжуманлар ҳам ўзбек тили - давлат тилида ҳамда халқаро - инглиз тилида ўтказиш учун барча зарур техник шароитлар ва қулайликлар яратишга эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда катта ва кичик мажлислар залларида турли маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, йиғилишлар, конференциялар, халқаро анжуманлар ҳам ўзбек тили - давлат тилида ҳамда халқаро - инглиз тилида ўтказиш учун барча зарур техник шароитлар ва қулайликлар яратишга эътибор қаратилмоқда.

Тил маданияти, адабий тил ва шевадар муносабати, адабий талаффуз ва стилистик мезонлар ҳақида назарий ҳамда амалий тадқиқотлар олиб бориш, ўзбек адабий талаффузи луғатини тузиш зарур.

Ўзбек тилида ҳар хил матнлар тузиш тартиб-қоидалари чуқур изоҳланган илмий асарлар, наср ва назм тилига доир тадқиқотлар олиб бориш, турли ҳажмдаги изоҳли, синоним, антоним, пароним, омонимлар ва имло луғатлари ҳамда қўлланмалар тузиш тил маданиятини юксалтиришда катта аҳамиятга эгадир.

Туркий тилларнинг бойлиги ва хусусиятлари ҳақида тилшунос олимларнинг қатор илмий изланиш ва тадқиқотлари мавжуд. Зеро, бизга ноёб, талаффуз тузилиши анча содда, сўзлари кўп маъноли.

“Давлат тили ҳақида”ги ва “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни 1995 янги таҳрирда қайта қабул қилинди [4]. Ушбу қонунларнинг ижроси бўйича соҳада амалга оширилган тадбирлар, бажарилган ишлар даражаси мунтазам ўрганилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрда ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони [5] эълон қилинди. Ушбу фармон халқимиз томонидан илиқ қабул қилинди.

Ишончимиз комилки, ўзбек тили ва маданияти жаҳон сивилизациясида янада раванқ топиб, унинг пурмаънолиги, жозибадорлиги, талаффузи оҳангли мусикадай жарангдорлиги билан жаҳон аҳлини ўзига ром қила оладиган халқаро тил даражасига кўтарилади ва дунё халқлари бу тилни севиб ўрганиб, самимий ҳурмат қиладилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // 21.10.2019. uza. Uz.(мурожаат санаси 3.10.2020 йил)
2. Karimov I. A. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch .T.: Ma'naviyat, 2009.
3. Безменова Н.А. Очерки по теории и истории риторики. - М.: Наука, 1991
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги (янги таҳрирдаги) Қонуни, - Т., 1995.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

O‘ZBEK TILSHUNOSLIGIDA NUTQ MADANIYATINING o‘ZIGA XOSLIGI

Shodiyev R.S.

Chirchiq oliy tank qo‘mondonlik muhandislik
bilim yurti Tillar kafedrası mudiri

Annotatsiya: *Nutq madaniyati o‘zbek tilshunosligini o‘ziga xos amaliy sohasi ekanligi, o‘zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi Respublikamizda davlat ishlarining, o‘qish- o‘qitish, ta’lim- tarbiya, targ‘ibot- tashviqot ishlarining o‘zbek tilida olib borilishi, Nuqt madaniyatining shakllanishi va rivojlanishida adabiyot, san‘at, radio, televideniya va davriy matbuotning ahamiyati haqida ma’lumot berilgan.*

Kalit so‘zlar: *Ma’naviy – ma’rifiy, madaniyat, o‘zbek adabiy tili, tilshunoslik.*

Til ham, fe’latvor ham odamga qon bilan kirib, uning butun jismijoniga taralib ketuvchi ananalar ekan, bularga e’tibor bermaslik, hamisha katta – kichik fojialarni keltirib chiqaradi. Hozirgi o‘zbek adabiy tilining to‘liq shakllanganligi va o‘lkan ijtimoiy vazifani bajarayotganligi hech birimizga sir emas. Bu til diyorimiz vakillari uchun umumiy til sifatida shakllandi.

Prezidentimiz Oliy majlisga murojaatnomalarida ma’naviy – ma’rifiy tarbiyaga, til masalalariga alohida e’tibor berilgan. Har bir bo‘lajak mutaxassis, eng avvalo, o‘z onatilining chinakam sohibi bo‘lmog‘i kerak. o‘zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi Respublikamizda davlat ishlarining, o‘qish- o‘qitish, ta’lim- tarbiya, targ‘ibot- tashviqot ishlarining o‘zbek tilida olib borilishi uchun juda katta imkoniyat yaratdi. Tilga bo‘lgan munosabat tubdan o‘zgardi, uning barcha imkoniyatlarini o‘rganishishlari keng ko‘lamda olib borilmoqda. Ayni vaqtda, shuni ham aytish joizki, tilning ijtimoiy vazifasining bajarilish darajasini belgilovchi omillardan biri bo‘lmish nutq madaniyati sohasini chuqurroq o‘rganish oldimizga qo‘yilgan muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Nutq madaniyati o‘zbek tilshunosligini o‘ziga xos amaliy sohasidir. Nutq madaniyati hozirda tilshunoslik fanining dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Bu muammoni hal etish umum madaniyatimiz taraqqiyotida, shuningdek, oliy maktablarda, o‘rta maxsus o‘quv yurtlarida, o‘rta maktablarda dars o‘tish jarayonini yanada yaxshilash, zamonaviy texnologiyalarni joriy etish va takomillashtirish bilan ham bog‘liq.

Ta’kidlash kerakki, bugungi kunda nutq madaniyati faninig barcha o‘quv yurtlarida o‘qitilishi quvonarlidir. Chunki notiqlik san’ati sirlarini bilish, o‘rganish barcha soha vakillari, mutaxassis uchun, umuman, har qanday madaniyatli inson uchun hayotiy zarurat deb hisoblanishi kerak. o‘zbek adabiy tili va uning me’yorlarini ilmiy jihatdan o‘rganish ham o‘zbek nutq madaaniyati sohasi uchun nihoyatda muhimdir. Adabiy tilning rivojlanish qonuniyatlarini, adabiy til me’yorlarining umumiy holatini, undagi turg‘un va noturg‘un hodisalarni chuqurroq tekshirmay turib, nutq madaniyati haqida gapirish mumkin emas.

Chunki nutqimizdagi nuqson va kamchiliklarni bartaraf qilish, nutq madaniyatini har qachongidan ham yaxshiroq rivojlantirish umumdavlat ahamiyatiga ega bo'lgan siyosiy va ijtimoiy masaladir. Bu masala bilan shug'ullanishiga faqat tilshunoslarga emas, respublikamizda istiqomat qiluvchi barcha soha vakillari e'tibor berishlari maqsadga to'la muvofiq bo'lar edi. Chunki, nutq madaniyati umuminsoniy madaniyatning tarkibiy qismi bo'lib, kishilarni yuksak madaniyat sohibi bo'lishlarini belgilaydi. Shuning uchun ham mafkuraviy kurashning asosiy quroli bo'lgan tilning har qachongidan ham o'tkir va keskin bo'lishini taqozo etadi.

o'rta Osiyo madaniyati tarixida ham nutq madaniyati o'ziga xos mavqeyga egadir. Sharqda, jumladan, Movarounnahrda notiqlik, voizlik, ya'ni va'zxonlik "Qur'on" ni targ'ib qilish bilan mushtarak holda so'zning ahamiyati, ma'nosi va undan o'rinli foydalanish borasida ko'p yaxshi fikrlar aytilgan. Ana shu nuqtai nazardan qaralsa, "Nutq odobi", "Muomala madaniyati" nomlari bilan yuritilib kelingan "nutq madaniyati" tushunchasi juda qadimdan olimlar, ziyolilarning diqqatini tortgan: Abu Rayhon Beruniy, Abu Nasr Forobiy, Ibn Sino, Abu Abdulloh al Xorazmiy, Mahmud Qoshg'ariy, Mahmud Zamaxshariy, Yusuf Xoshojib, Ahmad Yugnakiy, So'fi Olloyor, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy kabi ulug' siymolar nutq odobi masalalariga umuman, nutqqa jiddiy e'tibor berish bilan birga tilga, lug'atga grammatikaga va mantiqshunoslikka oid asarlar yozganlar. Buyuk qomusiy olim Beruniy (973-1048) o'zining "Geodeziya" asarida har bir fanning paydo bo'lishi va taraqqiy etishi inson hayotidagi zaruriy ehtiyojlar talabi bilan yuzaga kelishini aytadi.

Nutqiy mahorat nafaqat adabiy me'yorlarga amal qilish, balki o'zaro mavjud bo'lgan variantlardan mazmunan eng to'g'ri, eng maqbuli va ifodasini tanlab olish mahoratidir. Yuksak nutq madaniyati kishining umumiy yuksak madaniyatini, fikrlash madaniyatini, tilga nisbatan ongli mehr muhabbatini nomoyon qiladi. Badiiy adabiyot tili o'zining eng yaxshi namunalari bilan xalqning madaniyati sohasidagi yutuqlari va an'alarini mustahkamlaydi va boyitadi. Nutq madaniyati ijtimoiy hodisa bo'lib, u jamiyat, fan va texnika, madaniy va adabiy hayot rivoji bilan chambarchas bog'liq holda taraqqiy etadi. Jamiyat a'zolarining ma'daniy saviyasi ortgan sari nutqi ham jilolanib, sayqallashib, nutq madaniyati qoidalari va me'yorlariga muvofiq holda takomillashib boradi.

Xulosa qilib aytganda nuqt madaniyatining shakllanishi va rivojlanishida adabiyot, san'at, radio, televideniya va davriy matbuotning alohida o'rni bor. Ayniqsa, adabiy tilni me'yorlashtirish va nutq madaniyatining shakllanishi va nutq madaniyati nazaryasini rivojlantirishda leksikografiya, xususan, izohli imlo, talaffuz, o'quv va boshqa maxsus lug'latlar muhim ahamiyatda ega.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch. T.: Ma'naviyat, 2008.
2. A'zamov E. Yuksak pog'ona. Ma'naviyatning oydin yo'li. T.:Ma'naviyat, 1996.
3. Jumaxo'jayev N. Yuksak ma'naviyat belgisi.// Xalq so'zi, 1997. 5 noyabr.

4. Imomnazarov M. Milliy ma'naviyatimizning takomil bosqichlari. T.: Ma'naviyat, 1996.
5. Yo'ldoshev Q. Milliy g'oya va adabiy ta'lim. //o'zbekiston ovozi, 2000. 21 dekabr.
6. Mahmudov H. Milliy mafkura va ona tili // Xalq so'zi, 2000. 13 iyun.

TIL – MILLATNING QIYOFASI

Boymirzayeva M. Sh.

O'R QK Akademiyasi Tillar kafedrası
katta o'qituvchisi

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada tilning ijtimoiy hadisa ekanligi, uning millatning ruhi, qiyofasini yaqqol aks ettiruvchi vosita ekanligi ta'kidlab o'tilgan. Til bor ekan xalq rivojlanadi, ozligini anglaydi. Shuningdek, ushbu maqolada tilimizga nisbatan davlatimiz tomonidan berilayotgan yuksak e'tibor ham bizning millat sifatida qadrimizni baland tutishimizga, o'zligimizni anglashda juda katta yordam berishi kabi masalalarga ham to'xtalib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:** tilning ichki mexanizmi, ishlash prinsiplari, tabiati, strukturasi*

Til har qanday millatning o'zligini, ma'naviyatini aks etuvchi hodisadir. U insonlarga Olloh tomonidan berilgan aziz va muqaddas ne'matdir. Til bor ekan, xalq yashaydi, rivojlanadi, chunki til millatning ruhi hisoblanadi. Shu bois ham har bir xalq o'z ona tilini g'urur va iftixor deb biladi.

Til kishilar o'rtasidagi munosabatning eng muhim quroli bo'lib, jamiyat taraqqiyoti jarayonida shakllangan va u umuminsoniy manfaatlarga xizmat qiladi. Tilning paydo bo'lishi va rivojlanishi jamiyat taraqqiyoti bilan bog'liq ekan, inson kamoloti haqida fikr yurituvchi barcha fanlarning o'rganish manbai tilga aloqador hisoblanadi.

Tilning tabiati, mohiyati kishilik jamiyatida bajaradigan vazifasi, strukturasi va bu strukturani tashkil etgan elementlarning o'zaro munosabati, uning ichki mexanizmi, ishlash prinsiplari kabi muhim masalalarni ilmiy o'rganishni, tilni har taraflama tadqiq qilishni talab qiladi.

Til kishilik jamiyati mahsulidir. Tilsiz hech bir voqelik va hodisani, insonni tabiatda, jamiyatda tutgan o'rnini, jamiyat taraqqiyoti yo'llarini bilish, o'rganish mumkin emas[1].

Ko'p asrlik tarixga ega bo'lgan boy tilimiz sho'rolar istibdodi davrida kamsitildi, tahqirlandi. Tilimizga nisbatan past nazar bilan qarash, uni buzib ko'rsatishnatijasida ota-bobolarimiz ardoqlab kelgan ona tilimiz tom ma'noda jar yoqasiga kelib qoldi. Yoshlar orasida o'z ona tilidan or qilish, uning ustidan kulish holatlari ham uchrab turardi. Ajdodlarimizning necha asrlar davomida bizgacha avaylab-asrab, ardoqlab kelgan kelgan jonajon tilimiz yo'qolish arafasiga kelib qolgandi. Tilning yo'qolishi millatning, madaniyatning yo'qolishi, demakdir. Chunki, til orqali qadimiy ma'naviy meros avloddan-avlodga yetkaziladi. Til xalqning o'zligi, tarixini aks ettiruvchi yagona vositadir.

Olohgga beadam shukrlar bo'lsinkim, 1989 yil 21 oktyabrda "Davlat tili haqida"gi Qonun qabul qilinishi, shu asosda o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi xalqimiz, Vatanimiz ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayotida tarixiy ahamiyatga ega voqea bo'ldi. Bu maqom milliylikimizga beqiyos ehtiromdir. "Davlat tili haqida"gi Qonun sharofati bilan ona tilimiz qadr-qimmat topdi. o'zbekiston jahon ichra tenglar qatoridan o'rin olganidek, o'zbek tili ham dunyodagi tillar orasida o'z nufuzi bilan munosib o'rin topdi. U tobora boyib, rivojlanib bormoqda. Respublikamizda nashr etilayotgan nodir asarlar, ko'p jildlik izohli lug'atlarda ajdodlarimiz bizga meros qoldirgan ne-ne hikmatlar va naqlarda beqiyos purma'no zakovat, mukammal mantiq mujassam asarlarni o'z ona tilimizda o'rganish imkoniyati paydo bo'ldi. Bu narsa bizga o'zligimizni anglash, milliy madaniyatimizni hamda shuurimizni qaytadan tiklash uchun katta imkoniyat yaratdi.

Yana bir e'tirofli jihati shundaki, jahonda o'zbek tiliga qiziqish kattaligi, uning qator ajnabiy davlatlardagi oliy o'quv yurtlarida o'qitilayotgani, yirik tadqiqotlarga mavzu bo'layotgani bizda faxr tuyg'usini uyg'otadi.

Vatanparvarlik, madaniy qadriyatlarni e'zozlash ona tilidan boshlanadi. Biz o'z tilimiz bilan faxrlanamiz. Lekin bu faxr kishi zimmasiga alohida mas'uliyat ham yuklaydi. Bugungi globallashuv davrida tilimiz sofligini saqlab qolish, jonli so'zlashuvda o'zligimizga yot bo'lgan xorijiy iboralarni qo'llamaslik lozim. Negaki, ular tilimiz beg'uborligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Demak, ona tilimizni asrashga har birimiz mas'ulmiz. o'z tilimizni asrash orqali biz necha asrlik qadriyatlarimiz, ma'naviyatimizni avlodlarga uzatish, yetkazish imkoniga ega bo'lamiz.

Hech shubhasiz aytish mumkinki, o'zbek tili eng boy, eng taraqqiy etgan tillardan bo'lib, oz shakllanish va rivojlanish tarixiga ega.

o'zbek adabiy tili olimlar, ziyolilar, adiblarning, og'zaki va yozma adabiyotning asosiy ijodkorlari bo'lgan xalqimizning asrlar osha mashaqqatli mehnati, tilga sayqal berishi, uni chuqur o'rganishi borasidagi xizmatlari evaziga turkiy tillar oilasida o'ziga xos mavqega ega bo'ldi. Bu tilda juda ko'p o'lmas badiiy asarlar, ilmiy tadqiqotlar yaratildi. Bu ham o'zbek tilining madaniy tillar qatoridan o'rin olishini ta'minladi[2].

o'zbek tili dunyo tillari orasida o'ziga xos mavqega ega ekanligini yurtimizda yashab, ijod etgan bir qancha allomalarning yirik asarlarida ko'rish mumkin. Mahmud Koshg'ariyning «Devonu lug'otit turk» asaridagi qaydlar o'zbek tilining tarixiy taraqqiyotiga doir muhim ma'lumotlar sifatida ahamiyatlidir. Ushbu asar nafaqat o'zbek, balki butun dunyo lug'atshunosligida ham o'z qiymatiga ega bo'lgan yirik asar hisoblanadi. Yusuf Xos Hojibning «Qutadg'u bilig», Xorazmiyning «Muhabbatnoma», Rabg'uziyning «Qissai Rabg'uziy» asarlari, Atoiy, Sakkokiy, Sayfi Saroiy, Lutfiy, Alisher Navoiyning boy ilmiy-adabiy merosi o'zbek tilida yaratilgan nodir manbalar sirasiga kiradi.

Shuningdek, tilimizning mavqeini yuksaltirishda ulug' mutafakkir Alisher Navoiyning xizmatlari beqiyos. Shoir o'zbek tilining naqadar keng imkoniyatlarga ega ekanini nazariy jihatdan asosladi va uni o'zining fors va turkiy til muhokamasiga oid nodir asari "Muhokamat-ul-lug'atayn"da ilmiy asoslab berdi. Zahiriddin Muhammad Boburning tilshunoslik taraqqiyotidagi hissasi, tilimiz ravnaqi yo'lidagi

sa'y-harakatlari, "Boburnoma"da keltirilgan tilshunoslikka doir ma'lumotlar e'tiborga molikdir.

o'tgan davr mobaynida ona tilimizning vazifa doirasi kengaydi, uning dunyo miqyosidagi obro'-e'tibori oshdi. Yurtimizda o'zbek tilining davlat tili sifatida maqomini yanada mustahkamlashga alohida e'tibor qaratildi. Ana shu sa'y-harakatlar samarasida o'zbek tili davlat tili, davlat ramzi, milliy madaniyat va ma'naviyatnini ifodalovchi hamda ularni kelajak avlodlarga yetkazuvchi muhim muloqot vositasi darajasiga ko'tarildi. Milliy tafakkur ifodasi, millatlararo aloqa vositasi sifatida jamiyatimiz ravnaqiga xizmat qilishiga alohida e'tibor qaratildi.

o'zbek tilini takomillashtirishga xizmat qiladigan tadqiqotlar ko'lami ortmoqda. Til va nutq munosabatini psixik mexanizmga aloqadorlikda tahlil etadigan psixolingvistika, til va madaniyat munosabatlarini yorituvchi lingvokulturologiya sohasiga doir tadqiqotlar amalga oshirildi. Yoshlarning o'zbek tilini nazariy jihatdan o'rganishga bo'lgan qiziqishi ortib bormoqda. Ona tilimizni ko'z qorachig'idek asrab-avaylash va bu an'analarni navqiron avlod ongu shuuriga chuqur singdirishga alohida e'tibor qaratilayotir.

Bugun o'zbek tilidagi internet saytlari tobora ko'paymoqda. Yoshlarimiz internet orqali istalgan ma'lumotni o'z ona tilida topish imkoni kengaygani o'zbek tilining funksional doirasi rivojlanib borayotganini ko'rsatadi. Ziyonet tarmog'idan o'zbek tilidagi 71 mingdan ziyod elektron adabiyotlar joy olgani ona tilimizga bo'lgan e'tibordan dalolatdir. Shuningdek, o'zbek tili "Google translator", ya'ni internet tarjimon tillari qatoriga kiritilgani ham olamshumul voqea desak mubolag'a bo'lmaydi.

Bolalarga go'dakligidan, keyinroq maktabda chiroyli so'zlash, ona tilimizni buzmasdan sof holda gapirishni o'rgatishimiz shart. Har bir tilning umrboqiyligi shu til sohiblarining undan qanchalar unumli foydalanishida, uni asrab-avaylashida, milliy til taraqqiyoti va ravnaqi uchun mas'uliyatni his qilishida aks etadi. Tilimizning ildizi baquvvat, sehru jozibasi dunyoni hayratga solar darajada beqiyos. Tilni asrab-avaylash, uni rivojlantirishga hissa qo'shish, mavqeini yuksaltirishga intilish ajdodlar oldidagi burchimiz, avlodlar oldidagi mas'ulligimizdir.

Yurtimizda o'z ona tilimizning mavqeini ko'tarishdan tashqari, boshqa tillarga ham hurmat bilan munosabatda bo'lish o'zbekiston Respublikasi Qonunlarida ko'rsatib o'tilgan. Bugungi kunda 100 dan ziyod turli millat va elatlar vakillari o'zbeklar bilan ahil-inoqlikda yashab, mustaqil yurti gullab-yashnashi, uning farovonligi yo'lida mehnat qilib kelayotirlar. Zero, istiqlol ularga ham o'zligini anglash hamda namoyon etish, madaniyatini rivojlantirish imkoniyatini yaratdi. Hozirgi kunda ko'plab xorijiy tillarni o'rganishga ham alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu esa o'z navbatida yurtimiz yoshlariga nafaqat o'z ona tilida, balki xorijiy tillarda ham erkin muloqot qila olish, jahon adabiyotlari asl holatida o'rganish, dunyoda yuz berayotgan yangiliklardan boxabar bo'lish imkonini beradi.

Ona tilimizning mavqeini yanada kuchaytirish maqsadida 2016-yil "Alisher Navoiy" nomidagi o'zbek tili va adabiyoti universitetining tashkil etilgani ham yurtimiz uchun juda katta yutuq bo'ldi. Buning zahirida buyuk ajdodlarimiz yaratib ketgan bebaho madaniy merosni dunyoga targ'ib qilish hamda ona tilimizni yanada

chuqurroq o'rganish imkonini beradi. o'ylaymizki, ushbu oliy dargohni tamomlagan talabalar kelajakda ona tilimizni yanada teranroq o'rganib, uni dunyoga tanitadilar, ajdodlarimiz qoldirgan bebaho merosimizni qayta tiklaydilar.

Foydalanilgan adabiyotla:

1. Xolmanova Z.T. Tilshunoslikka kirish. –T.: Sharq. 2007.
2. Rasulov R., Husanov N. Nutq madaniyati. - T.: Sharq. 2006.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Джураев Ш. Т.

ЎР ҚК Академияси

Тиллар кафедраси доценти, ф.ф.н.

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида унинг аҳамияти ва роли беқиёс даражада ўсганлиги, хизмат доираси кенгайганлиги ҳақида сўз боради.*

***Калит сўзлар:** ўзбек, туркий, олтой, татар, эски ўзбек тили, Ўрхун –Энасой, Туркистон, вилоят, гагауз.*

Ўзбек тили олтой тиллар оиласининг туркий тиллар туркумига киради. Дунёда 24 хил туркий тил бор: ўзбек, туркман, озарбайжон, козоқ, қирғиз, турк, уйғур, бошқирд, қорақалпоқ, татар, чуваш, ёкут, қорачой, балқар, тува, олтой турклари, хакас, гагауз, шор, қораим, кумик, нўғой, ойрот, карагас.

Ўзбек адабий тили тарихи қуйидаги даврларни ўз ичига олади [1]:

1. Милoddан олдинги даврлардан то X асрларгача бўлган давр. Бу даврдаги тил фанда қадимги туркий тил деб юритилади. Қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари (VI-VII асрлар) шу тилда яратилган.

2. XI-XIV асрларда амалда бўлган тил эски туркий тил деб аталади. Маҳмуд Кошғарийнинг “Дэвону-луғатит-турк” (“Турк тиллари девони”), Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўлловчи билим”), Ахмад Югнакийнинг “Ҳитабул ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар армуғони”), Хоразмийнинг “Мухаббатнома”, Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий” асарлари шу тилда яратилган.

3. XV асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача қўллаган тил эски ўзбек адабий тили деб номланган. Атойи, Саккокий, Сайфи Саройи, Лутфий, Алишер Навои, Бобур, Машраб, Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг асарлари шу тилда яратилган.

4. XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги давргача ишлатиб келаётган тилимиз ҳозирги ўзбек адабий тили деб аталади. “Туркистон вилояти газети” нашр қилина бошлаган вақтдан (1870 йилидан) эътиборан то ҳозирги кунгача яратилган барча асарлар ҳозирги ўзбек тилининг намуналари ҳисобланади[2].

Ўзбек тили XI асрдан бошлаб мустақил тил сифтида шакллана бошлади ва XIII асрда эски ўзбек адабий тили шаклланиб бўлди.

Эски ўзбек тилининг ривожини буюк Алишер Навоийнинг номи билан боғлиқдир. У эски ўзбек тилининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда

ажойиб асарлар яратибгина қолмасдан, бу тилни илмий жихатдан чуқур тадқиқ қилувчи “Муҳокамат-ул-луғатайн” номли йирик илмий асар ҳам ёзди ва унда ўзбек тилининг бошқа тиллардан ҳеч кам эмаслигини ишонарли мисоллар исботлаб берди.

1989 йил 21 октябрида ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили эканлиги ҳақида қонун қабул қилинди. Шундан кейин тилимизнинг янги тараққиёт босқичи бошланди.

Бу даврда ўзбек адабий тили ижтимоий функциясининг кенгайиши натижасида ўзбек атамашунослиги жуда бойиди. Адабий тилнинг луғат таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди. Халқ ҳўжалигининг қайта қурилиши, ижтимоий-сиёсий турмушнинг янги турлари, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, фан, техника ва маданият соҳасидаги ўзгаришлар ўзбек тили лексикасида ўз ифодасини топди, хилма-хил ясамалар, ўзлаштирмалар асосида лексика жуда бойиди, жиддий равишда янгиланди[3].

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетик тизими ва сўз ясалиши бобида, унинг грамматик қурилиши соҳасида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлди. Товушлар бирикувининг янги қонуниятлари ва товушларда янги сифат ўзгаришлари пайдо бўлди, сингармонизм ҳодисаси деярли йўқолди. Ўзбек графикаси ва орфографияси такомиллашди. Сўз яшаниннг янги усуллари пайдо бўлди, морфологик ва синтактик қонуниятлар мукаммаллашди. Ўзбек адабий тилининг услубий вазифаси ўзгарди, услублар доираси кенгайди, адабий тилнинг янги услублари пайдо бўлди. Шу билан бирга ўзбек адабий тилига бир ёклама ёндашиш, унинг ривожланиш хусасиятларини бошқа тил миқёслари билан белгилашга интилиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланиб турди.

Хулоса қилиб айтганда , ҳозирги ўзбек адабий тили ҳар томонлама ривожланган, муайян умумий меъёрга бўйсундирилган миллий адабий тиллардан бирига айланди. У ўзбек халқининг барча ижтимоий-сиёсий ва маданий эҳтиёжи ва талабларни қондиришга хизмат қиладиган тилдир, фан ва техника, адабиёт ва матбуот, давлат идоралари ва ўқув юртлари, радио, кино, ва телевидение тилидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асқарова М., Қосимова К. Она тили дарслиги. 5 синф учун . – Т., Ўқитувчи, 1995. Б.5.
2. Ҳамраев М. Ўзбек тилидан маърузалар мажмуаси. – Т., 2007. Б.8-9.
3. Мухторов А., У.Саноқулов. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т., Ўқитувчи, 1995. Б.25-26.

ТИЛ - МИЛЛАТ КЎЗГУСИДИР

Хожиева Ш.

ЎзДЖТУ, Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек тилининг мавқеси, бугунги кундаги қадри ва ҳозирги пайтда она тилимизни шаклланиб ривож топишида бажарилаётган ишлар тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: ватан, она тили, қонун, Конституция, миллат, маънавият.

Халқнинг Ватани, давлати каби яна бир буюк, эҳтимолки, бирламчи бойлиги бор. Бу – унинг тили. Айнан тил одамлар гуруҳини бир миллат сифатида бириктиради, яъни халқни – халқ, миллатни – миллат қилади. 1989 йил 21 октябрь. “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлган она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Она тилимиз миллий ўзлигимиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бораётир.

Бундан 31 йил аввал, Шўролар даври сўнгги кунларини яшаётган бир пайтда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши учун ўтган бир неча катта-кичик намоёнишлар, бошқа Совет мамлакатларида ҳам аксилкоммунист қайфиятлар авж олиб бориши ўша давр Ўзбекистоннинг коммунист раҳбарларини ён беришга мажбур қилганди. Йиллар ўтиб биз орзу қилган кунлар келди. 31 йилдан буён ўзбек тилини қадрини, ўрнини ошириш учун давлат раҳбарлари томонидан талайгина ишлар амалга оширилди ва давом эттирилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзбек тилининг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини янада ошириш, “Давлат тили ҳақида”ги қонунни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб, бу борадаги долзарб вазифаларни кўрсатди ва “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармон қабул қилганини, унга биноан, 21 октябрь санаси Ўзбекистонда “Ўзбек тили байрами куни” деб белгиланганини таъкидлаб ўтди.

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, тили, маданияти ва қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Улуғ мутафаккир шоиримиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзбек халқи маънавий дунёси, тилининг шаклланиб ривож топишида хизматлари бекиёс бўлган. Унинг мўътабар номи, ижодий меросини доимо фахрланиб тилга оламиз. “Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз” деган пурмаъно сўзларининг маъзини англаймиз. Навоийнинг асарлари орқали она тилимизнинг бекиёс бойлиги, унинг буюклигини англадик, унга бўлган меҳр-муҳаббатимиз ошди.

Афсуски, мустамлака даврида гоҳ ўзгалар, гоҳ ўз кишиларимиз камситиб, менсимай келган шу жонажон ва ўлмас тил янгиланаётган Ўзбекистоннинг кун талабларидан ортда қола бошлаган эди. Миллат қандай кун кўрган бўлса, бу унинг тилида акс этади, деган гап бор. Ўзбек тилимизнинг бугунги ҳолатига қарасак, гўё тарихга ва маълум давр кишиларининг ўй-

тафаккурига назар ташлагандек бўламиз. Кейинги асрлардаги илм-фан ва технологиялардаги ўзгаришлар бизда содир бўлмагани учун ёт терминлар ва атамалар тилимизга кириб келди деб ҳисоблайдиганлар ҳам анчагина. Бу гапда бир ҳисобдан жон бор, чунки нафақат ўзбек тили, балки бошқа халқлар ҳам ривожланган мамлакатлар фанидаги атамаларни олишга мажбур бўлишгани ҳақиқат. Қаранг, илм-фан бир мамлакатни қанчалар юксалтириб қўяр экан! Мисол учун, замонавий технологиялардаги, хусусан, компьютер дастурларидаги барча сўзлар инглиз тилида ва бошқа тилларга ҳам шундайича кўчиб ўтган. Тил ҳам тарих сингари, мамлакат ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини намоён қилиб туради.

Ўзга тиллардан сўз кириб келиши бир ёнгаю, бироқ, ўзимизчи? Ота-онамиз, суюкли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, “Этмиш етти пуштимиз” сўзлашган шу гўзал тилга муносабатимиз қай даражада? Уни асраб-авайлаб, шаъну ҳурматини ўз ўрнига қўйяпмизми ёки замонавий тўс-тўполонлар заботида эътиборсиз қолдирыапмизми? Афсуски, маънавий-миллий ўзликни асраш ва юксалтириш борасида бонг урилайётган бир пайтда, унга эътиборсиз муносабатда бўлиш ҳоллари талайгина. Аслида муаззам бу бойлигимизнинг чек-чегараси йўқ, лаҳжалару шеваларимизда, маданий-илмий меросимизда қанчадан-қанча сўзларимиз ўз рўёбини кутиб турибди. Мазмунни ҳақиқий воқеликка боғлайдиган бундай тиллар дунёда жуда оз учрайди. Тилимиз тартиб-қоидаларига, сўз ясаиш ҳолатларига разм солсангиз, халқимизнинг жуда ажойиб бир хусусиятини намоён қилиб турганини кўрасиз. Ўзбек халқи сўзларни ҳеч қачон ҳавойи, ҳаёлий воқеаларга боғламайди, балки теваракда кечаётган воқелик билан бирга тасаввур қилади ва бу хусусият тилимизда жуда чиройли тарзда акс этади. Мисол учун, “Қалбимда қуёш чарақлади”, “Ҳаётимга баҳордай бўлиб келдингиз”, “Қулун бўлиб елди”, “Осмонимда ойдай балқдинг” каби иборалар бағридаги ҳам мазмунга, ҳам манзарага маҳлиё бўлмай илож йўқ. Бундай мисоллар бениҳоя кўп ва шаҳар-қишлоқларимиздаги оддий сўзлашув тилида ҳазиналар мисоли яшириниб ётибди. Шу маънода, давлат миқёсидаги мазкур эътибор тилимизга қайта жон бахш этишига, гуллаб-яшнашига хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Шунини ҳам қайд этиш керакки, тарихимизда она тилини давлат миқёсида байрам қилиш ва уни қонун билан белгилаш биринчи бор рўй бераётган кўламли ҳодисадир.

Гоят кўхна ва барҳаёт она тилимизнинг қудратини халқ дostonларимиз баралла куйлаган, Маҳмуд Кошғарий бобомиз сўзма-сўз кўрсатган ва ҳазрат Алишер Навоий уни энг юксак санъат даражасига кўтарган бўлса, ўтган аср бошларида, қутлуғ Туркистон тупроқлари мустамлака зулматига чўмар экан, ватанпарвар зиёли боболаримиздан Элбек алам ва изтироб билан шу сатрларни битган эди:

Мунгли қушим, сайраб-сайраб кел, англал,

Кимлар эрур Турк тилини сотғучи?

Булбул каби сайраб турган бу тилни

Уялмайин бу ўлкадан отғучи?

Болдай тотли, жондан азиз туркчани
Тушунмайин, хўрлаб-хўрлаб ётғучи?
Мунгли қушим, уларни қўй, сен сайра!
Турк тилининг донғин чиқар кўкларга!
Қўй уларни, улар йўлдан озсинлар,
Эл ичида бўш бўғузлик сотсинлар!

Фойдаланилган адабиётлар

1. o‘zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil 21-oktabrdagi “Milliy o‘zligimiz va mustaqil davlatchiligimiz timsoli” mavzusidagi o‘zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining 30 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqidan // Xalq so‘zi, 2019. 22-oktabr.
2. Навоий А. Уммондан дурлар. – Т, 2003. – 80 б.

ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ ЁХУД БОҚИЙСАН, ИФТИХОРИМСАН, ОНА ТИЛИМ!

Муродиллаева М. У.

ЎР ҚК Академияси Тиллар кафедраси
катта ўқитувчиси

***Аннотация:** Мазкур мақолада ўзбек тили мавқеи, унинг равнақи учун юртимизда олиб борилаётган ишлар, буюк алломаларнинг ўзбек тили тўғрисидаги қарашлари, она тилимиз тараққиёти учун қилиниши лозим бўлган саъи ҳаракатлар ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:** миллийлик, тил қадр қиммати, фармон ва ижро, жаҳон тиллари, ватанпарвар, тил тараққиёти.*

“Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур”

Абдулла Авлоний

Ўзбек миллий маданиятининг машҳур вакилларидан бири маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний: “*Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур*” деган сўзлари айна ҳақиқат. Ҳар бир миллатнинг кўзгуси, ғурури, тафаккури манбаи унинг тилидир. Маълумотларга кўра, дунёда олти мингга яқин тил ва шева бўлса, улардан бор-йўғи юзга яқини давлат тили мақомига эга. ЮНЕСКО маълумотига кўра, дунёда ҳар икки ҳафтада битта тил йўқолиб кетмоқда. Уларнинг йўқолиши эса бутун бошли маданий ва интеллектуал мероснинг ҳам йўқолишига олиб келмоқда. Бир минг тўрт юзта тилнинг йўқолиб кетиш хавфи борлигини эътиборга олсак, давлат тили мақомини олган шу юзга яқин тил орасида Она тилимизнинг борлигидан канча ғурурлансак шунча оз.

2019 йилда Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент Фармони қабул қилиниши, фармонга мувофиқ, 21 октябрь – «Ўзбек тили байрами куни» деб

эълон қилиниши ва мухтарам Президентимиз томонидан қонуннинг бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган янги таҳририни ишлаб чиқиш вазифасини юклатилиши ва Қонун Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинганиши ва 10 апрель 2020 йилдан амалда қўлланилиши каби одил, шахдам қадамлар тилимизга бўлган ҳурмат эҳтиромдир.

Ҳамма давлатларда ҳам она тили алоҳида байрам сифатида нишонланмайди. Ўзбекистон она тилини байрам сифатида кенг кўламда нишонлайдиган давлатлардан биридир.

1999 йил 17 ноябрь куни ЮНЕСКО томонидан 21 февраль – Халқаро она тили куни деб эълон қилинган. Мазкур сана 2000 йилдан буён тил ва маданий хилма-хилликни ҳамда кўптиллиликни ривожлантириш мақсадида кенг нишонланиб келади. Ўз навбатида, БМТ Бош Ассамблеяси 2008 йилни Халқаро тиллар йили, деб эълон қилган.

Бу сананинг эълон қилинишига 1952 йил 21 февраль куни Даккада (Бангладеш пойтахти) содир бўлган воқеа сабаб бўлган. Шу куни намоёишга чиққан талабалар ўз она тили – бенгал тилини мамлакатнинг давлат тилларидан бири сифатида тан олишларини сўраган ва полиция томонидан узилган ўқлардан бир неча талаба ҳалок ҳам бўлган.

Бундан ташқари 14 март Эстонияда (1996), 20 март Францияда (2010), 9 апрель Финляндияда (1980), 20 апрель Хитойда (2010), 23 апрель Англия ва Испанияда (2010), 15 май Осетияда (2003), 6 июнь Россияда (2011), 1 август Озарбайжонда (2001), 31 август Молдавияда (1989), 20 сентябрь Қозоғистонда (1998), 23 сентябрь Қирғизистонда (1989), 9 октябрь Жанубий Кореяда (1945), 9 ноябрь Украинада (1997) тил байрами сифатида нишонланади.

Она тилларининг тарқалишини кенг тарғиб қилиш фақатгина тиллар хилма-хиллиги, кўп тилда таълим олиш ёки жаҳон тиллари ва маданий анъаналар билан яқиндан танишиш билан чегараланиб қолмайди, балки улар ўзаро тушунишга асосланган бирдамликни кучайтиради.

1999-2009 йилларда ЮНЕСКО Бош директори лавозимида фаолият юритган 2003 йил 21 февралда Халқаро тил куни муносабати билан К.Мацуура: *«Нима учун она тилига бунчалик эътибор қаратилмоқда? Чунки тил инсон ижодиётини, унинг барча турфа хиллигини такрорланмас тарзда акс эттиради. Тил нафақат алоқа, зеҳн ва фикрлаш воситаси, балки дунёни қандай кўришимизни тасвирлайди ва ўтмиш, бугун ҳамда келажак ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб беради. Она тиллари ҳар бир инсон дунёга келганидан бошлаб, унда гарчи у кўплаб тиллар эгасига айланса ҳам, ҳеч қачон йўқолиб кетмайдиган ноёб из қолдиради. Хорижий тилни ўрганиш бу – дунёнинг бошқа кўриниши, бошқача ёндашувлар билан танишиш усулидир»*-деган эди.

Халқнинг Ватани, давлати каби яна бир буюк, бирламчи бойлиги бўлган тили одамлар гуруҳини бир миллат сифатида бириктиради, яъни халқни – халқ, миллатни – миллат қилади. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, тили,

маданияти ва қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Улуғ мутафаккир шоиримиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзбек халқи маънавий дунёси, тилининг шаклланиб ривож топишида хизматлари беқиёс бўлган. *«Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз»* сўзлари орқали она тилимизнинг беқиёс бойлиги, унинг буюклигини англаш қийин эмас. Алишер Навоий, Бобур, Машраб каби мутафаккир-шоирларимиз ва Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ва Миртемир сингари улуғ адибларимизнинг ранг-баранг тили, халқчил ва сержило услубини чуқур ўрганиш маънавиятимизни ҳам, нутқ ва тафаккуримизни ҳам беҳад бойитади. Улуғ ижодкорлар халқ тилини ўрганишни ҳамиша асосий вазифа деб қараган. Бинобарин, бу жиҳатдан Абдулла Қаҳҳор ҳозирги ижодкор ёшлар олдида эъзозли бир устоз бўлиб гавдаланади. Негаки, у умрининг охирига қадар ижод қилишдан тўхтамаганидек, тилни ўрганишни ҳам ҳамиша ёзувчилик меҳнатининг ажралмас бир қисми деб билган.

Абдулла Қаҳҳор она тилимизнинг матонатли жонкуярларидан эди. Ибратли бир ҳолат: адибнинг адабиёт ва танқидчилик ёхуд ёшлар маънавияти ҳамда маданиятига бағишланган биронта нутқ ё мақоласи йўқки, унда адабий тилимизнинг беқиёс бойлиги ва имкониятларидан фахрланиб ёзмаган, унинг жиддий муаммоларидан ташвишланиб, кескин фикрлар айтмаган бўлсин. Мана, Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллар муқаддам ҳозирги Жаҳон тиллари университети талабалари билан учрашувдаги нутқидан бир парча: *«Сизлар институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар борадиган жойларингга чет тиллар билан бирга, биринчи навбатда, ўз она тилимиз — ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб боринглар! Ўзбек тили зоят бой, ниҳоят чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғуни ифодалашга қодир эканини амалда кўрсатинглар; қаерда ва қандай шароитда ишланганлар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар!»* Бу сўзлар замиридаги ҳаётий маъно, эзгу мақсад ва тилак Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлмиш бугунги ёшларимиз учун ҳаётий бир дастуриламалдир.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг бугунги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг нуфузини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Департаментнинг асосий вазифаларидан бири давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратини жорий этишдан иборат деб белгиланган. Фармонга кўра, «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳрири ишлаб

чиқилади, шунингдек, илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссияси ташкил этилди.

Олий таълим муассасаларига ўқишга киришда абитуриентларнинг она тили фанидан имтиҳон топширишлари шарт қилиб қўйилгани қувончли ҳолат. Аммо кириш имтиҳонларида бўлғуси филолог ва педагог-ўқитувчилар она тили ва адабиётдан иншо ёзишса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнингча, барча таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти ўтилса фойдадан ҳоли бўлмас эди. Дарс машғулотларини илмий-назарий тушунча ва қоидаларни ўргатидаган фан сифатида эмас, бадиият ва нафосатни қалбан англаш, ижодий фикрлаш ҳамда мушоҳадага ўргатувчи санъат тури сифатида ўтилса, ёшларнинг комил инсон бўлиб етишишларида улкан аҳамият касб этади. Ёшларимиз мумтоз асарларни тушуниб ёдлашлари, улардаги бадиий сўз жилолари ва тағмаёноларини ҳаёт билан, инсон руҳияти билан боғлаб таҳлил этишни ўрганишлари керак.

Оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган кўрсатувлар ва чиқишларда соф ўзбек адабий тилида гапирилиши лозим. Чунки ёшлар улардан ибрат олиши табиий ҳол. Сўзи, фикрлари гўзал суҳандонлар, нотиқлар олий таълим муассасаларида нутқ маданияти дарсларига юзма юз мулоқотларга таклиф этилса, барча ёшлар она тили ва адабиётнинг сеҳри-жозибасидан кўпроқ баҳраманд бўладилар ва келажакда ўз тилларида бенуқсон ва беҳато мулоқот олиб боришга ҳаракат қиладилар. Келгусида мулоқот ва иш юритиш жараёнларида қийинчиликка дуч келмайдилар.

Зеро, ўзбек тилини мавқеини кўтариш, уни ҳақиқий давлат, она тилига айлантириш учун ҳар бир ҳар биримиз ватанпарвар сифатида мажбур ва масъул бўлиши лозим. Шундагина:

*Бу садо янграр ҳамон,
Сира адо бўлмайди.
Олам айтар: Ҳеч қачон
Она тилим ўлмайди!*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармон. 2019 йил 21 октябрь. ПФ-5850-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида» қонун. 2020 йил 10 апрель, ЎРҚ-615-сон.
3. Абдулла Авлоний (Танланган асарлар) 1-жилд, Т.: Маънавият нашриёти, 2009.
4. Абдулла Авлоний (Танланган асарлар) 2-жилд, Т.: «Маънавият» нашриёти, 2009 йил.
5. Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. Т.: Академнашр, 2017 йил.
6. <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/403-tilni-momtozlikka-kotargan-siymo.html> (murojaat sanasi 28.09.2020 y)
7. http://zamonaviy.com/blog/21_oktyabr_til_bayrami_haqida_sherlar/1-0-48. (murojaat sanasi 28.09.2020 y)

«МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН»НИНГ ХОРИЖИЙ ЭЛЛАРДА ЎРГАНИЛИШИ

Муродиллаева М.У.

ЎР ҚК Академияси Тиллар кафедраси
катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Алишер Навоийнинг “Муҳокаमत ул-луғатайн” асарини чет элларда ўрганилиши ва бу асарни тилишунослик соҳасида тутган ўрни, Навоий ҳақида Ғарб шарқшуносларининг фикри кенг талқинда баён қилинган.

Калит сўзлар: ўзбек тили қадр-қиммати, тилишунослик, илмий-амалий ишлар, қўлёзма нусхалар, навоийшунос ва шарқшунос олимлар, асар таржимаси, қимматли манба.

*Она тилим – юрак қатимдан
Меҳр бўлиб сочилган жаранг.
Қулогимга гўдак пайтимдан
Алла бўлиб сингиган оҳанг...*

Тил улуғ неъмат, бебаҳо инъомдир. Ҳар бир миллат ўз тилини эъзозласа, кадрласа, унинг тараққиёти ва равнақи учун жон куйдирса, у тил бир умрга гўзал, бетакрор ва буюк бўлиб қолаверади! Ҳар бир халқ азиз ва муқаддас бўлган ўз она тилини асраш, ривожлантириш, жозибасини тўла намоён этиш учун ҳаракат қилади, чунки унда халқ тарихи, миллий қадриятлари, маданияти ифодаланади.

Жаҳон маданияти тарихида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган Алишар Навоийнинг бебаҳо ижодий меросини кенг бир соҳа сифатида ўрганар эканмиз, унинг серқирра ижодида тилишуносликка оид фаолияти алоҳида кўзга ташланган “Муҳокаमत ул-луғатайн” асари ана шу фаолиятнинг яққол самарасидир. У ушбу мукамал лингвистик асарини 1499 йил декабрида яратган ва ўзининг умри давомида қилган барча буюкб илмий, фалсафий, адабий-ижодий ишларига ҳам якун ясайди. “Муҳокаमत ул-луғатайн”да туркий тилнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни, унинг грамматик мукамаллиги, сўзларга бойлиги форсий тил қоидалари ва ходисаларига қиёсланган ҳолда чуқур ва аниқ мисоллар орқали таҳлил этилган. Алишер Навоий ўзининг бу тилни, унинг жамият тараққиётидаги ўрнини, сўз ва ибораларга бойлигини шоир сифатида чуқур эгаллагани учун, унинг бошқа тиллардан камлик жойи йўқлигини, аксинча, уларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ватанпарвар олим сифатида эҳтирос билан кўрсатиб, исботлаб берган. Унинг муқояса учун келтирган 100 та туркий феълининг аксари ўзбек тилида ҳозиргача истеъмолда бўлиб турибди. Шу билан бирга “Муҳокаमत ул-луғатайн”да ўзбек адабиёти тарихи, унинг бошқа адабиётлар, хусусан форсий адабиёт билан яқиндан боғланганлиги, Навоий ижодининг ривожланиш йўллари, айрим асарларининг юзага келиши сабаблари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Шу жиҳатдан “Муҳокаमत ул-луғатайн” асарини ўргатиш ва ўрганиш учун энг қимматли манбаа бўла олади.

Ушбу асарни навоийшунос олимларимиз О. Усмонов, Э. Умаров, Б. Бафоев, У. Санакулов, Э. Очилов кабиларни асар юзасидан олиб борган тадқиқотларидан ҳам ўрганиш мумкин.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг илм оламига тўртта Тўпқопи, Фотих, Будапешт ва Париж нусхалари мавжуд бўлиб, улар сақланаётган жойларига нисбат бериб шундай номланади.

Навоий меросини Шарқ ва Ғарб олимлари кенг бир навоийшунослик соҳаси сифатида тадқиқ қилиб келмоқдалар. Жумладан, “Муҳокамат ул-луғатайн” асари ҳам хорижий элларда бир неча бор нашр қилинган ва асар юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асари Туркияда 4 марта нашр қилинган. Икки тилнинг муҳокамасига бағишланган ушбу асарнинг илк усмонли турк тилидаги таржималари Туркияда биринчи Али Суовий томонидан “Улум” газетасида 1869-1970 йилларда эълон қилинган. Кейинроқ Туркиянинг Бурса шаҳрида ҳижрий 1307 йилда “Нилуфар” журналининг 37-40 сонларида асарнинг усмонли туркча таржималари эълон қилинган.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асари учинчи марта ҳижрий 1315 йилда ношир Аҳмад Жовдот томонидан “Иқдом” нашриётида чоп этилган. Китоб ҳажман 104 саҳифадан иборат бўлиб, нашр Аҳмад Жовдотнинг устози Нажиб Осимбейнинг “Сўз боши” билан бошланган. Бу нашр тўла араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида босиб чиқарилган.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асари тўртинчи бора А. Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан машҳур турк тилшуноси Исоқ Рифат Ишитман томонидан нашрга тайёрланган. Ушбу нашр Турк Дил куруми (Турк Тили Жамияти) бош котиби Д. М. Дилман сўз боши билан бошланган. Нашрдан асарнинг лотин ёзувидаги наشري ҳам, Рифат Ишитман томонидан тайёрланган таржима ҳам ўрин олган.

Навоийнинг ҳаёти ва ижоди устида кўп йиллардан буён иш олиб борган навоийшунос олим Огоҳ Сирри Левенд Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб IV жилддан иборат асарларини нашр эттирган. Жумладан, сўнгги IV жилдда Навоийнинг барча илмий асарлари қатори «Муҳокамат ул-луғатайн» ҳам берилган.

Туркияда “Муҳокамат ул-луғатайн” асарига оид энг муҳим ва энг чуқур тадқиқот олима Фотима Сема Барутчу Ўзондерга тегишли бўлиб, Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан унинг барча асарлари нашр этилди. Ушбу асарлар тўпламининг IV жилди тўлалигича “Муҳокамат ул-луғатайн” асарига бағишланган бўлиб, нашр Доктор Кемал Эрасланнинг маъсул муҳаррирлигида 1996 йил Анқарада чоп этилган. Ўзондер томонидан тайёрланган ушбу нашр Туркияда чоп этилган нашрлардан ўзининг мукамаллиги, мундарижаси бойлиги ва илмийлиги билан ажралиба туради.

Таниқли шарқшунос, асли эрон озарбайжонидан чиққан Турхон Ганжий “Муҳокамат ул-луғатайн” ни форс тилига таржима қилиб, 1946 йилда Техронда босиб чиқарган.

Крим татар китобхонларини мазкур асар билан Исмоил Ғаспирали таништирган. У 1982 йилда крим татар тилида “Муҳокамат ул-луғатайн” ни таржима қилиб, Боғчасаройда нашр эттирган.

Озарбайжон жамияти 1926 йилда чиқарган илмий асарлар тўплами тўлалигича Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланади. Тўпламдан ўрин олган Бекир Чўпирзоданинг “Навоий тилчи” номли ишида хусусан “Муҳокамат ул-луғатайн” асари ҳақидаги илмий назарий қарашлари баён қилинган.

Абдулҳаким Қулмуҳаммедов “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини 1925 йилда турман тилига ўгирган ва ўша йили асарни Ашхабодда нашр эттирган.

Х. Темур ва А. Пўлатлар “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини уйғурчага таржима қилишган ва луғати билан биргаликда 1988 йили Урумчида чоп қилдирганлар.

Ўзбек адабиёти даҳоси А. Навоийнинг адабий ижоди рус олимлари томонидан кенг тадқиқ қилинган. Академик В. Жирмунский “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини Данте ва Дью Белли каби Уйғониш даври мутафаккирларининг ғоялари билан бевосита ҳамоҳанглигини таъкидлайди.

Ленинградлик рус шарқшуноси А. Н. Малехова “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ҳиротлик машҳур ҳаттот Али Ҳижрий томонидан тайёрланган кўлёзма нусхасини 1927 йилда биринчи марта рус тилига таржима қилган.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасида Ғарбий Европада қилинган ишлар ниҳоятда кўп ва самаралидир.

Европа навоийшунослигида биринчи марта “Муҳокамат ул-луғатайн” ни Париждаги Шарқ жонли тиллари олий мактабини таниқли шарқшуноси Катремер Этьен Марк (1782-1857 йй) ўрганди ва нашр этди. Катремернинг асар билан боғлиқ иккинчи тадқиқоти “Муҳокамат ул-луғатайн” матни билан француз тилига таржимаси берилган “Chrestomathie en Turk oriental” Paris 1845. (Шарқий Турк хрестоматияси) дир.

Ғарбда “Муҳокамат ул-луғатайн” асари ҳақида диққатимизни ўзига тортадиган яна бир тадқиқот венгриялик шарқшунос олим А. Вамберига тегишлидир. Вамбери “Муҳокамат ул-луғатайн” ни Будапешт кўлёзма нусхасига таянган ҳолда асарни макаркарда тилига таржима қилади ва таржимани “Nyelvtudomeni Kozlenmenyek” журналининг 1 жилдини 112-130 бетларида 1862 йилда нашр эттирган.

Лейпцигда 1968 йили нашр этилган “Жаҳон адабиёти луғати” китобида ўзбек мутоз адабиёти Алишар Навоий ижоди орқали берилган. Навоий улугъ ёзувчи, ўзбек адабий тилининг асосчиси деб таърифланган. Унинг “Хамса” сига кирган дostonлари, илмий назарий асари “Муҳокамат ул-луғатайн” ҳам мазмуни, ёзилган даври, адабий жараёндаги ўрни, уларнинг умумий қиммати ва жаҳон адабиётидаги тутган мавқеи кўрсатилган.

“Муҳокамат ул-луғатайн”нинг Ғарб шарқшунослигидаги энг мукаммал таржимаси ва нашри Роберт Деиереукс номи билан боғлиқдир. У бу асарни инлизча таржимасини кириш ва изоҳлар билан дастлаб Лондонда чиқадиган “The Muslim World” (“Мусулмон журнали”) нинг 1964 ва 1965 йилги сонларида нашр эттирган. Мазкур асар “Мир Али Шер “Муҳокамат ул-

луғатайн” номи билан Лейден шаҳридаги Е. Ж. Брилл нашриётида босмадан чиқарди. Нашр таркибан кириш, “Муҳокамат ул-луғатайн” нинг инглизча тўла таржимаси, изоҳлар ва асарнинг қўлёзма нусхаси иловасидан иборат.

Бизнингча биз фойдаланган манбалар ёш авлодларга Навоийнинг фақатгина тилшунослик соҳасидаги фаолияти “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг асл қўлёзмалари, хорижий таржималари ҳақида билимлари доираси кенгайишига ёрдам беради.

Шундай экан, Навоий меросини ўрганиш билан ҳам ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш учун биз эса ўз навбатида тилимизнинг поклиги ва ўзига хослигини сақлаш, уни бойитиш ва такомиллаштиришга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор. Зеро, ноёб хазинамиз - тилимизни асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Миллий тил ва унинг равнақи йўлида ғамхўрлик қилиш бир гуруҳ мутахассисларгагина тегишли илмий-амалий соҳа ёки мавсумий бир тадбир эмас. Аксинча, бу авлодлардан-авлодларга ўтиб, бойиб ва сайқалланиб келаётган халқ тилининг софлиги ва истиқболи ҳақида қайғуриш, она тилининг тўлақонли яшаш ҳуқуқи учун, миллат маънавияти, маърифати ва маданияти учун курашдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рустамов А. «Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои», Т. АДД., 1966 йил.
2. Санакулов У. «Исследование языка памятника XV века», Т. АКД, 1971 йил.
3. Сулаймон Х. Алишер Навоий қўлёзмалари тадқиқотидан. // Адабий мерос, Т.: «Фан», III том, 1973 йил, 84 бет.
4. Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Т.: «Фан» 1983 йил, 5 бет.
5. Исматуллаев Ҳ. Саҳоватли халқ мадҳи. // Шарқ юлдузи. 1987. 7 сон. Б. 196 .
6. Холбеков М. Шоирнинг фарангистонлик мухлислари. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 550 сон, 1991 йил, 27 сентябрь.
7. Иржи Бечка. Навоий Чехословакияда. // Шарқ юлдузи. 1968 йил, 7 сон, 226 бет.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА НАВОИЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Юсупова Н. З.

ЎР ҚҚ Академияси

Тиллар кафедраси доценти

***Аннотация:** Мақолада Навоийнинг ўзбек тилининг шаклланиши ва ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси кўрсатиб ўтилган. Навоий томонидан илм-фан ва унинг тараққиётига тамал тоши бўлган буюк асарларнинг ёзилиши ҳам тилга, ҳам шеърят мавқеини юксакларга кўтариб, унинг келажак авлодлар учун нечоғлик қимматли манбалар эканлиги исботлаб берилган.*

Калит сўзлар: Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси, ўзбек адабий тилининг тарақиёти, Ўзбек адабий тилининг шаклланиши, “Муҳокамат ул-лугатайн”, адабий тил меъёрлари.

Навоий ким? У қандай сеҳрли сиймоки, асрлар оша унга интилиш тобора ошиб бормоқда, замонлар оша унинг жозибаси кундан-кун ортиб бормоқда? Мен эса, бу саволнинг жавобини унинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги:

*Айтиб совумас тарона сен-сен,
Олиб қуримас хазона сен-сен –*

деган байтидан топгандай бўлдим. Гарчи Навоий буни сўзга мурожаат қилиб айтган бўлса-да, мен бу байтни Навоийнинг ўзига қайтариб такрор-такрор айтгим келади. Дарҳақиқат, Навоий нафақат туркий халқлар, балки бутун башарият учун айтиб такрорланмас таронадир, ҳамиша барҳаётдир. Чунки сўз санъаткорнинг маҳорати билан кучга киради ва сеҳрли қудратга айланади. Навоий эса сўздан ўзига абадий ҳайкал ўрнатди.

Лекин минг афсус билан айтиш керакки, қарийб олти асрдан бери дунё унга интилиб келаётган шоир ўзи туғилиб ўсган она юртида бутунлай унутилган ва бизга мерос қолдирган муборак асарлари ўзбек тилида бўлгани учун атайин чоп этилмаган ва ўрганилмаган.

Навоийнинг дунё миқёсида тан олинishi, асарларининг турли тилларга таржима қилиниши ва асарлари асосида юзлаб илмий ва таҳлилий китоб ва мақолалар ёзилишига сабаб – Навоийнинг ўз асарлари орқали фикрий жиҳатдан дунё маданиятига қўшган улкан улушидир, албатта. Лекин биз учун Навоий нега улуғ, нега азиз?

Маълумки, ўрта асрларга келиб форс ва араб тилларининг бахти кулади. Узоқ давр ичида бири илм-фан тили, бири шеър адаб тили сифатида, ҳақсизлик ва адолатсизлик билан ҳукм суриб келди ва натижада миллатимиздан чиққан нодир сиймолар асарларини ўз тилларида эмас, ўзга тилларда ёзишга мажбур бўлдилар. Чунки “туркий тил шеъриятдаги нафис туйғулар ва тушунчаларни ифодалашга қодир эмас, туркий тил бадиий асар ёзишга ярамайди” деган сохта тушунча ҳукмрон эди. Негаки ўз шон-у шуҳратларини дунёга кўз-кўз қилиш, ўз номларини тарих саҳифаларида муҳрлаш учун форс тилида мадҳиялар ёздирдилар. Навоий эса, шундай бир шароитда туркий тилда ўлмас асарлар ёзиб, бу тилнинг ҳам шеърят, ҳам илм тили эканлигини исботлаб берди.

Ўзбек тили ва адабиёти байроғини юксакларга кўтариб, ўзбек халқини тил жиҳатдан “якқалам” қилган Навоий ҳақли равишда:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам –
деб фахрланади.*

Кейинчалик Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида Андижон шаҳри аҳолиси ва унинг тили ҳақида маълумот бериб, уларнинг тили Навоий асарлари тилига жуда яқин эканлигини айтиб, Навоийнинг бу даъвосини тасдиқлайди: “эли туркдур, шаҳар ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишиер

Навоийнинг мусаннафоти бовжудиким Ҳирида нашу нимо топиштур, бу тил биладур”.

Бу билан биз Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси, демоқчи эмасмиз, чунки ўзбек адабий тили Навоийдан анча олдин – XIII асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлайди. Аммо Навоийгача бўлган давр ичида, бир шаҳарда яшаб турли шева ва лаҳжаларда ижод қилган шоирларимизни адабиётимиз тарихидан яхши биламиз. Демак, биз учун Навоийнинг улуғлиги, биз учун Навоийнинг азизлиги худди мана шунда – ўзбек тилини ўзбек халқи учун “якқалам” қилгани ҳамда душманлар иддиосини рад этиб, ўзбек тилини ҳам шеърят, ҳам илм тили эканлигини исботлаб берганидир.

Навоий “Муҳокаматул-луғатайн” асарида ўз халқи орасидан чиққан табъ аҳлининг ўз она тилларини қўйиб бошқа тилда ёзишларини куйиниб, ачиниб тилга олади ва : “андин сўнграким, турк тилининг жомияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидан пайдо бўлгон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғон ўзга тил била зоҳир қилмасалар эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди”,– дейди.

Навоийнинг бу орзуси беш асрдан кейин мустақил туркий халқлар орасида ушалган бўлса-да, ўзи туғилиб ўсган юртида ҳозиргача армон бўлиб қолмоқда. Чунки биз сиёсатимизни тилимиз ва адабиётимизнинг тараққиёти учун эмас, балки тилимиз ва адабиётимизни сиёсатимизнинг равнақи учун васила қилиб келмоқдамиз. Чунончи кези келганда, керак бўлиб қолганда: Навоий Ҳиротда туғилган, Навоий Ҳиротда дафн этилган, Навоий бизники, деб уни бутун дунёдан қизғанамиз. Кошки ҳар бир миллатнинг маънавиятини унинг тили ва адабиёти ташкил беришини билсак эди ва сиёсатимиздаги маънавий бўшлиқни маънавитимизнинг асосий устунлари бўлмиш шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини чоп эттириш билан тўлдириб, тилимизни миллатимизга қайтаришга восита бўлсак эди.

Ўзбек адабий тилининг тараққиётида XV асрнинг иккинчи ярми ниҳоят муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда Алишер Навоий ўзининг муборак ижоди билан ўзбек адабиётини юксак чўққиларга кўтариш билан бирга, ўзбек тилининг тараққиётига ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Навоий яратган асарлар ҳам фикрий, ҳам адабий жиҳатдан жуда юксак савияда бўлгани сабабли дунёга тез тарқалди ва шоирнинг ўз давридаёқ илм аҳлининг, жумладан, тилшуносларнинг диққатини жалб қилди. Натижада Навоий асарлари асосида ёзилган грамматика ва луғатлар вужудга келди.

Санъат ва мафкура нуқтаи назардан Навоий бутун дунё маданиятига ўз ҳиссасини қўшган бўлса, тил нуқтаи назаридан туркий халқлар маданиятига улкан хазина тақдим этди. Чунинг учун ҳам Навоий тили ҳозирги кунда ҳам жаҳон тилшуносларининг илмий тадқиқотларига мувзу бўлиб келмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таъбири билан айтганда, “Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил билан то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас”. Навоийдан кейин ҳам шу ҳолат давом этди, ҳеч ким

Навоийча “кўп ва ҳўб” айта олмади ва у ўзбек адабиётида такрорланмас сиймо бўлиб қолди. Дарҳақиқат, адабиёт оламида Навоий забт этган юксак чўққилар бугунгача тадқиқ этиб келинмоқда.

Навоийнинг ўзбек тили ҳамда ўзбек халқи учун қилган хизмати фақат унинг “кўп ва ҳўб” ёзгани билан хулосаланмайди. Унинг буюк ва асосий хизматларидан яна бири ўзбек тилини бутун ўзбек халқи учун умумий бўлган меъёрга солганидир. Бу адабий тилнинг энг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Лекин шуни қайд қилиш керакки, бу давр адабий тили фақат Навоийнинг адабий-илмий ва ижтимоий фаолияти билангина эмас, балки Навоийнинг ўтмишдошлари, замондошлари ва издошлари фаолияти билан ҳам узвий бағланган. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида улар ўзларининг муайян ҳиссаларини қўшганлар.

Ўзбек адабий тилининг шаклланишида, адабий тил меъёрларини ишлаб чиқиш ва тартибга солиш ҳамда адабий тилни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш жараёнида Хоразмий, Ҳомид Балхий, Амирий каби адибларнинг асарлари орқали замин яратилган бўлса, Атоий, Саккокий ва Лутфий ижодиётида бу жараён яна ҳам тараққий эттирилди. Сўзлашув тилига хос тил воситалари адабий тил унсурлари билан қўшилиб кетади, унинг таркибий қисмига айланади. Навоий ижодида, унинг асарларида адабий жанрларга хос бадиий матнларда ўз даври адабий тилининг тараққиёти, такомиллашиб бориши учун зарур бўлган барча воситалар халқ тили бойликлари билан уйғунлашиб қўшилиб кетади.

Алишер Навоий тили тарихий-тадрижий ривожланиши жиҳатидан ҳам, услубий бойлиги ва ранг-баранглиги томонидан ҳам жуда мураккаб ҳодисадир. Унинг асарларида фақат Навоийнинг ўзига хос хусусий тил ҳодисалари, бадиий ижодий хусусиятларигина акс этиб қолган эмас. Балки шу билан бирга у ўзбек тилининг бой имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ўз даври адабий тили ва адабиётининг хилма-хил услубларини вужудга келтирди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўрта асрларга келиб араб ва форс тилларининг тараққиёт даври саналади. Тақрибан бутун мусулмон мамлакатларда улардан бири дин ва илм тили сифатида, иккинчиси эса бадиий ижод тили сифатида кенг анъанага айланди. Бу анъанани тарқатишда туркий сулоларнинг улуши беқиёс бўлган. Халқимиз орасидан етишиб чиққан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий каби буюк олимлар ўз асарларини она тилида эмас, балки ана шу анъанага кўра араб тилида, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий каби буюк шоирларимиз эса ўз асарларини форс тилида ёздилар. Бу анъана Навоий яшаган даврларда ҳам ўз кучини сақлаб келмоқда эди.

Унинг таъсири остида ҳатто ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан шоир-ёзувчилар ҳам она тилига нисбатан нотўғри муносабатда бўлдилар. Улар турк-ўзбек тилини дағал тил, унда нозик ҳис-туйғуларни нафис тарзда ифодалаб бўлмайди деган ғайри илмий фикрларни илгари сураб эдилар. Мана шундай шароитда Алишер Навоий она тилини ҳимоя қилиш учун кураш байроқдори,

она тилининг бойлиги ва софлиги учун толмас, чарчамас курашчи сифатида майдонга чиқди. Турк-ўзбек тилининг қиймати ва аҳмиятини камситувчиларга қарши курашди. Ўз она тилининг бойлигини, қудрат ва салобатини, унинг чексиз имкониятларга эга эканлигини катта куч ва ғайрат билан ҳимоя қилди. Бу тилда ҳам манзум, ҳам мансур асарлар ёзиб унинг ифода қудратини исботлаб берди. Бошқа тил ва миллатларга ўғай кўз билан қарамади. Форс тили ва адабиётига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Навоий ўзининг она тили учун олиб борган курашини уч жабҳада, яъни буюк шоир ва ёзувчи сифатида, олий мартабали йирик давлат арбоби ҳамда улуғ мутафаккир, тилшунос олим сифатида давом эттирди.

У ўзининг юксак адабий қийматга эга бўлган муборак асарларини она тилида ёзиш орқали турк-ўзбек тилининг қудратини, унинг бой тасвирий восита ва имкониятларга эга эканлигини, тўлиқ маънода бадий адабиёт тили эканлигини амалий тарзда исботлаб берди. Навоий ўз адабий-бадий асарларини яратиш жараёнида жуда муҳим ва мураккаб икки вазифани ўз олдига қўйди. Бири ўзбек адабий тилини юксак даражада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда том маънодаги ўзбек адабиётини яратиш ва ундан ўз халқини баҳраманд қилиш бўлса, ўзбек адабий тилини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилиш Навоийнинг она тили учун, унинг давлат тили бўлиши учун олиб борган курашининг иккинчи йўналишини ташкил қилар эди.

Навоий кўп йиллар давомида, хусусан Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатида муҳрдор, вазир, амири кабир сингари масъулиятли лавозимларда ишлаб, саройда, девон ва маҳкамаларда расмий иш юритиш соҳаларига раҳбарлик қилди. Подшоҳликнинг амири кабири сифатида давлат девонхоналарида расмий иш юритиш, нома, фармон ва буйруқлар ёзишда форс тили ёнида ўзбек тилини ҳам кенг қўллади, уни давлат тили даражасига кўтариш учун жуда кўп ҳаракатлар қилди. “Халқ билан халқ тилида сўзлашиш керак”, деган қоидага амал қилган Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро ва шаҳзодаларга ёзган мактубларида, ҳоким, доруға ва девонбегиларга, турли амалдорлар ва дўстларига йўллаган нома ва мактубларида она тилини ҳимоя ва тарғиб қилди ва бу соҳада кўп самарали натижаларга эришди.

Улуғ мутафаккир олим Амир Алишер Навоийнинг туркий тилнинг бойлиги ва ифода қудратининг юксаклигини исботлаш учун олиб борган курашининг яна бир муҳим томони унинг тил ҳақидаги илмий-назарий қарашлари ҳисобланади. У етук тилшунос олим сифатида, ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ёзди. Бу китобда ўзбек адабий тилини шакллантириш, ўзбек адабиётини яратиш, уни ривожлантириш соҳаларида олиб борган курашини, кўп йиллик меҳнатлари ва бой тажрибаларини умумлаштирди, чуқур илмий-назарий хулосалар чиқарди.

Навоийнинг она тили учун олиб борган кураши осон кечмади. Бу йўлда у катта қийинчиликларга, амир ва бекларнинг қаршилигига, ўз халқи орасидан чиққан форсигўй шоир ва ёзувчиларнинг таъна ва маломат тошларига нишон бўлди. Аммо Навоий ўзининг ҳақлилигига, ўзи олиб борган ишнинг муқаддас ва мураккаб эканлигига тўла ишонар эди. Бу иш ўз халқининг тарихи ва

тақдири билан боғлиқ бўлган катта давлат ва умумхалқ аҳмиятига эга иш эканлигини яхши билар эди. Унинг орзуси ўз халқининг тилини давлат тили мақомига кўтариш, ўз халқи учун ҳамма соҳаларда форс тилидагидек ривожланган адабиёт яратиш, уни бадиий ижоднинг яхши дурдоналаридан баҳраманд қилишдан иборат эди. Бу орзу унга катта куч бағишлар эди. Дарҳақиқат, Навоий ўз орзуси, ўз кураши йўлидаги барча зиддиятлар ва моненьларни енгиб, ўзбек тилининг ифода қудрати, салоҳият ва гўзаллигини рад этиб бўлмас далиллар асосида исботлади, уни тараққий эттирди. Ўзбек адабийтилини форс тилида ёзилган асарлар билан рақобат қила оладиган бебаҳо асарлар билан бойитди.

Ўзбек тили ва ўзбек адабиётини ривожлантириш соҳасида ўз олдиға қўйган вазифаларни юксак даражада адо этган Навоий ўз халқи учун, унинг маданияти учун ва умуман келгуси насллар учун катта шарафли ишларни амалға оширди.

*Мен ул менки то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур,
Фалак кўрмади мен кеби нодире,
Низомий кеби назм аро қодире –*

деб фахрланишға том маънода ҳақлидир.

Ҳерман Вабери, И. Березин шарқшунос каби олимлар Бобурнинг бу фикрини қувватлайдилар. Лекин И. Илминский Навоий адабий тили Андижон аҳолисининг тилига яқин бўлса ҳам, айнан бир хил бўлган эмас, деб таъкидлайди. Чунки халқ жонли тилида араб ва форс тилға хос сўзлар ва иборалар Навоий асарларида бўлганидек кўп даражада бўлган эмас. Лекин Илминский бу фикрни баён қилар экан, ўша даврда араб ва форс тилларининг ижтимоий мавқеини назарға олсак, ўзбек адабий тили учун бу ҳолат табиий бир ҳодиса эканлигини ҳисобға олмаганға ўхшайди.

Ҳар ҳолда, рус олими Р. Мелиоранский таъкидлаганидек XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда, Хуросон ва Хоразм воҳасида истеъмолда бўлган ўзбек адабий тили таркиби, адабий тил билан маҳалли шеваларнинг ўзаро муносабати жиҳатдан мураккаб хусусиятға эға эди. Шу жиҳатдан Навоийнинг тилини аниқлашда ўша давр адабий тилининг фонетик тизимини, товуш таркибини аниқлашда, уни шева хусусиятлари билан қиёслаш муҳим аҳмиятға эғадир. Бу эға алоҳида бир тадқиқотни талаб қилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, Амир Алишер Навоий ўзининг бетакрор асарлари билан нафақат ўзбек адабий тилини бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшовчи ўзбеклар учун умумхалқ тили даражасига кўтарди, балки унинг асарлари бошқа турки халқлар тилига ҳам ўз таъсирини қолдирмай қолмади. Навоий ҳаётлигидаёқ унинг асарлари Хуросон ва Мовароуннаҳр чегараларини ошиб, Эрон, Озарбойжон, шарқий Туркистон, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатларға етиб боради. Бу ҳолат, табиийки, у ердаги туркий халқларнинг тилига ўз таъсирини ўтказган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-таҳлилий матн. – Т., 1965.

2. Санакулов У.С. Навоийнинг “Мухокамат ул-луғатайн” асарининг тили, фонетикаси ва морфологияси” номзод. дисс. Т.,1971.
3. Кодиров П. Тил ва эл. Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.
4. Навоий А. Тула асарлар туплами. 8-жилд. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИКЛАР

Ражабова О. Н.

ЎР ҚҚ Академияси Тиллар кафедраси
катта ўқитувчиси

***Аннотация.** Мақолада ўзбек тилининг давлат тили мақомида барча соҳаларга кенг жорий этилиши, тил ва нутқ ўртасидаги муносабатлар, тил бирликлари ва қоидалар, тил бирликлари орасидаги боғлиқликларнинг турли-туманлиги ҳақида сўз боради.*

***Калит сўзлар:** нутқий бирликлар, экстралингвистик вазият, нутқ кетма-кетлиги, нутқ элементлари, нутқ ахбороти, адабий тил ва жонли сўзлашув, тилнинг соҳиби, муайян тизим, муайян меъёр, сўзларнинг маъноси.*

Бутун дунёда барча соҳаларда ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётган бир вақтда ҳар бир халқ, ҳар қайси давлат миллий манфаатларини таъминлаш, миллий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш масалаларига катта аҳамият қаратиши табиий.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда давлат тилини ривожлантириш ва уни барча соҳаларга кенг жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йиллари фақат 21 октябрь яқинлашгандагина давлат тили ҳақида мулоҳазалар олиб борилган бўлса, сўнгги бир йил оралиғида давлат тили тўғрисида доимий мулоҳазалар олиб борилмоқда.

Ўзбек тили Олтой тиллар туркумига мансуб бўлиб, дунёдаги йигирма тўртта қардош туркий тиллар орасида атиги олтитани ташкил этувчи барқарор туркий тиллардан биттасидир. Қуйида биз тил ва нутқ ўртасидаги муносабатларни ўрганиб чиқамиз. Бу масала алоҳида бир миллий тилни ёки умуман тилларни назарий таърифлашдаги бошланғич нуктадир. Тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш аксарият тилшунослар томонидан тан олинади, аммо уларнинг моҳиятини, чегарасини аниқлаш мезонлари ҳақидаги фикрлар турли-туман.

“Тил фаолият маҳсули эмас, балки фаолиятнинг ўзидир” деган ғояни илгари сурган В. фон Ҳумбольдтдан фарқли ўлароқ, Соссюр “тил фаолият эмас, балки сўзловчи томонидан пассив қайд қилинадиган тайёр маҳсулот, нутқ маҳсулидир” дейди. Унинг таъкидлашича, “тилнинг воқелиги, ўз табиатига кўра нутққа нисбатан кам эмас”. Л.В.Щерба худди Ф.де Соссюр сингари нутқ фаолиятини алоҳида ҳодиса сифатида ажратиб, уни “гапириш ва тушуниш жараёни” деб тушунади. Олимнинг фикрича, тажрибадан биз фақат нутқ фаолиятини кузатамиз ва кейинчалик ундан “тил материали” ажратиб олинади. Тил материалига эса “гапириладиган ва тушунадиганларнинг

барчаси”, шунингдек, “матнлар”, яъни адабиёт, қўлёзмалар, китоблар ҳам киради.

Нутқ “ҳамма вақт маълум мақсадга йўналтирилган ва вазиятга боғлиқдир” Айни пайтда, тил бирликлари ва қоидалар вазиятга боғлиқ эмас. Улар нутқий бирликларни ташкил қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади ва ўз навбатида сўзловчидан мулоқот вазиятидаги экстралингвистик шарт-шароитларга мослашувни талаб қилади. Нутқнинг мақсадга йўналтирилганлик характери суҳбатдошга ва унинг тушунилишига асосланган. Хуллас, нутқнинг мақсадга йўналтирилганлиги экстралингвистик вазиятга боғлиқ, аммо тил бундай хусусиятларга эга эмас. Тил кўп ўлчамли ҳодисадир. Унинг бирликлари ўртасидаги боғлиқликлар, алоқалар ҳамтурлитумандир. Тил бирликлари ўртасида бундай муносабатларнинг мавжудлиги уни яхлит бир бутунликка, системага айланишга олиб келган.

Тил бирликлари орасидаги боғлиқликларнинг турли-туманлиги тил тизимида беҳад кўп жумлавий тузилмалар яшаш имконини беради ва нутқда айнан бир фикрни вазиятга қараб турлича усулларда баён қилиш имкониятини ҳам яратади. Тилнинг кўп ўлчамлилигига қарама-қарши ҳолда нутқ кетма-кетлик хусусиятига эга, яъни у маълум замонда (оғзаки нутқ) ва маконда (ёзма матн) амалга оширилиши мумкин. Нутқ элементлари ифодаланаётган фикр кечишига қараб жумлалар матнда маълум бир тартибда кетма-кет жойлашади. Худди шундай кетма-кетлик нутқни идрок қилиш жараёнида ҳам кузатилади. Биз нутқ ахборотини айнан ана шундай кетма-кетликда, бирликларнинг маълум қоидаларга бўйсунгани ҳолда ифодаланиши асосида идрок қиламиз ва тўғри тушунамиз.

Ривожланган ҳар қандай тил, шу жумладан ҳозирги ўзбек тили икки асосий функционал турга: адабий тил ва жонли сўзлашув тилига бўлинади. Ҳар бир муайян тилнинг соҳиби, ташувчилари бўлган элат (халқ) ёки миллатнинг вакиллари томонидан жонли сўзлашув тили болаликдан бошлаб эгалланади. Адабий тил, унинг меъёрлари ва қонуниятлари эса балоғатга етган, камолатга эришган кишининг шаклланиши жараёнида ўрганиб, ўзлаштириб олинади. Бунда, айниқса, оила ва мактаб, олий ўқув юрти, адабий тилни эгаллаган шахслар, олимлар билан яқин алоқада бўлиб туриш ва улар кўмагида турли жанрдаги адабиётларни ўқиш, ўрганиш муҳимдир. Умумхалқ тилининг юқори шакли ҳисобланган адабий тил аниқ ва муайян бир тизимда ҳар бир даврнинг тилига хос меъёр, тартиб-қоидаларни ифодалайди. Адабий тил лексикада ҳам, фонетика ва грамматик қурилиш соҳасида ҳам ўз меъёрлари, қоидалари билан ажралиб туради. Бу меъёрлар грамматика дарсликлари, қўлланмалари ва барча хил луғатларда белгилаб қўйилган. Бу меъёрлар шу тилда сўзлашувчи барча кишилар учун умумий ва зарурий ҳисобланади.

Адабий тилнинг муайян меъёрга солинганлиги шундан иборатки, унинг луғат таркиби маълум тартибга келтирилган бўлади, сўзларнинг маъноси ва ишлатилиши, талаффузи ва ёзилиши ҳамда грамматик шакллар ясалиши ягона, муштарак қоидага бўйсунди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. - М.: Просвещение, 1989. - 206 б.
2. Белошапкова В.А. и др. Идеографические аспекты русской грамматики. - М.: Изд. Мос. унив., 1988. - 201 б.

ТИЛ МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Имамова Ш. П.

ЎР ҚК Академияси Тиллар кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада она тилимиз, унинг тарихи, она тилимиз буюк сиймолари, ҳамда унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикрлар билдирилган

Калит сўзлар: она тили, ривожланиш, мақом, тил, миллат, мамлакат

Она тили – миллатнинг руҳидир. Тил — давлат тимсоли, мулки. Тилни асраш, ривожлантириш – миллатнинг юксалиши демак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди.

Бундан 27 йил муқаддам ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Бу ўз даврида том маънода оламшумул воқеа бўлган эди. Чунки, Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Ал Фарғоний, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо сингари буюк сиймоларни етиштирган халқ тили йўқолиш арафасига келиб қолган эди. Мустақилликка илк қадамлар ташланаётган даврдаёқ президентимиз томонидан ўзбек тилига давлат мақоми бериш масаласи кун тартибига қўйилиб, бу иш амалга оширилган эди. Она тилимиз – ўзбек тилига 1989 йил 21 октябрда давлат тили мақоми берилди. Бу мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас, тарихий воқеага айланди. Агар ўшанда тил тўғрисида қонун қабул қилинмаганда эди, ўзбек тили ҳам тарих саҳифаларидан жой олган бўлармиди?!

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлган эди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган беш жилдлик “Ўзбек тилининг изохли луғати” бу борада амалга оширилган ишларнинг энг муҳимларидандир.

Тил – миллат қиёфасининг бир бўлаги. Дунёдаги барча халқлар ўзининг миллий расмий тилига эга деб айтолмаймиз. Чунки бу халқнинг миллий мустақиллиги билан боғлиқ. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда ҳар икки ҳафтада битта тил йўқолиб бормоқда. Бу ўз навбатида ўша тилда сўзлашувчи халқларнинг йўқолишини англатади. ЮНЕСКО вакилларининг сўзларига қараганда, қачонлардир одамлар сўзлашадиган тилларнинг сони 7 мингдан 8 мингтагача етган бўлса, бугунги кунда сайёрамизда 6 мингта тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Бу асосан цивилизация туфайли маданиятидан айрилаётган кам сонли миллатларнинг тилларидир. Бу тилларда сўзловчи аҳолининг айримлари ёзувга эга бўлса, айримлари бундан бебаҳрадир. Масалан, Африка тилларида сўзлашувчи аҳолининг 80 фоизи ҳамон ўз ёзувларига эга эмас. Минглаб тиллардан таълим тизимида фойдаланишнинг имконияти йўқ. Интернетдан фойдалана олмайдиган тиллар ҳақида-ку айтмаса ҳам бўлади. Чунки янги технологияларнинг ривожланиши туфайли айрим халқлар ўз тилларидан кўра замонавий тиллардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бугун Интернет тилининг 81 фоизи инглиз тилига тўғри келади. Тўғри, авваллари ҳам тиллар пайдо бўлган, муаммолада бўлиб, маълум вақтдан сўнг йўқ бўлиб кетган. Лекин ҳозиргидек тилларнинг жадаллик билан йўқолиши тарихда кузатилмаган. Йўқолиб кетиш ҳавфида бўлган тилларнинг сақлаб қолиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг асосий мақсади ҳам маданиятлар ва тиллар хилма-хиллигини таъминлашдан иборатдир. Чунки айнан тил туфайли халқ ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари сақланиб қолади, сайёрамизда яшаётган халқларнинг ўтмиши ва маданияти ҳурмат қилинади. Тилшунослар йўқолиб кетиш арафасида турган тилларни сақлаб қолишнинг имкониятлари ҳозирча қўлдан бой берилмаганини айтишади. Тилларни сақлаб қолиш учун эса, БМТ экспертларининг фикрича, бу тиллардан таълим тизимида кенг фойдаланишни йўлга қўйиш керак.

Тил – миллатнинг маънавий бойлигидир. Тил нафақат муаммола воситаси – балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Турли халқларнинг тилларига ҳурмат эса ўз навбатида ўзаро тушунишни, мулоқотларга имконият яратади. Тилларни сақланиб қолиши учун эса бу тилларни қўллаб-қувватлаш зарурдир. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халққа мансублигидан фахрланиб яшайди. Барча тилларни тан олиш ва ҳурмат қилиш тинчликнинг бирдан бир кафолатидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир халқ ўз тили сақланиб қолиши учун ҳаракат қилади.

Лингвист олимларнинг фикрича, яна 25 йилдан сўнг ҳозир муомалада бўлган тилларнинг ўнтасидан биттаси сақланиб қолар экан.

Бугунги кунда дунёда 6809 та тил мавжуд бўлиб, уларнинг тенг ярми саккизта давлат – Мексика, Индонезия, Камерун, Бразилия, Ҳиндистон, Хитой, АҚШ ва Россия хиссасига тўғри келади. Энг кўп тилли мамлакат сифатида Ҳиндистон тан олинади. Бу мамлакатда аҳоли 845 тил ва лаҳжада сўзлашади. Иккинчи ўринда эса 600та тил ва шевада сўзлашувчи Папуа — Янги Гвинея

туради. Сайёрамизда энг кўп аҳоли сўзлашадиган тил сифатида хитой, инглиз ва испан тиллари тан олинган. Биринчи ўнликка ҳинди, бенгал, араб, португал, немец, рус ва япон тиллари ҳам киритилган. Жаҳон тилларининг атиги 4 фоизи Европа қитъасига тўғри келса-да, энг кўп сўзлашувчи тилларнинг тенг ярми “кўхна қитъа”да экани маълум бўлди. 341 миллион киши инглиз тилини она тили сифатида тан олади, бироқ яна 350 миллион киши бу тилни иккинчи она тили сифатида кўришини маълум қилган. Тахлилчилар хитой ва инглиз тиллари фойдаланиш бўйича ўз мавқеини ошириб бораётганини айтишади. Вазиятни ўрганаётган кузатувчиларнинг фикрича, фойдаланувчилар сони бўйича айтилган дамда инглиз тили етакчилик қилаётган бўлса, XXI аср ўрталарига бориб, хитой тили асосий тил бўлиб олиши мумкин.

Мавжуд тилларининг 90%нинг ҳар бирдан 100.000 аҳоли фойдаланади. Мана шунинг ўзиёқ бу тилларнинг келажаги қоронғулигидан далолат беради. Бугунги кунда 357 тилда атиги 50 нафар киши сўзлашар экан. 46 тилдан эса атиги бир кишининг фойдаланиши айтилади. Уларнинг ўлими билан бу тиллар ҳам йўқолади. Олимларнинг фикрича, тил яшаб қолиши учун ундан камида бир миллион киши сўзлашиши керак экан. Бироқ бундай тиллар дунёда атиги 250 тадир. Ўзбек тили ҳам мана шу 250танинг ичида экани қувонарли, албатта. ЮНЕСКО томонидан нашр қилинадиган “Йўқолиб кетиш хавфи арафасида турган жаҳон тиллари атласи”да Европадаги 50та, Тинч океани минтақасида эса 200та тил йўқолиб кетиш арафасида экани таъкидланади. Африкадаги 1400та тилдан 600таси келажакда, 250таси эса яқин орада бутунлай йўқолиши ҳақида бонг урилмоқда.

АҚШ ҳудудларига европаликлар қадам қўйганларида бу минтақада минглаб тиллар мавжуд эди. Айтилган дамда шимолий Америка ҳиндуларнинг камида 150та тили сақланиб қолган. Лейпциг университети ходими Бальтазар Бикелянинг сўзларига қараганда, Кавказда атиги 3-4 киши сўзлашувчи тиллар бор. ЮНЕСКО хомийлигида Лейпцигда бўлиб ўтган лингвистларнинг халқаро анжуманида кам сонли халқларнинг тиллари йўқолиб кетишига глобализация айбдор экани айтилди. Бироқ айрим тахлилчилар, тилларнинг йўқолишига глобализациядан ташқари айрим ҳукуматлар олиб бораётган сиёсат ҳам айбдор эканини эслатиб ўтишди. Бу каби вазият асосан Африка мамлакатларида учрамоқда.

Олимлар инсоният тарихида 9000 мингдан ортиқ тил йўқ бўлиб кетганини айтишади. Нафақат босиб олинган ҳудудлардаги халқларнинг тиллари, балки фотиҳларнинг тиллари ҳам йўқолиб кетгани тарихдан маълум. Бу борада қадимги юнон, оромий, лотин, санскрит, ведий, ассирий, қадимги форс тилларини мисол сифатида келтириш мумкин. ЮНЕСКО мутахассислари ўлиб ва йўқолиб бораётган тилларни қутқариб қолиш мумкинлигини айтишади. Мисол тариқасида ўтган асрнинг 80 йилларида атиги 8 киши сўзлашган Япониянинг Хоккайдо оролидаги айн тилини келтириш мумкин. Бугунги кунда тикланган бу тилда бир неча минг киши гаплашмоқда. Икки минг йил давомида ўлик тил ҳисобланиб келинган иврит

тили ҳам қайта истеъмолга киритилди. Бугунги кунда иврит тилида 9 миллион киши суҳбатлашади.

Қадимда халқлар ўз турар жойларидан мажбуран кўчирилганлари боис улар бошқа минтақаларда сўзлашувчи халқлар билан қоришиб кетиб, уларни тилларини ўзлаштиришга мажбур бўлган. Лотин Америкасидаги айрим халқлар эса алкоғол ва гиёҳванд моддалар истеъмоли туфайли йўқ бўлиб кетган. Эндиликда эса кичик бир халқ ёшларининг келажаги порлоқ сифатида кўриладиган иккинчи халқ тилидан фойдаланишга уринаётгани боис тиллар йўқолмоқда.

Қачонки болалар ўз она тилларида ўқишни тўхтатар экан, ўша тил йўқолиб кетиш арафасига келиб қолади. Тилларни сақлаб қолиш бу ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-русумларининг сақланиб қолинишини аниқлатади. Чунки, халқ тақдири тил тақдири билан бевосита боғлиқ. Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз керак

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмадалиева. Н. Э.. Оммавий нутқ маҳорати.-Т.:Ўқитувчи, 2013. 138 б.
2. Шомақсудов Ш. Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2001.150 б.
3. Хакимова О. Мантиқ ва нутқ маданияти.-Т.: “Шарқ”. 2002 й. 120 б.

TIL TAFAKKUR OMILI

Majidova M. S.

o‘zDJTU, katta o‘qituvchi
mukhayyo.84@mail.ru

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada til har bir davlat, millat va xalqning ko‘zgusi ekanligi, uning jamiyatdagi qadr-qimmatini va shu bilan birga tilning muhim vazifalari haqida so‘z boradi.*

***Kalit so‘zlar:** Dunyoqarash, millat, qadriyat, ma'naviy boylik, tarix, jamiyat, xalq, turkiy til, ko‘zgu, taraqiyot, omil, milliy, o‘zlik*

Tildagi har bir so‘z, uning har bir shakli inson tafakkuri va tuyg‘usining natijasidir, o‘sha tafakkur va tuyg‘ular orqali so‘z yordamida mamlakat tabiati va xalq tarixi ifoda etilgan.

K. Ushinskiy

Inson faoliyatida til borliqni bilish va fikr almashish vositasi vazifasini bajaradi. Til vositasida insoniyat tomonidan jamg‘arilgan bilimlar qayd etiladi, saqlanadi va avloddan avlodga yetkaziladi. Til millat ruhining ko‘zgusidir. Tilda millatning bor-yo‘g‘i, o‘y-fikri, dunyoqarashi, orzu-umidlari, Vatani, his-tuyg‘ulari gavdalanadi. Tildagi har bir so‘z, uning har bir shakli inson tafakkuri va

tuygʻusining natijasidir. Til yaxlit bir tizim sifatidagina ijtimoiy vazifani bajara oladi. Tilning asosiy birliklari: tovush, soʻz, qoʻshimcha, gaplar orqali grammatik jihatdan ohang vositasida va mantiqan oʻzaro bogʻlanishda borliq haqidagi hukmlarni ifodalaydi, nimanidir tasdiqlaydi yoki inkor qiladi. Til insoniyat tomonidan yaratilgan, unga xizmat qiladigan va har qaysi millatning ijtimoiy-madaniy taraqqiyotiga mos tarzda rivojlanib boradigan ijtimoiy hodisadir. Inson nutqi boʻlmasa, til vositalari boʻlmasa, fikrlash ham boʻlmaydi. Tafakkur boʻlmasa, til, nutqning ham boʻlishi mumkin emas. Tafakkur va til bir-birisiz mavjud boʻlmasa ham, ular aynan bir xil hodisa emas.

Tilni oʻrganish va oʻrgatishni osonlashtiradigan yana bir jihati shundaki, u umumlashtirish xususiyatiga ega. Soʻz yordamida biz mavjudotni oʻrganib, umumiy tushunchalar hosil qilamiz va bu tushunchalar mavjudotning umumiy xossalarini oʻrganishga, hatto ularning haqiqatini idrok etishga imkoniyat tugʻdiradi. Tafakkur botiniy olamning inson miyasida umumlashgan, til bilan ifodalanadigan inʼikosidir. Til esa fikrni ifodalash usuli, uni qayd etish va boshqa kishilarga, avlodlarga yetkazish vositasidir. Boshqacha aytganda, til tafakkurning borliq shakli boʻlsa, tafakkur tilning mazmunidir. Tafakkur arabcha soʻz boʻlib, fikr yuritish, oʻylash, fikrlash kabi maʼnolarni ifodalaydi. Tafakkur orqali obyektiv borliqni taniy boshlaymiz. Bu borada mutafakkir Alisher Navoiy shunday yozadi:

**Ki har ishni qildi odamizod,
Tafakkur birla qildi oni bunyod**

Koʻrinadiki, inson tafakkuri, zakovati va ongi eng oliy neʼmat hisoblanadi. Tafakkur fikrning koʻpligi hisoblanar ekan, til mana shu fikrlarning voqe boʻlishidir, yaʼni fikr (tafakkur)ning roʻyobga chiqishida til asosiy vosita boʻlib xizmat qiladi. Til va tafakkur uzviy bogʻliq. Tilsiz tafakkur va tafakkursiz til mavjud boʻlolmaydi. Til milliy madaniyatning shakli sifatida tafakkurning harakati, uning faoliyati natijasida yaratilgan maʼnaviy boyliklarni zamon va makonda abadiylashtiradi: ular doimo bir-birini taqozo qiladi, bir-birining yashashiga va rivojlanishiga yordam beradi.

Tafakkur faqat insonlarga xos boʻlgan mehnat va nutq faoliyati bilan bogʻliq holda mavjuddir. Inson tafakkuri nutq bilan bevosita bogʻlangan holda yuzaga chiqadi va uning natijalari tilda qayd qilinadi. Demak, tafakkur jarayonining natijasi hamisha biron-bir fikrdan iborat boʻlib, bu fikr tushuncha, hukm, xulosa tarzida faqat til vositasida namoyon boʻladi. Til tafakkur bilan chambarchas bogʻliq boʻlib, fikrni reallashtiradigan, kishilarning fikr almashishlarini taʼminlab beruvchi quroldir.

XX asrning buyuk yozuvchilaridan biri Oybek “Navoiy” asarida “Bir soatlik tafakkur bir yillik toatdan afzal” deydi. Buning maʼnosi shuki, kishi qanchalik koʻp oʻylasa, fikr yuritisa, uning qiladigan amali ham, aytadigan soʻzi ham shunchalik goʻzal boʻladi, boshqalarga ibrat boʻladi. Demakki, til va uning koʻrinishi boʻlgan nutq ham tafakkur bilan bogʻliq holda takomillashib boradi. “oʻzbek tilining izohli lugʻati” da “til”ga shunday taʼrif beriladi: “Kishilar oʻrtasida, jamiyatda oʻzaro fikr almashishning muhim vositasi; tilshunoslikning asosiy oʻrganilish obyekti”. Biz oʻz fikrimizni tilsiz turli vositalar bilan (qoʻl, bosh, yuz, koʻz harakati bilan) ham bir

qism ifodalashimiz mumkin. Biroq til va uni ro'yobga chiqaruvchi nutqimizsiz ko'zlangan maqsadga to'liq erisholmaymiz. Inson ongi biror bir voqelik aks ettirar ekan, u so'zlar orqali yuzaga chiqaradi. Odamzodning bolaligidan to umrining oxirigacha oladigan ilmiy va hayotiy ta'limi so'z va til vositasida amalga oshadi. Tafakkur, til va uning yuzaga chiqaruvchi vosita so'z bo'lar ekan, bu borada A. Navoiyning quyidagi misralarini eslatib o'tish maqsadga muvofiq:

**Insonni so'z ayladi judo hayvondin,
Bilki, guhari sharif yo'q dur ondin**

Bilim va tafakkurni rivojlantiruvchi manba tildir. Olimlar ta'kidlaganidek, ona tili fani boshqa fanlarni o'rganishda ko'prik vazifasini o'taydi. Boshqa fanlarga tilshunoslik orqali erishiladi. Til va nutq o'ziga xos xususiyatlari bilan ajralib turadi. Til – aloqa quroli. Nutq ana shu aloqa jarayonini amalga oshiruvchi vosita, aloqa shaklidir. Tilning umri uni yaratgan xalqning o'zidek uzoq tarixga ega. Nutqning umri alohida bir shaxs umri bilan teng. Til muayyan bir tilda so'zlovchilar uchun umumiy bo'ladi. Til me'yorlaridan kelib chiqib, barchaga bir xil talab qo'yiladi. Masalan, kitob so'zi turli hududlarda turlicha talaffuz etilsa ham (jumladan, kitop,), orfoepiya qoidasiga ko'ra shu millatning barcha vakili kitob tarzida talaffuz etishi me'yoriy hol sanaydi. Til nisbatan turg'un, barqaror bo'lsa, nutq doim harakatda bo'lib, o'zgaruvchan bo'ladi. Til va nutq o'z birliklariga ega.

Til va tafakkur munosabati tilshunoslik fanining asosiy masalalaridan biri sanaladi. Tilsiz fikrni ifodalash sira mumkin bo'lmaganidek, tafakkursiz til o'z ifodasini shakllantira olmaydi. Shular bilan bog'liq yana falsafiy, psixologik ong tushunchasi ham mavjud. Ong ijtimoiy-psixologik hodisa bo'lib, insonning fikrlash qobiliyatini boshqaradi. Ong biologik hodisa bo'lib, mantiqiy fikriy faoliyatni o'z ichiga oladi. Demak, ong tafakkurdan ham katta hodisa, tushunchadir.

Tafakkur til bilan ham zich aloqador ekanligini ham unutmaslik kerak. Har qanday fikr so'zlarda o'z ifodasini topadi. Fikrning voqeligi, uning mavjudligi tilda namoyon bo'ladi. Biz istalgan predmet, voqea-hodisa haqida til vositasiz, so'z va gaplarsiz fikrimizni ifodalay olmaymiz. Til – bilish jarayonining muhim sharti. Tilsiz tafakkur mavjud bo'lmaganidek, tafakkursiz til ham mavjud emas. Hech qanday ma'noga ega bo'lmagan, faqat ma'lum tovushlar tizimidan iborat bo'lgan so'zlar muayyan tushunchani ifodalamaydi, tasavvur ham hosil qilolmaydi. Va nihoyat, fikr ifodalash funksiyasini bajarmagan bunday so'zlar nutq uchun xizmat qilolmaydi. Xullas, til va tafakkur munosabati o'zaro dialektik aloqadorlikda bo'lib, birgalikda rivojlanish va ta'sir etish qonuniyatlariga amal qiladi. Ammo til qonunlari bilan tafakkur qonunlari bir-biriga teng kelmaydi. Til grammatikaning o'rganish manbayi bo'lsa, tafakkur logika ya'ni mantiq ilmining manbayidir. Shunga ko'ra mantiqiy kategoriyalar bilan grammatik kategoriyalar farqlanadi. Mantiq birliklari umumiy va mavhumdir. Til birliklari, ayniqsa, nutqiy birliklar real, voqeyidir. Mantiqiy kategoriyalar umumiy, metodologik bo'lganligi bilan tillardagi grammatik kategoriyalar o'ziga xosdir. Chunonchi, rus tilida otlarning jonli va jonsizligini ifodalash kategoriyasi mavjudki, bu o'zbek tili uchun xos hodisa emas.

Har bir millatning tili ikki xil ijtimoiy vazifani bajaradi: bir tomondan, jamiyat a'zolari orasida o'zaro aloqa uchun xizmat qilib, ularni birlashtiradi,

ikkinchi tomondan, bir millatni boshqasidan ajralib turishini ta'minlaydi. Har bir millatning dunyoda borligini ko'rsatadigan oynayi hayoti til va adabiyotidir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Azizov O. Tilshunoslikka kirish. -T.: Ma'naviyat. 1996.
2. Dadaboev H. Tilshunoslikning istiqlool davri odimlari //o'zMU xabarlar. Ilmiy-jurnal.2001. №4.
3. Ne'matov H., Bozorov O. Til va nutq. -T.: Sharq. 2002.

ЯЗЫК – НАШЕ БОГАТСТВО

Рахманова М. У.

старший преподаватель кафедры
Языков Академии ВС РУ

***Аннотация.** В данной статье говорится о нашем родном языке, как о духовном наследии наших предков, о необходимости сохранить его для будущего поколения, так как с языком передаётся культура, обычаи, образ жизни и история народа.*

***Ключевые слова:** родной язык, нация, история, наследие, обычаи, традиции, духовность.*

Язык – духовное богатство нации. Язык – это не только средство общения, но и культура, обычаи, образ жизни, история народа. Благодаря своему родному языку человечество гордится принадлежностью к той или иной нации. Поэтому каждый народ стремится сохранить свой язык. Уважение к языкам разных народов создает возможности для взаимопонимания и общения. Признание и уважение ко всем языкам – это гарантия мира на земле.

К середине 21 века китайский может стать основным языком. Ученые подсчитали, что для выживания языку требуется не менее миллиона человек, говорящих на нём, однако таких языков в мире всего 250. Отрадно, что узбекский язык – один из этих языков.

Родной язык – это дух нации, ее честь, ее духовный образ, пример мечтаний и надежд. Родной язык – символ единства и солидарности нации. Он объединяет вокруг себя нацию и обеспечивает ее существование в мире. Так же, как у каждого народа есть своя родина и семья, у него также есть драгоценный и уникальный родной язык. Чем больше человек ценит свою родину, своих родителей, свою семью, тем более священным становится для него его родной язык. Как сказал Исмаилбек Гаспирали, великий просветитель тюркского мира: «У нации две основы. Это язык и религия. Если один из этих двух будет удален из жизни нации, эта нация придет в упадок».

Наши предки Алишер Навои, Захириддин Мухаммад Бабур, Лутфи и другие сохраняли и развивали язык с древних времен, внесли неоценимый вклад в развитие узбекского языка.

Великий мыслитель Алишер Навои защитил наш язык в сложный период своей жизни – в XV веке, и научно и практически доказал, что тюркский (узбекский) язык по своему потенциалу не уступает другим языкам. Он создал

свой шедевр «Хамса» на тюркском языке. И сегодня наши поэты создают произведения, отражающие богатство и величие узбекского языка, языка великой нации с великой литературой. Многие из наших писателей сказали много мудрых слов о языке и по-разному описали его. Например, «Язык – зеркало нации», «Язык – зеркало духовности», «Язык – бесценное богатство нации» и так далее.

Язык – это великое богатство нации, его бесценное сокровище, неиссякаемое достояние. Потому что он воплощает в себе историю нации, ее культурное и духовное наследие, обычаи и традиции. Вот почему нам необходимо сохранить наш родной язык, обогащать его и передавать будущим поколениям. По словам нашего Первого президента И.А.Каримова, «самосознание, выражение национального сознания и мышления, духовная и национальная связь между поколениями формируется через язык».

21 октября 1989 года узбекскому языку был присвоен статус государственного, Конституция Республики Узбекистан законодательно закрепила статус узбекского языка. После принятия закона «О государственном языке Республики Узбекистан» все правительственные документы велись на государственном языке, газеты и журналы стали выходить на узбекском языке. После принятия 2 сентября 1993 года закона «О введении узбекского алфавита, основанного на латинской графике» наша страна начала развиваться по всем направлениям, и стало важно занять достойное место в мировой системе коммуникации.

В результате число людей, интересующихся узбекским языком за рубежом и изучающих его, увеличилось. В мире насчитывается более 5600 языков, из которых только 200 приняты в качестве государственного. Наличие среди них узбекского языка свидетельствует о его чистоте, совершенстве и привлекательности. Неслучайно русский лингвист, профессор А.М. Козлянина сказала, что «узбекский язык так же элегантен и притягателен, как музыка». Поэтому наш долг – передать красоту и чистоту нашего родного языка следующим поколениям.

Следует отметить, что придание узбекскому языку статуса государственного было одним из важных шагов нашего народа на пути к национальной независимости. За годы независимости в развитии нашего языка произошли существенные изменения. Возрос международный престиж узбекского языка. Закон «О государственном языке Республики Узбекистан» не только полностью отражает красоту и очарование нашего родного языка, но и создает широкие возможности для его развития на научной основе. Учеными и специалистами изданы энциклопедии и словари, учебники и учебные пособия по различным областям науки. Например, пятитомный «Толковый словарь узбекского языка», который включает более восьмидесяти тысяч слов и словосочетаний, терминов, относящихся к науке, технике, промышленности, культуре и другим областям, слов, употребляемых в диалектах – это одна из важнейших работ, сделанных в этом направлении.

Язык – это часть образа нации. Не у всех народов мира есть свой официальный национальный язык, потому что это связано с национальной независимостью народа. По оценкам экспертов, сегодня каждые две недели исчезает один язык. Это языки небольшого числа народов, которые теряют свою культуру в основном из-за цивилизации. Например, 80% афроязычного населения до сих пор не имеет собственного письменного языка. Тысячи языков не могут использоваться в системе образования. Не говоря уже о языках, у которых нет доступа к Интернету. Из-за развития новых технологий некоторые народы вынуждены использовать современные языки, а не свой собственный. Сегодня 81% языка Интернета – английский. По данным ЮНЕСКО, количество языков, на которых говорят люди, когда-то колебалось от 7000 до 8000, но сегодня на планете 6000 языков, 90% из которых находятся на грани исчезновения. Основная цель усилий по сохранению исчезающих языков – обеспечение культурного и языкового разнообразия. Потому что сохранив язык, мы можем сохранить культуру и традиции народов и наций, живущих на нашей планете. По мнению экспертов ООН, для сохранения языков необходимо широко использовать их в системе образования.

Подводя итоги, можно сказать следующее: любить язык, уважать его – любить и ценить нацию, т.к. образ жизни, обычаи и культура любого народа отражаются в его языке. Неслучайно говорят, что язык – зеркало нации. Богатая история нашего народа на протяжении веков, наша древняя и разнообразная культура формировались под влиянием узбекского языка. Наш великий поэт Алишер Навои создавал на этом языке бесценные произведения и поразил мир. Сегодня в честь визита государственных делегаций во все страны мира, достижений нашей молодежи, побед наших спортсменов, исполняется наш гимн на узбекском языке.

Мы должны сохранить наш родной язык, повысить его престиж, передать его красоту и чистоту будущим поколениям и способствовать его продвижению в мире. Если язык жив, то живет нация. Ведь, как сказал русский генерал Скобелев, «чтобы уничтожить нацию, не нужно носить туда оружие, нужно уничтожить ее язык, духовность, литературу, чтобы не было самой нации».

В заключение хочу привести 4 строки стихотворения А. Арипова.

Ona tilim, senborsan shaksiz,
Bulbul kuyin she'rga solaman.
Sen yo'q bo'lgan kuning, shubhasiz,
Men ham to'ti bo'lib qolaman.

Использованная литература:

1. Баскаков Н.А. Историко-типологическая фонология тюркских языков. – М.: Наука, 1988.
2. Ходжиев А.П. Узбекский язык /Языки мира: Тюркские языки. – М.: Институт языкознания РАН, 1996.
3. Узбекский язык. ru.m.wikipedia.org.

Ergashova F.Yu
Chirchiq OTQMBYu Tillar kafedrası
katta o'qituvchisi
Ashurov L.
Chirchiq OTQMBYu kursanti

***Annotatsiya.** Alisher Navoiyning o'zbek tiliga qarashlari, o'zbek tilining boshqa tillar bilan chog'ishtirganligi, o'zbek tilini xazinaga va chamanzorga o'xshatishlari, Alisher Navoiyning ikki tilning chog'ishtirma grammatikasiga bag'ishlangan asari "Muhokamat ul-lug'atayin"ni yaratganligi hamda 1989 yil 21 oktyabr kuni o'zbekiston Respublikasida o'zbek tili "Davlat tili" deb e'lon qilinganligi haqida ma'lumot berilgan.*

***Kalit so'zlar:** Lingvistika, tilshunoslik, fonetika, leksika, grammatika, o'zbek tili.*

Alisher Navoiy o'zining badiiy ijodini o'z ona tilida qilish, ona tilining butun go'zalligi, tarovatini amalda ko'rsatish bilangina cheklanib qolmadi. Ona tilini o'sha davrda badiiy adabiyot uchun an'ana bo'lib qolgan fors tiliga qiyoslab, bu tildan hech qanday qolishmasligini, hatto ba'zi o'rinlarda ustunroq turishini ilmiy jihatdan ham isbotlab bermoqni o'z oldiga maqsad qilib qo'ydi. Ana shu maqsadga 1499 yilda ikki til muhokamasiga - ikki tilning chog'ishtirma grammatikasiga bag'ishlangan maxsus asari – "Muhokamat ul-lug'atayin"ni yaratdi. Alisher Navoiyning bu asarining maydonga kelishi bilan dunyo tilshunosligida yangi sahifa ochildi. Tilshunoslikning hozirgi kunda chog'ishtirma lingvistika deb yuritiluvchi yangi yunalishiga asos solindi. Chog'ishtirma tilshunoslikning o'ziga xos xususiyati shundaki, ikki sistemaga mansub bo'lgan tillar tilning barcha sathlari bo'yicha bir-biriga solishtiriladi. Ularning o'ziga xos xususiyatlari ochib beriladi. Alisher Navoiyning "Muhokamat ul-lug'atayin" asarida chog'ishtirma tilshunoslikning barcha belgilari mavjuddir.

Birinchidan, solishtirish uchun turli sistemadagi tillar olinadi. Turkiy tillarga mansub bo'lgan turk (o'zbek) tili bilan Hind-Ovrupo tillarining eroniy tarmog'iga o'zaro muhokama qilinadi.

Ikkinchidan, solishtirish uchun keltirilgan daliliy misollar tasodifiy bo'lmasdan, tilning butun sistemasini qamrab oladi. Fonetik tuzilishdan tortib sintaktik tuzilishgacha har ikki sistemaga mansub bo'lgan tillar solishtiriladi. Ularning o'ziga xos tomonlari haqida qimmatli xulosalar beradi. Ikki tilning muhokamasiga bag'ishlangan bu asar Alisher Navoiyning turk (o'zbek) jonli so'zlashuv tilining ham naqadar chuqur o'zlashtirgan, har bir qavmning til xususiyatlari uning e'tiborida bo'lgan. Bu asar orqali Alisher Navoiyning fonetik, leksik, grammatik qarashlari haqida ma'lum tasavvurga ega bo'lamiz. Alisher Navoiy sharq tilshunosligida mavjud bo'lgan leksika sohasidagi bilimlar bilan qurollangan. Ana shu bilim asosida turk tilining lug'at boyligini ko'rsatishga harakat qiladi. Buning uchun xalq tilidan fors tilida ekvivalenti bo'lmagan bir qancha so'zlarni topadi. Farqlovchi birlik sifatida tushunadi. Shuning uchun ham so'z tarkibida bir xil fonetik vaziyatda kelgan tovushni boshqasiga almashtirib, ma'no farqlash belgisiga qarab fonologik vazifa bajarish yoki bajarmasligini aniqlaydi.

Alisher Navoiy leksemalarning har qaysisini she'r ichida keltiradi va bu so'zlarning matn tarkibidagi badiiy- estetik rolini ko'rsatib beradi. Fors tiliga aynan tarjima qilish mumkin emasligini isbotlaydi va bu bilan ham turk tilining go'zal tomonlarini o'ziga xos farqlovchi ma'nolarini topar ekan, leksemaning semantik tuzilishini komponent tahliliga yaqin bo'lgan usuldan foydalanadi. Turk tilida omonimlar g'oyat ko'pligini va bu she'riyatda so'z o'yini uchun qulay imkoniyat yaratilishini ta'kidlaydi. Shoir turk (o'zbek) tilini xazina, chamanzor hisoblaydi. Bu shunday xazina va chamanzorki, atrofi el oyogi yetishdagi asralgan va qimmatbaho narsalari boshqalarining qo'li tegishidan saqlangan. Shoirlar ilonlarning nayzasidan qo'rqib, bu xazinadan bahraololmay o'tganlar. Guyo nazm tudasining guldasta bog'lovchilari bu tikanlar sanchiligi zararidan hadiksirab, bu chamanzordan gulni qo'lga kiritolmay yo'l tutganlar. Alisher Navoiy "Xayratul-abror" dostonida yozadi:

Forsi el topti chu xursandlik

Turki dogi topsa barumandlik.

Alisher Navoiy o'zbek shoirlarini o'z ona tillarida ijod qilishga, hech bo'lmaganda, har ikki barobar qalam tebratishga chaqirdi. U o'zbek adabiy tilining ravnaqi uchun kurashni davrning eng muhim ishi deb bildi. Ana shu yo'lda hormaytolmay olib borgan buyuk shoir Alisher Navoiy o'zining o'lmas badiiy, publitsistik va ilmiy asarlari bilan mamlakatni yakqalam qildi va o'zbek adabiy tilining shuhratini olamga tanitdi:

Turk nazmida chu tortib men alam,

Ayladim ul mamlakatni yakqalam.

Alisher Navoiyning o'zbek adabiy tili ravnaki uchun kurash olib borishini Xusayn Boyqaro doimo rag'batlantirib turdi. Xusayn Boyqaroning o'zi ham shu tilda ijod qildi. Alisher Navoiy Abulg'ozil Sulton Xusayn Bahodirxon podshoxlik taxtiga o'tirgach va mamlakat so'rovchilik o'rnida orom topgach mamlakat ipiga tinchilik gavxarlarini tizgani, jahon ekinzoriga jamiyat urug'larini ekkani, so'z axlini yuqori darajaga ko'targan, har ilmda foydali asarlar yaratilgani, qiziq kitoblar, ajoyib devon, gazal, qasida va masnaviy turlari yuzaga chiqib, hamma yoki taralgani, o'zlari ham, garchi ham forsiy va ham turkiy she'r aytmoqqa qodir bo'lsalar ham. Turk tilining mavqeini ko'tarish maqsadida turk tilida devon yaratishini mamnuniyat bilan bayon qiladi. Alisher Navoiy "Xazoyin ul-maoniy", "Xamsa," "Lison ut-tayr", "Majolis un-nafois", "Mezon ul-avzol", "Muhokamat ul-lug'atayn" kabi o'lmas asarlari bilan dunyoga mashhur bo'ldi. U usha davrda fors-tojik tilidagi mavjud bo'lgan barcha adabiy tur va janrlarda turk (o'zbek) tilida ham ijod qilish mumkin ekanligini isbotlamoq uchun ularning hammasida asarlar yaratdi.

Mirzo Ulug'bekning "Tarix arba'lus" (To'rt ulus tarixi) kitobida quyidagilar bayon etilgan, ya'ni: Sulton Muhammad o'zbekxon o'zining el ulusi bilan ilohiy saodat va fazilatga yetishgach, hazrati Sayid Otaning va ollohning inoyat bilan ularning barchasini Movarounnahr diyori sari olib keldi. Hazrati Sayid hamda Sulton Muhammad o'zbekxon bilan hamrohlikda Movarounnahrda kelgan kishilardan: "Bu kelgan kishilar kim?" deb so'rardilar. Ularning sardori va podshohi o'zbekxon bo'lgani uchun ularni "o'zbek" deb atadilar. Shu sababli o'sha zamondan boshlab Movarounnahrda kelgan kishilar "o'zbek" deb atala boshlandi. XVI asr

boshlarida Shayboniyxon boshchiligidagi qavmlarning Movarounnahrda "o'zbek" larning nufuzi oshib borishiga keng imkoniyat yaratib bergan. Tilshunos olimlarning fikriga ko'ra, turkiy tillar eramizning IV asrda uch guruhga bo'lingan hamda qarluq, qipchoq, o'g'uz guruhlarini vujudga kelgan. Bular orasida eng qadimgi yozuv tili qarluq guruhi zaminida shakllangan azaliy o'zbek tilidir. Tarixda eng ko'p adabiy va ilmiy asarlar ham shu tilda ijod qilingan. Navoiy, Bobur, Lutfiy, Sakkokiy kabi so'z ustalari ijodi bilan bu til yanada sayqallangan va rivojlangan.

Shunday qilib, temuriylar davri Markaziy Osiyoda uyg'onish davri bo'lib qoldi. Sohibqiron Amir Temurning tutgan dono til siyosati tufayli an'anaviy fors tilining nufuzini pasaytirmagan holda turkiy tillarning obru-ehtiborini ko'tarishga imkoniyat yaratildi. Turk (o'zbek) tilining qo'llanish doirasini kengaytirish, uning hak-huquqini tiklash, ichki imkoniyatlarini to'la namoyish etishga alohida ahamiyat berildi. Ana shunday sharoitda she'riyat sultoni A.Navoiy adabiyot gulshaniga kirib keldi va turk (o'zbek) tilini she'riyat osmoniga kutarishni umrining mazmuni deb bildi. Dunyoga dong taratgan badiiy asarlari bilan turk (o'zbek) tilining shuhratini olamga yoydi.

1989 yil 21 oktabr kuni o'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi sessiyasining muhokamasidan so'ng o'zbek tili Davlat tili deb e'lon qilindiv bu tarixiy hodisa mustaqillikdan ikki yil oldin ro'y berdi. 1992 yil 7 dekabrda o'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi sessiyasida qabul qilingan. o'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Karimov aytganlaridek "o'zbek tili mustaqil davlatimizning bayrog'i, gerbi, madhiyasi, Konstitutsiyasi qatorida turadigan qonun yo'li bilan himoya qilinadigan muqaddas timsollardan biriga aylandi". o'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4 moddasida o'zbek tili davlat tili maqomiga ega ekanligi mustahkamlab qo'yildi. Bu ulug' maqsadga erishish va tarixiy voqeylikni ro'yobga chiqarilishida muhtaram birinchi Prezidentimiz Islom Karimov bevosita rahbarlik qilganlar. Bundan o'ttiz bir yil avval qabul qilingan "Davlat tili haqida"gi o'zbekiston Respublikasining qonuni o'zbek tilining mamlakatimizda asosiy til sifatida qo'llanilishi va o'rganilishida muhim omil bo'lmoqda. Dunyoda qadimiy va boy tillardan biri bo'lgan o'zbek tili xalqimiz uchun milliy o'zligimiz va mustaqil davlatchilik timsoli, bebaho ma'naviy boylik, buyuk qadryatdir. "Kimda kim o'zbek tilining bor latofatini, jozibasi va ta'sir kuchini cheksiz imkoniyatlarini his qilmoqchi bo'lsa munis onalarimizning allalarini, ming yillik dostonlarimizni, o'lmas maqomlarimizni eshitsin, baxshi va hofizlarimizning sehrli qo'shiqlariga quloq tutsin"- dedi o'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev. o'tgan davr mobaynida o'zbek tilini davlat tili sifatida o'rganish, mavqeyini oshirish borasida salmoqli ishlar amalga oshirildi. Ta'lim muassasalarida o'qish - o'qitish ishlari, idora va tashkilotlarda hujjatlar yuritish va boshqa jarayonlar davlat tilida olib borilishi belgilab qo'yildi. o'zbek tili jamiyatimizning barcha sohalarida keng qo'llanilayotganligi, xalqaro miqyosda kompyuter va internetda foydalanilayotgani ham ijodiyot va idoraviy ish yuritishda o'z samarasini berib kelmoqda. o'zbek tili xalqaro miqyosda keng va faol muloqot vositasida aylanib, uning xorijiy davlatlar rahbarlari bilan olib borilayotgan muzokara va uchrashuvlarda, yuksak darajadagi rasmiy tadbirlarda

qo‘llanilayotganligi barchimizda g‘urur –iftixor tuyg‘usini uyg‘otishini I.Karimov o‘zining “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” nomli asarida: “...o‘zlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o‘rtasidagi ruhiy – ma’naviy bog‘liqlik til orqali namoyon bo‘ladi. Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga til orqali, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili – bu millatning ruhidir”- deya ta’kidlab o‘tgan.

Nafaqat mamlakatimizda, hattoki xorijiy mamlakatlarda adabiyot va san’at yo‘nalishda faoliyat yuritayotgan taniqli tilshunos olimlar, turkiy tillarning boyligi va xususiyatlari, jumladan, o‘zbek tilining jahontillari orasida eng go‘zal va nafis til ekanligi, tarixiyligi bilan ajralib turishi haqida ko‘p yozganlar. Turli anjumanlarda ona tilimizning boy til ekanligi haqida odilona- xolisona fikrlar bildirganlar.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, Alisher Navoiy tilshunoslikning bir qator sohalari - fonetika, leksika, morfema, so‘z yasalishi va grammatika kabi masalalari yuzasidan qimmatli fikrlarini bayon qiladi. Til va tafakkur, tilning va tillarning paydo bo‘lishi, tilda umumiylik va xususiylilik kabi bir qancha tilshunoslikning umumnazariy masalalari yuzasidan o‘z qarashlarini bayon qilgan, chog‘ishtirma tilshunoslikka asos solgan buyuk tilshunos allomadir.

Til – xalqning, millatning eng buyuk qadriyatlaridan biri hisoblanadi. Shuning uchun xalqning ozodlikka, o‘zligini anglab yetishga intilishiga tilning qadrini tiklash, nufuzini oshirish muhim o‘rin tutadi. Inson tug‘ilib, voyaga yetar ekan, u ona tili, ona Vatan, ona zamin kabi milliy qadriyatlarini shu til vositasida anglaydi va his qiladi. Shuning zamirida unda milliy ong, Vatanparvarlik, millatparvarlik, mustaqillik kabi tushunchalar paydo bo‘ladi va singib boradi. Til haqiqiy xalqning boyligi, bebaho mulki, qimmatli ovozi hisoblanadi. Mamlakatimida barcha sohalarda bo‘lgani kabi tilimiz taraqqiyotida ham muhim o‘zgarishlar yuz berdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. “Yuksak ma’naviyat yengilmas kuch” -T.: “Ma’naviyat” 2008 y.
2. Doniyorov X., Sanaqulov U. Alisher Navoiy - tilshunos olim. -T., 1990y.
3. Fozilov E.I. Qadimgi obidalar va Alisher Navoiy tili. -T., 1969 й.
4. Nurmonov A., Maxmudov N. o‘zbek tilshunosligi tarixi. -T.,2000 й.
5. Rasulov R. o‘zbek tilining o‘rganilish tarixidan. AndPI № 2 1995y.
6. Fozilov E. Sharqning mashhur filologlari. -T., 1971.

ТИЛ ҲАР БИР МИЛЛАТ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗАГИДИР

Қаршиева М.Х.

ЧОТҚМБЮ Тиллар кафедраси ўқитувчиси

Рахимов Б. Э.

Тактика кафедраси катта ўқитувчиси

***Аннотация:** Муаллифлар ушбу мақолада давлат тилининг салоҳияти, моҳияти, миллат тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадрият эканлиги ҳақида сўз юритишган. Ўзбек тилининг тарихига бир назар ташланиб, ўқувчига қисқача бўлсада тилимиз ҳақида маълумот берилганлиги, миллатни тилсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмаслиги таъкидлаб ўтилган. Не-не алломалар, буюк сиймолар ва шоирларимиз тараннум этган*

жозибали тилга эга эканлигимиз, уни келажак авлодга чиройли сақлаган ҳолда мерос қилиб қолдиришимиз нақадар муҳим вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз зарурлиги айтиб ўтилган.

Калим сўзлар: давлат тили, буюк қадрият, миллат ва элатлар, койне, қадимий туркий тил, диалект.

Тилларнинг энг яхшиси сўзга уста тил, сўзларнинг энг яхшиси билуб, охирини ўйлаб сўйланган сўздур

Абдулла Авлоний

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да миллатимиз тилини “асл тилларнинг маншаъи” дея таърифлаган. Бизнинг тилимиз бошқа асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлган тиллардан ва биз дунёнинг энг қадим маданиятига эга миллатларидан биримиз.

Ўзбекистон Президенти 4-октябрь куни “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 30 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарорни имзолади.

“Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик, мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир”-деб ёзилган ушбу ҳужжатда.

Ўзбек тилининг жозибаси ва сеҳри ўзгача, жуда осон ва сермаъно. Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиб қолиши халқ тараққиёти ва келажакини белгилайди.. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. “Давлат тили тўғрисида”ги қонунда она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратилган. Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлаш, фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилиши, Ўзбекистон ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлаш, Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро анжуманларда давлат тили, шунингдек, қатнашчиларнинг ўзлари танлаган тил анжуманнинг иш тили ҳисобланиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилиши ва заруратга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши лозимдир. Ҳозирги вақтда янги технологияларнинг ривожланиши туфайли айрим халқлар ўз тилидан кўра замонавий тиллардан фойдаланишга мажбур бўлаётгани ва бугун Интернет тилининг 81 фоизи инглиз тилига тўғри келаётгани ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Шу қаторда айтиб ўтиш жоизки, четдан кириб келаётган ҳар қандай хорижий тил таъсири она тили ва миллий маданиятга соя солиши мумкин экан. Мисол учун, Швецияда инглиз тилидан фаол фойдаланиш натижасида турли соҳа фаолиятида швед тилидан фойдаланилмай қўйилди. Швед тили давлат тили сифатида йўқолиб бормоқда. Мустамлакачилик тарихига эга бўлган кўплаб мамлакатларда эски мустамлака тиллари

ижтимоий ҳаёт тили ҳисобланади, она тили эса фақатгина уйда фойдаланиш ва норасмий кундалик алоқада қўлланилмоқда.

Бугун дунёда 6000 га яқин тил ва шева бўлса, улардан бор йўғи 100 га яқини давлат тили мақомига эга, 1400 та тилнинг эса йўқолиб кетиш хавфи бор.

Ўзбекистон азалдан кўп миллатлик давлат. Республикада 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоизидан ортиғини ўзбеклар ташкил этади. 10 фоиздан ортиғини—Марказий Осиё халқларининг бошқа вакиллари (5 фоизга яқини-тожиклар, 3 фоизга яқини-қозоқлар, 2 фоизи-қорақалпоқлар, 1 фоизи-қирғизлар, туркманлар ва бошқалар) ташкил этади. Рус ва бошқа славян халқлари вакиллари республика аҳолисининг 10 фоизини ташкил қилади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг бир неча тилларида эфирга узатилади ва чоп этилади.

1989 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинди. Ўтган вақт оралиғида мазкур ҳужжатга 1995, 2004, 2010, 2011 ва 2017 йилларда жами беш марта ўзгартиришлар киритилган. Бу ўзгаришлар бирор бошқа меъёрий ҳужжат қабул қилинганлиги, бу билан давлат тили тўғрисидаги қонунда айрим жумлаларнинг номутаносиб келиши оқибатида баъзи бир атамаларнинг олиб ташланганлиги ёки алмаштирилганлиги билангина алоқадор бўлиб қолди, холос.

Бугунги кунда ўзбек олимлари ва адиблари жаҳон адабиётининг дурдона асарларини инглиз, француз, немис, япон, корейс, араб ва яна бошқа ўнлаб тиллардан таржима қилаётгани, ўзбек адабиётининг нодир намуналарини турли тилларга маҳорат билан ўгираётгани қувонарли ҳолдир. Наманган шаҳридаги Исоҳқон Иброт номидаги ижод мактабида ўқувчи ёшлар жаҳоннинг 10 га яқин тилларини пухта ўрганишмоқда. Мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналарининг вакиллари ҳам бориб, ёшларнинг тил билиш даражасидан ҳайратга тушдилар.

Ўзбекистон аҳолиси 33 млн бўлиб, бу халқнинг давлати ҳам, давлат тили ҳам бор.

Ўтган 30 йилда мамлакат демографиясидаги аҳвол маҳаллий халқнинг фойдасига ўзгарди, ўзбек тилида гапирадиган аҳоли 90 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда (1989 йилги аҳоли рўйхатида бу кўрсаткич 72 фоиз эди).

Юнеско ташкилоти экспертлари 1953 йилда “давлат тили” тушунчасига шундай таъриф берган эди: “Давлат тили—сиёсий ижтимоий ва маданий соҳаларда маълум бир давлатда интеграция (бирлаштирувчи) вазифасини амалга оширадиган, шунингдек, ушбу давлатнинг рамзи саналадиган тилдир”.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги 2016 йил 13 майда чиққан фармонда “Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир” деган банди диққатга сазовор. Ўзбек тили қадимги туркий тилнинг давоми экан, уларнинг ўзаро алоқадорлигини қайси

далилларга таяниб аниқлаш мумкин деган савол туғилади. Биринчи навбатда қадимий туркий тилга асос бўлган диалектлардаги фонетик, грамматик ва лексик бирликларининг эски ўзбек тилида давом этганига таянган ҳолда аниқлаш мумкин.

Келинг, шу ўринда она тилимизнинг тарихига бир назар солайлик. Ўзбек тилининг тарихий илдизлари учун манба-қадимий туркий тилдаги ёзма ёдгорликлардир. Ўзбек тили қадимги туркий тилнинг давомидир. Машхур турколог В.В. Радловнинг фикрича, қадимий турк тили 3 та диалектдан иборат бўлган. Биринчиси-қадимги шимолий диалектдир. Бу диалектда Ўрта Осиё туркий қабилалари сўзлашган булиб, турк-сир диалекти деб ҳам аталади. Ўзбек халқининг катта қисмини қипчоқлар ташкил қилган. Шунинг учун сир-бу қипчоқлардир деган фикр туркологияга кириб келган. Иккинчиси-қадимги жанубий диалектдир, бу диалект уйғур тилини ўз ичига олади. Учинчиси-аралаш диалект ёки аралаш тил деб ҳам номланиб, юқоридаги 2 та диалектнинг аралашмасидан иборат бўлиб, моний ёзувидаги туркий ёзма ёдгорликлари, “Олтин ёруғ” асари ҳам ана шу диалект таъсирида яратилган. Қадимий туркий тил билан эски ўзбек тили ўртасига тенглик белгисини қўйиш мумкин. Қадимий турк ёдгорликлари устида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қадимий туркий тил билан эски ўзбек тиллари асло бир-биридан узоқлашиб кетмаганини кўрамиз. Шунинг учун қадимий туркий тилга биринчи навбатда ўзбек халқи даъвогар деган фикр ўртага ташланган. Қадимий туркий тилга даъвогарлик-бу Марказий Осиёда энг қадимдан давом этиб келаётган тилга даъвогарлик деганидир. Бунинг далили Ўзбекистон ҳудудидан VI-VIII асрларга оид туркий-рун ёзувларининг топилгани ва маълум даражада ўрганилганидир.

Ўзбек тилининг манбаи қадимий туркий тилда экан, унга кўра яна қандайдир тамомила номаълум тилни зўрма-зўраки тиркашдан кўра, ҳар қандай тилнинг илк шаклланиш даврида бир неча диалектларни ўзида мужассамлантирган койне ҳақида айтиб ўтсак. Кўпчилик ўқувчиларимизга бу сўз нотаниш ҳисобланади. Койне-маълум бир географик ҳудудда “адабий тил” вазифасини бажарган қабилла тилидир. Бу барча қабилалар учун битта қабиланинг тили алоқа аралашув тили вазифасини бажарган. Александр Македонский армиясида койне умумий диалект сифатида хизмат қилган. Фикримизча, қадимий туркий тилининг шимолий диалекти койне вазифасини бажарган. Келажакда чуқур изланишлар натижасида бу тахминий фикрларимиз янада аниқлашади деб ўйлаймиз.

Юқоридаги ёзув-маълумотлар бир ҳудуддаги тилнинг келиб чиқиши ва халқнинг этногенизми учун асосий қурол деб ҳисобланади. Бу ўзбек тилининг тарихий илдизи учун биринчи далилдир. Шу нуқтаи назардан, Хоразмда кенг тарқалган хоразм ёзуви эроний ёзув тизимига мансубдир. Милодий V-аср бошларида хуннлар Хоразмга келганда ва у Турк хоқонлиги тасаруффига кирганда (милодий VI-аср ўрталарида) Хоразм аҳолисини туркийлаштириш олдинга силжиди. X-асрда Салжук бошчилигидаги ўғузлар Хоразмни эгаллаб

олгандан кейин Хоразм халқини туркийлаштириш жараёни юқори даражага ета бошлади.

Фарғона водийсининг турли худудларидан топилган туркий-рун ёзуви ёдгорликлари, Тошкент вилоятидан, Бухоронинг Қизилқум чўлларида топилган ёзув ёдгорликлари ҳам милодий VI-VII-асрларга мансубдир. Умуман олганда, ўзбек тилининг тарихий илдизлари чуқур эканини далиллайдиган тадқиқот ишлари олиб борилган ва бу ишлар давом этиши керак. Туркийшунослик фанини Ўзбекистонда чуқур ўрганиш тадбиқ этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбекистоннинг “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни 5.187 белгидан иборат бўлса, Қозоғистонда 15.013 белги, Озарбайжонда 12.000, Туркменистонда 8.600, Россия Федерациясининг давлат тили тўғрисидаги қонуни 10.158 белгидан иборат экан. Ўзбекистон қонунининг дастлабки моддасини айрим қўшни давлатлар қонунлари моддаларига қиёслаб кўрайлик:

Ўзбекистон: “1-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили-ўзбек тилидир”.

Арманистон: “Арманистон Республикасининг давлат тили –арман тилидир, бу тил республика ҳаётининг барча соҳасида амал қилади. Арманистон Республикасининг расмий тили-арман адабий тилидир. Арманистон Республикаси арман тилининг мамлакат ташқарисида яшайдиган арманлар ўртасида сақланиши ва тарқалишига кўмаклашади”.

Тожикистон: “1-модда. Тожикистон Республикасининг давлат тили тожик тилидир. 2- модда. Тожикистон Республикасининг ҳар бир фуқароси давлат тилини билишга мажбурдир”.

Қозоғистон: “Қозоғистон Республикасининг давлат тили – қозоқ тилидир. Давлат тили –давлат бошқаруви, қонунлар, суд ишларини юритиш, иш юритиш тили бўлиб, бутун давлат ҳудудида ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида амал қилади. Давлат тилини билиш ҳар бир Қозоғистон Республикаси фуқаросининг бурчидир”.

Юқоридаги қонун материалларидан бирида шу мамлакат халқининг тили давлатчиликнинг бош асоси сифатида кўрсатилган. Ушбу жумлани ўзбек тилига ҳам тадбиқ қилиб ишлатишдан эҳтиётланмаслигимиз керак.

Жуда нозик мавзу-тил сиёсати ҳақида ғоят мухтасар фикрлар билдирилгани айни муддао бўлди. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда:

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз, унда миллат яшар, унда тил яшар!

Буюк аждоларимиздан мерос бўлиб қолган она тилимизни асраб авайлайлик, авлодларимизга тўғри ва чиройли сақланган ҳолда етказайлик, токи улар ҳам бизлардек миллатидан ва бебаҳо ўзбек тили борлигидан фахрланиб юрсинлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида қонуни”. -Т.: 21 октябрь 1989 йил.
2. Erkaboeva N. o‘zbek tilidan ma‘ruzalar to‘plami. -Т.: Akademnashr, 2016.
3. Ne'matov H., Bozorov O. Til va nutq. -Т., 2002.

TIL - MILLAT MA'NAVIYATI

Xudaynazarova M.B.

Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat texnika universiteti
Chet tillar kafedrası katta o'qituvchisi

***Annotastiya.** Ushbu maqolada o'zbek tilning davlat tili sifatidagi funksiyasi yozma savodxonlikda namoyon bo'lishi va yozma savodxonlikni talab darajasiga keltirish bugungi kunda asosiy vazifalarimdan biri ekanligi yoritib berilgan.*

***Kalit so'zlar:** ilmiy savodxonlik, yozma savodxonlikni, sayqal, sheva.*

Til millatning ma'naviyati, ma'naviyatimizning ko'zgusidir. Har qanday til o'sha tilda so'zlashuvchi millatning madaniyatini belgilaydi. Til ilmiy savodxonlik bilan bog'liqdir. Tilning davlat tili sifatidagi funksiyasi yozma savodxonlikda namoyon bo'ladi. Shunday ekan, yozma savodxonlikni talab darajasiga keltirish bugungi kunda asosiy vazifalarimizdandir.

Shu sohaga yaqin kasb egasi bo'lganligim tufayli ba'zida tahrir ishlari bilan shug'ullanishimga ham to'ri keladi. Gohida shunday yozma matnlar keladiki, ularni tuzatish ancha qiyin kechadi. Xatolar tahlil qilinsa, ularni bartaraf qilish unchalik qiyin emas. Ba'zan esa X, bilan H xarflarni qo'llash bilan bog'liq xatolarni xato hisoblamay ham qo'yganmiz. Holbuki bu xato. Bazen juda g'aliz tarjimalar ham uchrab turadi.

Bir shifo maskaniga kirsam okulistni ko'zparvar, travmotologni - shikastparvar deb tarjima qilishibdi. Vatanparvar so'zi bilan qiyoslab ko'rsak, vatanparvar vatanni sevuvchi inson. Lekin shikastni sevuvchi inson bo'lmasa kerak. Bunday zo'rma-zo'raki tarjimalarni til ko'tarmaydi.

Lotin yozuvi bilan bog'liq imlo xatolar ham anchagina ko'zga tashlanadi. Ko'chadagi yozuvlarda, reklamalarda, yozma matnlarda o', g' harflardagi belgini tutuq belgisi bilan bir xil o' g' ko'rinishda qo'llash xatosi mavjud yoki mazkur belgi tushib qolsa, so'z ma'nosiga putir yetgan xatolar ham uchraydi. Masalan, o'git- o'g'it.

Allohga shukrlar bo'lsinki, 30 yildan beri tilimiz o'zining davlat tili bo'la olish qudratini namoyon etib kelmoqda. Hayotning barcha jabhalaridan siqib chiqarilgan til 30 yil ichida birdan mukammal darajada sayqal topishi qiyindir. Lekin uni sayqal toptirishga til egalari bo'lmish siz-u biz masuldirmiz. Chunki sayqal toptirish uchun yetarli darajada imkoniyatlar mavjud. Olimlarning ta'kidlashicha, IX asrda yaratilgan Maxmud Qoshg'ariyning "Devonu lug'ot at-turk", Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig", Ahmad Yugnakiyning "Hibatul xaqoyiq" asarlaridagi so'zlarning 70-80 foizi bizning tilimizda uchrar ekan. Bu ham siz-u bizga iftixor tuyg'usini beradi. Shu bilan birgalikda mas'uliyat ham yuklaydi.

Tilimiz eng sersheva tillardan biri sifatida ham tavsiflanadi. Shevalar xam tilning jozibasini o'zida namoyon etadi. Lekin uni o'z o'rnida ishlatish ham juda muhimdir. Kinolarimizda katta ekran orqali ba'zi personajlar shevada so'zlaydilar, ba'zi xonandalar esa shevada qo'shiq kuylayapti. So'zlarni umuman tog'ri talaffuz

qilishmayatganini aytmasak ham bo'ladi. Adabiy til tilimizning madaniyatini belgilashini unutmaslik joizdir.

Tilsiz tafakkur mavjud bo'lmaganidek, tafakkursiz til ham mavjud emas. Hech qanday ma'noga ega bo'lmagan, faqat ma'lum tovushlar tizimidan iborat bo'lgan so'zlar muayyan tushunchani ifodalamaydi, tasavvur ham hosil qilolmaydi. Va nihoyat, fikr ifodalash funksiyasini bajarmagan bunday so'zlar nutq uchun xizmat qilolmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch. T.: Ma'naviyat, 2008.
2. Erkaboeva N. O'zbek tilidan ma'ruzalar to'plami. -T.: Akademnashr, 2016.
3. Ne'matov H., Bozorov O. Til va nutq. T., 2002.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Гаппарова Н. А.

ЎР ҚҚ Академияси Тиллар
кафедраси katta o'qituvchisi

***Аннотация.** Мақолада ўзбек адабий тилининг оғзаки ва ёзма шакллари, уларнинг тараққиёт босқичлари, адабий тил меъёрлари, бадий ҳикоя меъёри, адабий тилнинг бетараф, китобий ва сўзлашув унсурларини қўллаш меъёри очиқ намоён бўлади.*

***Калит сўзлар:** адабий тил, адабий тил меъёрлари, адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари.*

Она тили тафаккур шаклланишида алоҳида хизмат ўтайдиган биринчи тилдир. Ривожланган ҳар қандай тил, шу жумладан ҳозирги ўзбек тили икки асосий функционал турга: адабий тил ва жонли сўзлашув тилига бўлинади. Ҳар бир муайян тилнинг соҳиби, ташувчилари бўлган элат (халқ) ёки миллатнинг вакиллари томонидан жонли сўзлашув тили болаликдан бошлаб эгалланади. Адабий тил, унинг меъёрлари ва қонуниятлари эса балоғатга етган, камолатга эришган кишининг шаклланиши жараёнида ўрганиб, ўзлаштириб олинади. Бунда, айниқса, оила ва мактаб, олий ўқув юрти, адабий тилни эгаллаган шахслар, олимлар билан яқин алоқада бўлиб туриш ва улар кўмагида турли жанрдаги адабиётларни ўқиш, ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Умумхалқ тилининг юқори шакли ҳисобланган адабий тил аниқ ва муайян бир тизимда ҳар бир даврнинг тилига хос меъёр, тартиб-қоидаларни ифодалайди. Миллий адабий тилни, унинг оғзаки ва ёзма шаклларини аниқлашда энг муҳим ва асосий белги унинг муайян бир меъёрга, яъни аниқ бир маромга, тартиб-қоидаларга солинганлигидир. Миллий тилгача бўлган даврдаги адабий тил билан миллий адабий тил орасида муҳим тафовутлар бўлишига қарамай, нормативлик адабий тил тараққиётининг барча даврларида - миллий тилларнинг ташкил топиш даврида ҳам, айниқса, миллий адабий тиллар тўла шаклланган даврларда ҳам - асосий белги бўлиб қолади.

Адабий тил лексикада ҳам, фонетика ва грамматик қурилиш соҳасида ҳам ўз меъёрлари, қоидалари билан ажралиб туради. Бу меъёрлар грамматика дарсликлари, қўлланмалари ва барча хил луғатларда белгилаб қўйилган. Бу меъёрлар шу тилда сўзлашувчи барча кишилар учун умумий ва зарурий

ҳисобланади. Умумхалқ- тилининг қайта ишланиши негизида шаклланиб, маҳаллий диалектларнинг умумий зарурий хусусиятларини ўзига сингдира борган адабий тил айни замонда умумхалқ тилининг турли кўринишларидан— жонли сўзлашув нутқидан ҳам, маҳаллий шевалардан ҳам, жаргонлардан ҳам фарқ қилади. Адабий тилнинг муайян меъёрга солинганлиги шундан иборатки, унинг луғат таркиби маълум тартибга келтирилган бўлади, сўзларнинг маъноси ва ишлатилиши, талаффузи ва ёзилиши ҳамда грамматик шакллар ясалиши ягона, муштарак қоидага бўйсунди. Адабий меъёр тарихий тоифа (категория) ҳисобланади. У тилнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда ўзгариб туради, унинг ички қонуниятларига бўйсунган ҳолда кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиради. Шунинг учун адабий тил меъёрлари, тартиб-қоидалари тилда доимо юз бериб турадиган ўзгаришларни акс эттирувчи кўриниш (вариант) ларни инкор этмайди. Адабий тилнинг икки тури - оғзаки ва ёзма тури мавжуд.

Адабий тилнинг оғзаки шакли маъруза ва суҳбатларда, ёзма шакли эса фан, техника ва адабиёт асарларида, расмий иш ҳужжатлари, нашриёт ва матбуот соҳаларида ишлатилади. Лекин булар ўзаро узвий равишда боғланган бўлади. Маърузалар, ҳар хил чиқишлар ўз хусусияти билан ёзма адабий тилга яқин туради. Шунингдек, ёзма адабий тилда, айниқса, бадиий асарларда сўзлашув нутқига хос сўз ва иборалар ҳам қўлланади. Шунини қайд қилиш кераки, “оғзаки”, “сўзлашув”, атамалари адабий тилнинг шаклларида бири (адабий тилнинг оғзаки ёки ёзма шакллари) ифодалаш учун ҳамда миллий тилнинг функционал турларидан бири (адабий тил ёки жойли сўзлашув тили) ифодалашга хизмат қилади.

Ўзбек адабий тилининг ривожланиш жараёнини текширишда, ўзбек адабий тили тараққиётининг турли даврларига тегишли, шунингдек ўзбек миллий тилининг ташкил топиши даврига оид ёдгорликларнинг тил хусусиятларини ўрганиш вақтида адабий тилни фарқ қилуви асосий восита сифатида “оғзаки” атамасидан фойдаланиб бўлмайди. Чунки ўзбек адабий тили тарихи ана шу ёзма ёдгорликлар тили тарихидан иборат. Шунинг учун ўзбек адабий тили тараққиётининг дастлабки босқичларидан бошлаб китобий унсурлар ёзма адабий тилнинг воситалари сифатида бир-бирига қарама-қарши қўйилганлигини кўриш мумкин. Бу ҳодиса, айниқса, қадимги туркий адабий тил ва эски ўзбек адабий тили, шунингдек, миллий адабий тил ёдгорликлари учун характерлидир. Ёзма ёдгорликларда ташкил топиб қатъийлашган тил меъёрлари, қоидалари аста-секин сўзлашув нутқига ҳам ўта бошлайди. Ёзма нутқ шакли, оғзаки нутқ шакли, адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши асосан шу ҳодиса билан боғланган. Ҳозирги ёзма адабий матнларда (бадиий адабиёт, публицистика, газета ва журнал мақолаларида) ёзма ва оғзаки тил унсурлари бўлганидек, оғзаки нутқда ҳам сўзлашув ва ёзма нутқ унсурлари мавжуд бўлади.

Ўзбек адабий тилининг барча шаклларида хос аниқ фактларни турли даврларда яшаган йирик ёзувчиларнинг бадиий асарларида учратиш мумкин. Чунки бадиий асар матнларида ҳар бир ривожланган тилнинг икки асосий

функционал кўриниши — адабий тил ва жонли халқ тилининг диалектик бирлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги очик намоён бўлади. Рус олимлари Л. В. Шчербак ва В. В. Виноградовнинг кўрсатишларича, тил тараққиётининг маълум даврларига хос адабий тил меъёрларини бадиий асарларнинг матнларини таҳлил қилиш орқали белгилаш мумкин. Дарҳақиқат, XIII-XVI асрларда эски ўзбек тили учун характерли бўлган адабий тил меъёрлари турли даврларда яшаган Хоразмий, Дурбек, Лутфий, Атоий, Саккокий каби шоирларнинг асарлари тилини ўрганиш, лингвистик таҳлил қилиш асосида аниқланади. Ўша даврларда яратилган ёдгорликларнинг тили ўз даври халқ тилига, тушунишнинг енгиллиги жиҳатидан ҳозирги ўзбек адабий тилига ҳамда жонли халқ тилига анча яқин туради.

Тилнинг хилма-хил бирликларини бадиий адабиёт асарларида ишлатиш ҳамма вақт услуб жиҳатида асосланган бўлади. Жумладан, юқорида тилга олинган шоирларнинг, айниқса Алишер Навоийнинг асарлари XIV-XV асрлардаги эски ўзбек адабий тилининг хусусияти, унинг оғзаки ва ёзма шакллари, шунингдек жонли халқ тили ҳамда адабий тилнинг оғзаки шакли қандай эканлиги тўғрисида аниқ тасаввур бера олади. Ёзувчи ўз асарида турли даражадаги тил бирликларининг маълум қолипга солинган, такомиллашган намуналарини, шакллари ишлатади. Шунинг учун тил ифода воситаларининг нормативлиги, тартиб-қоидалари бадиий асарларда кўпроқ ва аниқроқ намоён бўлади. Демак, турли даврларга тегишли бадиий асарларнинг тил хусусиятларини ўрганиш ўша давр тил тизимини тушуниб олиш имконини беради. Бадиий асар тилини ўрганиш бу хил лингвистик текширишларнинг икки жиҳатини бир-бири билан боғлайди, унинг икки томонини белгилаш имконини беради, яъни бадиий асар матнларида адабий тил меъёрлари ҳамда маълум даражада жонли халқ тилининг хусусиятлари акс этганлиги аниқланади.

Тил ҳодисаларини тўғри ва чуқур тушунган ҳолда кенг илмий таҳлил қилиш, ҳозирги жонли халқ тили, сўзлашув нутқи хусусиятлари билан адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари фактларини қиёслаб ўрганиш натижалари ўтмишдаги жонли халқ тилининг айрим хусусиятларини билиб олишда маълум асос бўлиши мумкин.

Одатда бадиий асар матнларининг уч тури кўпроқ қўлланади: муаллиф ҳикояси (хабар матни); асар қаҳрамонларининг тили ва муаллифнинг қаҳрамонларга берган характеристикаси. Муаллиф ҳикоясига асосланган матнлар адабий тилнинг энг яхши намунаси ҳисобланади. Бу хил матнларда услуб ва таъсирчанлик жиҳатидан бетараф бўлган тил воситалари кўпроқ ишлатилади, шулар асосида адабий тилнинг оғзаки ва ёзма унсурлари қўлланади. Навоий, Бобур, Абулғози каби ёзувчиларнинг прозаик асарларида, Ҳамза, А. Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом асарларида ана шундай матнлар жуда кўп бўлиб, уларда бадиий ҳикоя меъёри, адабий тилнинг бетараф, китобий ва сўзлашув унсурларини қўллаш меъёри очик намоён бўлади. Асар қаҳрамонларининг тилида уларнинг ижтимоий аҳволига боғлиқ равишда сўзлашув нутқида хос барча воситаларни — адабий тил ва адабий тилга хос

бўлмаган барча унсурларни қўллаш мумкин. Қаҳрамонларнинг тил характеристикасига бағишланган матнларда эса ёзувчи адабий тилга хос бўлмаган сўзлашув нутқининг унсурларини — оддий сўз ва ибораларни ҳам, шева ва жаргонларга хос сўзларни ҳам ишлатади. Демак, ўзбек адабий тили тилнинг турли даврлардаги тараққиёт хусусиятларини белгилашда энг асосий манбалардан бири ҳисобланади, унда тилнинг табиати ўз ифодасини топади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жалолов, Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. — Т.: Ўқитувчи, 2012. — 432 б.
2. Расулов, А.Р. Бадиийлик — безавол янгилик, -Т.: Шарқ, 2007. - 200 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Т.: Ўқитувчи, 2006. — 688 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Т.: Давлат илмий нашриёти, 2005.

ОНА ТИЛИ- МИЛЛАТ РУҲИДИР

Тўраева Н. Н.

ЎР ҚҚ Академияси Тиллар кафедраси
катта ўқитувчиси

***Аннотация:** мақолада ўзбек тилининг шаклланиши, унинг аҳамияти, ўзига хослиги ва она тилимизга қаратилаётган эътибор ҳақидаги мулоҳазалар ёритилган.*

***Калит сўзлар:** тил, миллат, маънавият, қадрият, мерос, эътибор, ҳурмат, ижод, гурур, илмий-адабий мерос.*

Тил миллат кўзгуси, ғурури, тафаккур манбаидир. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

Тил ва маданият масаласи жуда қадимдан ўта долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Чунки тил орқали ҳар бир миллатнинг хулқи, одоби, маънавияти, маданияти, қолаверса, миллат сифатида нечоғлик ўрин эгаллаганлиги маълум бўлган. Шу боис улуғ аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб “Одобнинг боши тилдир” деб бежиз айтмаган. Айниқса, туркий тилнинг бекиёс имкониятларини кўрсатишда Алишер Навоийнинг буюк хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ҳазратнинг нафақат бадиияти, балки тилшуносликка бағишланган “Муҳокомат ул-луғатайн”, яъни “Икки тил муҳокамаси” номли асари шу соҳадаги қиёси йўқ манба ҳисобланади. Буюк Навоий бу тилда “Хамса” ни битиб, бу тилнинг ўрнини бежиз юксакликка кўтармаган. Устоз Навоий айтганидек, “Тилга эътибор — элга эътибор” дир. Демак, ҳар биримиз ўз она тилимизга эътиборли бўлишимиз, уни ардоқлашимиз, келажак авлодга нафосат ва назокатли тилимизни бутун гўзалликлари билан етказишимиз лозим. Бу иш бугунги авлоднинг келажак авлод олдидаги энг муқаддас бурчидир.

Ўзбек адабий тили туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, у мустақил тил сифатида XI асрдан бошлаб шакллана бошлади ва то ҳозирги кунимизгача бу тилда кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилди. Хусусан, Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу

билиг”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий”, шунингдек, Атойи, Саккокий, Сайфи Саройи, Мавлоно, Лутфийларнинг яратган бой илмий-адабий меросларини тилга олиш мумкин.

Қолаверса, шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг тилимизда яратган гўзал асарлари бугун ҳам ўқувчилар томонидан севиб мутолаа қилинади. Албатта, она тилимизнинг тараққиёти юқорида номлари келтирилган буюк аждодларимизнинг юксак муҳаббатида кўриниб туради.

Инсон учун Ватани, ота-онаси, оиласи қанчалик муқаддас бўлса, она тили ҳам шунчалик азиздир. Она тили-бу миллатнинг руҳидир. Малумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Инсон қалбига барча фазилатлар, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Ҳаттоки, гўдак ҳам дунёни она тили орқали англайди. Шунинг учун доим тил, миллат, Ватан тушунчалари ёнма-ён юради. Тилсиз жамият ривожланмайди, тараққий топмайди. Она тили – миллат руҳи, ор-номусидир.

Тарихга юзланадиган бўлсак, таассуфки, мустабид тузум даврида миллат руҳи, ғурури бўлмиш ўзбек тилининг мавқеини пасайтиришга уринишлар кўп бўлди. Миллат ойдини, маърифатпарвар адиб Абдулла Қодирий “Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнқамасинлар”, деган хитоби билан ўтмишнинг аччиқ ситамларини намоён этди. Собиқ иттифоқ даврида она тилига бўлган беписандликка қарамай, халқимиз ўз миллий тилини сақлаб қолди. 1989 йил 21 октябрь куни қабул қилинган “Давлат тили тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилинди.

Мазкур тарихий санадан ўттиз йил ўтиб, она тилимизни эъзозлаш янги босқичга кўтарилди. Президентимизнинг 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони бунинг ёрқин далилидир. Фармонга биноан 21 октябрь юртимизда “Ўзбек тили байрами куни”, деб эълон қилинди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти тузилмасининг ташкил этилгани ўзбек тилининг нуфузини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш учун хизмат қилиши шубҳасиз. Қувонарлиси, юртимизда давлат тилига бўлган эътибор ҳар қачонгиданда кучайди. Бугун она тилимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактаблари ташкил этилди. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Иброт, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида сабоқ олган ёшлар ўзбек тили

ва адабиёти, бадий ижод сирларини чуқур ўрганиши сир эмас. Бунинг учун барча шароитлар яратилмоқда.

Бундан ташқари, она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтариш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. Бу эса аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо маънавий меросни келажак авлодга етказиш, уни асраб-авайлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Яна бир жиҳатга тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Фан-техника ривожланиб, илмий атамалар кўпайгани сари миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифага айланди. Шу мақсадда Президентимиз томонидан қабул қилинган юқоридаги фармонга мувофиқ, янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган Атамалар комиссиясини тузиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир. Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига кулоқ тутсин”, деб ўзбек тилининг аҳамияти ва жозибасини янада улуғлади.

Жорий йилнинг 10 апрелида “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг имзоланиши эса мана шу хайрли ишларнинг узвий давоми бўлди.

Айниқса, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илк марта ўзбек тилида нутқ сўзлаши она тилимизнинг нуфузи ва мавқеини янада оширди. Халқаро ҳамжамият томонидан “Навоий тили” деб эътироф этиладиган она тилимизнинг жаҳонда эътироф этилиши ниҳоятда катта ва муҳим тарихий воқеалик бўлди. Бу ҳар бир юртдошимиз кўнглида ғурур-ифтихор туйғусини янада оширди.

Бугун дунёда олти мингга яқин тил ва шева бўлса, улардан бор-йўғи юзга яқини давлат тили мақомига эга. 1400 та тилнинг йўқолиб кетиш хавфи борлигини эътиборга олсак, давлат тили мақомини олган шу юзга яқин тил орасида Она тилимизнинг борлигидан қанча ғурурлансак шунча оз.

Дунё тилларини сақлаб қолиш, маданий, интеллектуал мероснинг йўқ бўлиб кетиш хавфининг олдини олиш мақсадида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) томонидан 1999 йил ноябрда “21 февраль – Халқаро она тили куни”, деб эълон қилинган. Мазкур

сана дунёда тилларга бўлган эътибор ва ҳурматнинг рамзий маъносини ифодаб келади.

Шу ўринда маърифатпарвар бобомиз Алихонтўра Соғунийнинг куйидаги фикрлари эътиборга молик: “Қайси бир миллатнинг она тили ўз хожатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламай, инсоний туйғуларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиғи билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўлади”.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим”.

Чунки йиллар ўтиб, қайси юртнинг фарзандлари ўз она тилларида ўқишни тўхтатса, ўша тил йўқлик қаърига сингиб кетади. Шу сабабли ҳам тилнинг ёт таъсирлардан сақлаш халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Она тили халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз керак. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаётдир.

Авар шоири Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним” бадиасида узоқ йиллар Францияда яшаган рассом йигит ва унинг авар онаси ҳақида ҳикоя бор. Муаллиф Париждан қайтгач, мусаввирнинг қондошларини қидириб топади. Бахтни қарангки, унинг онаси ҳали ҳаёт бўлади. Кампирнинг уйига йиғилган қариндошлари Ватанини ўзга ерларга алмашган ўғил ҳақидаги ғамгин ҳикояни тинглашади, адашган ўғилни кечиргандай бўлишади, тирик эканидан суюнишади. Она эса кутилмаганда сўраб қолади: “Сизлар аварча сўзлашдингларми?” Шунда Расул Ҳамзатов жавоб қайтаради: “Йўқ, биз таржимон ёрдамида гаплашдик. Мен русча гапирдим, у французча”. Шунда она юзига қора чодрасини туширади, аварларда ўз ўғлининг ўлганини эшитган оналар шундай қилишар экан. Узоқ жимликдан кейин муштипар она: “Расул, сен янглишибсан, менинг ўғлим аллақачон ўлган экан. Агар у ҳаёт бўлганида, авар онаси ўргатган тилни унутмаган бўларди!” дея суҳбатга нукта қўяди. Бундай ғурур аслида миллатини яхши кўрган ҳар бир инсонда бўлмоғи лозим. Бизнинг ҳам ҳар бир онамиз фарзандлари қалбида ўзбек тилини яхши кўриши учун ўша аёлнинг юрагида ёниб турган оловдай ўт ёқа олсин!

Маърифатпарвар аллома ва ўз даврида ўнга яқин дунёвий тилларни пухта ўрганган олим Исҳоқхон Ибротнинг ушбу сўзларига эътибор қаратайлик: “Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир”.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жўраев Н. Агар огоҳ сен... –Т.: Ёзувчи, 1998.
2. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. –Т.: Маънавият, 1999.
3. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Туркий сўзлар девони). I жилд. –Т.: Mumtoz-so‘z, 2016.
4. Эркин Воҳидов. Сўз латофати. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. –Т.: ЎЗМЭ, 2006.
6. Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X-XII асрлар). –Т.: Mumtoz-so‘z, 2009.

ТИЛ - МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Бекпўлатов Х. Б.

ЎР ҚК Академияси ташкилий-услубий

бўлинма бошлиғи

Мирпаязова С.З.

ЎР ҚК Академияси Тиллар кафедраси

ўқитувчиси

***Аннотация:** Мақолада тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзаги эканлиги, шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажакни белгилаши ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, тил халқни бирлаштириш, тарбиялаш, ўқитиш, урф-одат, анъаналарини сақлаш каби хусусиятларни ўз ичига олиши тўғрисидаги фикрлар юритилади.*

***Калит сўзлар:** давлат тили, миллат, ҳуқуқий ҳужжат, таълим.*

Ҳар бир халқ ва миллатнинг ўзлигини намоён этувчи миллий ва умуминсоний қадриятлари, тарихи бўлади. Тириклик учун тоза ҳаво билан куёш нури, нону сув қанчалик ҳаётий зарурат бўлса, миллатнинг яшаши ва равнақ топишини ҳам унинг она тилисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти куриш жараёнида, энг аввало, ўзбек тилининг мавқеини юксалтиришда 1989 йилнинг 21 октябрида “Давлат тили ҳақида” ги Қонуннинг қабул қилиниши бекиёс аҳамият касб этди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ўзбек тилини давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида қўллашнинг қонуний асосларини яратиш билан баробар, уни асраб-авайлаш, янада бойитиш, илмий-ижодий фаолиятда тўлақонли фойдаланиш имконини пайдо қилди.

Мана ушбу кунга ҳам 31 йил тўлди. Шу давр ичида халқимиз она тилимиз – инсон маънавиятининг кўзгуси, уни асраб авайлаш ҳар биримизнинг энг олий бурчларимиздан бири эканлигини англаб етмоқдамиз. Мустақиллик йилларида яратилган кенг имкониятлар натижасида ўзбек тилининг миллий ўзига хослиги, сўзга бой ҳамда тарихий илдизлари чуқур эканлиги янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши унинг ривожланишида, маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик, олий қадрият сифатида шаклланишида кучли омил бўлаяпти. Шу билан бирга, бошқа тилларнинг ҳам

изчил тараққий топишини ҳар томонлама кафолатламоқда. Жумладан, давлат тилини ўрганиш учун фуқароларга шарт-шароит яратиш, шунингдек, юртимизда яшовчи миллат ҳамда элатларнинг тилларига иззат-хурмат билан муносабатда бўлиш ҳуқуқий ҳужжатнинг алоҳида моддасида белгилаб қўйилган.

Маълумки, давлат тили ва бошқа тилларнинг ривожланишида таълим муассасалари катта аҳамият касб этади. Қонунга мувофиқ, мактабгача таълим муассасалари давлат тилида фаолият кўрсатиши билан бирга, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда уларнинг ўз тилларида ҳам фаолият юритадиган мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши таъминланиши белгиланган. Шунингдек, юртимиз аҳолисига таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилган бўлиб, давлат тилида ҳамда бошқа тилларда умумий, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий маълумот олиш таъминланган. Хусусан, мактаб таълими 7 та - ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, туркман ҳамда тожик тилларида олиб борилмоқда.

Мазкур ҳужжат давлат бошқарувида, ижтимоий ҳаётда, халқаро ва миллатлараро муносабатларда, ишлаб чиқаришда, судлов ишларида, нотариал ҳаракатларда, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатларда, ахборот олиш ҳамда инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ турли муносабатларда давлат тили ҳамда бошқа тилларнинг қўлланилишини тартибга солувчи нормаларни қамраб олган.

Қонунда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари давлат тилида қабул қилиниб, шу тилда ва бошқа тилларда эълон қилиниши белгилаб қўйилган. Бу эса мамлакатимизда яшовчи турли миллат ҳамда элатларнинг нафақат ўз тилларидан эркин фойдаланиши, балки юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларидан ўз вақтида бохабар бўлиши, қонун нормаларини тўғри талқин этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Шу билан бирга, унда давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш, ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда эълон этиш давлат тилида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилгани ҳолда, ушбу ҳужжатлар бошқа тилларда таржима қилиниши ва эълон этилиши, маҳаллий ҳокимият ҳужжатлари муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда мазкур миллат тилида қабул қилиниши ҳамда эълон этилиши ифодаланган. Бу уларга ўз тилларидан фойдаланишида кенг имконият туғдиради, ўз фикрини тўлиқ ва тушунарли тилда баён қилишга шароит яратади.

Албатта, буларнинг барчаси “Давлат тили ҳақида” ги Қонуннинг ҳаётимизда самарали татбиқ қилинишига қаратилиши билан эътиборлидир. Зеро, она тили - миллатнинг тарихий, маънавий-маданий қиёфасини ўзида ифодаловчи бекиёс бойликдир. Унинг софлигини сақлаш эса миллат қиёфасини, руҳининг покизалигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Она тилимиз ўз жозибаси ҳамда қиёси йўқ бетакрорликка эга. Дунёда тиллар кўп бироқ улар орасида Ўзбек тилидек сўзга, ибора ва ибратларга бой тил бўлмаса керак. Бугун дунё тилшунослари ўзбек тилидаги бой маънавий меъросни ўрганиб шу мазмундаги гапларни такидлашмоқдалар. Бундай

тадқиқот ишларидан фақат фахр ва ифтихор туйғуларини туясан, киши. Дарҳақиқат. Илк бор онанинг тилидан айтилган алла. Шу орқали миллий куй ва миллий тилимиз онгда шакллланади. Бунда эса гўдакка алладаги эзгуликлар ва яхшиликлар ҳамроҳ бўлади. Биргина алла туфайли унинг ҳаёлида она Ватан, тарих, тинчлик каби тушунчалар пайдо бўлади. Биз биламизки, тил ижтимоий ҳодиса. Жамият тараққий этиши билан у ҳам маълум даражада шаклланиб боради. Бизнинг ўзбек тилимиз ҳам асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб келмоқда. Бунда албатта Маҳмуд Қошғарий, Юсуф ҳос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Ҳазрат Алишер Навоий, Бобур, Машраб каби мутафаккир-шоирларимиз ва Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ва Миртемир сингари улуғ адибларимизнинг ранг-баранг тили, халқчил ва сержило услубини чуқур ўрганиш маънавиятимизни ҳам, нутқ ва тафаккуримизни ҳам беҳад бойитади.

Миллий тил ва унинг равнақи йўлида ғамхўрлик қилиш соҳа вакилларигагина тегишли илмий-амалий соҳа ёки мавсумий бир тадбир эмас. Аксинча, бу авлодлардан-авлодларга ўтиб, бойиб ва сайқалланиб келаётган халқ тилининг софлиги ва истиқболи ҳақида қайғуриш, она тилининг тўлақонли яшаш ҳукуқи учун, миллат маънавияти, маърифати ва маданияти учун курашдир. Бу энг улуғ муҳорабадир.

Бу жиҳатдан Алишер Навоий ижоди ва фаолияти барча авлодларга юксак намунадир. Буюк мутафаккир “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида бу муҳим муаммо хусусида шундай ёзади: “халқ орасидан чиққан истеъдод аҳли салоҳият ва қобилиятларини ўз тиллари турганда ўзга тил билан зоҳир қилмасалар ва ишга солмасалар эди. Агар иккала тилда ижод этиш қобилиятлари бўлса, ўз тилларида кўпроқ ёзсалар эди”. Навоий ҳақиқий миллатпарвар шоир сифатида ўзбек тили ва адабиётимизнинг нечоғлик бой, ранг-баранглиги ва чексиз имкониятларини бутун ижоди ва серқирра фаолияти билан исботлаб, унинг нуфузини жаҳон миқёсига олиб чиқди.

Она тилимизнинг матонатли жонкуяр ижодкорларидан бири бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг адабиёт ва танқидчилик ёхуд ёшлар маънавияти ҳамда маданиятига бағишланган биронта нутқ ё мақоласи йўқки, унда адабий тилимизнинг бекиёс бойлиги ва имкониятларидан фахрланиб ёзмаган, унинг жиддий муаммоларидан ташвишланиб, кескин фикрлар айтмаган бўлсин. Мана, Абдулла Қаҳҳорнинг анча йиллар муқаддам талабалар билан учрашувдаги нутқидан бир парча: “Сизлар институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар борадиган жойларингга чет тиллар билан бирга, биринчи навбатда, ўз она тилимиз - ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб боринглар! Ўзбек тили ғоят бой, ниҳоят чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғуни ифодалашга қодир эканини амалда кўрсатинглар; қаерда ва қандай шароитда ишланганлар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар!” Бу сўзлар замиридаги ҳаётий маъно, эзгу мақсад ва тилак Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлмиш бугунги ёшларимиз учун ҳаётий бир дастуриламалдир. Ўз навбатида мумтоз асарларни

тушуниб ёдлаб, улардаги бадий сўз жилolari ва тағмаёноларини ҳаёт билан, инсон руҳияти билан боғлаб таҳлил этиб ўрганган ҳолда келажак авлодга етказиб бериш ҳар биримизнинг энг олий бурчимиздир.

Ўзбек тилида сўзлашиш нақадар бахт. Биз эса мана шундай бахтиёр инсонлармиз. Келажакимизга бўлган ишонч юртимизда маънавиятга бўлган эътибордандир. Бугун кимдан сўрамайлик мустақиллигимиз ва бугунги дориламон кунларимизга шукрона айтишади. Биз келажак буюк давлатлар қаторидамиз. Бугун бизнинг тилимизни дунё тан олди. Жаҳон ареналарида эса Ўзбекистон деб аталувчи давлат номи қайта-қайта такрорланмоқда. Ўзбек фарзанди “мен ўзбекман” деб, кўзларида фақат қувонч ёшлари билан байроғимизни кучмоқда. Бунда эса ўзбек тилида сўзлашадиган ҳар бир кишининг кўнглида муқаддас тилимизга нисбатан янада ғурурланиш туйғуси пайдо бўлади. Шундай экан тилимиздаги барча эзгу сўзлар ҳамроҳимиз бўлиб, дилимизда ўзбек тилига бўлган меҳр асло сўнмасин. Зеро, тил миллат ва Ватан тимсоли.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Махмудов Н. Она тили ва ижодий тафаккур такомилли // Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари. Ўзбек тили доимий анжумани VI йиғинининг материаллари. –Т., 2011.
2. Тухлиев Б., Шамсиева М., Зиядова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. /Ўқув қўлланма. –Т.: Янги аср авлоди, 2015.
3. Хусанбоев Қ. Адабиёт-ижодий тафаккур ўстириш омили. // Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари. Ўзбек тили доимий анжумани VI йиғинининг материаллари. –Т., 2012.

ТИЛ- МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Курбанова С. А.

ЎР ҚК Академияси Тиллар
кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек тили, тилнинг беқиёс имкониятлари ҳамда буюк алломаларимизнинг бетакрор асарларида ифодаланган ўзбек халқига хос бўлган ҳис туйғуларнинг она тилимизда бетакрор тарзда ифодаланганлиги ҳақида ёзилган.*

***Калит сўзлар:** нутқ маданияти, она тили, туркий - ўзбек тили, тил офатлари, ўзбекона лутф, қипчоқ, қарлуқ, ўғиз, лаҳжа.*

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши она тилимизнинг тараққиёти, ривожланиши ҳамда ўзига хос ва бой меросини намоёиш этишга кенг имконият яратди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан химоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди. Мустақиллик шарофати билан тилимизга, унинг сайқал топишига эътибор янада ортди. Тил - инсон қиёфаси ва ички гўзаллигини намоён этадиган энг гўзал туйғудир. Ўз тилига меҳр-муҳаббатли инсон халқини, Ватанини, миллий қадриятларини, маданий меросини ҳам

эъзозлайди. Бежизга бундан беш аср илгари Алишер Навоий бобомиз “Тилга эътиборсиз - элга эътиборсиз” дея ёзмаган.

Ўзбек тили дунёдаги қадимий, гўзал ва бой тиллардан бири ҳисобланади. Тилнинг бекиёс имкониятлари қадимги тошбитикларда, халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзлари, бетакрор иборалари, дostonларида, шоир ва ёзувчиларимиз асарларида яққол кўриш мумкин. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” китоби, Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари, Алишер Навоийнинг “Хамса” си, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”си, Абдулла Қодирийнинг бетакрор романлари, Чўлпон, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуфларнинг ўтли шеърляти она тилимизда ёзилган бебаҳо дурдоналардир. Тилимиздаги ҳаё, ибo, андиша, орият, меҳр-оқибат сўзларини бошқа тилга айнан таржима қилиб бўлмайди. Уларни фақат ўзбек тилида ифодалаш мумкин. Чунки бу туйғудар фақат ўзбек миллатига ҳосдир. Бизнинг она тилимиз дунёдаги уч мингга яқин тил орасида туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, жонли тил сифатида кипчоқ, қарлуқ, ўғиз лаҳжаларида намоён бўлади. Ўзбек адабий тили эса ана шу лаҳжалардаги сўзларнинг маълум бир меъёрига келтирилган шаклидир. У муттасил ўсиб, ривожланиб бормоқда. Унинг ривожда сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг хизматлари бекиёсдир. Ҳазрат Навоий тил ҳақида шундай ёзадилар: “Кўнгил хазинасининг қулфи тилдир. Ул хазинанинг калитидин сўз бил”.

Тил маданият кўзгуси ва руҳимизнинг қаноти. Биз она тилимиз орқали халқлар, миллат ва элатлар орасида ҳамиша азиз-у муқаррам эканлигимизни асло унутмаслигимиз керак. Ўзбекона лутф, муомала, миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ эса она тилимиз маданиятининг калитидир. Тонгдек оромбахш, кўёшдек нурли, она оғушидек иссиқ, баҳордек тароватли, ёздек ҳароратли, куздек саховатли, қиш қорларидек беғубор туйғуларимизнинг таржимони бўлган, миллатимиз руҳини ифода этувчи она тилимиз, бизни юксак маънавиятга, маърифатга, маданиятга, истиқлолу истиқболга етакловчи бебаҳо неъматдир. Шу боис ҳам ҳар биримиз она тилимизни асраб авайлашимиз, эъзозлашимиз лозим. Зотан, тилимизга эътиборли бўлсак, миллатимиз қалби она тилимиз ҳеч қачон завола топмайди. Донишманд ота-боболаримиз азалдан нутқ маданиятига катта эътибор беришган. Улар қолдирган асарларни ўқир эканмиз, ҳар бир сўз ўз ўрнида қўлланганига гувоҳ бўламиз. Сўз ҳиссини доимо билиб яшашимиз керак. Шундай экан, она тилимизни асраб-авайлаш, уни эъзозлаш ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Дунёда тиллар кўп, айрим манбааларда таъкидланишича, жаҳон халқлари 6700 дан зиёд тилда мулоқот қилишади. Ҳозирги даврда асосан уларнинг еттита: инглиз, немис, француз, рус, хитой, испан, ҳинд тиллари сўзлашувчиларининг кўплиги жихатидан бошқа тилларга қараганда ер шари аҳолиси ўртасида устунлик қилмоқда. Сабаби, ушбу тилларда гаплашувчи давлатлар иқтисодиёт, илм-фан, техника ривожига борасида бошқа мамлакатларга қараганда анча олдинлаб кетди. Шу боис ҳам, мазкур тилларни

ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам катта ҳисобланади. Чет тилларини ўрганиш ҳақида буюк немис адиби Иоганн Вольфганг Гёте: “Кимки ўзга тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушунмайди” -деб ёзган эди. Астойдил ҳаракат қилинса, бошқа тилларни мукаммал ўрганиш ҳеч нарса эмас экан. Масалан, Австралиялик олим Стивен Вурм 500 та, рус олими С.А.Старостин 400 та, Германиялик Шютц 270 та, Даниялик тилшунос Расмус Раск 230 та, машҳур немис олими Вильгельм Гумбольтд 117 та, немис олими Эмиль Кребс 60 та, Италиялик кардинал Жузеппе Меццофанти 72 та, рус тилшуноси Е.Д.Поливанов 70 дан ортиқ, БМТ нинг бош таржимони Жорж Смит 69 та тилда гаплаша олган. Буларнинг барчаси биз-бугунги авлод учун ибрат намунасидир. Ахир, бир пайтлари илм-фанда, санъат ва адабиётда, тил ўрганишда, фаҳм-фаросатда, ақл-заковатда ота-боболаримиз дунё халқларининг пешқадамларидан, энг олдинда турган эътиборли вакилларида саналган-ку! Масалан, буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний 150 дан ортиқ тилни билган. Шулардан 20 таси “унутилган тиллар” саналган. Абу Наср Фаробий ўзлаштирган тилларнинг миқдори 100 дан ортиқ бўлган ва уларнинг 10 га яқини “унутилган тиллар” қаторига кирган. Дунё табобат илмига асос солган олимлардан бири Абу Али ибн Сино араб, форс, турк, лотин, сўғд тилларида бемалол суҳбатлаша олган. Соҳибқирон Амир Темур араб, форс, мўғул, туркий тилларни ўзига яраша ўзлаштирганлигини тарихдан барчамизга маълум.

Тарихий манбааларда таъкидланишича, азал-азаллардан илм-фан ҳамда унинг сирларини, тилларни ўрганишда халқимизда ўзига хос анъана ва бошқаларга қайсидир маънода, намуна бўла оладиган ҳислатлар бўлган. Ўзини зиёли, ўқимишли санаган ҳар бир инсон араб, форс-тожик ва албатта она тилимиз ҳисобланган ўзбек тилини мукаммал билган. Она тилидан ташқари, бошқа тилларни ҳам билиш замонасининг илғор кишилари ўзлари учун бу нарсани қатъий вазифа деб ҳисоблаганлар. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хоразмий, Нодира каби юртдошларимизнинг асарларини дунёга доврўғ таратишида ҳам мана шу нарса муҳим омил бўлиб хизмат қилган дейишимиз мумкин. Негаки, уларнинг барчаси туркий - ўзбек тилидан ташқари, форсий тилда ҳам ажойиб шеърлар, асарлар битишган. Дарҳақиқат, ўз она тилимиз ҳисобланмиш ўзбек тилини мукаммал билиш билан чегараланиб қолмасдан, ўтмиш аجدодларимиздан ўрнак олиб, жаҳондаги бошқа тилларни ҳам изчил ўрганишимиз, илм-фан, техника соҳаларида дунё халқлари эришган улкан муваффақиятларни ўрганиб, улардан ўзбек халқининг равнақи, мамлакатимиз тараққиёти йўлида унумли фойдаланишимиз зарур. Луғат бойлиги, унда яратилган илмий, бадиий, тарихий асарларнинг салмоғи нуқтаи назаридан ўзбек тили дунёдаги манаман деган тиллардан қолишмайди. Буни қуйидаги мисол ёрдамида ҳам исботлашимиз мумкин. Алишер Навоий ўз асарларида 26035 та, Александр Пушкин 21193 та, Уильям Шекспир 20000 дан ортиқ, Мигел де Сервантес 18000 дан ортиқ, Абдурахмон Жомий 17600 та, Абдулла Тўқай 4000 дан ортиқ сўзларни ишлатган.

Энди тилдан фойдаланиш ва ундан олинадиган фойда ва аксинча ҳолатлар борасида фикр юритиб ўтсак мақсадли бўларди. Инсон учун бу улуғ ва бебаҳо неъмат ҳисобланади. Тил эса инсонни юксак ҳазинасидир. Бу борада бобакалонимиз А.Навоий ҳам “кўнгил ҳазинасин кулфи тил, калити сўз”, дейдилар. Қолаверса тил, одобнинг боши ҳисобланади. Бунга исбот тариқасида аллома Маҳмуд Қошғарийнинг “Одобнинг боши – тил” дея таъкидларини келтириб ўтиш kifoya.

Тилнинг ёрдамида инсонлар ички фикрларини юзага чиқариб, ўз навбатида бошқалар билан ўзаро мулоқот олиб бориши, ўзининг фикрини кимларгадир етказиши мумкин. Тилдан тўғри ва ақлли равишда фойдаланилса, мақсадга эришиш осон бўлишади. Шу олий неъматдан баъзида нотўғри фойдаланиб, турли муаммоларни орттириб олиниши мумкин. Бу муаммолар аксарият ҳолларда кишини бошига кулфатлар олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бунга “тил офатлари” дейилади. Тилнинг офатлари борасида жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Аммо ундан кўра тилнинг офатларини қисмларга ажратган ҳолда келтириб ўтилса, кўпроқ манфаатли бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” -Т. “Ўзбекистон” 2011.
2. Аҳмад Муҳаммад Турсун. Ҳикматлар китоби. -Т.: Nilol – nashr. 2013.

НАВОИ: МУДРОСТЬ СЛОВА И РЕЧИ

Эгамназарова З. Қ.

старший преподаватель кафедры языков

Академии ВС РУ

Тухтасинова Р. Г.

преподаватель школы №256 Мирзо

Улутбекского района г.Ташкента

***Аннотация:** в докладе дается оценка поэзии великого поэта – основоположника узбекского литературного языка Алишера Навои; значимости и места творчества просветителя в мировой культуре.*

***Ключевые слова:** государственный язык, меценат, навоийское постижение жизни, гений узбекской литературы.*

Когда речь идет о государственном языке, невозможно не вспомнить о личности Алишера Навои, создателя узбекского литературного языка.

Навои получил в семье хорошее воспитание. С детства в нем обнаружили большие способности во всех областях знания, интерес ко всем наукам: история, философия, логика, музыка и другие, к которым он питал беспредельный интерес. Как известно, знаменитый поэт Лутфи однажды заявил, что “за один стих молодого Навои на тюркском языке он готов отдать все свои газели, написанные за долгие годы”. О чем это говорит? Наверняка о том, что А.Навои ценили как знатока словесных драгоценностей нашего

родного узбекского языка.

Поэзия Алишера Навои дорога каждому, кто прикоснется к его бесценному наследию. Она дарит радость и вдохновение, удовлетворение и любовь. Духовное очищение, физическое здоровье, радость восприятия жизни, чистейшая и истинная любовь – все определяет неповторимость навоийского постижения жизни. Чтобы познать себя глубже, человек создал свои идеалы, свои символы духовного мира. Таким идеалом для нас, безусловно, является Алишер Навои. Его творения – вечно живая мудрость Востока, которая подпитывает нас и по сей день.

Литературная тропа, проложенная гением узбекской литературы, никогда не зарастет. Ведь он сказал:

Не могут люди
вечно быть живыми,
Но счастлив тот,
Чьё будут помнить имя.

Его имя помнят и почитают. Мало того, гениальные, прозорливые творения великого Алишера Навои перечитывают и читают наизусть миллионы людей во всем мире, тем самым получают духовное наслаждение.

Поучительны мудрые слова поэта, обращенные к своим современникам и потомкам:

- “Более священная обязанность – охранять независимость сердца и ума”.

— “Час

размышления лучше, чем год благочестия”.

“Надо действовать добром. Если страна и народ счастливы, власть в безопасности”. – “Чтобы каждое слово указа, как солнце, давало сердцу жизнь. Каждая буква этого указа да будет морем справедливости!...”. Алишер Навои верил в добродетель человека, возлагая надежды на исправление пороков общества. Поэтому он считал, что его совесть и нравственные поучения пригодятся людям, помогут им обрести гармонию во всем: в семье, обществе, природе, с другими людьми – современниками. Добрые и убедительные наставления, советы, направленные к своим друзьям, ученикам, молодым людям, до сегодняшнего дня ценны и значимы. Значение “слова” гениального Алишера Навои громадно. Мыслитель глубоко и основательно продумывал каждое своё слово, каждую фразу. Поэтический мир Алишера Навои - это высшее воплощение мудрости. Мудрость слова и речи он ценил больше всего и потому оттачивал их, совершенствовал.

Я славлю жемчуг слова! Ведь оно

Жемчужицей сердца рождено.

Четыре перла мирозданья – в нем,

Всех звезд семи небес блистанья – в нем.

С булатным ты язык сравнил клинком,

С алмазным слово я сравню сверлом.

Речь - лепесток тюльпана в цветнике,

Слова же – капли рос на лепестке...

В.Державин

Дошедшие до нас творения Алишера Навои восхищают своей многогранностью. Безусловно, Навои – тонкий ценитель красоты, “возноситель” человека, певец лучших нравственных качеств личности.

Образ просветителя предстает перед нами как мудрого ученого, мецената, ценителя творчества представителей науки и искусства. Как знаток истории, психологии человека, умеющий по достоинству оценить деятельность исторических личностей он предъявил своему читателю жемчуг истины, свой оптимизм и веру в светлое будущее.

Считаем, что именно обладанием разностороннего таланта А.Навои привлек внимание исследователей.

***Аннотация.** Мазкур мақолада сўз маъносининг ўзгариши ва бунга сабаб бўладиган омилларнинг айрим хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади. Айниқса мазкур ҳодиса француз тили оғзаки ваа ёзма нутқи жараёнида ўз аксини топган. Шунингдек, мақолада сўз ясалиши мисоллар орқали таҳлил қилинади.*

***Калит сўзлар:** Сўз, маъно, семасиология, полисемия, кўп маънолилик, бир маънолилик.*

Жамиятдаги ўзгаришлар турли урф-одатлар, фан ва техниканинг тараққиёти натижасида пайдо бўлади. Лингвистик ўзгаришлар эса тилнинг ўзига хос қонун-қоидалри асосида лексикада акс этади. Лексика эса инсон фаолияти билан боғлиқ равишда доим ўзгариб туради. Аини шу жараён француз тилида асосан уч йўл билан амалга ошади:

1) янги сўзлар яшаш; 2) тилдаги мавжуд сўзларнинг маъно ўзгариши лексиканинг ички имкониятлари асосида; 3) бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобига бойишининг ташқи манбаидир. [Умбаров,1996:15]

Ҳар қандай тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ижтимоий ҳодисалар ва жамият тараққиёти билан боғлиқдир. Тил жамиятдан ташқарида яшай олмайди ва у инсониятга хизмат қилади. Тилнинг бошқа ижтимоий ҳодисалардан фарқи инсоният учун алоқа қилиш қуроли эканлигидир.

Тил тинимсиз тараққиётда, ривожланишда бўлади. Лингвистик қонуниятлар инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Энг аввало, лингвистик ўзгаришларнинг сабабини инсоният тарихидан қидирмоқ зарур. [Лопатникова, 1982: 52]

Лексикологиянинг махсус шахобчаси, семасиология, сўзларнинг семантик структураси (маъно тузилишини) ва маъно тараққиётини ўрганади. Асрлар давомида сўзлар ҳар хил мураккаб ўзгаришларга дуч келди, булар маънонинг кенгайиши ва торайиши, “салбийлашиши” ва “ижобийлашиши”, кучсизланиши ва кичрайишидир. Маъно ўзгариш эволюцияси сабабларини ва қонун-қоидаларини ўрганиш семасиология предметиدير.

Полисемия ҳақиқий борлиқ (реаллик) далилларни онгимизда умумлаштириш қобилиятини очикдан-очик акс эттиради. Француз тилида кўп маънолик асосан, феълларга ва от сўз туркумларига хос хусусиятдир, бу фактни, синтетик тузумдаги тиллар билан таққосланганда, яъни ҳозирги француз тилида, флексив тиллар тузилишидаги каби ясовчи элементларнинг камчилиги билан исбот қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам француз тилидаги бир қанча перифразаларни берадиган феъллар ўзбек тилида бир феъл билан берилиши мумкин. Масалан: **prendre froid**—шамолламоқ, **faire peur à qn**—қўрқитмоқ ва ҳ. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кўп маънолилик француз луғат составини таснифловчи ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади. [Лопатникова, 1982:58]

Француз тилидаги луғатларда *mettre* – қўймоқ ва *prendre* – олмоқ феълларининг 80дан ва *main* – “қўл” ва *tête* – “бош” отларининг 60дан ортиқ маънолари келтирилади ва ҳоказо. Демак, кўп маънолиликдан феъллар биринчи ўринни отлар эса иккинчи ўринни эгаллайди. Бир неча маънога эга бўлган ҳар қандай сўз контекстда аниқ бир ягона маънога эга бўлади. Бунга моносемия, бир маънолилик дейилади.

Кўп маънолилиқ ва бир маънолилиқ тараққиёт бирлигидир. Онгимиздаги сўзнинг маъноси нутқда, контекстда ойдинлашади. Қўшни сўзларнинг маънолари сўзнинг асл маъносини келтириб чиқаради. Масалан: *Se village a 200 feux* – гапида қўшни сўзларнинг маънолари «*feu*» сўзининг асл маъноси эканлиги, яъни ўзининг эскирган маъносида («*foyer*» – хонадон) «*maison*» (уй) сўзига синоним эканлиги англаб олинади ва *Бу қишлоқда 200та(олов)бордебэмас*, балки *Бу қишлоқда 200тахонадон бордеб* таржима қилинади.

Сўз маъносининг ўзгаришига қуйидаги ҳоллар сабаб бўлади:

1. Биринчи омил – бу жой (ўрин) омилidir. Сўзнинг асл маъноси ишлатиладиган жойига (ери – *территорияси*, *ҳудуди*) боғлиқ бўлади. Айрим француз шеваларида «*rommier*» (олма дарахти) фақатгина “дарахт” сўзини билдиради, «*jeune homme*» (йигит) сўзи “бўйдоқ” маъносини, «*gronder*» (сўкмоқ) сўзи “демоқ”, “айтмоқ” маъносини, *rusé* (айёр) сўзи “ақлли” маъносини, *différent* (хилма-хил) сўзи “хушфёъл” маъносини англатади.

2. Иккинчи омил – бу вақт (давр) омилidir. Сўзнинг маъноси тарихий тоифа бўлиб, асрлар оша ўзгаради. Масалан: XV асрда *patriote* – (ватанпарвар) сўзи *compatriote* (ватандош) сўзига синоним эди. Ўрта асрлар даврида *franchise* (софдиллик) оти *liberté* (озодлик) сўзига синоним бўлган. [Тимескова, 1967: 17].

Худди шунингдек, *riché* (бой) сифати «*puissant*» (кучли, қудратли) сифатига, *bourgeois* – (буржуа), *citoyen* (фуқаро) ва *citadin* (шаҳарлик) сўзлари, “шаҳарда яшовчи” сўзларига синоним бўлган.

3. Учинчи омил – бу ижтимоий омилidir. Бир ижтимоий гуруҳ кўп маъноли сўзларнинг ўзига керакли маъносини ажратиб олади. Мисол учун *couche* (табақа, қатлам), *bloc* (масса, даҳа, мавзе), *orientation* (ўзининг турган жойини аниқлаш, жўнатиш, жойлаштириш) каби маъноларни ифодалайди, бу сўзларда геолог ёки сиёсий арбоб ўзига мос зарур маъноларнигина ишлатади, табиб ёки тарихчи *crise* – инқироз, танглик сўзни ҳар хил англайдилар. Тил ва фикр орасида ўзаро жипслик, узвий алоқа бўлганлиги каби инсон тафаккуи тил, сўз, тушунча ўртасида ҳам узвий боғланиши мавжуд. Тил ўзаро мулоқотда ривожланади. [Polguere A., 2001:7]

Шундай қилиб, ҳар қандай сўз аввало ўз маъносига ва кўчма маъноларга эгадир. Француз тилининг кундалиқ истеъмолда фойдаланадиган лексикасининг аксарияти кўп маъноlidir. Кўп маънолилиқ – полисемия айрим сўзнинг маълум бир даврда бир қанча маъноларга эга бўла олишидир. Умумий хислатга эга бўлган бир қанча далилларни, бир қанча нарсаларни кўрсата оладиган сўз айна пайтда бир қанча маънога ҳам эга бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Умбаров Н. Ҳозирги замон француз тили лексикологияси. – Т., 1996.

2. Лопатникова Н., Мовшович Н. Лексикология современного французского языка. – М., 1982.
3. Timeskova S. Essai de lexicologie du français moderne. – L., 1967.
4. Polguere A. Notions de base en lexicologie Université de Montreal (Quebec) — Canada, 2001.

МАКТАБЛАРДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА НУТҚ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Қодирова И.

Андижон вилояти Асака туманидаги
27-умумтаълим мактаб ўқитувчиси

***Аннотация:** ушбу мақолада нутқ маданияти ва уни мактаб таълимида ривожлантириш, нутқ маданиятини оширишда она тилини ўқитишнинг ўрни масаласи ёритилган. Мақолада нутқ маданияти асосий масалалари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** мактаб таълими, ўқувчилар нутқи, нотиқлик санъати, нутқ маданияти, таълим тизими, ўрта мактаб.*

Нутқ маданияти - нутқнинг адабий тил меъёр-мезонларига асосланган, мантиқ илми талабларига бўйсунган ҳолда намоён бўлади. Нутқ тафаккур ва фикрлашда ўзаро мулоқот ёрдамида фикр алмашиш воситасининг ҳар бир кишига хос шакли, кўринишидир. Нутқ маданиятининг асосий хусусияти уни илмий, сермазмун, аниқ-равшан, равон, тўғри, таъсирли, бадий, мантиқий, жарангдор, жозибали баён этишдан иборат. Бунинг учун нутқ, аввало, адабий тил қонун-қоидаларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Шундай экан ёшларда нутқ маданиятини мактабдаёқ шакллантириш муҳим масала ҳисобланади. Ўқувчиларда она тилига муҳаббат, ҳурмат, унинг тўғрилиги софлигини сақлашга ўргатиш она тили дарсларида шакллантирилади.

Нутқ маданияти якка шахслар, чунончи, маърузачи, педагог, суҳандон, давлат ва жамоат арбоби, журналист, мухбир ва ш.к.нинг нутқлари орқали намоён бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Инсоннинг интеллектуал савияси, миллатнинг менталитети, маънавий бойлиги ортиб боргани сайин нутқ маданияти ҳам юксалиб боради [1].

Нутқ маданияти нутқ сўзлаш, маъруза қилиш, ўзаро мулоқот, савол-жавоб, давра суҳбатларида ўзбек адабий тили бойлигидан самарали фойдаланиш; ғоявий, мафкуравий, маънавий, тарбиявий жиҳатларни сингдириш; халқ оғзаки ижоди, ҳикматли сўзлар, мақоллар, катталар ўғитларидан ўз ўрнида, меъёрида фойдаланиш; нутқнинг қисқа, аниқ-равшан, теран мазмунли, кенг қамровли бўлишига эътибор бериш; нутқ, маъруза, суҳбат охирида қисқа хулосалар чиқариш; зарурат туғилганда тингловчилар, суҳбатдошлар билан одоб доирасида, вазминлик асосида баҳслашиш, мунозара юритиш каби хусусиятларни ўзида мужассам этмоғи лозим.

Нутқ маданияти нотикнинг олдига ҳам муайян талаблар қўяди: нотик нутқ сўзлашга ўз ёши, иши, лавозими, мавқеи кабиларни ҳисобга олган ҳолда, камтарона кийиниб чиқиши; нутқни бошлашдан олдин тингловчилар билан самимий саломлашиши; нутқ мавзуига оид саволларга лўнда, аниқ-равшан, қисқа жавоб бериши, билмаганларига узр сўраши; нутқ мавзуига доир бўлмаган саволларга жавоб бермаслиги; тингловчилар нафсониятига тегмаслиги, турли ноўрин хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги лозим. Юксак Нутқ маданияти кишининг умумий маданияти, фикрлаш маданияти, тилга нисбатан онгли меҳр-муҳаббатини намоён қилади. Нутқ маданияти назарисининг асосий тушунчаси тил меъёридир [2].

Нутқ маданиятининг асосий вазифаси ижтимоий тил амалиётига фаол таъсир кўрсатиш мақсадида объектив тил меъёрларини уларнинг барқарорлашган шаклларида, зиддиятларида, тамойиллари ва б.да ўрганишдир. Замонавий Нутқ маданияти назарий ва амалий фан бўлиб, у тил амалиётига таъсир этиш мақсадида адабий тил тарихи, грамматика, услубшунослик ва тилшунослик бўлимларининг ютуқлари ҳамда хулосаларини умумлаштиради.

Ўқувчиларининг маданий савияси ортган сари нутқи ҳам жилоланиб, сайқаллашиб, нутқ маданияти қоидалари ва меъёрларига мувофиқ ҳолда такомиллашиб боради. Нутқ маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида адабиёт, санъат, радио, ТВ ва даврий матбуотнинг алоҳида ўрни бор.

Айниқса, адабий тилни меъёрлаштириш ва Нутқ маданияти назариясини ривожлантиришда лексикография, хусусан, изоҳли, имло, талаффуз, ўқув ва бошқа махсус луғатлар муҳим аҳамиятга эга. XV асрдаёқ ўзбек адабий тилининг нутқ маданияти ва унинг ўзига хос меъёрлари бўлган. Алишер Навоий ҳаётини ва ижодий фаолияти билан ўз даври нутқ маданиятига, нутқ одобида улкан ҳисса қўшган бўлса, кейинчалик Бобур, Гулҳаний, Нодира, Огаҳий, Фурқат, Муқимий каби шоирларнинг асарлари тилида ҳам ўша давр Нутқ маданияти ўз ифодасини топган. «Яхши сўз — жон озиғи», «Бугдой нонинг бўлмаса ҳам бугдой сўзинг бўлсин», «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», «Олдига келганни емак — ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демак — нодоннинг иши» каби мақол ва ҳикматли сўзларнинг пайдо бўлиши ҳам ўзбек халқида нутқ маданиятига азалдан эътибор кучли бўлганидан дарак беради.

Нутқ маданиятининг текшириш предмети нутқнинг тил қурилиши, адабий тил меъёрлари ва нутқнинг коммуникатив (алоқа учун керакли фазилатларидир)

Нутқ маданияти назариясида тил нормаси марказий тушунчадир. “Тил маданиятининг асосий текшириш объекти адабий тил меъёрлари, асосий вазифаси эса ушбу меъёрдаги иккиланишларни бартараф этиш бўлмоғи керак. Тил меъёрларининг муҳимлиги ҳақида рус тилшуноси Л.И. Скворцов образли қилиб шундай деган эди: “Ижтимоий маданий ҳаётда тил меъёрлари бир машъалдирки, нутқ фаолиятининг қирғоқсиз океанида тил жамоаси унга қараб интилади, таянади”[3].

Ҳар бир давр адабий тилининг ўз меъёрлари бўлади. Баъзи бир ҳодисалар узоқ даврлар меъёр сифатида қўлланилиб келиши мумкин. А. Навоий ижод этган XV аср ўзбек адабий тилининг ўз меъёрлари мавжуд эди, уларга кўра тилнинг фонетикаси, грамматикаси ва стилистикасидан фойдаланишнинг ўз меъёри бор эди. У давр адабий тилининг ўз талаффуз меъёрлари ҳам бўлган. Бу адабий меъёрлар жиддий ўзгаришларга учрамасдан бадий адабиёт тилида XIX аср охиригача амал қилиб келди.

Ўзбек демократик адабиёти вакиллари, илғор ёзувчилар халқ ҳаётини, адолатсиз лекин кенгроқ тасвирлаш жараёнида ўз асарларининг тилини халқ тилига яқинлаштиришга ҳаракат қилдилар. Бу адабий тилга янги меъёрий ҳодисаларнинг кириб келишига олиб келди. Бу борада, айниқса, Муқимий, Фурқат, кейинроқ Ҳамза, А.Қодирий, А.Авлоний, Мирмуҳсин Мирмуҳаммедов, Фитрат, Чўлпон, Сўфизода кабиларнинг хизматлари каттадир.

Бизнинг давримизда ўзбек адабий тили меъёрлари жиддий янгиланди: сўз қўллаш, грамматика, талаффуз меъёрлари халқ жонли тили хусусиятлари асосида ўзгарди.

Мактабларимизда тил меъёрларини сақлаш, ўқувчилар нутқини такомиллаштириш доимо долзарб бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мусаев К. Бадий таржима ва нутқ маданияти. Т.: Ўқитувчи. 1976.
2. Муҳаммаджонова Л. Нотиклик санъати. Т.: Университет, 2007.
3. Орипов К., Орипова М. Ифодали ўқиш. Т.: Ўқитувчи, 1994.

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚИШ ТЕХНИКАСИ

Икромов Ш. Э.

ЎР ҚК Академияси Тиллар кафедраси доценти

***Аннотация.** Ушбу мақолада ЎР ҚК Академияси курсантлари билан ўзбек тили машғулотида ўқиш техникасига ўргатишда фойдаланаладиган усуллар, ўқиш турлари, ўқиш шакллари тўғрисида гап боради.*

***Калит сўзлар:** ўқиш, ўқиш техникаси, ўқиш турлари, товуш, сўз, бирикмалар, ўрганиш пинциплари.*

Ўқиш – кўз билан кўраётган ҳарфлар, ҳарфлар бирикмалари, сўзлар, гапларни овоз чиқариб чиқармай ўқиш ва ўқиганнинг мазмунини тушуниш, ўқиб маълумот олишдир.

Ўқиш ёзма нутқда берилган матндан маълумот олиш нутқ туридир.

Ўқиш-таниш тил материаллари асосида нотаниш мазмунли матнни ўқиб маълумот олиш, мазмунини тушунишдир. Ўқиш орқали ўқувчи, талаба мамалакат тили, маданияти, ҳаёти, тарихи, урф-одати билан танишади. Ўқиш маълумот олиш манбаидир.

Ўқиш кишиларнинг коммуникатив-ижтимоий фаолият соҳасига тааллуқли бўлиб, унда у ёзма шаклдаги сўз орқали муомалани таъминлайди.

Кишиларнинг турмуш, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолиятларида ўқишдан кенг фойдаланилади. Ўқиш орқали матндан маълумот олиш турли фаолиятларни амалга оширишга хизмат қилади. Ўқишда, бошқа ҳар қандай фаолиятдаги каби, мазмун ва жараён режалари мавжуд бўлиб, биринчисига доимо катта аҳамият берилади. Фаолиятнинг предмет мазмунини ташкил қилувчилар ўқишнинг мазмун режаси саналади. Фаолият жараёнининг элементлари ўқишнинг жараён томони ҳисобланади.

Фаолият мазмунига энг аввало унинг мақсади – натижасини киритадилар. Одатда ўқишда фаолият ана шу мақсадга эришишга қаратилган бўлади. Мазмун алоқаларини очиш-нутқ муҳсулотини, яъни ёзма шаклда тақдим қилинган матнни тушуниш ўқишдаги ана шундай мақсадни ташкил қилади. Ўқиш нутқни тинглаб тушуниш сингари рецептив нутқ фаолияти саналади, лекин у нутқни тинглаб тушунишдан фарқли равишда ўқиш пайтида кўриш сезгиси орқали ҳарф коди ёрдамида амалга оширилади. Маълумки, ёзма нутқ матнда ҳарфлар ёрдамида шифрланади.

Ўқиш доимо тайёр ҳолдаги нутқ ахборотини идрок қилишга, маълумот олишга йўналган бўлади, шунинг учунуни нутқ фаолиятининг рецептив турига киритилади. Ўқишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг муваффақиятли амалга оширилганлиги ҳақидаги баҳо китобхоннинг олинган маълумотдан қониқиш ҳосил қилганлигида ўз ифодасини топади.

Ўқиш-ўқитишнинг мақсади ва воситаси. Ўқиш – тил ўргатишда ҳам мақсад, ҳам восита вазифасини бажаради. Ўқиш кўникмасини эгаллаш ўқитишдан кузатилган амалий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Ўқиш кўникмаси мукамал бўлса, улар ўзлари эгаллаган ана шу кўникмадан амалий равишда фойдаланиш имконига эга бўладилар. Ўқишнинг етуклик даражаси ҳар хил даражада бўлиши мумкин, шунинг учун ўқитувчилар олдида ўқишнинг минимал ривожланиш даражасига эришиш вазифаси туради.

Энг аввало, курсантларни овоз чиқармасдан ўқишга ўргатиш лозим, сабаби овоз чиқариб ўқиш тор доирадаги кишилардан талаб қилинади. Амалий мақсад сифатида ўзлаштириладиган ўқиш курсантдан кўз югуртириб ўқиб чиқиш, изланиб, ўқиш ва танишиш учун ўқиш турларини эгаллашни тақозо қилади.

Ўқиш орқали биз маълумот оламиз, билимимизни, дунёқарашимизни кенгайтирамыз, шунинг учун ўқиш нутқ фаолиятининг туридир.

Энди ўқишнинг восита сифатидаги вазифаси устида тўхтаймиз. Ўқиш тил материалини эгаллаб олишда муҳим восита ҳисобланади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, матнларни ўқишни ўргатиш, луғатни бойитиш усулларида бири сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ўқиш пайтида иккита асосий ўзаро боғлиқлик жараёнларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

- 1.Босмадан чиқарилган ёки матнни идрок қилиш ;
- 2.Ўқилган матнни тушуниш.

Кўрсатиб ўтилган иккала жараён бири иккинчисидан ажратилмаган ҳолда бир вақтда ва ўзаро боғлиқ равишда намоён бўлади.

Гапни тушуниш учта босқичдан ўтади : биринчи босқич-бутун гапнинг мазмуни ҳақида курсантда юзаки тасаввур ҳосил бўлади. Бу биринчи синтез деб аталади. Тушунишнинг иккинчи босқичи – аналитик босқич бўлиб, бу босқич ички ва ташқи нутқда тўла талаффуз қилиб айтиш билан боғлиқдир. Охирги босқич жумла яъни гапни тўла тушунадиган босқич ҳисобланади. Ўқиш техникасини ўргатиш. Ўқиш техникасини ўргатиш ўқиганни тушунишини ўргатиш билан чамбарчас боғлиқдир. Кўпинча ўқиш техникасини овоз чиқариб ўқиш деб тушунилади, у овоз чиқармай ўқишга ҳам таалукдир. Овоз чиқармай ўқиганда талаффуз қилиш овоз чиқариб ўқилгандаги каби ташқи нутқда эмас, балки ички нутқда ҳам намоён бўлади. Овоз чиқариб ўқиш-ўқиш техникасини ўргатишда етакчидир, унга кўп вақт ажратилади.

Ўқиш техникаси деганда, кўз билан кўраётган ҳарф, ҳарф бирикмасига мос товуш, товушларни топиб қўйиб, овоз чиқариб, овоз чиқармай тўғри оҳангда ўқишдир.

Ўқиш техникасини ўргатишда бир неча усуллардан фойдаланилган.

1. Фоник метод. Олдин товушлар кўрсатилиб, кейин ёзув белгисини ифодаловчи ҳарф кўрсатилади, ўқитилади. Бу методини З.М.Цветкова методи деб аталади.

2. Бутун сўзни ўқиб бериш ва уни қайтариб ўқитиш орқали ўқиш техникаси ўргатилади.

3. Гапни ўқиб бериш ва уни қайтариб ўқитиш орқали ўқиш техникасини ўргатилади. Бу бу метод Фоломкина ва Каар методи деб ҳам юритилади. Бу методлар ўз ўрнида камчиликларга эга, шу сабабдан уларни ўрнига ҳозир аналитик-синтетик метод ўқиш техникасини ўргатишда маълум ўқиш қоидалари айтилади, бу қоидаларни амалий ўзлаштириш учун сўз таҳлили қўлланилади; ундан кейин сўзнинг яхлит (сенетик) ҳолда идрок қилиш автоматлаштирилади.

Курсант ҳарф бирикмаларини, ўқиш қоидасини ўқитувчи ўргатгандан сўнг сўзларни уларнинг ўзига мустақил ўқиш талаб қилинади. Унда ўқувчи гапни сўзларга ажратади, сўзларни бўғинларга ва ҳарфларга ажратиб, уларга тўғри келадиган мос товушларни топадилар, бунда аналитико-синтетик методни аналитик қисми бажарилади, яъни гап, сўзлар анализ таҳлил қилинади, синтетик қисмда эса товушни, товуш бирикмаси қўшилиб ўқилади, талаффуз қилинади, яъни синтез қилинади, қўшилади.

Булар ўқувчи, талабани ичида, онгида жуда катта тезликда бажарилади, у ҳарфларни танигач, янги сўзларни шу метод орқали ўзи мустақил ўқийди, ўрганади.

Маълумки ўқиш техникасига тўғри урғу, тўғри оҳанг билан ўқишни ўргатиш ҳам киради. Ўқитувчи унинг учун сўзларга урғу қўйдириб, устун-устун қилиб яқка, жўр қилиб ўқиттиради. Сўнг ўқиш техникасини

ўзлаштириш, мустаҳкамлаш учун машқлар ўтказилади. Ўқиш техникаси яна матнни ифодали ўқишни ўргатиш ҳам кўзда тутади.

Ўқиганнинг мазмунини тушунишни ўргатиш. Ўқиганнинг мазмунини тушуниш ўқиш техникаси асосида уни эгаллагандан сўнг амалга оширилади. Курсант ўқиш техникасини билмаса, матн мазмунини тушуна олмайди. Матн мазмунини тушуниш учун кўпинча овоз чиқармай ўқилади, ўқитилади. Ўқиладиган матн мазмунини, курсант учун қизиқ, нотаниш янги маълумотга бой, ёшига тўғри келадиган кучи етадиган бўлиш лозим, акс ҳолда курсант матнни ўқимайди.

Ўқиш турлари. Турли типдаги ўқув юртларидаги мақсад, вазифаларни ҳисобга олиб, турлича ўқиш турлари ўтказилади. Методик адабиётларда ўқиш турлари қуйидаги мезонларга кўра фарқ қилинади: она тилининг иштирок этишига кўра таржимаси ва таржимасиз ўқиш; анализ ва синтез элементларнинг нисбатига кўра - аналитик ва синетик ўқиш; ўтказилиш жойига қараб аудиторияда, аудиториядан ташқарида; мажбурийлик даражасига кўра, мажбурий ўқиш ва ёрдамчи ўқиш; тайёргарлик даражасига кўра қисман тайёрланган, тўла тайёрланган ва тайёргарликсиз ўқиш турлари борлиги айтиб ўтилади. Умуман айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, фаолият натижасига кўра, 50дан ортиқ ўқиш турлари бор.

Олий ўқув юртларида аналитик, синтетик, таржимали ва таржимасиз ўқиш турлари ўтказилади. Санаб ўтилган ўқиш турлари ҳар хил натижаларни олишни мақсад қилиб қўйди. Масалан: кўз югуртириб ўқиш мақола ёки китоб мавзуси ҳақида тасаввур ҳосил қилишга йўналтирилгандир. Бу маълумотни олиш учун сарлавҳа ёки кенг сарлавҳагача қараш, айрим хат боши ёки гапларни тез ўқиб чиқиш, яъни мақола ёки китобни кўриб чиқиш етарли ҳисобланади.

Танишиш мақсадида ўқишда эса китобхон китоб ёки мақолани аниқ мазмуни билан танишга ҳаракат қилади.

Ўқиш шакллари. Ўқишнинг шакллари 4 та:

1. Овоз чиқариб ёки баланд овоз билан ўқиш.
2. Овоз чиқармай ёки ичида ўқиш.
3. Якка ўқиш.
4. Жўр бўлиб ўқиш.

Овоз чиқариб ўқиш шакли кўпинча ўқиш техникасини ўргатишда кенг фойдаланилса, овоз чиқармай ўқиш эса ўқиганни мазмунини тушунишда ишлатилади. Якка ўқиш эса овоз чиқариб ўқиш орқали, ифодали ўқишни ўргатишда, уйда ўқиб мазмунни тушуниш овоз чиқармай ўқиш орқали амалга ошади. Жўр бўлиб ўқиш техникасини ифодали ўқишни ўргатишда қўлланилади.

Ўқишни ўрганиш принциплари. Ўқишни ўрганишнинг хусусий принциплари ҳам илмий ишлаб чиқилган. (бу принциплар С.К. Фоломкина тадқиқотларида ўз аксини топган). Ўқишни ўргатишда қуйидаги омилларга риоя қилиш тавсия этилади. 1. Ўқишни ўргатиш - нутқ фаолияти турини ўргатиш деб қаралмоғи керак. Матнни маънавий бойишга янги -янги

ахборотларни олишга қаратилган -ўқув методик тадбирдир. Ўқув жараёнида ўқиганини тушуниш учун ўқиш олдида топшириқ берилиши шарт, ўқиб бўлгандан сўнг тегишли методик усулларни қўллаб матнни тушунганлик текширилади тўлиқ ва аниқ тушунганлик ўқувчилар томонидан вазифани муваффақиятли бажариш хисобланади.

2. Мазмун қизиқарлилиги: ўқувчиларнинг ахборот олишига интилишлари белгиловчи ва уларни мароқ билан ўқишга ундовчи омил вазифасини ўтайди. Матн мазмунида ва тилда оқилона меъёрдаги қийинчиликлар бўлиши ўқувчининг ақлий фаолиятини кучайтиради ва тафаккурини астойдил ишга тушуришга сабаб бўлади. Демак, машҳур принципга биноан курсант ўқиётган тилида айна чоғида билиш фаолияти билан машғул бўладилар.

3. Ўқувчиларнинг она тили ва иккинчи тилда ўқиш тажрибаларига суяниб уларга ўқиш ўргатилади. Даставвал ўқувчининг чет тилида ўқишга муносабати шакллантирилади. “Ўқисам ўрганаман” деган нақлга амал қилиб иш тутиш зарурияти туғилади -бирламчи шарт мана шудир.

Харф -товуш муносабатларнинг ўзлаштирилиши биланок – курсантларда ичида ўқишни таклиф қила бошлаш маъқулдир. Бу иккинчи шартдир.

4. Ўқиганини тушуниш учун курсантлар ўрганилаётган тил структураси хусусиятларини эгаллаб, уларга асосланган ҳолда иш тутишлари керак. Тил материални билиш тез ва тўғри ўқиб тушунишга замин яратади. Тиниш белгилари ва босма харфларга қараб матндаги оханг тўхтам (пауза) ва мантикий урғу ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Ёрдамчи сўзларни билишнинг ҳам ўқишга нафи тегади.

Бу омил ўрганилаётган тил структурасидан хабардор бўлишни тақозо этади. Ўқиш тезлиги махсус машқ қилиш натижасида оширилади.

Ўқишни ва ўқиш нутқ фаолияти сифатида курсантларга ўргатар эканмиз, маърузада келтирилган мисолларга тўла амал қилган ҳолда ҳарбий таржимонлар тайёрлашда ишлатишимиз мумкин. Қуйидаги талаблар билан курсантлар оғзаки нутқ фаолиятини ривожлантиришда фаол қатнашадилар. Маърузада келтирилган машқлар ҳам ҳарбий таржимонлар тайёрлашда, ўқув жараёнига тадбиқ этиб, синов имтиҳонларидан олдин киритса бўлади.

Ўқиш ва ўқиш техникасини ўргатиш, ўқишни ўргатиш машқларини дарс жараёнларига киритамиз. Шу билан биргаликда ўқишни ўргатиш машқларини кундалик машғулотимизнинг асоси деб биламиз. Ўқишни ўргатиш, тинглаб-тушиниш, гапириш машғулотлари, ёзувни ўргатиш билан узвий боғлиқдир.

Ўқитувчи машғулотларда замонавий усуллардан, ёзув техника воситалари, кўргазмали қуроллардан ўрни билан фойдаланиб, юқорида қайд этилган усулларни қўллаб, таълим ва тарбияни узвийликда олиб бориш билангина, келажагимиз бунёдкорлари бўлган баркамол авлодни – Ватан ҳимоячиларини тарбиялайди.

Адабиётлар:

1. Ҳошимов У., Ёқубов И. Тилда ўқитиш методикаси. Т.: Ўқитувчи. 1983.
2. Ҳакимов И. Ўрта грамматикани ўргатиш методикаси. Т.: Ўқитувчи. 1978.

- 3.Зарипова Р.А. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. Т.: Ўқитувчи. 1988.
4. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Т.: Ўқитувчи. 1985.

АВИАЦИЯ СОҲАСИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИДА ТЕРМИНЛАР МАЪНОЛАРИНИ ИЗОҲЛАШ МАСАЛАСИ

Эргашева Р. Т.
ЎР Олий ҳарбий авиация
билим юрти
Ergashova-91@mail.ru

***Аннотация.** Ушбу мақолада авиация соҳасига оид атамаларнинг изоҳли луғатида терминлар маъноларини изоҳлаш масаласига доир фикр мулоҳазалар келтириб ўтилган. Авиация атамалари маъносини изоҳлашда “денотатнинг вазифасини ифодаловчи сема – денотатнинг асосий белгиларини ифодаловчи сема – денотатнинг қурилиш, тузилиш хусусиятини ифодаловчи сема – “тур” семаси” кетма-кетлигига таянилган.*

***Калит сўзлар:** авиация, атама, сема, турғун бирикма, феъл-термин, лексикографик талқин.*

Авиация соҳаси атамалари маъноларини изоҳлашда ўзбек тилшунослигида XX асрда ўзининг юксак чўққиларидан бирига эришган лексикографик анъаналардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро, “Ўзбек луғатчилиги тарихида XX аср алоҳида ўрин тутди. Бу даврда турли мақсадларни кўзда тутган кўплаб терминологик луғатлар, ўқув ва имло луғатлари, икки ва уч тилли сўзлашгичлар яратилди. Бунда, айниқса, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча, шунингдек, ўзбек тилини бошқа европа ва хорижий шарқ тиллари билан қиёслаб ўрганишга мўлжалланган луғатлар алоҳида ўрин тутди. Уларнинг энг муҳимлари сифатида Е.Д. Поливановнинг “Қисқача русча-ўзбекча луғат”и (Тошкент-Москва, 1926), Ашурали Зоҳирийнинг 2 жилдли “Русча-ўзбекча мукамал луғат”и (34 минг сўз; Тошкент, 1927-28), К.К.Юдахиннинг “Қисқача ўзбекча-русча луғат”и (араб графикасида; Тошкент, 1927), У.Аҳмаджонов ва Б.Илёзовнинг “Ўзбекча-русча луғат”и (лотин графикасида; Тошкент, 1931), С.Раҳматий ва Абдулла Қодирийларнинг “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” (2-жилд, 34 минг сўз; Тошкент-Қозон, 1934; луғатнинг 1-жилди нашр этилмай қолган), В.В.Решетовнинг “Қисқача ўзбекча-русча луғат”и (Тошкент, 1935) кабиларни кўрсатиш мумкин. 40-йилларнинг бошларида 17 минг сўзли “Ўзбекча-русча луғат” (Тошкент, 1941) ва 30 минг сўзли “Русча-ўзбекча луғат” (Тошкент, 1942) яратилди ва нашр этилди. Проф. Т.Н.Қори-Ниёзий ва проф. А.К.Боровковлар таҳрири остида тайёрланган ушбу луғатлар сўзлигининг таркиби жиҳатидан ҳам, луғат мақолаларининг тўлалиги жиҳатидан ҳам аввал нашр этилган луғатлардан анча мукамал эди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти лексикографларининг республикадаги тажрибали таржимонлар билан

хамкорликда яратган 5 жилдли "Русча-ўзбекча луғат"нинг босилиб чиқиши (78 минг сўз; Тошкент, 1950-55), 50 минг сўзли 1 жилдли "Русча-ўзбекча луғат" (М., 1954) ва 40 минг сўзли 1 жилдли "Ўзбекча-русча луғат" (М., 1959) каби луғатларнинг нашр этилиши ўзбек лексикографияси тарихида муҳим воқеа бўлди." Янги асрда яратилган ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғати, 12 томли "Ўзбек Миллий энциклопедияси" эса ўзбек луғатчилигида янги ва ёрқин саҳифалардан бири сифатида ўзбек лексикографияси тарихидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбек луғатчилигида сўзларни турли типдаги луғатларда бериш, маъноларини изоҳлаш борасида мустаҳкам анъана шаклланди. Бундан турли соҳаларга оид терминологик луғатлар тартиб беришда, терминларнинг маъноларини тавсифлашда кенг ва унумли фойдаланилмоқда. Аммо, шу билан биргаликда, айрим ҳолларда, луғат тартиб бериш, сўз маъноларининг лексикографик талқини борасида мавжуд қонуниятларга риоя қилмаслик ҳолатлари ҳам кўзга ташланади. Айниқса, тузувчилар сирасида лингвист-лексикографларнинг бўлмаслиги бундай нуқсонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Биз авиация соҳасига оид атамаларнинг ўзбек тилшунослигида анъанага айланган лексикографик қонуниятлар ва қоидалар асосида беришга ҳаракат қилдик.

Луғатда терминлар грамматик шаклдан холи ҳолда берилади. Бошқа ўринларларда бўлгани каби, айрим сўзлар грамматик шакл билан берилади. Бунда бирлик ушбу грамматик шакл билан бирга бир бутун ҳолда лексема сифатида қаралади. Бунда ҳам изоҳли луғатдаги "бош сўзлар (мустақил сўзлар) ноль шаклда (бош шклда) берилди (Унинг "шакл" дейилиши ҳам шартли бўлиб, ҳеч қандай грамматик маънога эга бўлмайди)" деган қоидага амал қилинди. Масалан, *авиация жамлаштирилган зарбаси, фаол ҳаракатдаги қурол, аэронавигацион ёқилғи захираси, бошқариладиган зенит ракетакаби*.

Изоҳланаётган термин, умуман, олганда омоним бўлиши мумкин. Бунда омоним терминнинг фақат авиация соҳасига тегишли маъносидаги шакли берилади. Агар шу соҳанинг ўзида қўлланадиган омонимлар бўлса, улар худди изоҳли луғатда бўлгани каби рим рақамлари билан ажратилиб, ҳар бир бош сўз сифатида берилади.

Феъл-терминлар *-иш* шаклида берилади. Фақат унинг изоҳида қўлланган якунловчи феъл *-моқ* шаклида бўлади. Мисол:

ПАРАШЮТ БИЛАН ЖАНГОВАР САКРАШ (БОЕВОЙ ПРЫЖОК С ПАРАШЮТОМ) – Ҳақиқий жанговар вазиятда ёки машқлар давомида хизматчига бириктирилган шахсий қурол-аслаҳа ва анжомлар билан сакрмоқ.

Бош сўздан кейин унинг этимологияси бўйича маълумот бериш маъқул деб топилди. Бу туркий бўлмаган сўзларгагина хосдир:

СТАБИЛИЗАТОР(СТАБИЛИЗАТОР) [лот. *stabilis* - турғун, барқарор] 1)тех. самолётнинг бўйлама турғунлиги ва бошқарилувчанлигини таъминлайдиган қуйруқ қанотининг қўзғалмас қисми, учиш пайтида унинг

буйлама турғунлигини таъминлайди. Товуш тезлигидан тез учар самолётларга баъзан қўзғалувчан стабилизатор ўрнатилади.

Этимологик маълумотдан кейин ҳавола этувчи қ. (қаранг), *айн.* (айнан) белгилари берилди.

Луғатда грамматик, услубий тавсифларни берувчи белгилар берилмади.

Қайд этиш лозимки, луғатда бош сўзнинг фақат авиацияга дахлдор семемасигина берилди ва тавсифланди.

Термин маъносини изоҳлаш таъриф ва тавсиф, тушунтириш йўсинида олиб борилди. Лексикографик маъно терминнинг семантик структураси асосида берилди. Мисол:

САМОЛЁТ [р. сам - ўзи + летать - учмоқ] Моторли, қанотли, ҳаводан оғир бўлган учиш аппарати. *Пассажир самолёти. Ҳарбий самолёт.*

ФЮЗЕЛЯЖ (ФЮЗЕЛЯЖ) [фр. fuselage - урчук] авиа. Учувчи аппаратларда: унинг барча қисмларини бирлаштиришга ва экипаж, йўловчилар, турли жиҳоз ва юкларни жойлаштиришга хизмат қиладиган умумий танаси, корпуси. Олд қанотлар ва (баъзан) шассини ўзаро боғлайди. Одатда фюзеляжда экипаж аъзолари, йўловчилар, юк ва жиҳозлар жойлашади.

ШАССИ [фр. chassis] Самолётнинг ҳавога кўтарилишига, кўниш вақтида эса унинг ерга урилиш кучини пасайтиришга хизмат қиладиган қисми .

Юқорида айтилганидек, термин маъносини изоҳлашда “денотатнинг вазифасини ифодаловчи сема – денотатнинг асосий белгиларини ифодаловчи сема – денотатнинг қурилиш, тузилиш хусусиятини ифодаловчи сема – “тур” семаси” кетма-кетлигига таянилди:

АВИАЛИНИЯ [авиа. + линия] қ. ҳаво, ҳавойўллари.

АВИАТРАССА [авиа.. + трасса] Фуқаро ҳаво флотининг самолёт ва вертолётларимунтазам равишда қатнайдиغان ҳавойўли.

АВИАНОСЕЦ [авиа..+р.носец<носитель олиб,кўтарибборувчи]Сувусти жанговаркемаси—сузувчи авиациябазаси

АВИАСАЛОН [авиа.. + салон] Ҳавода учиш аппаратлари (самолёт , вертолёт ваш.к.) нинг янги моделлари намоиш этиладиган ва сотиладиган махсус кўргазма. Халқаро авиасалон.

АЭРОДРОМ [аэро..+юн. Йготоз — югуриш, югуриш жойи]Учиш аппаратларининг туриши, учиб кетиши, кўнишиучун керакли барча иншоотлари бўлган кенг майдон.

АЭРОКЛУБ [аэро..+ингл. aero] Авиация ҳаваскорларининг клуби, авиация билан шуғулланувчиларнинг оммавий ташкилоти.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви натижасида ўзбек тилида иш юритиш, таълим ва илмий тадқиқотларни давлат тилида олиб бориш учун барча имкониятлар яратилди. Бу эса луғатшунослар ва тилшунослар, шунингдек, турли соҳа мутахассислари зиммасига улкан масъулият юклади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1. А-Д / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт

ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси ” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б. – Б. 6 .

2. Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-хунарлари материаллари асосида)/ Филол. фан. докт.... дис. автореф. – Т., 2005. – 55 б.

5. Агапова Г. Н. Английская химическая терминология как совокупность трех семиотических систем./ Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1976. – 131 с.

6. Головин Б. Н., Кобрин Р. Ю. Лингвистические основы учения о терминах. М.: Высшая школа, 1987. – 105 с.

7. Мадрахимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари/ Филол. фанлари номз. ...дисс. автореф. – Т., 1996.

ТИЛСИЗ МИЛЛАТ - СУВСИЗ ДАРЁ

Бобокалонов Р. Р.

БухДУ доценти, ф.ф.н.

***Аннотация.** Ушбу мақолада тилга ҳурмат кўрсатиши, тил этикетига амал қилиши, тилни миллий руҳ ва қадрият сифатида ардоқлаш каби масалаларга муносабат билдирилган.*

***Калит сўзлар:** Тил ва тилишунослик, она тили, тил этикети, миллат руҳияти, миллат, ватан, ота-она, оила, жамият, давлат, оммавий ахборот воситалари, давлат тили, расмий тили.*

Тил ҳақида кўплаб ҳикматли сўз ва ибратли фикрлар мавжуд: “Тил – миллат кўзгуси”, “Тил – маънавият калити”, “Тил миллатнинг бебаҳо бойлиги” каби. Биз ҳар доим дунё таммаддунига халқимизнинг қўшган илмий, тарихий ва маънавий-маърифий ўрни беқиёс эканлигини ғурур билан шарафлаймиз. Ёшларни шунга муносиб тарбиялашни бош вазифа қилиб олганмиз.

“Ҳар бир миллатнинг мавжудлигини ва яшаётганини намоён этадиган омиллар бўлади. Тил ана шундай мавжудлик ҳодисасидир. Тил шунчаки сўзлашиш воситаси эмас. У миллат маънавияти ва маданиятининг тошойнасидир. Модомики, миллатнинг ўз тили бор экан, демак, унинг дунёга айтар сўзи ҳам бор, албатта. Шу тириклик оламининг бир қисми ўлароқ асрлар оша жаҳонга ўз сўзимизни айтиб келдик. Тил мозийдан гоҳ “Ўрхун-Энасой битиклари”, гоҳ “Девону луғотит турк”, гоҳ “Қутадғу билиг” бўлиб жаранглаб турибди. Чунки бу тилни не-не улуғ зотлар тенгсиз идроки ва фидойилиги билан асраб келди, сайқаллади.”

Бутун халқимиз одилона сиёсат байроғи остида маънан соғлом, руҳан тетик, қалбан инсонпарвар юксак маънавиятли жамият қурмоқда. Айни замонда мамлакатимизнинг мавқеи жаҳон узра кундан-кунга бўй чўзмоқда. Обрў-нуфузи ошиб бормоқда. Умумбашарият олдида бурч ва масъулиятимиз ортмоқда. Ички ва ташқи олам билан ижтимоий-сиёсий муносабатлар яхшиланмоқда. Халқни рози қилиш, фаровон турмушни янада яхшилаш, тинчлик ва тотувликни юксак даражада таъминлаш, камбағалликни

камайтириш каби саъй-ҳаракатлар давлатнинг ҳам, халқимизнинг ҳам зиммасига қўшимча масъулият юклайди.

Она тили миллатнинг бирлиги ва бирдамлигининг тимсолидир. У миллатни ягона халқ сифатида ўз атрофида бирлаштиради ва дунёда борлигини намоён этади. Ҳар бир миллатнинг ўз ватани, оиласи бўлгани каби унинг жонажон ва бетакрор она тилиси ҳам бўлади. Инсон учун ВАТАН, ОТА-ОНА, ОИЛА қанчалик кадрли ва муқаддас бўлса, унинг она тили ҳам шу қадар азиз саналади. Ҳаттоки гўдак ҳам ўз ватанини, ота-онасини, дунёни ўз она тилида англай бошлайди. Фарзанд тарбиясида онанинг ўрни бекиёс бўлганидек, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишда тилнинг ўрни муҳимдир. Шу боис тилни, онага қиёслаб «ОНА ТИЛИ» деб атайдилар. Инсондаги жамики эзгу фазилатлар, аввало, она алласи ва она тилининг бебаҳо жозибаси орқали сингади. Инсон қалбида она тилига нисбатан соф туйғу аланга олади.

Сувсиз дарё, тилсиз миллат мавжуд бўлмайди. Тил сув каби инсон руҳиятини тозалаб туради, танага жон, мияга озуқа беради, қалбни ёритади, шуурни бойитади. Бирор миллатга мансуб бўлган тил, ўша миллат билан яшайди. Тил ўлса, миллат ўлади. Демакки, тилни асраш, миллат ва халқни асрашдир. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз қадим-қадимдан тилни эъзозлашади, уни бўй-бастига ривож топишини орзу қилишади.

Пифагор бежиз: “Ҳар қандай халқнинг урф-одатларини билай десанг, аввало унинг тилини билишга урин”, демаган. Тил – миллатнинг буюк бойлиги, бебаҳо хазинаси, туганмас мулкидир. Чунки миллатнинг тарихи, унинг маданий, маънавий мероси, урф-одатлари ва анъаналари тил ва адабиётида мужассам бўлади. Она тилини улуғлаш, асраб-авайлаш, ўша тилда сўзлайдиган ҳар бир инсоннинг бурчидир. Тил – миллат қиёфасининг бир бўлаги. Шунинг учун дунёдаги барча халқлар ўзининг миллий расмий тилига эга. Она тили миллат таянчи, унинг ор-номуси, маънавий қиёфаси, орзу-умидларининг намунаси. «Тил миллатнинг руҳидир», дейди буюклар. Бу таърифда улкан маъно яширинган. Тилини йўқотган инсоний жамият катта-кичиклигидан, тарихий бой ўтмишидан, сон-саноксиз ёзма ёдгорликларга эга эканлигидан қатъий назар элатни, халқни, миллатнинг йўқолишига, ўзгаларга сингиб манқурт бўлишга маҳкум бўлади, тилсиз эл жонсиз жисмга айланади.

Дунёда халқаро тиллар ҳақида ҳам таърифлар жуда кўп. Тилшунослар ичида: «**Италян тили** – опера тили. Зеро, дунёнинг ҳар қандай бошқа тилида ижро этилган опера италян тилида ижро этилгани каби тушунарли ва хуш эшитилмайди. **Француз тили** – забони муҳаббат. Изоҳга на ҳожат. **Инглиз тили** – драматургия ва рок-музыка тили. Ушбу хулосани ҳам мисол билан исботлаш ортиқчадир. **Немис тили** – фалсафа тили. Немис миллатининг дунё халқлари томонидан тан олинган буюк файласуфларини ёдга олинг», - деган тавсиф бор. Хўш, ўзбек тилимиз-чи?! Бу тилларнинг қай биридан кам?!

Бизнинг она тилимиз – Алишер НАВОСИ, Бобур НАФАСИ, Қодирий ДАРДИ, Авлониё ОРЗУСИ, Абдулла ҚАСРИ, Пиримкул НАСРИ, Эркиннинг ТЯН-ШОНИю Муҳаммад Юсуф АРМОНИ – ўзга тилларнинг ҳаммасидан бебаҳо. Бу тилни дунёга танитиш ёшларнинг зиммасида.

Тил – миллатнинг мавжудлик шарти. Миллат вужуд бўлса, тил – рух. Миллат дарахт бўлса, тил унинг илдизидир. Тилнинг миллат, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни бекиёсдир. МИЛЛАТ, ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ тараққий қилар экан, унинг тили ва тилшунослиги бўй чўзади. Давлат ва жамиятдаги ўзгаришлар биринчи навбатда тилда, хусусан, унинг лексикасида – луғат бойлигида, адабиёти ва санъатида кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур,” деган ҳикматли сўзни ўзбек миллатини шарафлаш учун айтган эди, Тил – миллат маънавиятининг муқаддас тимсоли. Тил – миллий қадриятларни бирлаштириб, туташтириб, фарқлаб намоён этиб турувчи энг мустаҳкам занжир, бой ва чексиз маънавий хазина. Модомики, тил ижтимоий характерга эга экан, ижтимоий ҳаётдаги тараққиёт тилдаги тараққиётни белгилаб беради. Тил ва тилшуносликнинг тараққиёти жамият, давлат тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг исботини айнаи замонда дунё манзарасидан топиш қийин эмас. Қайси жамиятда тинчлик, фаровонлик ҳукм сураётган бўлса, шу ерда тил ва тилшунослик тараққий этади. Бироқ бунинг акси учрайдиган мамлакатларда тил ва адабиёт ривожига ҳақида фикр юритиш амримаҳолдир.

Тил шундай бир боғки, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир ғунчанинг ўз ўрни бор. Бордию ниҳоллар эътиборсиз, парваришсиз қолса, боғнинг кўрки бузилади, таровати сусаяди. Биз яшаётган жамиятда она тили ҳақида шеърлар ёзиш, ёд айтиш, уларни қўшиқ қилиб куйлаш, тил ҳақида маърузалар ўқиш, турли тадбирлар ўтказиш тилга эътибор саналади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг 75-сессияси минбарида илк маротаба ўзбек тилида нутқ сўзлаши халқимизга ғурур бағишлади. Барча миллат вакилларига ўзбек тили деган давлат тили борлигини, бу тилнинг меҳнатсевар ва инсонпарвар раҳбари ўз халқини тўғри йўлга бошлаётганига ишора берди. Шунингдек, инсоннинг ўз она тилига муносабати унинг маънавиятининг мезони ҳисобланади. Инсонинг қандай маънавиятга эга эканлиги унинг тилида, гўзал нутқида намоён бўлади. Ўз тилини ҳурмат қилмайдиган одамни маънавиятли санаш мутлақо нотўғри бўлади.

“Оммавий ахборот воситалари ва ғоявий таъсир кўрсатиш механизмлари энг асосий, қудратли ва таъсирчан мафкура воситасидир. Оммавий ахборот воситалари - ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби воситаларга нисбатан ишлатувчи тушунча. Оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаёти, фуқаролар фаолиятига таъсири ниҳоятда кучлилигидан уларга нисбатан «тўртинчи ҳокимият» атамаси ҳам қўлланади. Оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий қадриятларимиз ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади”⁹.

Барча турдаги таълим муассасаларида, асосан, таълим ўзбек адабий тилида берилади. Ҳар бир инсон кўлига етуклик шаҳодатномасини олгунга қадар ўзбек тилидан ўнлаб имтиҳон синовларидан ўтади. Ҳатто, бошқа миллатга мансуб айрим мухбир, сиёсатчи, элчи, дипломат, сиёсатдон ажнабийлар ҳам она тилимизга ҳурмат бажо келтириб, дил изҳорларини намоён этади. Уларни кўриб-эшитиб яйраймиз. Аммо, ўзбек бўла туриб, адабий тил меъёрида гапира олмайдиган айрим одамлар ҳам топилади. Бундай одамларга йўл очиб берса, нафақат тилини, балки ватанини ўзгаларга хор қилади. Тил этикети, тил одоби ва миллат руҳиятига зид муносабатда бўлишади.

1. Шавкат Мирзиёев. «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, Т. 23 октябр, 2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида, ПФ-2385-сон. Т., 1999 йил 3 сентябрь.

ТИЛ, ТАФАККУР ВА МИЯ НЕЙРОНЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРМАГНИТ ҚУВВАТИ

Сайфуллаева Р. Р.

ЎзМУ профессори, ф.ф.д.,

Бобокалонов П. Р.

БухДУ тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада замонавий нейролингвистика муаммолари ва синтактик аспектда француз тилини ўқитиш услубиёти учун муҳим саналадиган масалалардан бири нутқий ҳосилаларнинг фарқли қурилиши ҳақида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: инновацион ёндашувлар, психонейролингвистика, психоллингвистика ва нейролингвистика, ностандарт вазият, когнитив психология, неврология, ижтимоий психология, паралингвистика, стандарт ва ностандарт гаплар.

Тил умумий фойдаланиш предмети ҳисобланади ва тил бир вақтнинг ўзида абстракт моҳиятга эга. Тилнинг барча тамойиллари бир хилдек муҳим ва бу тамойиллар ўрганилиши шарт, чунки ҳеч бир тил тўлиқ ўрганиб чиқилмаган ва унда доимо қандайдир янги қирра намоён бўлади.

Тилни ўзлаштириш ва тоифалаштиришда когнитив тамойиллар – миёна ва унинг тил билан боғлиқлиги аҳамиятлидир. Бу нейролингвистиканинг амалда ҳал этилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Миёна сирли бир нарса, агар у тил нуқтаи назаридан ўрганилса, тилни қандай идрок этишимиз, қандай суҳбатлашимиз, грамматикани қандай ўрганишимизни тадқиқ қилиш осон кечади. Технологияларнинг ривожланиши билан яқин йилларда ушбу ходисаларнинг моҳиятини чуқур билишга талаб ошмоқда. Айни кунда барча тилшунослар шу абстракт предметни – одамлар ўзаро сўзлашадиган тилни билишга яқдил. Нейролингвистик таълимот конкрет товушлар, сўзлар ва жумлаларни билишдир: овоз чиқариб гапиришнинг қулай қоидаларини, йўллари ва усуллари билишдир. Бу тилга нима тегишли ва нима тегишли

эмаслигини билишдир, нимани қўлласа бўлади ва нимани қўлласа бўлмасликни билишдир. Бу энг аввал эшитмаган жумлаларни қандай тушунишимизни тушунтириб беради. Бундан англашиладики, одамлар орасида бир тилда мулоқот қилиш қачон осонлашади? Қачонки улар ушбу тилни ўзаро тушунишса; бироқ ушбу тил улар тарафидан қандай тушунилиши, қандай ўзлаштирилишини англаш мураккаб масала.

Социопсихологик таҳлиллардан маълумки, жамиятда ақлли одамлардан кўра содда одамлар жуда кўп бўлади. Чунки инсон оилада ёхуд мактабда бир хил тарбия топа олмайди. Бунинг генетик, психологик, физиологик, ижтимоий ва ҳатто сиёсий сабаблари ҳам бор. Бола мактабга қадам қўйгандан бошлаб, ақлли ва ақлсиз тоифага ажратилади. Ақлли, тартибли, итоатли, соғлом бола “ўз овунчоғи”ни тез топиб олади, улғайиб ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди. Чунки у ёшлигиданоқ қобилиятли, истеъдодли, зийрак, жасур, дорвюрак эканлигини, гуруҳ ичида креатив, динамик серҳаракатчанлигини кунора исботлаб боради. Ақлсиз болага аксинча, алоҳида эътибор керак. Бундай болада дангасалик, тундфеъллик, қайсарлик, қўполлик ва шунга ўхшаш аломатлар аниқланади. Бундай болаларда шу нуқсонларни эрта ёшидан пайқаб баҳамжиҳат бартараф этиш мумкин. Аммо учинчи тоифадаги болалар ҳам бор. Булар қизғанчиқ, рашкчи, инжиқ, уятчан, тортинчоқ, одамови. Буларда ирсий, физиологик, жисмоний ва руҳий хасталикнинг унсурлари учрайди. Улар ақлсиз болалардек дарс давомида ўқитувчига ҳалақит бермайди. Ақлсиз болалардек эътиборталаб эмас, ҳеч кимнинг кўзига тик қарамайди. Шу сабабли ҳамма ота-она ёки тарбиячи бунга ўз вақтида эътибор беравермайди. Натижада жамият ичида “ҳатти ҳаракати суст” аъзолар ҳам пайдо бўлади. Улар ҳар доим ҳимояга муҳтож бўлади. Айнан бу нуқсон-камчиликларнинг олдини олишда нейропсихоллингвистика фанининг ўрни бекиёс.

Одам ўз онгини бошқаришга ҳаракат қилиши мумкин, аммо мия фаолиятининг физиологик ва ирсий хусусиятларини назорат қила олмайди. Агар одамларнинг онгида психологик нуқсон ёки камчиликлар мавжуд бўлса, унда уни тузатса ёки даволаса бўлади; бу вазиятда кўп нарса одамнинг ўзига боғлиқ. Таъкидланганидек, нейролингвистика нутқ фаолияти механизмлари жараёнларини, тил, тафаккур ва инсон онгининг ўзаро боғлиқлигини, инсон нутқини яратиш усулларини ўрганади. Бу фан ҳақида Санкт-Петербург давлат университети профессори, филология ва биология фанлари доктори Татьяна Черниговская шундай жавоб беради:

“Бу тилшунослик ва неврологиянинг бирлашиши ҳисобланади. Соф илмдан ташқари, бу фан одамларни даволаш учун ҳам зарурдир. Биз гаплашганда ва тинглаганда мияда нима содир бўлишини ўрганамиз. Инсоннинг нутқи билан нима боғлиқлигини тушуниш учун, энг аввало, тил ва тилшунослик фани ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз керак. Бизнинг билимларимиз диагностика, реабилитация, нутқнинг турли функцияларини тиклаш учун зарурдир. Баъзан одамлар ўз она тилларини қайта ўрганишга мажбур бўладилар. Дунёда дисграфия ва дислексия (дислексия ва дисграфия гречюнонча *dis* — “йўқотиш, барҳам топиш”, *graphia* — “ёзув” ва *lexis* —

“нутқ”), оддий ва маълум сўзнинг ўқиши ёки ёзилишида қийинчилик туғилиши билан характерли ҳолатлар) билан оғриган инсонлар сони ортиб бормоқда. ... Нейролингвистик тадқиқотлар тилшунослар ва психоллингвистлар томонидан илгари сурилган назариялар ёрдамида олиб борилади. Нейротилшунослар мия физиологияси тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, тилнинг тузилиши ва ташкил этилиши ҳақидаги назарияларни илгари суришлари, яъни “неврологик тузилмаларнинг тузилиши ва тилнинг тузилиши ҳақида умумий хулосалар чиқаришлари мумкин” [1].

Идрок, руҳ ва қалб нейролингвистика билан алоқадор. Маълум бир тилни ўрганиш, унда ўз фикр-мулоҳазаларини ўз она тили даражасига олиб чиқиш жуда машаққатли меҳнат талаб қилади. Ҳатто айрим ҳолда кўпчилик олдида ўз она тилисида нутқ баён қилиш ҳам жуда қийин. Бунинг сабаблари кўп омилларга боғлиқ: ирсий, руҳий, жисмоний, ижтимоий, сиёсий ва бошқалар. Ҳамма одамларда ҳам нутқ кўникмалари бир хил даражада шаклланмайди. Бунга сабаб мия тўқималаридаги нейронларнинг (нейрон ёки неврон юнонча νεῦρον — тўқима, нерв) — нерв тизимида структур-функционал ўрнашган махсус тор тўқима, бирлик) парваришига ўз вақтида эътибор қаратилмагани, бетартиб жойлашгани ва ривожланмай қолгани бўлиши мумкин. Мия фаолиятида нейронлар ҳаракатининг бесамар бўлиши инсоннинг идрок, руҳ ва қалбига таъсир қилади. Соғлом одамнинг нутқий нуқсонларига сабаб унинг талаб даражасида иш бажариш қобилиятини ақл билан бошқара олмаслиги, шунингдек, ўзини аудитория ва мулоқот учун сафарбар қила олмаганидан далолат беради. Бу инсоннинг шахсий муваффақиятига таъсир қилади. Носоғлом одамда эса бу жараён аксинча ҳар доим номуваффақиятсизлик келтириб чиқаради.

Муваффақиятли инсонлар феъл-атворини таҳлил қилсак, уларда фақатгина ақлнинг ёки руҳнинг ўзи устун эмаслигига гувоҳ бўламиз. Яъни, онги ва қалби ҳар жиҳатдан юксак, бир-бирига муносиб бўлган инсонларда фаровон яшаш имкони доимо юқори бўлиши кузатилади. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам маълумотни тарозининг икки палласи ҳисобланган идрок ва қалб чиғириғидан ўтказадилар. Бундай одамлар қарор чиқаришда жуда пишиқ бўлишади.

Таниқли журналист Шухрат Сатторовнинг “Муваффақият сирлари: руҳ ва миянинг инсон тақдиридаги ўрни” номли мақоласидан зарур фикр-мулоҳазаларга эътибор беринг:

“Муваффақият идрок ва руҳ оралиғидаги лаҳзаларда содир бўлади. Инсоният тарихидаги жамики маданият ва элатларда руҳ кучли ҳислар, туганмас завқ-шавқ ва донолик жам бўлган манба ҳисобланган. Шунингдек, инсон муҳаббат, шукроналик, қаноат каби эзгулик рамзи бўлган кучли туйғуларни ўзининг руҳида кашф қилиб келган. Сўнгги тадқиқотларда маълум бўлишича, инсон юраги ва мияси ўртасида ҳамкорлик мавжуд. Улар биргаликда маълумотни қайта ишлашади, инсон ана шу жараёнда қарор қабул қилади. Ижодкор ҳам, тадбиркор ҳам, рассом ёки режиссёр ҳам машаққатларни енгишга ёрдам берган ҳисларни, оғир дамларда далда бўлган

туйғуларни, тараққиётга сабаб бўладиган ғояларни яратишда қалбидан куч олади. Ҳадеб мия билан фикрлаш инсонни ақлдан оздириб қўйиши мумкин. Биз одатда юракни ақлга, кўнгилни эса хоҳишларга бўйсунди деб ўйлаймиз. Охирги илмий фаразларга кўра юракда ҳам мустақил асаб тизими бўлиб, бу унга мантикий хулосалар қилиш имконини беради. Юрак мияга асосли ва фойдали маълумотлар жўнатиб туради. Шу боис аксарият инсонлар қалбларига бўйсундилар. Яъни, юрак қанчалар кучли бўлса, қарорлар шу қадар асосли бўлиб чиқади. Нейрофизиологлар томонидан руҳ ва мия ўртасидаги “нейронли алоқа йўли” аниқлангач, инсонларнинг ақлли қарор қабул қилишларида юракнинг ўрни юқори экани янада ойдинлашади. Юракдаги мантикий фикрлаш тизими шу вақтга қадар ўта мураккаб ва сирли механизм бўлиб қолмоқда. Унда ҳам миядаги каби нейронлар, гормонлар, оксил ва тўқималар мавжуд. Юракдаги нейронлар сони 40 мингтагача етади. Юракдан юборилган хабар мияга унинг идрок, қарор қилиш ҳамда бошқа ҳиссий ҳолатга жавобгар қисми орқали қабул қилинади. Энг қизиқ жиҳати шуки, инсон танаси атрофида ҳосил бўладиган электромагнит майдонидаги қувватнинг асосий қисми руҳдан, яъни қалбдан ҳосил бўлади. Юракнинг магнит қуввати мияникидан беш юз баробар юқори экан. Ҳеч эътибор берганмисиз, баъзи одамлар билан қайта-қайта суҳбатлашгингиз келаверади. Бунинг ҳам илмий асоси бор. Одам ўзидан тарқатаётган электромагнит тўлқинлари бошқа инсон танаси ва миясига маълумот тарзида етиб боради. Одамлар шу тахлит бир-бирларида таассурот қолдирадилар ва одамнинг яхши-ёмонини дарров танийдилар”[2].

Сиз шу ердан туриб, дунёнинг нариги чекасига турган инсон билан қалбан мулоқотда бўлишингиз мумкин. Баъзан ўғлингиз (ёки яқин танишингиз) телефон қилганда “Ҳозиргина сизни ўйлаб турувдим, онажон” деганини билиб оласиз. Хўш, нега? Чунки электромагнит қуввати билан йўналтирган қалбий (руҳий) нейронлар сизни ўзаро мулоқот қилишга олдиндан чорлайди.

“Биз «назари ўтқир одам» ёки “зуваласи кучли одам” деб ўйлайдиган киши бошқалардан тарқалаётган қувватни тушуниш билан бирга, унга таъсир ҳам ўтказа олади. Кучли инонтириш, таъсир ўтказиш қобилияти ҳам аслида қалб таъсирида амалга оширилади. Ҳиссий қуввати юқори бўлган, яъни кучли руҳиятли инсонлар бошқаларнинг фикрини осон ўқий олади ҳамда вазиятга осон баҳо беради, улар бошқаларни осон тушунадилар. Ҳиссий қувват ёрдамида одамлар ўзлари бўлмаган жойларда бўлишлари, ўзлари билмаган нарсалар ҳақида сўзлашлари мумкин”[3].

Энг муҳими – мия ва юрак ўртасидаги самарали алоқанинг натижаси бўлган муваффақиятлилик инсондаги ижодий ёндашувни юзага чиқаради. Яъни, бу ҳолатда инсон илғор ва ноодатий фикрлайди, бошқалар кўра олмаган имкониятларни тасаввур қилади, тўсиқларни енгиш учун ўзида куч топади, тўғри қарор чиқаради ва фақат олға боради. Шу билан бирга, мия ва руҳ ўртасидаги соғлом алоқа инсон учун ижобий кайфиятнинг туганмас манбаси

хисобланади. Бундай инсонлар барчани мафтун қилади, уларни барча тинглайди ва улардан тарқалаётган қувват бошқаларга куч бағишлайди.

Юрак ва мия ўртасидаги алоқаларнинг узилиши фақатгина ҳиссий носоғломлик билан боғлиқ эмас. Бунда саломатликнинг ҳам аҳамияти бор. Чунки юрак ишлаб чиқараётган маълумот мияга кўчиб юрадиган асаб толалари ёрдамида умуртқа поғонаси орқали боради. Шу сабабли ҳам инсон асабига дарз кетса, турли оғир касалликлар ҳам юзага чиқаверади. Яна бир илмий далиллардан бири шуки, юрак ички ҳиссий сезгини қайта ишлайди ҳамда махфий белгиларни аниқлаш орқали мавҳумликни ойдинлаштиради. Гап шундаки, юракка хос ички ҳиссиёт макон ва замон чегараларидан ҳам юқори турадиган кучли ахборот майдони билан боғлана олади. Мия келажакни тасаввур қилса, юрак кучли ҳиссий тизим орқали буни сезади. Яна ҳам ҳайратланарли далил шуки, инсон кўнгли бу ахборотни миясига қараганда бир неча баробар тезроқ англаб етади.

“Муваффақият фақатгина ақлга суянган қарорлар натижаси эмас. Сиз қалбингиз ва руҳингиз билан ҳам алоқа боғлашни унутманг. Одам фазовий борлиқ билан ҳам руҳан алоқа қилади. Инсон гуноҳга ботгани сайин руҳиятидан узоқлашиб боради. Бу ҳолатда ғалаба қозониш қийинлашади”.

Руҳият ва қалб болаликдан шаклланиб боради. Бунда қуйидаги омилларнинг ўрни юқори:

- яхши инсонлардан тарбия олиш;
- ҳалол меҳнатга ўрганиш;
- китоб ўқиш ва илм олиш;
- яқин инсонлар билан бамаслаҳат иш қилиш;
- самимий, шикастанафс, тавозели ва хокисор бўлиш;
- ёмонлардан йироқ юриш;
- одамларга яхшилик қилиш;
- бу дунёнинг ўткинчилигини ҳис қилиб яшаш ва ҳк.

“Мия ва юрак ўртасида самарали алоқанинг йўлга қўйилиши муваффақият учун асосдир. Шунда ақлий қобилият равшанланиб, инсондаги тўғри қарор қилиш салоҳияти ошади. Бундай ҳолатда тақдиримизда муҳим аҳамият касб этган ижтимоий муносабатлар, одамлар билан мулоқот мазмун касб этади ва мустаҳкамлашиб боради”[2]

Нейролингвистикадан маълумки, ўз она тилисида яхши гапиролмаган шахсларнинг миясида нуқсони бўлади. Бундай таниқли шахслар ғарб жамиятида жуда кўп учрайди. Хорижий мамлакатларда худди шундай санъаткорлар вақт-вақти билан нейролог-психологларга даволаниш учун мурожаат қилиб туришади. Улар бундай одамларга оддийроқ, самимийроқ, тушунарли ва дўстона мулоқотдан фойдаланиб туришни тавсия этишади. Беморни ҳам, унинг томошабинини ҳам хафа қилиб қўйишмайди. Халқ эътиборидан қолмаслик учун нуқсонларини тузатишга биргаликда ҳаракат қилишади. Жест, мимика ҳам – тана тили. Жуда оз ва соз, содда ва самимий гапириб, “тана тили”дан фойдаланиш, ҳар замонда хурсанд жилмайиш, томошабинларга илтифотли бўлиб уларни кузатиб туришни, ичидагиларни

дастурхон қилиб тўкмасликни, ўз касбининг маҳорат сирларидан нарига ўтмасликни ўргатишади. Негаки, ортиқча гапириш санъаткорнинг карьерасига таъсир этади, эътибордан қолади, унинг бозори касод бўлади.

Ғалаба сари қадам аввало жисмонан эмас, руҳан ҳаракатда намоён бўлса, мақсад ўзини оқлайди. Юксалиш аввал қалбда содир бўлиши керак. Ана шунда тана ҳолдан тойганда месон қалб билан ҳаракатланишни ўрганади. Натижада мия ўз-ўзидан бутун танага буйруқ беради. Тил ўрганишга ҳам шу усул қўл келади. Машҳур ёзувчи Иоган Гёте “Кимки ўзга тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушуна олмайди,” деган ҳикматли сўзи бор. Кўп ҳолатда тил ўрганиш, бу одамнинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун ҳар бир инсон муваффақиятга эришиш учун қарор чиқариши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Черниговская Т. В. Язык, мышление, мозг: основные проблемы нейролингвистики // Труды отделения историко-филологических наук РАН. №3. М., 2004.
2. Сатторов Шухрат. «Биз ғалаба қозонамиз». Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, -Т., 2018.

ТИЛНИ УНУТИШ — ЎЗЛИКНИ УНУТИШ

Бобокалонов П. Р.
БухДУ тадқиқотчиси
Фармонова П.
иқтидорли талаба

***Аннотация.** Ушбу мақолада тилга ҳурмат кўрсатиш, тил этикетига амал қилиш, тилни миллий руҳ ва қадрият сифатида ардоқлаш каби масалаларга муносабат билдирилган.*

***Калит сўзлар:** Тил ва тилишунослик, она тили, тил этикети, миллат руҳияти, миллат, давлат тили, расмий тили.*

Курраи замин тарихида ҳеч бир миллат ўз тилини иккинчи даражага тушиб қолишини истамаган. Фақат босқинчилик урушлари, иқтисодий қарамлик, сиёсий-маънавий нотапонлик туфайли ҳар қандай миллатнинг она тилиси ўз ўрнини бошқа тилга бўшатиб берган. Бу ҳақиқатни айни замонда кўп халқлар тушуниб етган. Шу боис ўзини таниган, ўзлигига эга ҳар бир миллат ўз она тили ривожини ҳаёт-мамот масаласи деб билади. Тил тараққиёти учун бор имкониятини ишга солади.

“Бугун инглиз тили дунёда халқаро мулоқот тили ҳисобланади, у ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига кириб улгурган ва сиёсий-иқтисодий масалаларни ҳал этишни осонлаштирадиган тил. Тил инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, англаш, билиш, сўзлаш, алоқа-муносабат воситаси, мансуб-хослик омили бўлгани боис ҳамиша жамият равнақининг асосий мезонларидан бўлиб келган. Бошқа тарафдан эса дунё аҳолисининг катта қисми сўзлашадиган инглиз тилини билишга етарлича баҳо бермаслик ҳам тўғри эмас, чунки у

иктисодиётнинг ривожланишига ёрдам беради.”[1]. Бироқ бу, “инглиз тилини ўз она тилидан ортиқ даражада улуғлаш” деган гап эмас. Инглиз тили билан силлиқ иш битмайдиган юртлар ҳам бор. Пировардида, Абдулла ҚОДИРИЙ ёзган эди: “Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар.” Бугун ўзбек тили жаҳон аренасида янгради. Бу ўзбек тили бошқа тиллардан кам эмаслигининг исботидир.

Ўзбек тили шевалардан бой. Юртимизда жамики туркий тилларда мавжуд қарлуқ, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг ҳар учаласида сўзлашувчи ўзбеклар яшайди. Ҳамма шевалар ўзига хос, ҳамманинг шеваси ўзига мос. Ҳар бири бетакрор ва сўзлашиш учун қулай. Бироқ шевалар – маҳаллий мулоқот воситаси. Халқ олдида чиқиб сўзлаганда ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ҳам бор эканлигини унутиш мумкин эмас. Республикамиздаги барча расмий, норасмий матбуот воситалари адабий тил меъёрларига амал қилиши зарур. Барча давлат идоралари ўзбек адабий тилида иш юритиши даркор.

Жамоа жойларида, лавозимда, нотаниш одамлар ичида, транспорт ва ҳуқуқий хизматда шевадан фойдаланиш одоб доирасида бўлмайди. Зангори экран, радио, жамоат жойларида ҳар бир инсоннинг ўз шевасида эркин мулоқотга киришаётганига таажжубланасиз. Бу иллат – бошқаларни ҳурмат қилмасликдан далолат эмасми?! Тил этикетини бузиб гапирадиган шахсда ахлоқий меъёрнинг у ёки бу унсури етишмаслиги кўзга ташланиб туради.

Нейролингвистикадан маълумки, ўз она тилисида яхши гапиролмаган шахсларнинг миясида нуқсони бўлади. Хорижий мамлакатларда таниқли санъаткорлар вақт-вақти билан нейропсихологлар маслаҳатига эҳтиёж сезади. Улар самимийроқ, оддийроқ бўлишга интилишади, шунинг учун мутахассислар билан мулоқотда бўлиб, феъл-атворларининг кам-кўст жиҳатларини бошқалар назари билан баҳолаб олишади. Психологлар санъаткорни томошабин, халқ эътиборидан қолмаслиги учун нуқсонларини бартараф қилишга ёрдам беради.

Саҳнада қилинган таъзим халққа қилинган ҳурмат саналади. Жуда оз ва соз, содда ва самимий гапириб, жест, мимикадан фойдаланиш йўллари ўргатилади. Жест ва мимика ҳам – тана тили. “Тана тили”дан фойдаланиш ва маъромида хурсанд жилмайиш, томошабинларга илтифот кўрсатиш, уларни зийраклик билан кузатиб туриш, ўз касбининг маҳорат сирларидан воқиф бўлиб бориш ва ҳоказо барчасига аҳамият қаратишади. Тил этикетидан четга ўтмасликни ўргатишади. Бўлар-бўлмасга ортиқча гапирилмайди. Негаки, ортиқча гапириш санъаткорнинг карьерасини ҳалокатга чорлайди, халқ эътиборидан қолади, симпатия ўрнини антисимпатия эгаллайди.

Жамоат жойларида, адабий тил этикетига риоя қилмайдиган ҳолатлар ҳаётда кўп учрайди. Айрим “корчалон аёллар” ўртасида ҳам шарм-ҳаёсиз “эркакча сўкиш-сўкиниш” учраб туради. Радио ва зангори экранларда эзмаланиб гапирадиган мухбирларнинг ҳам тил этикетини бузаётганига эътибор беришмайди. Бироқ тил одобига амал шарт. Сўкинадиган раҳбарлардан каттароқ жарима ундирилса, давлат ҳам, халқ ҳам манфаатдор

бўлади. Халқ жамоа олдида инсон шаънига тегадиган ҳақорат сўзларни эшитишдан қутилади.

Тилни ҳурмат қилган одам, тилимизга четдан кириб келаётган сўзларни, агар ўз тилимизда муқобили бўлса, имкон қадар ишлатмаслиги керак. Рус тилини билган русча сўзларни, инглиз тилини билган инглизча сўзларни ўзбек тилига қориштириши нодуруст. Бу ҳам оммавий маданиятнинг беўхшов сўзлашув тури ҳисобланади. Буни халқ риёкорлик деб қабул қилади. Ўз тилига ҳурматсизлик ана шу нуқтадан бошланади. Бу тоифадаги инсонлар ўзга тилни билгани билан мақтанади гуё, бошқалар олдида ўзини замонавий қилиб кўрсатади. Ҳатто, айрим ўзбек тилшунос олимлари ҳам ўзаро мулоқотда уялмай-нетмай русча суҳбатлашади. Ва минг афсуски, айрим олимлар тилимизни ривожлантириш, унинг қадрини ва қаддини кўтариш ўрнига рус тилига гапиришади. Ўзбек бўлиб адабий тил доирасида сўзлаша олмайдиган киши ўзбекча фикрлай олмайди, миллий руҳни ўзида сингдиролмайди. Тилни ҳам, халқни ҳам ҳурмат қилишни унутади. Қолаверса, тилимизга меҳр қўйиб ўрганаётган ўзга миллат вакиллари ҳам бундай инсонларга хайрихоҳ бўлмайди.

“Миллий тилимиз бугун мисли кўрилмаган инқилобни бошидан кечирмоқда. Ўзбекистон мустақиллик боис очик жаҳонга чиққандай тилимиз ҳам очик жаҳон билан муомалага кирмоқда. Миллий тил доирасида бутун-бутун янги китъалар пайдо бўлаётир. Бизнес, банк, алоқа, компьютер соҳаларининг тили бугун шундай миллий китъа. Миллий қонунлар яратиш тобора тараққий қилиб қонунлар тили ва усули китъаси пайдо бўла бормоқда. Фанимиз кашфиётларини миллий тил китъаларидан баён қилиш урф бўлмоқда. Халқаро тиллар, халқаро терминлар, тушунчалар худди океан каби миллий тилимиз билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Ўз миллий тили ҳақида ғамхўрлик қилмаган одам аслида тил ҳақида эмас, ўзи ҳақида ғамхўрлик қилмаган бўлади»[2]. Бугун ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг халқи ва миллати учун давлат титули саналади. Ўзбек тилига шу мақом берилиши учун қанчадан-қанча зиёлилар жон куйдирган. Айнан уларнинг меҳнати, заҳмати, тўккан қонлари эвазига тилимизга давлат мақоми берилди. Бу тилда эплаб гапира олмасак, кўчаларимизда хато ёзилган афишаю рекламаларга эътибор бермасак, устига-устак нуқул ажнабий сўзларни дўконлар ва бозорлар пештоқиға кўтариб осиб қўйсак, чиқарилган қонун қаерда қолди?!

Инсон тили унинг гапириши учун берилган энг улуғ ва бебаҳо неъмат. Рост ҳам, ёлғон ҳам шу тил орқали амалга оширилади. Инсоннинг азизу мукаррамлиги унга берилган ақл, онг, одоб-ахлоқ ва ростгўйлик билан белгиланади. Бу сифатлар инсонни етукликка, баркамолликка етаклайди, халқ ичида ҳурматини оширади. Алломаларимизнинг шундай пурмаъно ҳикматли сўзлари бор. Алишер Навоий: “Сўз инсон табиатининг ишвагар дилбари, у кўзга кўринмайдиган парисифат нозаниндир”, деб таърифласа, Носир Хисрав: “Сўз ичра мудом ақл яшириндур, сўз чимилдиғу ақл келиндур” – дея мажозий маъно беради. Тил миллатнинг руҳи, кўзгуси бўлиши билан бирга шу миллат зиёлиларининг шаъни, ору номуси ҳамдир. Номусни асраш эса виждоний

бурчимиздир. Тарбиячи тарбияланувчини тўғри йўлга соладиган сеҳрли сўз топа билиши керак. Ўзбек тилимиз бундай сеҳрли сўзлардан жуда бой. Зеро, тил маънавият калитидир. Тил, бу маънавиятимиз ойнасидир. Зеро, маънавият жамият ва давлат маъмурий бошқарувини юксак босқичга кўтариш учун хизмат қиладиган ижтимоий ҳодиса, кенг маънода ижтимоий-сиёсий тизим ва моддий соҳаларни мувозанатда сақлайдиган куч-қудратдир. Инсоннинг юксалишини тил ва маънавият белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳмонов Ваҳоб. Тил - руҳимиз таржимони //“Ёшлик” журнали, №10. Т., 2014 йил,
2. <https://uforum.uz/archive>. БИЗНИНГ ТИЛ. Иброҳим Ғафуров (мурожаат санаси 8.10. 2020 й)

НОВЕРБАЛ МУЛОҚОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ПСИХОНЕЙРОЛИНГВИСТИК ВА ЛИНГВОКУЛТРОЛОГИК ТАЛҚИНИ

Бобокалонов Р.Р.,
БухДУ доценти, ф.ф.н.
Ҳаятова Н.И ва **Бобокалонов П.Р.**
илмий изланувчилар.

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек тилида но-вербал мулоқот воситаларининг психонейролингвистик ва лингвокултрологик хусусиятлари билан боғлиқ назарий масалалар бўйича илмий мушоҳада юритилган ҳамда шу йўналишларда амалга оширилган илмий тадқиқотларга муносабат билдирилган.*

***Калит сўзлар:** психо-нейролингвистика, вербал мулоқот, но-вербал мулоқот, кинесика, мимика, гавданинг туриш ҳолати, визуал контакт (қараиш), контакт частотаси, проксика ва экстралингвистика, интонация, овоз, пауза, нафас чиқариш, йиғи, йўтал, тембр, кулгу, такесика, қўл сиқиш, қарсак чалиш, ўпиш, проксемика, ҳиссий ҳолатлар; оғизнинг ҳолати. дудоқлар ҳолати; кўз шакли, кўз ёрқинлиги, қошнинг ҳолати, пешона ҳолати, юз ҳолати.*

Мулоқот одамлар ўртасида ўзаро ахборот алмашишнинг ижтимоий-психологик жараёни бўлиб, икки асосий восита – вербал ва новербал (лат. verbalis - оғзаки ва nonverbalis оғзаки бўлмаган) нутқий таъсир усуллари орқали амалга оширилади. Мулоқот жараёнида бу омиллар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Демак, бунда ахборот инсонларга оғзаки (вербал тарзда) ёки оғзаки бўлмаган (новербал) шаклда узатилиши назарда тутилади. Ва ҳар иккала мулоқот воситалари бир хил муҳим аҳамият касб этади[1; 6,238; 8,246; 10,189]. Бу ҳолатлар ўзбек лингвомаданиятшунослиги ва психонейролингвистиги йўналишида чуқур тадқиқ этилмаган.

Новербал мулоқот маълумотлар узатишнинг ўзига хос воситаси ҳисобланади. Новербал воситалар нутқ жараёнида ҳамроҳлик қилиши, нутқни тўлдириши ва баъзи ҳолларда маълумот тингловчига "сўзсиз тушунарли" бўлиши мумкин.

Психонейролингвистикада уч асосий жиҳатга аҳамият берилади: 1) *рухий тайёргарлик*, 2) *миянинг ишлаши ва* 3) *тил билиш қобилияти* [3,247; 8,246]. Одамларнинг ҳиссиётлари, муносабатлари вербал мулоқот ёрдамида жонлантирилади. Ахборот (маълумотлар) мантиқан кўрсатмали, тўғри ва аниқ, баъзан ноаниқ узатилади. Фикр-алмашинуви мақсадлари вербал ва новербал тарзда параллел ёки алоҳида амалга оширилади. Мулоқот орқали сўзловчи нафақат маълумот етказди, балки хабарни таҳлил ва синтез қилади, муаммони ҳал қилишдаги қийинчиликлар тўғрисида фикр алмашади, шикоят қилади, талаб қўяди, савол беради, жавоб излайди ва ҳ-зо.

Вербал ва новербал мулоқотнинг биргаликдаги жараёнида қуйидаги коммуникатив бирликлар ишлатилиши кузатилади:

Рухий ҳолат	Коммуникатив-каноник ҳосилалар, лексик бирлик ва иборалар		
	Ўзбекча	Французча	Русча
Олкиш, табрик	Офарин! Қойил! Яшанг. Бўш келманг. Олға! Марра сизники. Табрик. Мен сизни табриклайман. Бахтли бўл! Самимий табриклар! Туғилган кунингиз билан. Сиз жуда илтифотли. Мен сизга бахт тилайман. Сен мафтункорсан. Сен ёқимтойсан.	Bravo! Vous êtes si belle! Tu es charmant. Toutes nos félicitations. Vous êtes très gentil (poli). Bon anniversaire! Je te souhaite du bonheur! Rapidement. Un tout petit peu plus. Vers l'avant. Meilleurs vœux! Soyez heureux!	Перевосходно! Браво! Ты такая красивая! Ты очаровательный. Вы очень милы (вежливы) Ты такая красивая! Поздравляю. Желаю тебе счастья! Будь счастлив! С Днем рождения! Ещё давай. побыстрее. Ещё чуть-чуть. С наилучшими пожеланиями! Вперёд.
Ачиниш Узр сўраш	Афсус! Минг афсус! Аттанг. Аянчли. Ачинарли. Сиздан узр сўрайман. Мени авф этинг. Мен афсусдаман. Афсус, келолмайман. Узр. Кечирасиз. Узр, кетишим керак. Минг узр. Минг марта узр. Ой, кечирасан, мен сенга ёмон иш қилдим.	Dommage! C'est affreux! C'est dommage! Je vous demande pardon! C'est une blessure! Pardonnez-moi, excusez-moi! Cela me blesse. Pardon. Pardon, je dois partir. Mille excuses! Mille fois pardon! Oh, pardon, je t'ai fait mal.	Жаль! Это ужасно! Это травма! Это вредит мне. Прошу прощения! Жаль, что я не могу приехать. Простите меня, извините! Сожалею. Извини, я должен идти. Тысяча отговорок! Ой, извини, я причинил тебе боль. Прошу прощения!
Кўнгил сўраш	Яхшимисиз? Аҳволингиз дурустми? Бу муҳим эмас. Сизга ҳеч нарса қилмадимми? Ҳеч қисса йўқ. Бардам бўлинг. Рози бўлинг Бунга эътибор	Vous allez bien? tout va bien? Pas de peine. Tenez bien! Calmez-vous! Soyez courageux! Ce n'est de rien! Soyez d'accord!	Ты в порядке? все хорошо? Нет боли. Оставайтесь на линии! Успокойся! Быть храбрым! Это важно. Не важно.

	берманг. Хафа бўлманг. Ўйлашга арзимаиди. Қадингизни букманг. Руҳингизни тушурманг.	Ne faites pas attention à cela! C'est important. Ce n'est pas important.	Ничего! Согласен! Не обращайтесь на это внимания!
Таклиф	Келинг! Келинг бу ерга! Кетдик! Марҳамат. Тўрга ўтинг. Ўқинг, марҳамат. Сафо келтирдингиз. Ёқимли иштаҳа. Ўтиринг, марҳамат. Марҳамат, ўтир. Мана жойингиз. Хуш келибсиз. Вақтида келдингиз. Бу жуда зўр! Марҳамат қилинг. Қадамларига ҳасанот.	Venez! Venez ici! Allons-y S'il vous (te) plaît. Asseyez-vous, s'il vout plaît! Lisez, s.v.p. Prenez votre place, s'il vous plaît. Voici, c'est votre place, s.v.p. Soyez bienvenu (-e, -s, -es). Ça serait sympa! Bon appétit! Humm, c'est bon !	Приходить! Иди сюда! Пойдем, пожалуйста. Садитесь, пожалуйста! Пожалуйста, читайте. Садитесь, пожалуйста. Вот твое место, пожалуйста. Добро пожаловать. Это было бы чудесно! Приятного аппетита! Хм, это хорошо!
Тасдиқ	Ҳа. Ҳа, раҳмат. Ҳа, шундай. Хўп! Бўлди, тамом. Бўлди, майли! Мен розиман. Яхши. Ҳаммаси яхши. Бу яхши-ку! Албатта шундай. Раҳмат, шундай. Айнан шундай. Худди шундай! Бу менга барибир. Юриб кетди! Ҳа, жоним билан! Хўп дейман. Ҳа, биламан. Буни ёқтираман.	Oui. Oui, merci. Bon. D'accord. Bon, d'accord. Je suis d'accord. Tout est bon. C'est bon ça. Exactly. Oui, c'est ça! Merci, oui-oui! Oui, je sais! Bien sûr. Ça m'est égal. Ça suffit! Ça marche! Oui, avec plaisir! Je dis oui. Je suis pour! J'adore ça	Да. Да, спасибо. Хорошо. Ладно. Я согласен. Все хорошо. Это хорошо. Именно. Да это оно! Спасибо, да-да! Да, я знаю! Конечно, мне все равно. Достаточно! Оно работает! Да, с удовольствием! Я говорю да. Я за! Я люблю это
Таажжуб, ҳайрат	Бу менга қизиқ! Бу мени қизиқтиради! Шундайми? Қандай сюрприз. Вой-бў! Таажжуб. Ҳайратдаман.	C'est vrai? Incroyable! Quelle surprise? Ça m'intéresse! Ça m'étonne toujours! Ça m'inquiète! Oh là là! Cela me plaira!	Это правда? Мне это интересно! О, Боже! Это меня удивляет! Какой сюрприз? Удивительно!
Миннатдо р- лик, мамнунли к	Раҳмат. Ташаккур. Ташаккур билдираман! Арзимаиди. Катта раҳмат. Соғ бўлинг. Омон бўлинг. Миннатдорман. Ажойиб совға. Ёрдамингиз учун раҳмат. Мен бундай хурсандман. Сизга ҳам раҳмат. Танишганимдан хурсандман. Борингизга шукр келганингиздан хурсандмиз. Биз жуда хурсандмиз. Сиз борсиз, кўнгил хотиржам.	Merci. Pas de quoi. De rien. Grand merci. Je vous remercie. Tu m'as fait une bonne surprise. J'en suis content (e). Merci à vous aussi. Ça m'a fait du bien de venir. Merci pour votre aide. Nous sommes très ravis de votre arrivée. Nous sommes enchantés (ravis, contents). Je suis ravi (e) de votre surprise. Je voudrais	Спасибо. Пожалуйста. Пожалуйста. Большое спасибо. Спасибо. Вы сделали мне хороший сюрприз. Я рада этому. И тебе спасибо. Мне было приятно приехать. Спасибо за вашу помощь. Мы очень рады вашему приезду. Мы в

	Хайриятки, сиз борсиз. Кўришдан хурсандман. Сизга сюрприз қилмоқчи эдим. Мен (жуда) хурсандман. Қандай омад! Мамнунман. Сиз билан учрашганим айни муддао бўлди. Омадим келди. Учрашганимдан (жуда) хурсандман.	vous faire une surprise. Je suis content. Je suis très ravi. Je suis enchanté. Je suis très content de faire votre connaissance. Je suis très ravi de votre rencontre. C'était un grand plaisir de vous rencontrer. J'ai de la chance. Quelle chance !	восторге. Я очень рад твоему удивлению. Хочу вас удивить. Я счастлив. Я очень счастлив. Я восхищен. Я очень счастлив встретить тебя. Было очень приятно познакомиться с вами. Я счастливчик. Какая удача! Какая радость!
Кўришиш	Салом. Қандоксиз? Қандок юрибсиз? Яхши юрибсизми? Дурустми? Яхшимисиз? Тузукмисиз? Раҳмат, яхшиман. Хайрли кун. Хайрли тун. Аҳвол қандай? Аҳволингиз яхшими? Аҳвол яхши. Раҳмат! Сизчи/сенчи? Менинг кизғин саломларим! Сенинг мазанг бўлмаептими? Сенинг тобинг йўқми? Ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Мен шамоллаб колдим. Мен грипп билан оғриндим.	Bonjour. Comment allez-vous? Ça va? Comment ça va? Comment vous portez-vous? Ça va bien? Bonsoir. Salut, comment ça va? Merci, je vais bien. Bonne journée! Bonne nuit. Ça va, merci! Merci! Et vous/toi? Ça y est! Salut! Mes saluts. Comment? Etes-vous bien? Je ne me porte pas bien. Es-tu malade? Je me sens mal. J'ai attrapé le rhume. J'ai la grippe.	Привет. Как вы? Все нормально? Как дела? Как вы? Дела идут хорошо? Добрый вечер. Привет, как ты? Я в порядке. Спасибо тебе. Хорошего дня! А, это ты/вы? Спасибо! Как? С тобой все в порядке? Это оно. Спокойной ночи. Здравствуйте! Мои поздравления. Я не в порядке. Я плохо себя чувствую. Ты болен? Я болен? Я простудился. Я болею гриппом.
Хайрлаш иш	Хайр! Омон бўл. Омон бўлинг. Яхши қолинг! Эртагача! Индингача. Кўришамиз. Кўришгунча. Алвидо! Алвидо, дўстим! Бир пасдан кейин! Кўнғироғингни кутаман. Кўнғироқ қилиб туринг.	Au revoir! A bientôt! Adieu! Adieu, mon ami! A tout à l'heure! Bien à Vous! A demain! A l'endemain! On verra! Téléphonez-moi ! Toujours à l'appareil !	До свидания! До скорого! Прощальный привет! Прощай, мой друг! До скорого! С уважением! Увидимся завтра! Увидимся завтра! Посмотрим! Жду твой звонок.
Диққат, эътибор	Диққат! Ташвишланма. Ҳаммаси яхши. Чиқишда эҳтиёт бўлинг ! Эслаяпман. Ҳа, эсладим. Ўзингни асра! Эслолмаяпман.	Attention! Attention à la sortie! Ne t'inquiète pas! Tout va bien. Je ne me rappelle pas. Garde toi-même ! Je me rappelle. Ah oui, je me rappelle.	Предупреждение! Не волнуйтесь! Все хорошо. Я помню. Я не помню. Берегись выхода! Ах да, я помню. Береги себя!

Инкор	Йўқ. Умуман йўқ Йўқ, раҳмат. Ҳеч нарса. Ҳеч нарса қилолмайман. Ҳеч нарсани англамадим. Бу сабаб эмас. Бошқа сафар Ҳаммаси бекор. Нега бундай қилиб қўйдинг? Йўқ, қўлимдан келмайди.. Хавотирга ўрин йўқ. Вой, мен ёқтирмайман. Бўлди, етар. Бу яхши бўлади. Розимасман. Йўқ дегин!	Non. Non, merci. Non plus. Ne... rien. Tu ne fais rien. Tout est pour rien! Ça ne me dit rien. Non, je ne peux pas. Une autre fois. Ce n'est pas la peine Pourquoi tu as fait ça? Beurk, je n'aime pas. C'est assez. Non, je ne suis pas d'accord. - Dis, non.	Нет. Нет, спасибо. Нет, ничего. Больше не надо. Вы ничего не делаете. Все зря! В колокольчик не звонит. Нет, я не могу. очередной раз. Вы не обязаны. Почему вы это сделали? Фу, мне это не нравится. Достаточно. Нет, я не согласен. - Скажи "нет".
-------	--	--	--

Коммуникатив-каноник нутқий ҳосилаларга новербал воситалар у ёки бу даражада ҳамроҳлик қилишини аниқлаш алоҳида мавзу бўлганлиги сабабли юқоридаги мисоллар билан чекланамиз. Аксарият тилшуносларнинг фикрига кўра, вербал ва новербал мулоқот омиллари одамларнинг бир-бирлари билан кўришиш, хайрлашиш, танишиш, олқиш, табрик, ачиниш, кўнгил сўраш, узр сўраш, таклиф қилиш, тасдиқлаш, инкор қилиш, ажабланиш, ҳайратланиш, миннатдорлик, мамнунлик, диққат-эътибор қаратиш каби мулоқот жараёнларида яхши кузатилади [2,176; 4, 122; 10, 189].

Но-вербал нутқий сигналлар вербал нутқ сингари тингловчига уч ҳолатда ахборот етказди: 1) суҳбатдошга маълумот узатишда; 2) суҳбатдошга таъсир ўтказишда; 3) суҳбатни жонлантиришда [6, 238].

Инсондаги новербал ҳатти-ҳаракатлар унинг руҳий ҳолатлари билан узвий боғлиқ. Унда инсоннинг индивидуал ва ижтимоий психологик хусусиятлари – шахснинг ички дунёси ошкор бўлади. НOVERбал ҳатти-ҳаракатлар нутқ билан ҳамроҳ бўлиб, фаолиятнинг ақлий мазмунини шакллантиради. НOVERбал нутққа хос тана тили ҳар доим ҳам вербал нутқ билан мослашувчан бўлмайди.

Олимларнинг аниқлашича, новербал мулоқот воситалари қўл, юз ва танадаги етти юз мингдан ортиқ имо-ишораларни ўз ичига олади. НOVERбал ҳатти-ҳаракатлар тана тилининг энг бой "алифбоси" ва рефлексли саналади [2, 176; 3, 247; 6, 238; 8, 246 в.б.].

Э.А.Петрованинг таъкидлашича, суҳбатдошлар ўртасидаги мулоқотнинг дастлабки 12 сониясида 92 фоиз маълумот но-вербал тарзда кўзга ташланади. Но-вербал ҳатти-ҳаракатлар ёрдамида мулоқотининг дастлабки 20 дақиқасида асосий маълумотлар суҳбатдошлар ўртасида амалга ошириб бўлинади. Мулоқот жараёнида но-вербал сигналларнинг сони жуда кўп иштирок этади. Айрим ҳолатларда нутқ билан номувофиқлик ҳолатлари намоён бўлади ва бундай шароитда, агар новербал сигналнинг маъноси вербал сигналнинг маъносига зид бўлса, одамлар новербал маълумотларга ишонишади. Аксинча, агар киши қўлини мушт қилиб, ҳавони мушт билан чопиб ташласа, сўнгра ҳамкорлик қилиш учун уларни келишувга чақирса, унда вербал

маълумотларнинг мазмунига бу жест зид бўлганлиги ва тажовузкор имо-ишора туфайли жамоат унга ишонч билдирмаслиги мумкин [9, 129].

Но-вербал кўрсатмалар худди сўзлар сингари полисемантикдир. Масалан, новербал "бош ирғади" деган сигнал, фойдаланиш шароитига қараб, келишув, эътибор, тан олиш, саломлашиш, миннатдорлик, рухсат, мотивация ва бошқаларни англатиши мумкин [10, 189].

Новербал мулоқотни ифодаловчи воситаларга қуйидагилар киради:

1. Кинесика – жест, экспрессив-ифода ҳаракати, ҳаракат йўналиши;
2. Мимика – пауза давомийлиги, оёқ ташлаш, гавданинг туриш ҳолати, визуал контакт (қараш), контакт частотаси;
3. Проксолика ва экстралингвистика – интонация, овоз, пауза, нафас чиқариш, йиғи, йўтал, тембр, кулгу;
4. Такесика – қўл сиқиш, қарсак чалиш, ўпиш;
5. Проксемика – масофа сақлаш, мўъжал олиш.

Кинесика но-вербал мулоқотнинг энг муҳим воситаларидир. *Кинесика* инглизча сўздан олинган бўлиб, бу ҳолат мулоқотда экспрессив ва тартибга солиш вазифасини бажаради. Бошқа одамнинг юз ифодаларида, ҳолатида, жойида, қарашада, юришида намоён бўлади.

Мимика қўллар ва бошнинг турли хил ҳаракатлари, *имо-ишоралар*, мулоқот қилаётган томонлар учун тушунарли бўлган сигналлар мажмуидир. Инсонларнинг ўзларини осон тушунилишлари учун имо-ишора миқдори муҳим аҳамиятга эга. Мимикаларнинг асосий характеристикаси унинг яхлитлиги ва динамикасидадир. Бу шуни англатадики, олтита асосий ҳиссий ҳолатнинг мимик ифодасида (*газаб, қувонч, қўрқув, азобланиш, ажабланиш ва жирканиш*) юз мушакларининг барча ҳаракатлари мувофиқлаштирилади. Буни В.А.Лабунская тадқиқотларидан билдик [8, 246]. Барча одамлар, қайси миллат ва маданиятга эга бўлишидан қатъий назар, ушбу тақлид конфигурацияларини етарли даражада аниқлик ва изчиллик билан тегишли ҳиссиётларнинг ифодаси сифатида бажаради. *Мимиканинг* бирлиги *мина* деб аталади. Ҳар бир *мина* юзнинг конфигурацияси ҳисобланади. Маълумот асосан қошлар ва лабларнинг турлича ҳолати орқали амалга оширилади. Изчил ҳиссиётлардан *қувонч, ажабланиш, жирканиш, газаб ва қайғу* туйғулари кўпроқ, *қўрқув* туйғуси эса камроқ кузатилиши мумкин.

В.А.Лабунскаянинг фикрига кўра: “Агар бирор киши ҳаяжонланса ёки бирор нарсага кизиқса, ёинки кўтаринки кайфиятда бўлса, кўзлари одатдагидан тўрт марта кенгаяди. Аксинча, ғазабланган ёки ғамгин кайфиятда бўлса, кўзлари одатдагидан тораяди. Бунда юз қисмлари ва унсурлари ҳолатлари қуйидагича:

- 1) ҳиссий ҳолатлар: *газаб, нафрат, азоб, қўрқув, ажабланиш, қувонч*;
- 2) оғизнинг ҳолати, *оғиз очик, оғиз ёпиқ*. Оғиз одатда ёпиқ бўлади;
- 3) дудоклар ҳолати: *дудоклар бурчаклари пастга тушган ёки тепага кўтарилган*;

4) кўз шакли: *кўзлар очилган ёки қисилган*. Кўзлар қисилиб қолади, кўзлар катта очик, кўз ёрқинлиги кўзлар торайган ёки очилган, кўзлар порлайди ёки зерикарли, кўзларнинг порлаши ёрқин ифода этилмайди;

5) қошнинг ҳолати: *қошлар бурун кўпригига қисилади*, қошлар кўтарилади, қошларнинг ташқи ва ички бурчаклари юқорига кўтарилади;

6) пешона ҳолати: *пешона бурмалари вертикал бурун кўприги ҳосил қилади*. Пешонадаги горизонтал ҳаракатли бурмалар ифодаланади;

7) юз ҳолати: *музлаган юз, динамик юз*. Юз ифодаси фақат инсон ҳақидаги маълумотларни эмас, балки унинг ташқи қиёфасини ҳам ўз ичига олади. Юз одамнинг психологик ҳолатлари тўғрисида асосий маълумот манбаидир, юз ифодалари тана ҳаракатларидан кўра бир неча маротаба онгли равишда яхшироқ бошқарилади” [8, 246]. Бундай психикофизиологик ҳолатлар ҳар бир халқда ўхшаш ва фарқли жиҳатдан намоён бўлади.

Масалан, муайян шароитларда одам ўз ҳис-туйғуларини яширишни ёки қасддан ёлғон маълумотни етказишни хоҳласа, танаси ҳам ахборот манбаига айланади. Мулоқотда имо-ишоралар, жестлар ва ифодали ҳатти-ҳаракатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ахборот инсон танасининг жест, имо-ишора, юриш-туриш ва гавданинг туриш ҳолатлари билан амалга оширилади.

Гавданинг туриш ҳолатини кўпгина олимлар: “Бу - маълум бир маданият учун хос бўлган инсон танасининг позициясидир. Гавданинг туриш ҳолати одамнинг хулқ-атвори ва феъл хусусиятлари унсурлари бирлигидир. Шунинг учун ҳам бу ҳолат тана тилидир,” деб баҳолашади [2, 176; 11]. Гавданинг туриш ҳолатидан ҳар бир халқнинг маданий анъаналарини ҳам аниқласа бўлади. Масалан, бадий адабиёт, фильмларда гавданинг туриш ҳолати билан боғлиқ мисоллар жуда кўп кузатилади. Чунончи, японлар билан ҳиндларнинг кўришиш ва хайрлашиш одатлари бироз ўхшаш: японлар икки букулиб, қўлларини бир-бирига ёпиштирган ҳолда пешоналарига яқин тутишади. Ҳиндлар эса қўлларини пешонанинг ўрта қисмига ёпиштириб, бошларини бироз ўнг ва чапга силкитишади. Бироқ улар японларчалик эгилиб таъзим қилишмайди. Ўзбеклар ўнг қўлларини юракка ёпиштириб, салгина жилмайиб бошларини баланд-пастга қимирлатишади. Турклар кўришиш ва хайрлашишда юзни-юзга босиб олишади. Турк сериалларидаги бу ҳолат ер юзида ёшлар ўртасида тез тарқалиб оммалашди ҳам.

Тана тили ёхуд гавданинг туриш ҳолатига ижтимоий ва сиёсий омилларнинг ҳам таъсири бўлади [2, 176; 11]. Яқин вақтгача Европада эркаклар бош кийимларини кўтариб, гавдани ён тарафга бироз эгиб туриб таъзим қилишарди. Ҳозир Европа халқи бу усуллардан аллақачон воз кечди. Руслар хўжайин олдида бошларидаги қалпоқларини кўкрак қафасга қўйиб, таъзим бажо қилишарди. Инқилобдан кейин бунга барҳам берилди.

Таниқли ямайкалик атлетикачи, жаҳонда олти карра йил атлетики Юсейн Болт (Usain Bolt)нинг спринт бўйича икки карра олимпиада рекордини янгилаб, “снайпер”га ўхшаб нишон чўтлаган жести Европа ёшлари учун хайрлашиш одатига – ҳозир бу усул энг оммалашган усулларида бирига айланиб улгурди.

Шўро даврида тана ҳаракати билан боғлиқ яна бир мақтанчоқлик ҳолати пайдо бўлган эди. Кўпгина раҳбарлар И.В.Сталинга ўхшаб ҳарбийча кийина бошлашди: мўйлов қўйишди, беш юлдузли шапка, таги тор усти шақалоқ шим кийиб, қўлтиқларига қоғозжилд қистириб юриб замонасозлик қилишарди. Хурсанд, мамнун ва сохта бахтиёрликни ифодалаш учун мўйловларини озгина сийлаб, ғоздек гердайиб қўйишарди. Раҳбарлик серсоқол одамларга ярашиб турарди, десак ҳам хато бўлмайди. Ҳозир эса рус жамиятида Россия Президенти В.В.Путиннинг ўзини бежавотир тутиши сезиларли таъсир қилаётган бўлса, амеркаликлар учун Д.Трамппнинг беўхшов ҳатти-ҳаракатлари омма орасида карикатура қилинмоқда. Тарихан Амеркалик инглизлар хайрлашув чоғида ковбой шляпалари ўрта қисмида икки бармоқ билан “чест” беришарди. Ҳозирда хайрлашганда “ОК”нинг лайк белгисини кўрсатишади ёки бармоқларини “рақиб”га таппонча қилиб ўкталиб, “ўқ жойидан чиқди” тарзида жест қилишади.

Французлар Мольер даврида шляпалари билан аввал хонумларга ва кейинчалик жаноб амалдорларнинг “Қадамларига ҳасанот!” тарзида шляпа шамоли билан уларнинг йўлни супургандек, ўнг оёқни олдинга ва чап оёқни бир оз орқага тортиб, чап қўл билан қилич дастасини ушлаб “Хоним” ёки “Жаноб” (Madame, Monsieur) сўзини ишлатиб, чиройли хушомад, таъзим-илтифот қилишарди. Буржуазия даври келиб, фақат шляпани бошдан кўтариб туриб, сезиларли даражада қийшайиш ва ғуддайиш билан салом беришлар пайдо бўлди. Айни замонда французлар уйига ташриф буюрган одамни ўпич бериб, азиз инсоннинг юзига енгил тарзда лаб тегизи олиш билан мукофотлашади.

Коронавирус балоси ер юзида тана тили билан билдирадиган мулоқотларнинг миллийча урф-одатларига ҳам болта урди. Инсоният миллий урф-одат билан кўришиш ва хайрлашишга кўрсатмаларга амал қилган ҳолда икки метр масофа сақлаб, бир хил тарзда аҳвол сўрашга мажбур бўлмоқда.

Маълумки, агар одам мулоқотга қизиқса, у суҳбатдошига эътибор қаратади ва унга пешвоз чиқади. Агар мулоқот қилишга қизиқмаса, аксинча, ўзини ён томонга йўналтиради ва орқага суянади. Ўзини эълон қилмоқчи бўлган киши бир неча ҳолатда ўзини намоён этади: тик турган ҳолда, таранг ҳолатда, елкаларини очган ҳолда, баъзида қўлларини белига тиркаб "ўзини бўш қўйган" ҳолда, биров эркин ва хотиржам ҳолатда.

Ҳар бир халқ маданиятида шахсий имо-ишоралар ўзига хос маъно касб этади. Маданиятлараро ўхшаш имо-ишоралар ҳам мавжуд. Халқлар маданияти бир-биридан фарқ қилса ҳам, одамнинг ҳиссий туйғусини кучайтиришда эмоциянинг қўзғалиши, гестикуляция интенсивлиги ўхшаш бўлади [1; 5,416; 7,164]. Булар:

- коммуникатив (*саломлашиш, хайрлашиш, видолашиш, диққатни жалб қилиш, таъқиқлаш, маъқуллаш, инкор қилиш, сўроқ қилиш* ва ҳ.к.) имо-ишораларда;

- модал муносабат, яъни баҳо бериш (*маъқуллаш ва норозилик*) имо-ишоралари, ишонч ва ишончсизлик, чалкашлик ва бошқаларда;

- нутқ сўзлаши шароитида маънога эга бўлган тавсифловчи имо-ишораларда билинади.

Просодик ва *экстралингвистик* воситалар нутқ оқимини тартибга солади, лингвистик алоқа воситаларини тежайди, улар нутқ сўзларини тўлдиради, алмаштиради ва тахмин қилади, ҳиссий ҳолатларни ифодалайди. Ғайрат, қувонч ва ишончсизлик одатда баланд овозда, ғазаб ва қўркув эса ундан жуда кучли оҳанг ва овозда етказилади. Ғамгинлик, қайғу, чарчоқ одатда жумла ва бўғиқ овозда, гап охирида интонациянинг пасайиши билан етказилади.

Просодия - нутқ ва овоз оҳангининг баландлиги, овоз тембри, стресс кучи каби ритмик ва интонацион жиҳатларнинг умумий номи. *Экстралингвистик тизим* - нутқдаги паузаларни киритиш, шунингдек, одамнинг турли хил психофизиологик кўринишлари: йиғлаш, йўталиш, кулиш, хўрсиниш ва ҳоказо.

"*Проксемика*" атамасини коммуникациянинг фазовий тузилиши сифатида биринчилардан бўлиб америкалик антрополог Э.Холл киритди [12]. *Проксемика* "яқинлик" деган маънони англатади. Проксемик характеристикаларга шерикларнинг алоқа пайтидаги йўналиши ва улар орасидаги масофа киради. Маданий ва миллий омиллар алоқа проксемик хусусиятларига бевосита таъсир қилади. Проксемик сигналлар: одамлар орасидаги масофа, тегиниш, манзил эгасини елкасига уриш ва ҳ.к.

Хуллас, новербал мулоқот инсоннинг сўз ишлатмасдан ўзини намоён қилишидир. Аммо бу усул вербал нутқ билан доимий ҳамроҳлик қилиши мумкин. Одамлар орасида кенг тарқалган тана тили новербал мулоқотнинг асоси ҳисобланади. Имо-ишоралар ва тана ҳаракатлари тили нафақат суҳбатдошни яхшироқ тушунишга, балки педагогик жараёнда тил ўргатишда жуда аҳамиятли саналади, нейролингвистика муаммоларини бартараф қилишга хизмат қилади. Жамиятда инсоннинг ўзини намоён этишига шароит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Багдасарова Н.А. Невербальные формы выражения эмоций в контексте разных культур: универсальное и национальное/Материалы межвузовского семинара по лингвострановедению. – МГИМО, Университет, 2006.
2. Биркенбил В. Язык интонации, мимики, жестов. - СПб.: «Питер», 1997. - 176 с.
3. Бороздина Г.В. Психология делового общения. Невербальные особенности в процессе делового общения.- М.: «Деловая книга», 1998. - 247 с.
4. Бобокалонов Р.Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар талқини. Т.: Фан, 2006. Б.3-122.
5. Горянина В.А. Психология общения - М.: Издательский центр «Академия», - 2002. - 416 с.
6. Горелов И.Н. Невербальные компоненты коммуникации. - М.: Наука, 1980. -238 с.
7. Конечкая В.П. Социология коммуникации. - М.: МУБУ, 1997. - 164 с.

8. Лабунская В.А. Невербальное поведение (социально-перцептивный подход). - Ростов-на-Дону: Феникс, 1988. - 246 с.
9. Петрова Э.А. Пути и способы введения лекарственных средств в организм животных. – Красноярск: Красноярский государственный аграрный университет, 2019. – 129 с.
10. Морозов В.П. Искусство и наука общения: невербальная коммуникация. - М.: ИП РАН, Центр «Искусство и наука», 1998. - 189 с.
11. Моррис, Десмонд. Библия языка телодвижений: -М.:Эксмо, 2010.

НУТҚИЙ МАҲОРАТНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Рахманов С.Х.

ЎР ҚК Академияси Жанговор таъминот
кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада юқори нутқ ва муомала маданияти ҳақида умумий тушунчалар, ҳамда нутқ одоби бўйича турли хил қарашлар ва маҳоратни ошириш усуллари баён этилган.*

***Калит сўзлар:** Нутқ этикети, нутқ одоби, муомала маданияти, маҳорат, маданият, санъат, нутқ.*

Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот узоқ ўтмишга эга. Нутқ одоби таълимот сифатида қадимги Рим ва Афинада шаклланган бўлса ҳам, унга қадар Мисрда, Ассирияда, Вавилон ва Ҳиндистон мамлакатларида пайдо бўлганлиги нотиклик санъати тажрибасидан маълум. Давлат арбобларининг обрў-эътибори ва юқори лавозимларга кўтарилиши уларнинг нотиклик маҳоратига ҳам боғлиқ бўлган.

Юқори нутқ маданиятига эга бўлиш - бу фикрларни тил воситаси ёрдамида тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олишдир. Тўғри нутқ ҳозирги адабий тил меъёрига риоя қилиб тузилган тилда намоён бўлади. Аммо юқори нутқ маданияти фақатгина тўғри нутқ меъёрларига риоя қилиш, фикр ифодалашнинг аниқ воситасини топишдангина иборат бўлиб қолмасдан, бирмунча таъсирчан ва мақсадга мувофиқ воситаларни танлаб олиш уқувини ҳам ўз ичига олади.

Нутқ одоби борасида қадимий туркий халқлар, жумладан ўзбеклар амал қилган асосий қонун-қоидалар, расм-русумлар қадимий туркий тил ҳамда эски ўзбек тилида ёзилган баъзи ёзма обидаларда яхши сақланиб қолган. Масалан, Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул - ҳақойиқ” , Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асарлари намунасида кўриш мумкин. Айниқса, Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқий маданият, нутқ санъати ҳақидаги айтган фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги бой ва ноёб мероси маҳорат билан умумлаштирилган [1].

1. Тилни, сўзни қадрла, уни ҳурмат қил.

2. Яхши сўзлай олиш(нутқ) – санъатдир, ноёб- ҳунардир. Уни эгаллашга интилин.
3. Кишининг нутқи унинг ақлий камолотидан дарак беради.
4. Хушмуомала, ширинсўз бўл. Тилинг билан кишиларга озор берма.
5. Бўшоғиз бўлма, суҳбат сирларини сақлашга ўрган.

Кишилиқ жамиятида сўз, сўзлаш ва қандай сўзлаш жуда ҳам муҳимаҳамият касб этади. Ота-боболаримизўзларининг кўпдан-кўп мақоллари орқали авлодларга сўзлаш одоби юзасидан қимматли маслаҳатлар, насиҳатлар айтиб қолдиришган.

Кишининг нутқ маданияти унинг маданият даражасини ошиши биланбеvosита алоқадордир. Чунки у ўзининг хилма-хил фикр ва мулоҳазаларини нутқи орқали ифодалайди. Нутқ маданиятининг пастлиги, бир томондан сўзловчининг умумий ривожига камчилиқни, иккинчи томондан эса, унинг ўз фикрини саводли ва тушунарли шаклда изҳор қила олишга ўрганмаганлигини кўрсатади. Нутқмаданияти- шахснинг маданий камолотининг таркибий қисмидир. Нутқ - халқ эришган маданият даражасини кўрсатувчи ёрқин ва ишончли далилдир.

Маълумки, нутқнинг оғзаки ва ёзма турлари мавжуд. Кишининг нутқий фаолияти монолог, диалог, полилог кўринишида амалга ошади [2].

Нутқ одоби - инсоннинг умумий ахлоқини белгиловчи асосий мезондир. Кишининг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади.

Нутқ одоби нима? Нутқ одоби деганда айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос, адабий меъёрга ифодалар билан етказиш тушунилади. Ҳар қандай хабарни тингловчига маънили етказиш мумкин. Бунинг учун сўзловчи тилни, адабий тил нормаларини мукамал билиши лозим. Албатта, мулойим, ёқимли, одобли сўзлаш ҳам ўз – ўзидан пайдо бўлмайди. Ўқувчи учун энг яхши намуна ўқитувчи нутқидир. Буни ўқитувчи ҳар доим ўзида ҳис этиб туриши, ўз нутқида ҳеч вақт одоб-ахлоқ, нутқ маданияти меъёрларидан чиқмаслиги лозим. Нутқий муомала саломлашишдан бошланади. Халқ тилида саломлашиш учун ҳам, хайрлашиш учун ҳам алоҳида воситалар мавжуд. Ўқитувчи уларни ўз ўрнида ишлатишда ҳамма вақт ўз шогирдлари учун ўрнақдир[3].

Ўқитувчининг нутқи ҳамма вақт ўзбек адабий тили меъёрларига содиқ қолади, адабий тилнинг гўзал ва таъсирчанлигини ўзида сақлайди.

Нутқ маданияти юқори бўлган киши, биринчидан, ўз нутқини тўғри, адабий тил меъёрига мувофиқ тузади, иккинчидан, тил воситаларидан энг мувофиқ, энг кўркемларини танлаб олиб, нутқининг жозибали бўлишига эришади. Нутқнинг ихчамлиги, мазмундорлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Нутқ маданияти кенг тушунча бўлиб, шахснинг атрофидагиларга муомаласи, маданияти, ёзма ва оғзаки нутқининг барча кўринишлари шу тушунча доирасига киради.

Нутқнинг ўзига хос белгилари мавжуд. Булар нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, тозаллиги ва таъсирчанлигидир.

Нутқ, инсоният ҳодисаси бўлибгина қолмай, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, яхши нутқ дейишганда айтилмоқчи бўлган мақсаднинг тингловчига тўлиқ борибетиши, уларга маълум таъсир ўтказиши назарда тутилади. Шунга кўра, нутқ олдида маълум талаблар қўйилади. Бу талаблар нутқнинг мантикий жиҳатдан аниқ, чиройли, мақсадга мувофиқ бўлишидир. Нутқ маълум шарт- шароитлардагина амалга оширилади. Бунда жой, вақт, мавзу ва алоқа жараёнининг мақсади каби бир қанча омиллар ҳам аҳамиятлидир [4].

Биз инсонлар шундай гўзалодамда яшаймизки, қаердаки муомала маданияти муҳим аҳамият касб этади. Тарбияли ва маданиятли инсон ўз нутқи билан атрофдагилардан ажралиб туради. Нутқ этикети бу инсонларга бўлган ҳурматнинг сўздаги ифодасидир. Нутқ этикети инсоннинг ички дунё маданиятини намоён қилувчи кўзгудир. Нутқ ўринли, аниқ, қисқа, тоза ва маънодор бўлиши зарур. Нутқ этикети инсоннинг мустаҳкам оила қуришда, дўстлар даврасида ҳурматга сазовор бўлишида ҳамда жамиятда юксак марраларга кўтарилишида муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, нутқда азалдан ишлатиб келаётган стандарт сўз ва сўз бирикмалар ва иборалар мавжуд бўлиб, улар доимий равишда инсонларнинг суҳбатида қўлланилади. Ушбу стандарт сўзлар нутқ этикети формулалари ҳисобланади.

Хар қандай суҳбат суҳбатдош, жой, вақт ва мавзусидан қатъий назар уч қисмдан иборат. Булар кириш, асосий қисм ва якунловчи қисмлардир. Юқорида тилга олинган нутқ этикети формулалари мулоқотнинг шу уч босқичида қўлланилади. Яъни суҳбатнинг боши бўлган кириш қисмида аввал ҳамсуҳбат билан саломлашамиз ва ҳол аҳвол сўраймиз. Сўнгра асосий қисмда мақсадга ўтамиз. Яъни суҳбатдан кўзланган масала ҳақида фикрлашамиз. Суҳбат якунида хайрлашамиз ва тилаклар билдирамиз.

Нутқий маҳоратни такомиллаштириш учун кўпроқ мумтоз адабиёт асарларини ўқиш лозим. Ундан ташқари нутқи равон суҳандонлар суҳбатини тинглаб, худди улар сингари чиройли гапиришни машқ қилиш керак. Нутқий маҳоратни такомиллаштиришнинг яна бир муҳим усулларида бири бадий шеърларни ёд олишдир. Шу билан бирга нутқда мавжуд стандарт, универсал нутқ этикети формулаларидаги ибораларни ёд олиб, ўрганиб, уларни ўз нутқида қўллашни одат қилиш. Ушбу ибораларни доимий равишда қайтариб, автоматик равишга келтириш. Яъни, хар қандай вазиятда шу сўз ва ибораларни ўйламасдан тез ва ўринли ишлата олиши даркор. Буюк уламоларимиз айтганларидек, такрорда гап кўп. Демак, чиройли ва равон гапириш учун, нутқий маданиятни ривожлантиришда инсон ўз устида тинимсиз ишлаб, нутқ этикети формулалардаги ибораларни доимий равишда такрорлаб, ўрганиб, уларни нутқида ишлатиш зарур. Ҳақиқатдан ҳам меҳнат меҳнатнинг таги роҳат деганларидек ўзининг нутқий маданияти устида ишлаш албатта ўз самарасини беради. Шунингдек, хар бир шахс доимий равишда ўз устида тинимсиз ишлаб, изланиб, ўзининг нутқий маданиятини такомиллаштириб бориши лозим. Маънан етук, мустақил фикрлайдиган, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлиш билан биргаликда, нутқ

одоби ва маданиятини изчил билиш ва уни ўз нутқида тўғри ҳамда ўринли фойдалана олиш давр талабидир.

Сўнги йилларда нутқ одоби, нутқ этикети ва муомала маданиятининг сифат даражасининг пасайиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Албатта бунда биз ота-оналарнинг фарзандларимизнинг нутқ маданиятига бўлган эътиборсизлик билан қарашимиздир. Яъни биз катталар, фарзандларимиз билан кўпроқ суҳбатда бўлиб, улар билан уларнинг қизиқишлари ва кун давомидаги машғулотларини тўғри режалаштиришларида уларга маслаҳатларимизни бериб, уларнинг кун тартибини назоратга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, ёшлар орасида нутқ одобининг ёмонлашишига нима сабаб?

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, биз ота-оналар фарзандларимизнинг юксак марраларни қўлга киритишлари учун муҳим аҳамият касб қилувчи муомала маданияти ва нутқ этикетларини ўқиб ўрганишларидаги аҳамиятни тушунтирмоғимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қудратов Т. Нутқмаданиятлари асослари. -Т.:Ўқитувчи,1993. 120 б.
2. Ахмадалиева Н.Э. Оммавий нутқ маҳорати. -Т.:Ўқитувчи,2013. 138 б.
3. Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. -Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2001.150 б.
- 4.Хакимова О. Мантиқ ва нутқ маданияти. -Т.:Шарқ, 2002. 120 б.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МАТЕРИАЛОВ СМИ В ФОРМИРОВАНИИ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ КУРСАНТОВ НА ЗАНЯТИЯХ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ

Бабарахимова А.-М.Х.

преподаватель русского языка КЗЯ
военного образовательного учреждения
г.Ташкент

e-mail: prof.mari.tdu@gmail.com

***Аннотация.** Статья посвящена проблеме оптимизации процесса обучения русскому как неродному языку в современном ВОУ, в частности, проблеме поиска новых технологий в преподавании иностранных языков. В статье рассматривается вопрос использования на занятиях по русскому как неродному материалов современных СМИ, текстов политических новостей отечественных информационных изданий и телевизионных каналов (Euronews), работа с которыми способствует формированию межкультурной компетенции, а также развитию интеллектуальных способностей обучаемых.*

***Ключевые слова:** межкультурная компетенция, аутентичные материалы, язык СМИ, просмотр видеоклипов.*

Общие тенденции мирового развития, приведшие к реформам в системе высшего образования, обусловили и изменения в теории и практике обучения иностранным языкам. Сегодня важное место в языковом образовании занимает межкультурная составляющая, которая «диктует» необходимость поиска новых технологий в преподавании иностранных языков и разработку новых учебно-методических материалов для практических занятий.

Формирование межкультурной компетенции при изучении иностранного языка позволяет реализовать одну из главных задач языкового образования, а именно — научить курсантов межкультурному общению на основе толерантного отношения к другой культуре; подготовить их к жизни в условиях диалога культур.

Большие возможности для формирования межкультурной компетенции иностранных студентов дает использование в учебном процессе материалов современных СМИ.

Обращение к материалам СМИ на занятиях иностранного языка, изучение их позволяет повысить уровень знания иностранного языка; познакомить курсантов с различными явлениями жизни другого социума, историческими ценностями представителей другой культуры; быстрее адаптироваться в иноязычной среде; наконец, повысить мотивацию к изучению иностранного языка.

Живя в век информационных технологий, люди привыкли к нескончаемому потоку новой информации. В связи с этим появилась осведомленность в разных сферах, будь то политика, экономика или образование. Все это предоставляет возможность удовлетворить многие потребности человеческой жизни.

Каждый день человек получает новую информацию о том, что происходит вокруг. Это может быть письменно или устно, но главными источниками потока информации являются — радио, телевидение, газеты или интернет, которые объединяются в одно единственное понятие — «СМИ».

Применение средств массовой информации в сфере образования, а именно на занятиях иностранных языков, в частности русского, с каждым днем возрастает. С применением информационных технологий преподаватели получают возможность использовать различные медиа для обогащения языковой среды для своей группы, способствовать ускорению процесса обучения, улучшить усвоение предмета, привить интерес к изучаемому предмету [4].

Методика обучения иностранным языкам предполагает использование СМИ в образовательном процессе в качестве эффективного средства обучения устному иноязычному общению как цели и, вместе с тем, как естественному результату учебной деятельности. Особенная роль аутентичных СМИ в методике преподавания русского языка заключается в том, что они максимально приближают обучающихся к реальным информационным источникам и «погружают» в мир актуальных событий.

Использование аутентичных самостоятельно подобранных преподавателем медиа текстов в учебной аудитории имеет долгую традицию. До недавнего времени это были в основном газетные и журнальные статьи. В последние годы к материалам прессы прибавились телевизионные и радио — программы, а также тексты, взятые из интернета. Принято разделять средства массовой информации на визуальные (периодическая печать), аудиальные (радио) и аудиовизуальные (телевидение, документальное кино) [3].

Современные визуальные СМИ предоставляют огромное количество материала в печатном виде, а также в цифровом виде с использованием картинок, видео, графиков и т. д., чтобы создать более подходящую среду для обучения. СМИ предоставляют огромное количество нового материала преподавателю, который без проблем может найти информацию, подходящую к программе, обучаемого предмета. Также работа с печатным материалом формирует у курсантов интерес к чтению, за счет разнообразной информации, заданий, подачи. Все это в целом помогает курсанту достичь свободного и грамотного владения иностранным языком.

Газета же (печатная или Интернет-издание) рассказывает читателю о реально происходящих событиях и созвучна многим темам предмета. Преподавателю следует лишь подобрать подходящий материал, который будет соответствовать интересам курсантов и их уровню владения языком. Несомненно, нужно учитывать объем, тематику, сложность понимания текста и многие другие факторы, которые могут дать обратный эффект. Также нужно сказать, что на преподавателе лежит огромная ответственность и требуется высокая самоотдача и заинтересованность во время разработки материала, который должен быть полезным для понимания курсантам и иметь долгосрочный эффект [1].

- чет тили бўйича битирув давлат имтихонининг киритилиши;

чет тиллари бўйича давлат таълим стандартлари асосида кафедра ўқув материаллари билан таъминланганлиги ва уларнинг сифатини тахлил қилувчи ишчи гуруҳ ташкил қилинганлиги.

Шуни таъкидлаш жойизки, тингловчиларга чет тилини ўқитиш жараёнида асосий мақсадга эришиш борасида ўқитиш жараёнида муҳим

жихатларидан бири замонавий ўқитиш восита, шакл ва усулларини излаш ва такомиллаштириш, яъни чет тилини ўқитишда инновацион ёндашув усулларини тадбиқ қилиш лозим.

Ушбу масалада батафсил тўхташдан аввал инновацион ёндашув деганда нима тушунилишини англамоғимиз лозим. Етакчи хорижий экспертларнинг фикрларига кўра инновацион ёндашувлар қуйидагиларни ўз ичига олади.

- дарс жараёнини ташкиллаштиришнинг янги усуллари;

- шахсга йуналтирилган ҳолда ёндашув;

- ўқитишнинг янги фаол ва интерфаол услублари;

- баҳолашнинг янги усуллари;

- замонавий ахборот- коммуникацион ва мультимедиа технологияларидан фойдаланиш.

Шу билан бирга чет тилини ўқитишнинг устивор йўналишлари сифатида интерфаоллик, эркин мулоқот қилиш, тили и ўрганишнинг маданий жихати, софлик бўлиб, улар ўзаро маданий қобилиятини оширишга хизмат қилади.

Академия чет тиллари кафедрасида тингловчилар ҳарбий инглиз, француз, немис ва форс тилларини ўрганадилар.

Академияда машғулотлар анъанавий бир хил синф хонаси тизимидан воз кечилган ҳолда замонавий талабларга биноан дарсларни ташкил қилиш ўйинлар услубида ўтказилади, яъни синф хонасидаги парталар “П” ҳарфи шаклида жойлаштирилган. Ушбу жойлашув дарс жараёнинг фаол ҳолатда ўтишига жуда қулай ва аудитория ўртасида ҳаракатли роль ўйинлари учун жой бушатишган.

Чет тилини ўргатишда ушбу ёндашувнинг асосий ғояси шундан иборатки, турли хилдаги машқлар жараёнида тингловчиларни ўзига хос бўлган айнан бир хил тил воситаларини талаб қилувчи фаол фикрлаш - ишлаб чиқариш фаолиятига йўналтиришдир.

Лойиханинг мавзуси шароитдан келиб чиққан ҳолда турли хил бўлиши мумкин. Чет тиллар кафедраси ўқитувчилари томонидан олиб бориладиган машғулотларда лойихалар услубини дастурий материал сифатида амалий дарсларнинг барчасида ишлатиш мумкин. Чунки мавзунинг танланишида чет тилини урганувчи тингловчиларга амалий аҳамияти бўлганлиги ҳисобга олинади.

Лойихалар усули тингловчиларда ўз фикрини эркин ва аниқ баён этиш кўникмаларини, мулоқот маданиятини, ўз фикрини қисқа ва аниқ тузишни, ҳамкорнинг фикрини чидам билан тинглашни ва турли манбалардан маълумот топиш кўникмаларини ривожлантиради.

Лойиха шаклида ишлаш инновацион технологиялардан бири ҳисобланиб, тингловчилардан фан бўйича мавжуд бўлган ва йиғилган билимларини қўллашга имкон яратади. Тингловчилар ўз дунёқарашларини кенгайтиради, чет тилларда гапириш кўникмаларини мустаҳкамлайди, тилни амалда ишлатиш тажрибасини оширади, чет тилидаги нутқни эшитиш ва лойихаларни ҳимоя қилишда бир бирларини тинглаш ва тушунишни ўрганадилар. Лойиха билан ишлаш даврида тингловчилар луғатлар, адабиётлар, компьютер билан

ишлайди. Бу эса ўз ўрнида тилни нафақат дарслик ёрдамида ўрганишга, балки соф чет тилида алоқа қилишга имкон яратади.

Чет тилини ўқитишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўринлардан бири бу олинган билимларни баҳолашдир.

Ҳар қандай чет тилини ўрганиш деганда унинг асосий тўрт хил йўналиши яъни ўқиш, тинглаш, ёзма ва оғзаки нутқлар йўналишлари тушунилади.

Ушбу тўрт тил йўналиши бўйича баҳолаш энг объектив ҳисобланади. ШШбу масалада ЎР ҚК Академиясида тингловчилар билан турли хил тест синовлари ўтказилиб келинмоқда:

чет тилини билиш даражасини аниқлаш учун Академияга киришни истаган тингловчидан (Admission test);

тингловчиларни билим даражасини белгилаб гуруҳларга бўлиш учун ўтказиладиган (Placement test);

ўқув жараёнида тингловчиларнинг кундалик натижаларини синаш тестлари (Progress test);

ўрганилган билимларни баҳолашда ўтказиладиган синов (Achievement test);

чет тилини қай даражада билиш ва мулоқотга қай даражада қодирлигини аниқлайдиган тест (Proficiency test).

Ҳар бир тингловчининг янги маълумотни қабул қилиш қобилияти ўзгача. Шу билан бирга ўқитишниш анъанавий услуби эшитиш қобилиятига асосланади. Лекин барча тингловчиларда ушбу қобилият тўлиқ ривожланмаган. Мультимедия технологиялари ранг, анимация, товуш ва видео намоишни ўз ичига олиб ўқувчилар томонидан янги маълумотни қабул қилишда барча йўналишларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда академия ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факультети тингловчилари билан “Ҳарбий фаолиятда инфокоммуникацион технологиялар”, “Замонавий ҳалқаро муносабатлар ва геосиёсат” ва Ҳалқаро уруш ва қуролли можаролар ҳуқуқи ўқув фанларидан машғулотлар инглиз тилида олиб борилмоқда. Шунингдек, Қуролли Кучлар Академияси Чет тиллар кафедраси ўқитувчилари билан турли давлатлардан етакчи хорижий экспертлар томонидан малака ошириш семиналари ўтказиб келинмоқда. Ушбу машғулотларда ўқитувчилар илғор педагогик тажриба, кўникма ва янги билимларни ўзлаштириб, уларни академия ўқув-тарбиявий жараёнида қўлламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ҳарбий фанларни чет тилида ўқитиш муҳим аҳамияти касб этади. Эгалланган билимлар тингловчиларга бошқа давлат армияларининг тажрибаларини асл чет тилида, яъни таржима қилинмаган ҳолатда ўқиб ўрганиш имконини беради. Зотан, чет тилини мукамал биладиган етук кадрлар Қуролли Кучларимиз келажаги эканлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Академияда чет тилини ўрганишни такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини ошириш бўйича устивор вазифаларга мамлакатимиз нуфузли олий ўқув муассасалари ва ривожланган давлатларнинг замонавий педагогик ва

ахборот коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда ўқитишнинг инновацион усулларида фойдаланиш бўйича илғор тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ этишдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлар Академиясида мавжуд чет тилларни ўқитиш тизими замонавий талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб беради. Бу аса, ўз навбатида, баркамол ривожланган, юқори билимли, замонавий фикрлашга қодир офицерларни тайёрлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Nurmonov A. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari. – Т.: Akademnashr, 2010.
2. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2001.
3. О. Хакимова. Мантиқ ва нутқ маданияти. -Т.: “Шарқ”. 2002.

Диалектизмы как основа определения географии возникновения пословиц

Жуманазарова Ф. Р.

ТДТУ Чет тиллар

***Аннотация.** В статье автор подчеркивает величие сущности и цели Пословиц и поговорок так как они существуют во всех языках мира. Автор утверждает что они появились задолго до появления письменности, в доисторические времена. Фонд пословиц создавался в течение тысячелетий, в котором накапливались пословицы разных эпох. Пословицы можно встретить в самых древнейших памятниках письменности, написанных за несколько тысяч лет до нашей эры. Фонд пословиц и поговорок во всех языках мира, говорящих на различных разнотелемных языках – это уникальная и наиболее замечательная часть лексического богатства языка. В пословицах отражены психолнгвистические универсалии, свойственные многим народам вне зависимости от принадлежности людей к человеческим расам, нациям и этническим группам.*

Например: выражение одной и той же мысли на трёх языках.

***Ключевые слова:** Пословицы, поговорки, разнотелемные языки, письменности, архаичные грамматические формы, возникновения пословиц или поговорок, шотландизм и ирландизм.*

Пословицы и поговорки существуют во всех языках мира. Они появились задолго до появления письменности, в доисторические времена. Фонд пословиц создавался в течение тысячелетий, в котором накапливались пословицы разных эпох. Пословицы можно встретить в самых древнейших памятниках письменности, написанных за несколько тысяч лет до нашей эры. Фонд пословиц и поговорок во всех языках мира, говорящих на различных разнотелемных языках – это уникальная и наиболее замечательная часть лексического богатства языка. В пословицах отражены психолнгвистические

универсалии, свойственные многим народам вне зависимости от принадлежностей людей к человеческим расам, нациям и этническим группам. Например: выражение одной и той же мысли на трёх языках:

узб: Бўзчи белбоққа ёлчимас.

рус: Сапожник без сапог.

англ: The shoemaker's wife is the worst shod.

Между тем, пословицы и поговорки находятся в языкознании в процессе непрерывного движения – часть их устаревает, выходит из употребления, часть подвергается изменению, в результате чего наиболее удачные их формы становятся общим достоянием коллектива. Большую часть фонда пословиц составляют единицы, которые сохранились в определенных областях и районах, где есть носители языка, в которых существуют диалекты и говоры. Будучи продуктом развития ряда, эпох, пословицы могут сохранять архаические слова и архаичные грамматические формы.

Например: узб: Дунёнинг иши – мири кам икки.

рус: Вашими устами да мёд жить.

англ: God wot (know).

Большей частью фонда пословиц и поговорок, как единой системы языка являются диалектизмы – фонетические, морфологические и лексические, которые являются одним из основ определения места или района возникновения пословиц или поговорок. Это явление можно наблюдать в любом языке. Например: в английском языке можно наблюдать и фонетические, и морфологические, и лексические диалектизмы.

Исторически большое место в территориальных диалектах английского языка принадлежит шотландизмам и ирландизмам.

К американизмам в составе пословиц и поговорок относится поговорка «In the bag» (Дело в шляпе). Вся она состоит из элементов литературного языка и лишь «In corroge» представляет собой диалектизм.

Американская поговорка «Not to amount – to a row of beans» (Капля в море, гроша ломанного не стоит) имеет также варианты, в которых «row» может быть заменено словом «hill», а «beans» словом «pins».

Американизмом, пришедшим из сленга, является поговорка «Holler down a rain barrel» - кричать в пустую бочку, «заниматься пустозвонством».

Американская поговорка «A cat in the meal» означает «Не твоего ума дело». Вместо «in the meal-tub» может быть употреблено только «in the meal».

Поговорка «Cut from the same cloth» является также американизмом. Она означает «Одного поля ягода». Любопытно употребление двух пословиц прямо противоположных по смыслу в английском языке: «Dog does not eat dog» (Собака собаку не ест) и «Dog eats dog» (Собака ест собаку). Первая пословица (англицизм) соответствует узбекской «Қарға қарғанинг кўзини чўқимас» и русский «Ворон ворону глаз не выклюет». Вторая пословица (американизм) означает «Человек человеку волк».

В следующих примерах лексические диалектизмы шотландского происхождения: Teach the cat the way to the kirn (соотв. «Пустить козла в огород»).

Bernt bairns dread the fire (соотв. «Обжегшись на молоке, дует на воду»).

There is a crook in the lot of everyone (соотв. «Жизнь прожить – не ком перейти»).

It is far cry to Zochow (соотв. «Не видать как своих ушей»).

В ирландской по происхождению поговорке: Bad scan to you (соотв. Чтоб тебе пусто было) содержится ирландизм scan, значение которого носителям английского языка неизвестно.

Итак, изложенное позволяет сделать вывод о том, что роль территориальных диалектов в формировании общенационального пословичного фонда огромна.

Диалектизмы в любом языке (узбекском, русском, английском) – необъемлемая часть пословичного фонда. Диалектизмы внутри пословиц позволяет с большей степенью достоверности установить место (регион) возникновения пословиц, содержащих диалектизмы. Распределение диалектизмов в фонде пословиц разных языков зависит от комплекса причин, главная их которых является соотношение диалектизмов и диалектальных групп говоров, их территориальное распределение и исторический путь развития, пройденным данным языком.

Использованные источники:

1. Hanemann, W.M. The Economic Theory of WTP and WTA in Valuing Environmental Preferences, by Ian J. Bateman and Kenneth G. Willis (Editors), Initiative for Policy Dialogue Series, Oxford University Press, 2002. P. 23.
2. Macmillan English Dictionary for advanced learners International Student Edition. A&C Black Publishers Ltd. 2006.
3. Encyclopedia Britannica. CD. 2006. 13. John Chadwick. Dozer Trends.
4. Planet Earth: an Encyclopedia of Geology. A. Hallam. Oxford Elsevier Phaidon, 1997.
5. Качалова К. Н., Израилевич Е. Е. Практ. грамматика английского языка М, 2005

НЕТРАДИЦИОННЫЕ УРОКИ КАК СРЕДСТВО ОБУЧЕНИЯ (Игры на уроках русского языка)

Муминджанова С.Х.

Преподаватель кафедры Языков
Чирчикского ВТКИУ

***Аннотация.** В статье рассматривается, нетрадиционный урок как новый тип урока, решающий обучающие, развивающие и воспитательные задачи*

***Ключевые слова:** Нетрадиционный урок , инновационный урок, новый тип урока, технология, игровые технологии.*

Нетрадиционный урок-это урок инновационного типа. «Инновационный урок - это такой урок, который имеет нечто новое, оригинальное. Инновационный урок – это творческое решение цели, содержания, методов, средств или даже изменение самой формы организации занятия».

Нетрадиционные уроки рассматриваются, как новый тип урока, решающий обучающие, развивающие и воспитательные задачи. Они характеризуются доверительной обстановкой между участниками учебного процесса, сотворчеством, соучастием, создающими максимально благоприятные условия для субъектов учебного процесса.

Нетрадиционный урок по многим параметрам не похож на традиционный урок. Одной из отличительных черт нетрадиционного урока является гибкость его структурного построения.

Отход от традиционного типа урока дает преподавателю возможность разнообразить методику и технику проведения урока.

В настоящее время в педагогический лексикон прочно вошло понятие педагогической технологии. Однако в его понимании и употреблении существуют большие разночтения.

Технология-это совокупность приёмов, применяемых в каком либо деле, мастерстве, искусстве [1]. Педагогическая технология-это описание процесса достижения планируемых результатов обучения. Педагогическая технология-это содержательная техника реализации учебного процесса.

В настоящее время педагогическая технология является содержательным обобщением, вбирающим в себя смысл всех определений различных авторов (источников).

Таким образом, педагогическая технология функционирует и в качестве науки, исследующей наиболее рациональные пути обучения, и в качестве системы способов, принципов и регуляторов, применяемых в обучении, и в качестве реального процесса обучения.

Для улучшения качества преподавания и эффективности усвоения нового материала, закрепления и обобщения является использование на занятиях различных видов игр.

Использование игр дает для всех участников возможность интеллектуального развития, доброжелательного отношения к преподавателю и друг к другу.

Единого подхода к понятию «игра» не существует. Игра может рассматриваться с разных позиций.

- Как приём обучения, направленный на моделирование реальной действительности.
- Как приём обучения, направленный на мотивацию учебной деятельности.
- Как форма активного обучения (нестандартный урок).

- Как форма организации учебной деятельности (один из видов коллективной деятельности).

- Как новая технология обучения [2].

Существует множество видов квалификации игр в зависимости от того, какие основания положены в ее основу.

По месту проведения игры могут быть урочными и внеурочными.

По дидактической цели-игры на изучение нового материала, проверку знаний и умений, закрепление и обобщение.

По форме организации учебной деятельности- индивидуальные и коллективные [3] .

Игровые приемы обучения разнообразят формы проведения урока, делают его более занимательным и интересным, поддерживают дух соревновательности, который присущ учащимся всех возрастов, активируют познавательную деятельность.

Характерными особенностями игровых технологий являются:

- Активность-это активное проявление интеллектуальных и душевных сил учащихся, начиная с подготовки к игре, в самом процессе и обсуждении полученных результатов.

- Открытость и доступность.

- Групповой характер игровой деятельности.

- Занимательность и эмоциональность.

- Целеустремлённость участников игры.

- Индивидуальность.

- Символический характер игры позволяет участникам раскрыть свои способности.

Приведем пример проведения игры.

Игра «Магазан».

Игра проводится в несколько этапов.

1 этап. Учащиеся делятся на группы три-четыре человека. Каждая группа подбирает дидактический материал по заранее заданной теме. Например, если это «Лексический магазин» участникам предлагается подобрать и написать антонимы, синонимы, омонимы и т.д.,- и доказать это, в зависимости от изучаемой темы. Обязательное условие- члены группы должны правильно подобрать слова. На это отводится определённое время.

2 этап. «Продажа». Группа делится на две части. Два участника- продавцы, два участника- покупатели. Товар –полоски бумаги с написанными на них антонимы, синонимы, омонимы . Хочешь купить слово –объясни правило. Если покупатель затрудняется, слово остаётся у продавца. По сигналу преподавателя игра прекращается. Каждая группа подсчитывает количество оставшихся и купленных слов. Они заинтересованы в наибольшем количестве полосок. Преподаватель выступает в качестве эксперта.

3 этап. Победителем объявляется группа, у которой наибольшее количество слов. Эти слова записываются на доске с соответствующими комментариями.

Преимуществом таких игр является то, что они дают преподавателю возможность индивидуальной оценки знаний каждого участника группы и участия каждого в работе группы.

Использованная литература:

1. Махкамова С.Х., Абдусаматова Л.Х. Современные технологии преподавания русского языка. Т. - 2007
2. Кудашева З.К. Современные технологии преподавания литературы. Т. - 2007
3. <http://rossjanka.blogspot.com/2011/03/blog-post/html>

ҲАРБИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЧЕТ ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ҲАРБИЙ МАТНЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Бектурдиева Ш.
ЧОТҚМБЮ Тиллар кафедраси доценти

***Аннотация.** Ушбу мақолада ҳарбий хизматда чет тилларни билиш аҳамияти кўриб чиқилган, шунингдек бўлажак офицерларнинг юқори маҳорат ва ҳарбий профессионал жиҳатларини мукамал эгаллашда чет тилларнинг таъсири, шу қаторда ҳарбийлар учун ҳам чет тилларни билишнинг ўзига яраша томонлари кўриб чиқилган. Инглиз тилини биладиган мутахассислар бизнинг Қуролли кучларимиз таянчидир. Чет тилини ўқитишда курсантларнинг ақлий ва оғзаки нутқ кўникмаларини ўстириш, уларни рағбатлантириш усуллари кўриб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** чет тиллар, ривожланиш жараёни, мулоқот, жараён, ҳарбий соҳа.*

Мустақиллик шарофати билан республикаимиз ҳаётида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар билан бир қаторда, хорижий давлатлар билан алоқалар ривожланди ва бу айти пайтда чет тилларни ўрганишга бўлган талабни оширди.

Ҳозирги даврда чет тилларнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Чет тилларни билиш орқали биз чет эл китобларини, асарларини мутоола қила оламиз, матнларни таржима қила оламиз, чет элликлар билан бемалол суҳбатлаша оламиз. Ҳар биримиз учун чет тилларни ўрганишнинг кўпгина сабаблари бор албатта, ўз ишини мукамал билган яхши мутахассис бўлиб етишиш учун ҳам ўрганамиз. Чет тилларни билиш орқали биз бошқа миллат вакиллари билан мулоқот қила оламиз. Чет тилларни билиш - ҳар бир ўқимишли инсон яхши мутахассис учун зарур омил ҳисобланади. Худди шу қаторда ҳарбийлар учун ҳам чет тилларни билишнинг ўзига яраша томонлари бор.

Тезкор ва нихоятда кенг ахборотлар, инновацион жараёнлар даврининг авлоди бўлган бугунги кун ёшларига таълим-тарбия бериш анъанавий ёндашувни узгартиришни талаб этмоқда. Дарс жараёнини тубдан янги

педагогик технологиялар билан бойитишни тақозо этмоқда, яъни ўқитувчининг мутлоқ ҳокимлигидан воз кечиш, ўқувчининг мустақил фикрлашига шароит яратиб бериш, уларнинг берилаётган маълумотларни ўзлаштириш, қиёслаш, таҳлил қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш даражасига етказишига қаратилган усулларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш ҳозирги кун талабига айланган. Хусусан чет тиллар ўқитилувчи ўқув даргоҳларида матнлар устида ишлаш орқали талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш, керакли маълумотларга эга бўлиш, ва амалда тадбиқ эта олиш каби қатор услубий амаллар ўқув жараёнида асосий ўринни эгаллайди. Бунда матнларни тўғри танлаш, яъни мутахассислик бўйича мос келувчи матнлар тўпламига эга бўлиш талаб этилади.

Матн бу — маълумот олиш объекти. Матнлар бизга турли йўналишдаги маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Машҳур тилшунос олим И.А.Зимняянинг фикрича, нутқ фаолиятининг предмети — фикр, унинг маҳсули эса — матн, деган фикрни билдиради. Шундай экан, матнда гапирувчи ва ёзувчининг фикри мужассамлашган бўлади. Матн ҳақида гапираётганда талабадан нафақат матнда берилаган маълумотлар, балки матн ҳақидаги шахсий фикр — мулоҳазалари ҳам сўралса, талабада олинган маълумотларни таҳлил қилиш, ҳаётий мисоллар билан таққослаш ўзининг мустақил фикрига эга бўлиш, атрофда содир бўлаётган воқеа -ҳодисаларга муносабат билдира олиш каби қатор кўникмалар ва малакаларни ривожлантириш имконини беради. Аксарият ҳолларда чет тили дарсларида матн устида ишлаш деганда матнни ўқиб таржима қилиш ва ундаги грамматик ҳодисаларни ўрганиш билан чекланилади. Бундай ташкил қилинган дарслар бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Ўқитувчи матн мавзуси билан талабаларни таништиргандан сўнг, ўрганилаётган мавзу бўйича талабаларнинг фикр — мулоҳазаларини тўплаб, уларни (таснифлаш) саралаш орқали дарсни ташкил қилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Яна бир янги педагогик технологиялардан бири М С У Ё У методидан фойдаланиш дарсни самарали ва қизиқарли ўтишини таъминлайди.

М — Маълумот

С — Саволлар

Ў — Ўқиш

Ё — Ёзиш

У — Умумлаштириш

Дастлаб, матннинг сарлавҳаси бўйича билдирилган фикрлар сараланиб, савол ва муаммоларни доскага ёзилади. Тўпланган фикрлар умумлаштирилади ва улар ҳам доскага ёзиб борилади. Талабалар онгига аклий хужум уюштириш мақсадида қуйидаги саволлар ўртага ташланади: Матнни ўрганиш керакми ёки йўқми? Нима учун ва қандай қилиб, қачон матнни ўқиш керак? Матндаги маълумотдан фойдаланиш керакми, йўқми? Умумий маълумот олиш керакми ёки уни майда -чуйдалари билан тушуниш керакми? — каби.

Матни ўқишни эсдан чиқармаслик керак, чунки турлича ўқиш турлари талабаларга турлича таъсир кўрсатиб, маълум билимлар мажмуасини шакллантиришга туртки бўлиши мумкин. Масалан: Аналитик ўқиш

талабаларда грамматика ва лексикага оид билимлардан фойдаланиш имконини беради. Интенсив ўқишда матннинг ҳар бир арзимас жиҳатлари ҳам шарҳлаб борилади. Экстенсив ўқишда эса, матннинг майда — чуйда, икир — чикирларига эътибор берилмайди. Диққат — матннинг моҳиятига қаратилган бўлади. Матнни ўқиш жараёнида керакли маълумотларни, ибора ва калит сўзларни талабалардан дафтарларига қайд қилиб боришини ҳам талаб қилиш мақсадга мувофиқдир.

* Умумлаштирилган маълумотлар — натижалар ва хулосалар гуруҳ эътиборига тақдим этилади.

Матнни танлашда талабаларга қандай матн кераклиги аниқлаб олинади. Улар нимани кўпроқ билишади ва нималарни билишга кўпроқ қизиқишади. Танланган матндаги маълумотларни ҳаётнинг қайси соҳаларида қўллаш мумкинлиги аниқланади.

Маълумот йиғишда талабалар матнни ўқийдилар ва керакли маълумотларни йиғадилар. Ўз натижаларини муҳокама қиладилар.

Тил устида ишлаш талабанинг сўз бойлигини оширишга, сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги терминлар билан ишлашга ундайди. Бундан ташқари гуруҳ билан матн учун қўшимча машқлар ўйлаб топадилар ва машқларни бажараётганда юзага келган қийинчиликларни ўқитувчи ёрдамида бартараф этишлари ҳам мумкин.

Дарсни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Муқаддима — Ўқувчиларнинг дастлабки билимларига таяниш.
2. Матнни тушуниш — Киришиш (юзаки, умумий тарзда ва батафсил тушуниш).
3. Тил устида ишлаш — Лексика, иборалар, грамматика ва ҳоказо.
 1. Ахборотни узатиш — Муҳокама қилиш, мунозаралар уюштириш, ролларга бўлиб ўйнаш, ёзма иш.

Топшириқларни бажараётганда гуруҳларга бўлиниб ишлаш катта аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда қуйидагича ишлаш йўллари ҳам мавжуд:

1. Индивидуал ишлаш — Матнни ҳеч кимга ҳалакит бермай ўқиш.
2. Жуфт булиб ишлаш — Бунда талаба ўзини ишончлироқ сезади, фикр алмашиши ва натижаларни бир-бирлариники билан солиштириши мумкин.
3. Гуруҳ бўлиб ишлаш — муҳокама қилинаётган мавзу бўйича мунозара ва баҳс уюштириш мақсадида 5 ёки 7 тадан талабалар гуруҳи ташкил этилади. Ҳар бир гуруҳда билдирилган фикрлар йиғилади, муҳокама қилинади ва умумий хулосага келинади.

Дарсни амалга оширишида қўлланиладиган машқлардан айримларини келтирсак:

1. Диаграмма, матнни тушунишни осонлаштирувчи сураатлар;
2. Матн режасини текшириш;
3. Матн бўйича ўқувчилар нимани билишларини аниқлаш;

4. Янги тузилаётган матнга оид жумлаларни давом эттириш;
5. Матн мазмуни бўйича тахминларни ифодалаш;
6. Мавзуга оид саволлар тузиш;
7. Матндаги маълум ҳолатни муҳокама қилиш, яъни матнлар ўқишга арзийдими ёки йўқми ундаги маълумотларнинг қимматли ёки иккинчи даражали эканлигини аниқлаш;
8. Таянч сўз ва ибораларни аниқлаш;
9. Матндаги маълумотларни диаграммалардаги маълумотлар билан солиштириш;
10. Расмлар ёрдамида ва фаразлар билан матннинг жиддийлигини ифодалаш;
11. Сарлавҳа ва диаграммалар ёрдамида матнни ўқишга тайёрлаш;
12. Тахминий ва фаразларни текшириш;
13. Биринчи ва иккинчи даражали маълумотларни аниқлаш ва фарқлаш;
14. Матннинг айрим бўлақларини ва умумий текстни умумлаштириш;
15. Кисқача изоҳловчи матн тузиш;
16. Асосий матн билан солиштириш;

Бундан ташқари тил фаолиятининг ҳамма турлари, ҳамда тил материаллари лексика, грамматика ва талаффузни ўргатиш борасидаги машқлар кўпчиликка маълум. Масалан “Менинг она шаҳрим” (My native town) матни устида қуйидаги тартибда ишлаш мумкин:

1. Матнга оид янги таянч сузлар;
2. Таянч суз ва иборалар ёрдамида матнни гапириб беринг;
1. Матннинг таржимаси қилинади (таржима аудирование машқлари орқали амалга оширилади);
2. Матн юзасидан курсантлар саволларга жавоб берадилар;
3. Матндаги мавжуд сўз ва иборалар ёрдамида жумлалар тузадилар;
4. Матндаги сўзлар ёрдамида кроссвордлар тузилади;
5. Матнни “Кластер” усулида гапириб берадилар;
6. Сўзларни “Чархпалак” усулида ўзлаштирадилар;
7. Матн асосида ўзи туғилиб ўсган шаҳри ҳақида ёзиб келиш ва гапириб бериш уйга вазифа қилиб берилади;

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий янги педагогик технологиялар ва инновацион ёндашувлар асосида ўтилган дарсларда мавзулар талабалар томонидан ўзлаштирилишини осонлаштиради ва ўқув предмети бўйича дарс ўтаётган ўқитувчи ва талабаларга тизимли дарс ўтишда бирмунча енгиллик яратади. Маълум соҳа ва йўналишдаги мавзуларни меъёрлар ва мезонлар асосида талабаларга тақдим этиш имкониятини беради. Бугунги кун ўқитувчиларидан юксак салоҳиятли, билимли, фаол, изланувчан ва ҳар тарафлама истеъдод эгаси бўлишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 18-бет.
2. Po'latov A. “Ingliz tili”.- Т.: Akademnashr. 2013.

3. Brown. H. Duglas. Principles of language learning and teaching. San-Francisco State University. 2000.
4. Simon Mellor, Yvonne Baker de Altamirano. "Campaign 1" Student's Book. Macmillan, Italy 2008.

O'QITUVCHINING JAMIYAT TARAQQIYOTIDAGI TUTGAN O'RNI

Axunova M.N.

O'R Qurolli Kuchlar Akademiyasi
Tillar kafedrası katta o'qituvchisi

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada xalq ta'limi tizimida o'qituvchilarning tutgan o'rni, pedagogik mahoratli o'qituvchi kadrlarni salohiyatini yanada rivojlantirish haqida qimmatli fikrlar keltirib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:** o'qituvchi, pedagogik mahorat, shaxs pozitsiyasi, ta'lim jarayoni, pedagogik texnika, pedagogik faoliyat, ta'lim va tarbiya.*

Hozirgi jamiyatimizda o'qituvchi eng faol pozitsiyadagi shaxs sifatida zamonaviy bilimlarini egallab borishi, tinimsiz izlanuvchan va fidoyi bo'lishi lozim, chunki u kechiktirib bo'lmas jarayon, shaxsni intellektual hamda ma'naviy qashshoqlikdan qutqarib qoladi. Hozirgi sharoitda jamiyatning oldiga qo'yayotgan talablari kun sayin ortib bormoqda va bu talablarni amalda to'g'ri hal qilish vazifasi o'qituvchiga bog'liqdir. Zamonaviy o'qituvchi qator vazifalarni bajaradi. O'qituvchi – guruhdagi o'quv jarayoni tashkilotchisidir. O'qituvchi kursantlar uchun mashg'ulot paytida, qo'shimcha darslarda va shu bilan birga darsdan tashqari hollarda ham kerakli maslahatlar berishda bilimlar manbaidan biridir. Ko'pchilik o'qituvchilar rahbarlik vazifasini bajarib, tarbiya jarayonini tashkilotchilari bo'lib hisoblanadilar.

Zamonaviy o'qituvchi ijtimoiy psixolog bo'lmasligi mumkin emas. Shuning uchun ham kursantlar to'g'risidagi o'zaro munosabatlarni yo'lga sola olishi, jamoada ijtimoiy – psixologik mexanizmlardan foydalanishni bilishi zarurdir. Ma'lumki, pedagogik faoliyat - kishi mehnatining eng murakkab sohalaridan biridir. Jamiyat tomonidan qo'yiladigan talablardan eng muhimi o'qituvchining shaxsi va uning kasbi bilan bog'liq xislatlariga qaratilgan.

Jamiyatning o'qituvchi oldiga qo'yadigan asosiy talablari quyidagilardir:

1.Shaxsni ma'naviy va ma'rifiy tomondan tarbiyalashning, kursantlarni mustaqillik g'oyalarga sodiqlik ruhida tarbiyalashi, o'z Vatani oilasiga bo'lgan muhabbatini uyg'otishi.

2.Yosh va pedagogik psixologiya, ijtimoiy psixologiya va pedagogika, yosh fiziologiyasidan chuqur bilimlarga ega bo'lishi.

3.O'zi dars beradigan fan bo'yicha mustahkam bilimga ega bo'lib, o'z kasbi, sohasi bo'yicha jahon fanida erishilgan yangi yutuq va kamchiliklardan xabardor bo'lishi.

4.Ta'lim va tarbiya metodikasini egallashi, o'z ishiga ijodiy yondashishi .

5.Kursantlarni bilishi, ularning ichki dunyosini tushuna olishi.

6.Pedagogik texnika (mantiq, nutq, ta'limning ifodali vositalari) va pedagogik taktga ega bo'lishi.

7.O'z bilimi va pedagogik mahoratini doimiy ravishda oshirib borishi zarur.

Shu o'rinda Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev quyidagi fikrlarini bayon etadi: "Ta'lim-tarbiya islohoti haqida gapirar ekanmiz, uning mazmunini lo'nda qilib ifoda etish mumkin: Bizga bitiruvchilar emas, maktab ta'lim va tarbiyasini ko'rgan shaxslar kerak".

Bu so'zlarda ulkan ma'no bor. Negaki barcha rivojlangan jamiyatda bo'lgani kabi, o'qituvchining kasbiy mahorati ta'lim muassasasida - ta'lim jarayonida va ish faoliyatida shakllanadi. Shu nuqtai nazardan harbiy oliy ta'lim muassasalarida ta'lim olayotgan talabalar o'z mahoratlarni ikki tomonlama – amaliyotda hamda harbiy oliy ta'lim muassasalarida ta'lim olish jarayonida shakllantiradilar. Bo'lajak ofitserlar ko'proq amaliy jihatdan o'z malakalarini oshirishni xohlaydilar. Chunki ish faoliyati jarayonida paydo bo'ladigan muammolar ko'p.

Ularning yechimini oliy ta'lim muassasasida yetakchi olimlar hamkorligida topishni orzu qilishadi. Hozirgi zamon o'qituvchisi qanday ijobiy sifatlarga ega bo'lishi lozim. Avvalo zamonaviy bilimlar, ilg'or tajribalar hamda pedagogik mahoratni yuqori darajada egallaganligi, pedagogik izlanish vazifasiga mos tadqiqotlar metodlari majmuasini shakllantira olishi, nazariy tadqiqot va amaliy tajriba-sinov ishlarini o'tkazish malakasiga ega bo'lishi, o'qitadigan o'quv fanidan o'quv dasturi, darsliklar va o'quv-metodik qo'llanmalar, elektron darsliklarni yarata olishi va amalda qo'llay olishi lozim. O'zining pedagogik faoliyatini doimiy takomillashtirib borishi, kasbiy sifatlarini rivojlantirishi, o'z-ozini nazorat qilish va baholash malakasini egallashi, yangi pedagogik g'oyalarni ishlab chiqara olishi, zamonaviy axborot texnologiyalarini mashg'ulot jarayonida qo'llash ko'nikmalariga ega bo'lishi, o'qitishning istiqbolli yo'nalishlari talablari asosida metod, shakl va vositalarni yaratishi va ularni ta'lim jarayonida uzviy qo'llash malakalarini bilishi kerak.

O'qituvchi — odobli, adolatli hamda «bola qalbining injeneri»dir. Kursantning ijobiy va salbiy xususiyatlari ba'zan ustozidan o'tishini psixolog olimlar ta'kidlab o'tishgan. Chunki kursant o'qituvchining yurish-turishi, kiyinishiga, gapirishiga taqlid qiladilar. Kursant garchi yosh bo'lsa-da, uning inson ekanligini yoddan chiqarmaslik kerak, uni ko'pchilik oldida obro'sizlantirmaslik, g'ururini toptamaslik kerak. Xalqimizning kelajagi, mustaqil O'zbekistonning istiqboli ko'p jihatdan o'qituvchiga, uning saviyasiga, tayyorgarligi, fidoyiligiga, yosh avlodni o'qitish va tarbiyalash ishiga bo'lgan munosabatiga bog'liq. So'nggi yillarda pedagogika institutlarida, universitetlarda, pedagogika bilim yurtlarida o'qituvchilar tayyorlashni yaxshilashga qaratilgan ko'pgina ishlar amalga oshirildi.

Chunonchi, bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy tayyorligini kuchaytirish, ixtisosga doir fanlarni chuqur o'rgatish va pedagogik mahoratni egallash, nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llashga o'rgatish masalalariga e'tabor kuchaydi. Shunindek, bo'lajak o'qituvchilarga pedagogika, ruhshunoslik, uslubiyotga doir fanlarni o'rgatish ko'lamini yanada kengaydi. Pedagogika oliy o'quv yurtlarida bir

qancha yangi ixtisosliklar bo'yicha o'quv rejalari joriy etildi. Uzluksiz pedagogik ta'lim g'oyalari amalga oshirilmoqda. Shu munosabat bilan o'qituvchilar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash ishi davlat va jamoatchilikning diqqat markazida bo'ladi. Bu tadbirlar universitet va pedagogika institutlarining maxsus fakultetlarida, malaka oshirish institutlarida amalga oshirilmoqda. O'qituvchilarni falsafiy jihatdan keng fikrlovchi, mulohazali bo'lishlariga e'tibor berilmoqda. Sinfiy, tarbiyaviy qarashlarning bir yoqlamaligidan, ayrim shaxs va guruhlar manfaatidan umuminsoniy qadriyatlar ustun turishi ta'kidlanmoqda.

O'zbekiston hukumati o'qituvchilarining maoshini oshirdi. O'quvchilarga "Xalq o'qituvchisi", "Xizmat ko'rsatgan o'qituvchi", "Metodist o'qituvchi"larga va ilmiy darajasi bor o'qituvchilarga qo'shimcha haq to'lash joriy etildi. Pedagogika o'quv yurtlarida ta'lim olayotgan talabalarning stipendiyalari oshirildi, ovqatlanishi uchun, shaxsiy uylarda yashagani uchun ularga qo'shimcha pul to'lanadi. O'qituvchilik sharaflilik, lekin juda murakkab kasbdir. Yaxshi o'qituvchi bo'lish uchun pedagogik nazariyani egallashning o'zigina yetarli emas.

Chunki pedagogik nazariyada o'qitish va tarbiyalash umumiy qonun-qoidalar, umumlashtirilgan uslubiy g'oyalar bayon etildi. Kursantlarning yosh, individual xususiyatlarini e'tiborga olish ta'kidlanadi. Pedagogik nazariyaga mos kelmaydigan vaziyatlar uchrab turadi. Bu esa o'qituvchidan keng bilimdonlikni, puxta amaliy tayyorgarlikni, yuksak pedagogik mahorat va ijodkorlikni talab etadi. Abu Ali ibn Sino o'zining nasihatlarida : "Ey farzand ! Ustozni otadan aziz deb bil" , - deb ta'kidlagan edi.

O'qituvchi ota-onadan ulug' va yorug'lik manbai ekanligini professor R.Usmonov o'zining "Saodatnoma" asarida quyidagilarni yozadi : O'qituvchi yorug'lik manbaiga, o'quvchi esa yoritiladigan maydonga o'xshaydi. Manba maydonga qanchalik yaqinlashsa, maydon yorug'lik nurlaridan ko'proq bahramand bo'ladi. Darhaqiqat, insonni komillikka yetaklovchi maydon keng : oila, maktab, jamoatchilik. Bu maydonlarda yorituvchilar ota-ona, ustoz, muallimlar-zaruriy, bir-birini to'ldiruvchi komil insonlardir. Darhaqiqat, o'qituvchi aql binosini yanggi ilm bilan to'ldiruvchidir, ota-ona qalbidagi sehnini, orzu-umidlarni yuzaga chiqaruvchi insondir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Rasulova Y., Nurmatova O. Pedagogika. –T,: Voris-nashriyot. 2009.
2. Xoliqov A. Pedagogik mahorat. –T. 2015.

Хессе ижодида маънавий юксалиш омиллари

Маъдиева А. Д.

ЎзДЖТУ ўқитувчи

Тошкент. a-madiyeva@mail.ru

***Аннотация.** Мақолада муаллиф буюк намис адиби, халқаро Нобель мукофоти совриндори Херманн Хессе ва унинг асари "Чул бўйиси"нинг моҳияти ва мақсади улуғворлиги ва ушбу асар ўзгача услубда, яъни санъат ва маданиятнинг уйғунлашуви*

самараси ўлароқ маънавий юксалиш ғоялари нақадар теран илғари сурилганлигини ёритади. Адиб асар моҳиятини очиб беришда бадиий-тасвирий воситаларни санъаткорона ифодалайдики, бунда адибнинг китобхон олдидаги ижодкорлик масъулияти жиддий эканлиги намоён бўлади.

Калит сўзлар: китоб, китобхон, фалсафа, санъат, муаммо, маънавият, масъулият.

“Чўл бўриси”нинг нашрдан чиққанидан сўнг сўз бошида Ҳессе китобхон романни ўзи истагандек идрок этиши учун тушунча беришга ҳаракат қилди. У ўзи тан олиб, айтганидек, асар эллик ёшлилар ва уларнинг муаммолари ҳақида, китоб асосан ёшлар кўлига тушмоқда, албатта, у маълум бир таассурот қолдиради, аммо ёшлар унинг ярминигина тушунадилар. Бу ёш китобхонларнинг кўпчилиги асарда ўз аксларини, муаммолари ва ҳатто ўз эҳтиёжларини кўрадилар. Улар асарнинг бош қаҳрамони Ҳарри Ҳаллернинг бошидан кечирганларини кузата туриб, афсуски, улар, улкан ва бардошли дунёни кўрмайдилар, улар китобнинг асл мақсади инсоннинг ҳар қандай ҳолатда ҳам умидсизликка берилиши эмас, балки уларнинг қалбига ишонч уйғотадиган санъат ва унинг умрбоқийлиги тўғрисида баён этилаётганлигини ҳам ҳис қилмайдилар. (4, 6)

Ҳессе ўлим ҳақида кўп ёзади. Назмда ҳам, насрда ҳам ўз жонига қасд қилишга мойиллигини ҳис қилади. Унинг таърифича, ўлим кўз олдимизга ҳаммаси бошланадиган ва сўзсиз равишда тугайдиган абадий она каби энг яқин дўст тимсоли сифатида гавдаланади, Ўлим азоб-уқубатлардан халос этади, лекин шу вақтнинг ўзидаёқ яқинларимиз ва дўстларимиздан айро этади. Ҳессе ҳис этадики, ўлим-табиий, айнаи вақтидан эрта ёки ўз хоҳиши билан амалга ошириш кўрқоқлик ва масъулиятсизлик белгисидир. Шунинг учун у миллионлаб оилаларнинг ёстиғини қуритадиган ва маданиятни йўқ қиладиган урушга қарши эди. Юрагида одамгарчилик, меҳр-муҳаббат ҳисси мавжуд бўлган Ҳессе урушнинг инсониятга нима олиб келишига ҳеч тушунолмасди. У бундай таҳқирликларни мактубларида, эссе, шеъриятида ва ниҳоят “Демиян” романида урушни қоралади. Бу асарларида яратган қаҳрамон ва воқеъеликлари замирида бутун дунёни тинчлик ва аҳилликка чорлаш ғоялари ётади.

Маданий ва умуминсоний қадриятларни асраш масъулиятини ҳис этган адиб баркамол ва юксак маданиятли шахс тарбия қилишда ўзини мажбур этган. Бу ҳиссиёт уни турли таъсирлар орқали ички руҳий оғриқлар ва турли ташвишга тушишига сабаб бўлган. Айнан шу тарздаги жараён инсоннинг ички дунёси қийноққа дучор бўлган қалб кечинмалари, ўз шахсиятига жиддий эътибор Ҳессенинг “Чўл бўриси” асарида содир бўлади. Унда ўз шахсиятига диққатини қаратган, ботиний дунёси азобда қолган қалб кечинмалари санъаткорона ифодаланган. Бу романда Ҳессе, ҳеч қачон бўлмаганидек, ўзининг субъектив, ўз атроф муҳитига бўлган ҳиссий муносабатларини баён этади. Романни аслида муаллиф фаолиятидаги адабий йўналишининг бироз қолипдан ташқари бўлганлигининг намунаси, деб ҳисоблаш мумкин. Адиб роман бошида одамда ҳайвон тимсолини ўзига мужассам қилган ва ҳаёлан юксак идеалликка интилишдан ҳамда ошкора реалистик образлар билан

хаёлий суҳбатлардан илҳомланган. Ўтган асрнинг 60 йилларида Европанинг исёнкор ёшлари айниқса, ишқий муносабатларга, хурсандчилик қилиш, айшу ишрат қилишга, хуллас, батамом эркинликка даъват қилаётганлари Ҳессени чинакамига ташвишга солди. Бундай талқин адибнинг ижодига таъсир қилишини, ўз асарида тасвирланишини ўзи ҳам кутмаган. Лекин маънавий-руҳий кечинмаларини қоғозга тушириш унинг учун муолажа эди. Қўлидаги қалам ва қоғз унинг оғрикларини аритарди гўё.

Шунинг учун Ҳессе китобда ғам қайғу, муҳтожлик ҳиссидаги ички кечинмалар тасвирлансада, ҳеч қачон умидсизликка етакламайди. У ишончга йўғрилган китоб, дея таъкидлайди. Адиб китобхонлар асарни тўғри талқин қилишларини истайди, чунончи, “Чўл бўриси” асарида оғриклар ва инқирозлар ҳақида ҳикоя қилса-да, ўлим ёки қоқилишга олиб келмаслигини, аксинча, у муолажа ва шифо топишларига туртки беради. Жумладан, бунга мисол тариқасида Ҳессенинг фикрларидан ушбу роман нашр этилганидан сўнг китобхонларга асарни қай тариқа ўқишни тушунтиришга ҳаракат қилмаганлигини, лекин уларнинг қандай кутиб олишларидан ҳаяжонланганини кўришимиз мумкин.

Ўз асарларида тинчликни асраш, маданиятни қадрлаш масъулияти борасидаги муаммоларни кўтаргач, адиб рассомчилик масъулияти муаммоларига ҳам тўхталмай туrolмайди. Адабиётшунос А.Г. Березин фикрича, Ҳессе инсонлар олдидаги жавобгарлик масалаларини юзага чиқариб, “нафақат одатий, балки Ницше фалсафаси билан ҳам баҳс мунозарага киришади. Унинг ижоди бошқаларга ҳеч қандай жавобгарлик ҳиссини юкламаслиги керак, деб ҳисоблайди.(1, 137)

Ҳессенинг масъулияти аввало сюрреалистик, яъни бадий санъат асари яратишда ақл идрок ва тажриба ролини инкор қиладиган йўсиндаги эркин ижодкорликка асос солганидан завқланганида юзага чиқди. Оддийгина воқеъликларни ҳикоя қилишдан йироқ бўлди ва қуйидаги фикрини билдирди: “...йиллар давомида ҳамнафас бўлган ижодимнинг масъулияти ва онгли тушунчаси акс этган жиддий ўйланган ғояларим бугунги кундаги бир хил қолипдаги жавобгарлиги йўқ асар каби яратишга имкон бермади”. Бу фикр, албатта, яратувчининг нафис ҳиссиётга эгалигидан, қолаверса, ўз мухлислари олдидаги масъулиятни юракдан ҳис қилганлигидан дарак беради.(1, 137-138)

Адиб ушбу жиддий асарларида қайта- қайта битта ва бир хил ғояни кўтаради, яъни зиёлиларнинг фаол ҳаракат кучи сифатида нафақат маданиятни асраш, қадрлаш йўлида, балки янги урушларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиш, энг аввало, миллатнинг маънавий юксалиши, гуллаб яшнаши йўлида фаол ҳисса қўшишлари масалалари унинг асосий муаммоси ҳисобланган.

Ҳессе, айниқса, соф адабий немис тили имкониятларини мужассам ҳолда сақлаган ва уни ривожланишига ҳисса қўшган асарлар муаллифлари Гёте, Шиллер, Новалис ва Айхендорфлар каби бутун диққатини ўз ижодининг тилига қаратди. “Фожеали..” ҳикоясида замонавий тилнинг ёзма шакли унга гўёки тилдан жозибадор, ноёб, бой ва мукаммал хислатлари ғойиб бўлган

“баджаҳл ва аламзада камбағаллар тили”га айланиб қолгандек туюлади.(2,18)Ҳессе “ўтмиш тили нафис ва мукаммал даражада такомиллашган йигирма ўттиз йиллар аввал кўпгина буюк адиблар қўллаган тил йўқ бўлди.” дея таъкидлайди.(1, 21)

Ҳикоя қаҳрамони ёзувчи Йоханнес ушбу тилни мукаммал эгаллаган, газета муҳаррири назарида ҳеч нарсани ўзгартира олмайдиган тарихни қайтаришга қодир бўлмаган “аста секин йўқлик қаърига ғарқ бўлаётган дунё вакили” каби кўринди.У қарияга биров дам олиш таклифини беради, аммо Йоханнес учун бу ўлим билан баробар эди, чунки аллақачон ўзини “тил маъбадининг хизматкори” деб билган ва ўз хавф-хатари бўлган тилнинг камчиликларини тузатиш ва “аҳмоқона қурилган жумлалар”ни қайта тузиш билан шуғулланган.(2, 25) Нотўғри тузилган бўғин ёки ноўрин қўйилган вергуллар сабаб ўзининг хослиги ва маъносидан маҳрум бегуноҳ сўзлар масҳара бўлаётгандек туюларди. Ҳессе ҳар бир ёзган сўзи, ҳар бир ҳарф ва вергуллариғача, барчасини ҳисоблайди, акс ҳолда ўзи айтганидек, иборалар таронаси ва ритми, мусикаси сеҳри ва илоҳийлигига путур етади.(2, 433)

Хулоса қилиб айтганда, Ҳессе ўз асарлари билан бизга билим ва донишлик манбаи, гўзаллик ва илоҳиётга чанқоқликни ва китобга меҳр муҳаббат уйғотди, китобга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишга чақиради. Ҳатто унинг ботиний дунёқараши ҳам бизни ҳақиқатларга тик боқишимизга туртки беради. Унинг қаҳрамонлари билан беихтиёр ҳаётнинг маъносини излашни, ҳақиқатни ҳар доим ёқлашни, атрофимиздаги оламга ақл идрок билан қарашни, эзгулик ва тубанликни фарқлашни, турли муаммоларга ечим топишни ўрганамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Березина А.Г. Проблема ответственности в творчестве Германа Гессе. Филологический сборник. – Л.: Ленингр.ун-т. – 1969
2. Гессе Г. Собрание сочинений. В 8 т. Т.7: Рассказы. Письма /Пер.с нем.- М.: АСТ, «Литера», Харьков «Фолио»
3. Михайлов А.В. Мир Германа Гессе // Литературное обозрение. – 1986. - № 2
4. Hesse Hermann. Der Steppenwolf und unbekannte Texte aus dem Umkreis des Steppenwolf. Zusammengestellt und mit einem Essay von Volker Michels. Suhrkamp Verlag, Frankfurt am Main, 1972,
5. www.hesse.de

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ВА КАДРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УЙҒУНЛИГИ

Маматқобилов Т.Д.

ЎР ҚҚ Академияси с.ф.н., Гуманитар фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси

Бурханов Т.М.

ЎР ҚҚ Академияси Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

***Аннотация:** Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишида раҳбар кадрларнинг фаолияти муҳим. Мақолада ижтимоий, маданий ҳаётимизнинг бевосита маънавият билан боғлиқлиги тўғрисида гап боради.*

***Калит сўзлар:** маънавий – маърифий ишлар, раҳбар кадрларнинг фаолияти, ижтимоий ва маданий ҳаёт.*

Халқимиз менталитетига хос бўлган ўзига хослик, яъни жамоага қараб фикрлаш, қарор қилишдан иборат тамойилдан келиб чиқиб, ёшларда етакчи-раҳбарлик қобилиятини шакллантириш ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Мустақиллик даврида мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгилашнинг улкан ва мураккаб жараёнларини босқичма – босқич, пухта ўйланган режа асосида амалга ошироқда. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади.

Айниқса, бугунги глобализация даврида етти мингга яқин тил ва лаҳжаларнинг 1400 дан ортиғи йўқолиб кетиш хавфи остида турган бир пайтда ўзбек тилининг илмий томондан тадқиқ этилган беш юздан ортиқ тиллар таркибида туришининг ўзи муҳим аҳамият касб этади. Айнан тил орқали давлатнинг дунё меҳваридаги ўрни маънавий томондан белгиланган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон тараққиётида она тилимизнинг ўрни муболағасиз катта аҳамият касб этади. Демак, тил орқали ҳам мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтариш бугунги кун талаби ҳисобланади. Мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий хизматларнинг кенг тизимини яратиш, меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш имконини берувчи ҳукукий асосларини мукаммаллаштиришни тақозо этмоқда. Мустақиллик даврида инсон, унинг ҳаёти, орзуси, дарду ташвишларини кун тартиби марказига қўйишни ва бу борадаги ишлар кўлами самарадорлигини оширишни энг муҳим масала сифатида англамоқдамиз. Ҳали ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар жамиятни асосий бўғинини ташкил этувчи оилаларнинг кундалик ташвишлари билан ҳам боғлиқ эканлигини замоннинг ўзи намоён этмоқда. Эндиликда, 35 миллионга яқин аҳоли, 8 миллионга яқин оила, 130 дан ортиқ миллат ва элат, 8 мингга яқин маҳалла, 16 та диний конфессияни қамраб олган Ўзбекистон мустақил давлат сифатида 200 дан ортиқ мамлакатлар орасида ўзининг қатъий гуманистик (инсонпарвар), тинчликпарвар сиёсати билан дунё меҳварида муқим ўрин эгаллаганлигини дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегияси қамровида бўлган “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган бош ғояни ўртага ташлади. Бинобарин, мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Чунки тарихга назар солиш орқали ҳам бизнинг ўтмишимиз давлатчилик асосларига эга бўлганлигини кўрсатиб турибди. Масалан, Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган кудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда “Темур тузуклари” бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги ислохотлар сиёсати доирасида раҳбар ходимлар маънавиятида ахлоқий жиҳатларини ёритиш ва такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалалари сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатларида таъкидланганидек, биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада “Жамият – ислохотлар ташаббускори”[1], деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради.

Глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви давлат ҳамда турли даража ва соҳадаги раҳбарларнинг ўз фаолиятидаги ижтимоий-маънавий йўналишга эътиборини кучайтиришни талаб этади. Бу турли таҳдидларга учраётган миллий маданиятни ҳимоя қилиш, жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш зарурати билан боғлиқдир. Шу билан бирга, ҳар қандай мустақил давлат сингари ўз ҳудудида моддий неъмат ва маънавий кадриятларни сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш Ўзбекистон давлатининг асосий мақсади бўлиб қолади. Бу масалани ҳал этиш эса давлат ва ҳар бир раҳбарнинг миллий, ўзини маданий (моддий ва маънавий) кадриятларини ифодаловчи, мустаҳкамловчи ва ҳимоя қилувчи сифатида қай даражада англашига боғлиқ. Бу кадриятлар эса, ўз навбатида Ўзбекистондаги барқарорликни сақлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши ва чинакам рақобатбардошликка (сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда) эришишида муҳим омил ролини бажариши мумкин.

“Маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, мамлакатнинг чинакам мустақиллигини ва раванқ топишини таъминлаб бўлмайди”. Дунёда гегемонликка интилаётган кучлар ҳам буни яхши англайдилар ва шунинг учун аввало, кишиларимиз онгини ўзгартиришга, маънавий кадриятларни кадрсизлантиришга уринмоқдалар. Бундай шароитда барча даражадаги ўзини ҳақиқий етакчи ҳисоблайдиган раҳбар олдида одамларнинг маънавий салоҳиятини ошириш, уларда жонкуярлик, ватанпарварлик туйғуларини ўстириш вазифаси туради.

Глобаллашув таҳдидлари хуруж қилаётган бугунги кунда ватанпарварлик Давлат томонидан бошқарилиши, қўллаб-қувватланиши,

ташкил этилиши лозим. Шу боис, “Бугун жуда тез ўзгариб бораётган замоннинг ўзи ҳаммамизнинг олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшаш, балки эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммо ва таҳдидларни, бошимизга тушиши мумкин бўлган савдоларнинг ечимини ҳозирдан ўйлаб яшашимизни талаб қилмоқда. Бинобарин, раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини юз карра кўпроқ сезиши даркор” [2].

Бунда раҳбар адолатли иш юритиши устувор аҳамият касб этади. Чунки халқ раҳбарга, унинг фаолияти ва одамларга муносабатига қараб давлатнинг, давлат тизимининг адолатли ёки адолатли эмаслиги ҳақида хулоса чиқаради. Фуқаролар давлатни ижтимоий адолатли деб тан олганда, яъни давлат томонидан қабул қилинган қадриятлар ва иш бошқариш тизими жамият аъзоларининг аксарият кўпчилиги томонидан маъқулланганда эса, ватанпарварлик бошқарувнинг қудратли миллий омилига айланиши мумкин бўлади.

Президентимиз бугунги кун раҳбарларига қарата қўйидагиларни таъкидлайди: “Қўйилган вазифаларга эришиш учун ишимизни янгича асосда ташкил этиб, ҳар биримиз ўз жойимизда масъулиятни чуқур ҳис қилиб, қаттиқ иш олиб боришимиз керак. Таҳлилий ва танқидий фикрлар эртанги кун учун, янги марраларни эгаллашимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга қўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда. Мана шундай мураккаб шароитда “Сен – менга тегма, мен – сенга тегмайман” деган кайфият билан ишлашнинг вақти ўтди. Биз “вазият ёмон, вазият оғир” деб баҳона қидиришга ўрганиб қолганмиз. Лекин шу вазиятни ким ўзгартиради, ким изга солади, деган саволни, келинг, ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди” [3].

Дарҳақиқат бугунги шиддатли тез ўзгараётган дунёда ҳар бир миллат ва давлат ўз тараққиёти учун миллий раҳбар кадрларининг билими ва тажрибаси ҳар қачонгиданда долзарб ва ҳал қилувчи куч ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги мазкур фикр буни тўла ифодалайди: “Бугун биз ҳам танти, сабр-қаноатли ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга улут мақсадларни белгилаб, маррани баланд олмоқдамиз.

Олдинда бизни улкан вазифалар, катта имкониятлар кутмоқда.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз. Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол – пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз. Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар

бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман”. [4]

Дарҳақиқат, мамлакат тараққиёти учун барчамиз бирдек масъул эканлигимизни, айниқса, бу борадаги ишлар кўламини истикбол билан боғлар эканмиз бунда раҳбар кадрларнинг ўрни масъулият деган тушунча билан бевосита ва билвосита боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Янги Ўзбекистон газетаси. 25 январь 2020 йил.
2. Каримов И.А. “Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир”. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2012. 58-59 бет
3. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. – Т.: Ўзбекистон. 2017й. 86-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Янги Ўзбекистон газетаси. 25 январь 2020 йил.

Сотворчество как фактор влияния на эффективность учебного процесса

Курганова Р.Н.

преподаватель кафедры языков
Академия ВС РУ

***Аннотация.** В процессе обучения русскому языку как иностранному необходимо учитывать индивидуальные особенности курсантов, мотивы, лежащие в основе их учебной деятельности.*

***Ключевые слова и словосочетания:** стратегии использования, стратегия овладения языком, интроверты, экстраверты, фактор влияния.*

Владение русским языком для курсантов является неперенным условием их военной деятельности. В связи с активным развитием прямых связей, миротворческих совместных операций, совместных учений на полигонах, вовлечением большего количества новых сотрудничеств в сфере военного образования и острой нехваткой специалистов, способных осуществлять переговоры на русском языке или участвовать в любой из этих операций, особое значение в нашей республике приобретает проблема подготовки военных кадров, владеющих русским языком как средством коммуникации. Наблюдения за процессом обучения в высших военно-учебных заведениях, беседы с курсантами, а также результаты анализа тестов (контрольных работ), свидетельствуют о том, что достигаемый уровень сформированности коммуникативной компетенции не в полной мере отвечает современным требованиям к военной коммуникации специалистов военного

профиля (в частности, к ведению переговоров и для проведения совместных учений).

Основная причина этого кроется, на наш взгляд, в недостаточной теоретической разработанности проблемы формирования коммуникативной компетенции специалистов военного профиля

Недостаточная теоретическая разработанность вопросов методики обучения русскому языку военных специалистов отражается в практике преподавания. В частности, существующие учебники и учебные пособия по военному русскому языку составлены без учета специфики профессионально ориентированной деятельности, без учета специфики военных терминов, включают материалы, не соответствующие теме и цели занятия, а предлагаемые авторами упражнения и задания не представляют собой целостной системы, направленной на формирование коммуникативной компетенции, необходимой для будущих военных специалистов.

В процессе обучения русскому языку как иностранному необходимо учитывать индивидуальные особенности курсантов, мотивы, лежащие в основе их учебной деятельности: возраст, лингвистический опыт, уровень образования и т.п.

На что необходимо обращать внимание в первую очередь? По нашему мнению, кроме указанных выше факторов, следует брать во внимание даже внешние, случайные моменты. Однако они раскрываются и могут быть эффективно задействованы только под руководством опытного и неравнодушного преподавателя. Именно такой тандем, СОТВОРЧЕСТВО преподавателя и курсанта формирует довольно высокий интерес курсантов к изучению русского языка. Преподаватель для повышения эффективности обучения курсантов помогает тесно связывать, соотносить классическую методическую формулу «**знания-умения-навыки**» с их потребностями и интересами. Сущность введения компетентного подхода в образование состоит в том, чтобы целенаправленно развивать в обучающихся такие компетенции, которые подготовят их к жизненным реалиям, в том числе будут способствовать приобретению профессиональных компетенций.

В качестве стратегий использования русского языка в целях общения как фактора влияния на эффективность учебного процесса мы выделяем два типа людей – интровертов и экстравертов.

Интроверты больше связаны с «комфортным одиночеством» - внутренними размышлениями и переживаниями, они немногословны, им нравятся занятия, где меньше активных действий. Интроверты предпочитают хорошо и четко организованные занятия с детальным объяснением преподавателя.

Экстраверты в своих проявлениях ориентированы вовне, на окружающих. Они стремятся к активному общению, к вниманию со стороны окружающих, к участию в публичных выступлениях, в многолюдных мероприятиях. Они обычно легко включаются в общение, часто становятся лидерами в разговоре, не испытывают трудностей при начале разговора или

знакомства с другим человеком. Такие курсанты предпочитают самостоятельные, творческие задания.

Определить интровертность/экстравертность курсантов можно, анализируя речевое поведение: скованность, раскрепощенность при разговоре со знакомыми или незнакомыми людьми, поведение в привычной и непривычной обстановке, готовность обсуждать личные дела. Возможно также использование специально разработанных тестов и анкет, направленных на определение интровертности/экстравертности.

Важнейшим фактором, который необходимо учитывать в процессе обучения, являются стили обучения курсантов – коммуникативный и некоммуникативный.

Курсанты коммуникативного типа легко усваивают язык в процессе речевого общения, в большинстве случаев не нуждаются в теоретических комментариях, с большим интересом выполняют упражнения коммуникативного характера, легче адаптируются в условиях применения интуитивных методов обучения. Они широко используют языковую догадку, легко прогнозируют развития сюжета общения, приспосабливаются к партнерам по общению, любят групповые задания, игры.

Для тех, которым характерен некоммуникативный стиль овладения языком, легче дается усвоение языкового материала сознательным путем; они с удовольствием выполняют языковые упражнения. Однако на начальном этапе обучения у них медленно формируются речевые навыки, особенно в области говорения, они с трудом преодолевают психологический барьер при общении. Для таких курсантов в большей степени подходят сознательные методы обучения языку. Они в большей степени склонны к анализу языкового материала, выявлению логико-грамматических закономерностей в языке, к сознательному заучиванию правил, речевых образцов, текстов, чем к общению на иностранном языке.

Курсанты в ситуации учебной деятельности демонстрируют не отдельные учебные и познавательные стили, а персональный познавательный стиль на определенном уровне его сформированности.

Дифференцированный подход позволяет учитывать индивидуальные особенности обучающихся, повышая, таким образом, эффективность их учебной деятельности. Основная цель состоит в том, чтобы научить курсантов использовать различные стратегии усвоения языкового материала, а также создать технологию отбора текстов и составление заданий, оптимальных для каждого обучаемого. Иноязычная коммуникативная компетенция определяется И.Л.Бим как «способность и реальная готовность осуществлять иноязычное общение с носителями языка, а также приобщение к культуре страны / стран изучаемого языка, лучшее осознание культуры своей собственной страны, умение представлять ее в процессе общения». Как указывает автор, иноязычная коммуникативная компетенция включает в себя языковую, речевую, социокультурную, компенсаторную и учебно-познавательную компетенции.

Для большинства курсантов характерно стремление к сознательному усвоению учебного материала. Курсанты должны не только тщательно осмыслить изучаемый языковой материал, но и, выполняя определенные учебные действия, знать, что они делают и почему, знать наиболее рациональные способы усвоения элементов языка и речи. Поэтому необходимо не только объяснять им особенности изучаемого материала, но и объяснять цели и порядок выполнения упражнений, обучать их стратегиям овладения языком.

Литература

1. Абдулина О.А. Личность студента в процессе профессиональной подготовки. Высшая образование в России // 1993. №9.
2. Кларин М.В. Педагогические технологии в учебном процессе. М. 1983.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МОБИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Эшонқулов Н. Э.

ЎР ҚК Академияси Ҳарбий хавфсизлик ва
давлат мудофааси факультети 2- босқич тингловчиси

***Аннотация.** Ҳозирги кунда мобил таълим симсиз ва мобил тармоқларнинг ривожланиши мутахассислар билан мутахассислиги бўйича мутахассисларнинг мобил воситаларида ишлаш методикасининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Ҳамда ўқув жараёнида учрайдиган муаммолар ва уларни бартаф этиш бўйича тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар:** Мобил таълим, симсиз таълим, ахборот тизимлари, ахборот технологиялари, мобил тармоқлар, одамлар, жараёнлар ва ахборот хавфсизлиги*

Мобил таълим симсиз ва мобил тармоқларнинг ривожланишидан унча узоқ эмас. Электрон таълимнинг ажойиб ўсиши давом этмоқда, лекин унинг ривожланиши асосан симли инфратузилмаларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ривожланаётган симсиз ва мобил тармоқлар, жамиятдаги смартфонларнинг тезкор кириб бориши, тезкор мобил таълим учун янги иловалар яратилишига олиб келади. Дунёдаги уяли алоқа абонентларининг умумий сони интернет фойдаланувчилари сонининг бир неча баробар кўп эканлиги тахмин қилинмоқда. Таълим муҳитида юзага келган сўнгги ва муҳим ўзгаришлардан бири мобилликнинг заруриятга айланишидир. Бундан ташқари, симсиз ва мобил алоқа тармоқларининг экспонентсионал ўсиши мобил қурилмаларда сезиларли ўзгаришлар, протоколларни ишлаб чиқиш, стандартлаштириш ва тармоқни жорий қилиш, фойдаланувчиларни қабул қилиш қобилятини ошишига олиб келади. Мобил таълим асосан симсиз тармоқ орқали амалга оширилади. Таълимнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондириш учун тезда мослаш мумкин. Талабалар ўзларига мос бўлган нарсаларни топиш ва ўрганиш имконига эга бўлади. Мобил таълимда ўқувчилар яхши ўрганиш учун ўқитувчилар ва бошқа талабалар билан биргаликда ишлашлари мумкин.

Мобил таълим билан ўқув материаллари тез ва иқтисодий арзон тарзда мултимедиа форматида тақдим этилиши мумкин.



Жорий тенденцияларга мувофиқ электрон таълимни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи мобил таълимга қаратилади. Мобил таълим - мобил ҳисоблаш ва электрон ўқув муҳитларини кесиш нуқтаси бўлиб, у ҳар қандай жойда таълим амалиётига олиб келади. Қуйида мобил таълим учун тавсия этилган структура келтирилади:

- Мобил таълим учун иловалар(дастурлар)
- Мобил фойдаланувчилар учун инфратузилма
- Мобил протоколлар
- Тармоқ инфратузилмаси
- Мобил фойдаланувчилар учун хавфсизлик тизими



Мобил таълим тузилмаси турли функционал даражаларни белгилайди, шунингдек, турли иштирокчилар (масалан, чакана савдо корхоналари, телеком операторлари, дизайнерлар ва ҳ.к) алоҳида даражаларга эга бўлишлари учун дизайн ва ишлаб чиқаришни соддалаштириш билан шугъулланади.

Битта предмет учун ушбу тузилмани қўллаган ҳолда, мобил таълим тизимларини яратиш учун ҳамма нарсани қилиш керак эмас, бунинг ўрнига бошқалар томонидан тақдим этилган юқори даражадаги функцияларга асосланиш мумкин. Ушбу тузилма тўрт даражага бўлинади. Мобил таълим учун дастур даражасида кўплаб янги иловалар мавжуд бўлиб, мавжуд электрон таълим дастурларининг кўпчилиги мобил муҳит учун ўзгартирилиши мумкин. Мобил фойдаланувчилар учун янги мобил иловаларни ишлаб чиқишда инфратузилма даражасида махсус мобил қурилмаларнинг имкониятлари эътиборга олиниши керак. Уяли алоқа протоколлари даражасида тармоқлардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни бошқа иловалардан яшириш ва аynи пайтда ягона ва осон ишлатиладиган интерфейсларни таъминлашдир. Мобил тармоқ инфратузилмаси даражасида хизмат кўрсатиш сифати асосан тармоқ ресурслари ва имкониятларига богълиқ.

Мобил таълим Интернет ва уяли алоқа тармоқлари учун яхшиланишларни оширишни тақозо этади. Мобил таълим қуйидаги хусусиятларга эга.

Мобил ўрганиш динамик. Бу эскирган янгиликни эмас, балки бугунги ахборот материалларини тақдим этади. Фавқулудда вазиятлар учун реал вақтда мутахассислар ва энг яхши манбалар мавжуд.

Мобил таълим талабалар реал вақтда керак бўлган нарсани олади ва керак бўлганда уни улашади. Одамлар бир-бирларидан ўрганганлари учун мобил

таълим билан ҳамкорлик яхши самара беради. Талабаларни мутахассислар, ишчилар ва тенгдошлар билан профессионал даражада богълайди.

Мобил жихатдан индивидуал ўрганиш мумкин. Ҳар бир талаба ҳозирги вақтда ўз даражасига жуда мос бўлган таълим олиш имкониятлари мавжуд ва улар менюдан истаган фаолият турини танлайди.

Мобил таълим кўп қиррали. Талабалар талаб қилинадиган форматни ёки ўқув усули ёки ўқувни ташкил этувчи ташкилотни танлаб олиш имкониятини берадиган кўплаб манбалардан таълим фаолияти учун шугъулланади. Мобил ўрганиш агрессив тарзда олдинга силжийдиган таълим жамиятларини яратади.

Мобил таълимнинг яна бир кучли томони шундаки, у фикрларни дарҳол шакллантириш қобилиятидир. Бошқа одамлардан гўялар олиш ва уларни бир неча сония давомида бутун дунё билан баҳам кўришингиз мумкин; фикрлар, янгилашлар, материаллар ва бошқаларни олишингиз мумкин. Бундан ташқари, уланиш ва ўзаро богълиқлик мобил таълим ўқувчилари ўртасида осонлик билан ўрнатади ва таълим жамиятларини шакллантиради. Инноватсион ўқитувчилар талабаларни шахсийлаштирилган мобил веб-сайтлар яратишга ундашади. Ўқувчилар ўзлари ёзиш, таҳрир қилиш, кўриб чиқиш ва нашр этишда иштирок этадиган ахборот материалларини ўзлари бошқараётган пайтда уларнинг ғайратини кучайтиради. Келгусида тренинглар шахсий рақамли лойиҳалар гуруҳларини шакллантириш орқали амалга оширилади. Ҳар қандай таълим ижтимоий жараёндир. Илгари, одамлар кундалик ҳаётда бир-бири билан суҳбатлашиш орқали керакли эффектга эришиш усуллари ўргандилар. Мобил таълим ўқувчиларга эркинлик, бўш вақтни орқали ўрганиш жараёнини рағбатлантиради. Мобил таълим бу кишига махсус дарсни ўргатишнинг ягона тўғъри усулини аниқламайди. Бироқ у, ўрганиш учун бир неча мумкин бўлган ёълларни тақдим этиб, муваффақиятга эришиш имконини оширади.

Ўқувчиларга замонавий талаблар даражасида таълим ва билим беришга доимо эҳтиёж бор. Мобил таълимда ўзгаришлар доимий равишда рўй беради. Одамлар ўз малакаларини мунтазам равишда такомиллаштиришга эришадилар, шунинг учун кенг қамровли мобил таълим дастурлари улар учун жозибадор бўлади. Мобил таълимнинг самарадорлиги ҳам муҳимдир. Талабаларни анъанавий синфларда қўшимча ўқитиш учун катта маблағлар сарфланади. Ишлаб чиқариш жараёнидан ажралиб ўқишга тўғъри келадиган ҳолларда мобил таълим билан харажатларнинг сезиларли қисми камайтирихс мумкин. Мобил ўрганиш бухгалтерия ҳисоби ва ўлчашга кўпроқ мос келади, чунки у қисқа вақт ичида керакли одамларга керакли тренинглар билан таъминлайди ва ўз мақсадларига эришиш учун натижаларни ўлчашни амалга оширади. Бироқ, уяли таълим анъанавий синфларни ўрганишни ўрнини эгаллашига ишониш қийин бўлиши мумкин. Анъанавий синфда, одамлар бир-бирларини билиш ва муносабатларни ривожлантириш имконига эга. Мобил алоқа сайтга богълиқ ўқув муҳитидан мобил телефонга ўтишга олиб келди. Диалогнинг ўзаро муносабатларига эмас, балки ахборотни ўз-ўзидан қайта

ишлашга кўпроқ вақт сарфланиши сабабли, бундай восита, албатта фақат кўпроқ ўзлаштириадиган одамларга мос келади. Бироқ, мулоқот ва маслаҳатлашувда ўзаро ҳамкорлик қилмасдан мобил ўқув жуда совуқ ва ноаниқ бўлиб қолади. Талабалар ўқитувчилар ва бошқа талабаларга саволлар беришлари ва кўрсатмалар олишлари мумкин. Ўқувчилар ўқув машгулотининг баъзи қисмларини кўчма машгулотлар орқали амалга оширишлари мумкин, аммо стратегик нуқталарда ўқув маркази шароитида бир жойга тўпланиш учун идеал муҳитни яратиш керак.



Шу сабабли ҳам мобил таълим аудиториядаги таълимнинг ўрнини боса олмасада, мустақил таълимни ташкиллаштиришда энг қўл келадиган технология сифатида қараш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан, 2009. - 146 б.
2. Андреев А.А. Дидактические основы дистанционного обучения в высших учебных заведениях: автореф. дисс... д-ра пед. наук. – МЭСИ, 2004. – 24 с.
3. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепсияси – Т.: Шарқ, 2002. - 20 б.
4. Тоштемиров Д.Э. Таълим порталининг таркибий тузилиши ва услубий таъминоти. // Касб ҳунар таълими, 2010. № 2. - Б. 10-11.

ЗАМОНАВИЙ ВА КЕЛАЖАКДАГИ МАХАЛЛИЙ УРУШ ВА ЖАНГОВАР ХАРАКАТЛАРДА МУҲАНДИСЛИК ТАЪМИНОТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рузикулов Ф. С.

ЎР ҚК Академияси 2- босқич тингловчиси

Аннотация: Қуйидаги мақолада ҳозирги замон ҳарбий тўқнашувларида турли террористик уюшмалар томонидан портловчи моддалар билан миналаштирилган транспорт воситаларининг қўлланиши ва “шоҳид-мобил”ларга қарши кураш олиб бориш бўйича тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар: “Шоҳид-мобил”, “Джиход-мобил”, Ироқ ва Шом Ислом давлати (ИШИД), қўлбола портлатувчи қурилмалар, Сурия, Ироқ, “ўз жонига қасд қилувчи”.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларда авж олаётган карама-қаршиликлар, жумладан, Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида шунингдек, Афғонистон ва Покистон ислом Республикаларида бўлаётган қонли тўқнашувлар мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

“Минг афсуслар бўлсинки, бугунги кунда дунё ривожланган мамлакатларида авж олиб бораётган ноқонуний тайёрланаётган мўҳандислик портловчи моддалари инсонлар умрига зомин бўлиб келмоқда.

XXI асрдаги замонавий урушларнинг характери ва таркиби кўп жиҳатдан дунёнинг ривожланган давлатлари армияларининг сўнгги йилларда тубдан янгиланган моддий-техник базасига боғлиқ бўлмоқда. Талафот етказувчи оддий воситаларнинг ҳам шикастловчи қуввати, зарбаларининг аниқлиги ва узоқлиги сезиларли даражада ошди, қўшинлар таъминотига янги физикавий тамойилларга асосланган қуроллар яратилиб, етказиб берилмоқда.

Қуролли қарама-қаршиликларнинг янги воситаларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ҳаво-космик муҳитидан фойдаланиб қўлланилиши келажак урушларининг кўринишини аниқлашга таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шу ўринда жанговар ҳаракатларни олиб боришда муҳандислик таъминоти соҳасида ҳам замонавий техникаларнинг ривожланиши кузатилди. Жумладан:

АҚШ - «**BUFFALO**» универсал муҳандислик жанговар машина, Зирхли химояланган бульдозерли трактор **D7**, Зирхланган муҳандислик машина «**БРИЧЕР**».

ГЕРМАНИЯ - Абрамс М1 танк базасидаги **M1 Panther II**, Зирхланган муҳандислик машина «**ТРОЯН**».

БУЮК БРИТАНИЯ - Муҳандислик машинаси «**JCB HМEE**», Mastiff 2 базасидаги зирхланган муҳандислик машина «**TALISMAN**».

Барчамизга маълумки муҳандислик таъминоти, жанговар ва тезкор таъминотнинг бир тури бўлиб, олиб бориладиган қуроли тўқнашувларни хажми ва давомийлигидан қатий назар уларнинг юқори натижаларга эришишда муҳим рол ўйнайди. Буларга Афғанистон, Ироқ ва Сурияда бўлиб ўтган ва давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар ва жанг тажрибалари мисол бўла олади.

Муҳандислик таъминотининг асосий, катта меҳнат ва кўп куч талаб қилувчи вазифаларидан бири қўшинлар жойлашиш район, позиция ва бошқарув пунктларини фортификацион жиҳозлаш ҳисобланади. Ушбу вазифаларни бажаришга барча қўшин турлари, уларнинг бўйсиниши ва бажарадиган вазифаларидан қатъий назар жалб қилинади.

XX аср охири ва XXI аср бошларида бутун дунё армиялари “фортификациянинг” янгича ғоясини ишлаб чиқишга қайтди ва ҳозирда асосий йўналиш ва ҳудудларда «блокпост» деб номланган химоя қурилмаси юзага келиб, улардан кенг ҳудудларни, участкаларни, ўта муҳим йўналишларни назарот қилиш имконияти туғилди. Шу билан бирга ҳарбий базаларни мустаҳкамлаш ва хавфли ҳудудларда катта бўлмаган блокпостлар пайдо бўлди.

Ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳаракатлар давомида шахсий таркибни барча химоялаши мумкин бўлган усул ва воситаларини мажмуавийлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай шароитда барча тизимда эътиборсизликка (бефарқликка) йўл қўйилса

сезиларли даражада имкониятни пасайишига олиб келади. Шунинг учун фортификацион жиҳозлаш юқори аниқликдаги қуроллардан ҳимояланиш муваффақиятига эришишда техник воситалар билан тенгликда, улардан кам бўлмаган аҳамиятга эга.

Ниқоблаш бўйича муҳандислик тадбирларини нафақат тоғли ҳудуд хусусиятлари билан, балки душманнинг оптик ва бошқа разведка воситаларини имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Қўшинларда биринчи навбатда ҳудуднинг ҳимояловчи хусусиятлари ва пайдо бўладиган ҳудуднинг ранг-баранглигидан шунингдек бошқа маҳаллий предметлардан ишлатилиши мумкин. Табел маскировка воситалари ҳам кенг қўлланилиши мумкин: маскировка кийимлари ва тўпламлари, ҳар хил махсус маскалар, имитация ва бўяш воситалари сифатида ишлатилиши ҳозирги локал урушларнинг асосини ташкил қилади.

Шу ўринда душман устидан ғалабага эришиш ва ўз қўшинларимизни ҳимоя қилиш ҳозирги локаль урушларнинг асосий талабларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек ҳозирги кунда дунёнинг барча давлатлари қўлбола портловчи қурилма (ҚПҚ) лар билан боғлиқ бўлган ҳодиса ва ҳужумга қарам бўлмоқда. Бу далиллар қўлбола портловчи қурилмаларга қарши курашиш хавфсизлиги бўйича ўйлашга мажбур қилади.

ҚПҚнинг қўлланилиш хавфи бутун дунё бўйлаб ўсиб бормоқда, бугунги кунда тахминан 67 фоиз давлатларда ҚПҚ муаммоси мавжуд. Бундай давлатларга Афғонистон, Украина, Ироқ, Сурия ва бошқалар киради. ҚПҚ оддий аҳоли ўртасида портлаш натижасида жуда катта йўқотишларга сабаб бўлмоқда.

Қўлбола портловчи қурилмалар – ностандарт материалларнинг қўлланилиши усуллари бўлиб, портловчи моддалар ёки саноатда ишлатиладиган кимёвий моддалар (қўлбола портловчи қурилмалар) ни одамлар ҳаётига зиён етказиш мақсадида қўлланилиши билан характерланади. Бу замонавий қуролланиш даврида террорчи гуруҳлар томонидан қўлланиладиган содда, арзон, ясаилиши тез ва таҳликага туширувчи қуролдир.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, қўлбола портловчи қурилмаларга бўлган талаблар қуйидагилардир:

1. Материалларнинг арзон нархлиги;
2. Ўрнатиш осонлиги;
3. Ясаилиши осон;
4. Энг асосийси, буни ўргатиш ва ўрганиш қийин эмаслиги.

Қўлбола портловчи қурилмалар билан курашиш бирлашган ташкилоти маълумотларига кўра, Афғонистон ҚПҚнинг 80% ини тайёрлаш учун селитра, аммоний ва нитрат каби ясама портлатиш компонентлари билан биргаликда ёғоч, ножовка арраси ва бошқа кундалик материаллар ишлатилади.

XXI асрнинг муҳим ибораларидан бири “Шоҳид мобиль”дир.


“Шоҳид мобиль” сифатида моторесурси тугаган, қурол-аслаҳалар носоз ҳолга келган зирхли техника, енгил ва оғир турдаги автомобильлар

ва мотоцикллардан фойдаланилади. Ўқ-отар қуроллар ва яксон этувчи элементлардан ҳимоялаш мақсадида автомобильларнинг корпуси, асосан олд қисми ва ғилдираклари устки қисмини метал ва панжаралар билан кучайтириб жиҳозланади.

Ҳайдовчининг ўриндиғи қўшимча ҳимоя экрани билан жиҳозланади. Автомобиль ёки зирҳли техниканинг салони, юк кузови 10-20 кг оғирликда бўлган қўлбола фугаслар билан тўлдирилиб, улар детенация иппи орқали ягона бошқарув пультага уланади. Бошқарув пульти ўз жонига қасд қилувчи жойлашган транспорт воситасининг кабинасига ўрнатилади.

Портловчи моддаларнинг умумий оғирлиги транспорт воситаси турига қараб 200 кг дан – 30 000 кг гача бўлиши мумкин. Портловчи заряд сифатида артиллерия снарядлари, тротил, қўлбола тайёрланган портловчи модда, талофат етказиш миқдорини кучайтириш мақсадида ёнилғи солинган канистралар, зарядлар орасига ўрнатилади.


2011 йилдан бошлаб шимолий Африка ва яқин Шарқ мамлакатларини камраб олган давлат ичидаги қарама-қаршиликлар, давлат тўнтаришлари, террористик уюшмалар сонини кўпайишига ва бу ҳолат ўз навбатида, террористик актларнинг кескин равишда кўпайишига олиб келмоқда. Масалан, фақат биргина 2016 йилда Сурия ва Ироқ ҳудудлари ҳарбий маъмурий объектларига қарши, миналаштирилган транспорт воситаларидан фойдаланган 768 та ҳолат қайд этилган.



Ироқ уруши вақтида ўз жонига қасд қилувчилар томонидан “Шоҳид-мобиль”лар ёрдамида уюштирилган ҳужумлар сони

АҚШ қўшинлари 2011 йил Ироқни тарқ этиши билан “Шоҳид-мобиль”лар ёрдамида уюштирилган террористик актлар сони шиддатли равишда ўсиши кузатилмоқда. Масалан, фақатгина Ироқда “шоҳид-мобиль”лардан фойдаланиб портлашлар уюштирилиши 2012 йили – 399, 2013 йилда эса – 807 ҳолатни ташкил қилди (2-чи диаграмма).

2016-17 йиллари, Ироқ қўшинлари коалиция кучлари ёрдамида, Масул шаҳрини ишғол қилиш даврида, ИШИД жангарилари томонидан 950 мартадан зиёд “шоҳид-мобиль”ларни қўллаш фактлари келтирилади. Бу ҳаракатларда портловчи моддалар билан юкланган транспорт воситаларининг 30 фоизигина кўзланган маррага етишга муваффақ бўлган.



Ироқда 2012-2017 йиллар оралиғида “шоҳид-мобиль”лар ёрдамида уюштирилган террористик актлар сони

Шу билан бирга, транспортдан фойдаланиб ўзини портлатиш акцияларини ўз вақтида аниқлаш ва қарши олиб бориладиган тадбирларни ташкиллаштириш шахсий таркиб ва объектлар хавфсизлигини таъминлашнинг самарали усули ҳисобланади. АҚШ Қуролли кучларининг Ироқда қўлбола портлатувчи қурилмаларга, шу жумладан “Шоҳид-мобил”ларга қарши муҳандис-сапёр қўшинлари билан бир қаторда фақатгина қўлбола портловчи қурилмалар билан шуғулланувчи шахслар ёки гуруҳларни яксон қилиш учун “Қизил команда” деб номланувчи махсус гуруҳдан унумли фойдаланиши миналаштирилган транспортларга қарши курашнинг энг самарали йўлларида бири деб ҳисобласак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда замонавий ва келажақдаги маҳаллий уруш ва жанговар ҳаракатларда муҳандислик таъминотининг қуйидаги ўзига хос **хусусиятларини санаб ўтиш мумкин. Булар:**

- жанговар ҳаракатлар тажрибаларига асосланиб муҳандислик қурол-аслаҳаларининг янги наъмуналари ва турлари пайдо бўлиши;

- жанговар ҳаракатлар олиб боришда ер ости туннелларидан кенг фойдаланилганлиги;

- террорчилар уюшмаси томонидан миналарни айёрлик ва вахшиёна қўллаш усуллари вужудга келиши;

- террорчилар уюшмаси томонидан “Шаҳид-мобиль”лардан фойдаланиш кенг қўламда олиб борилганлиги;

- қўлбола портловчи қурилма (ҚПК) ларнинг кенг миқёсда тарқалиб бориши;

- низомдаги тактик меъёрларнинг мунтазам ўзгариб туриши;

- террорчилар уюшмаси томонидан ҳаракатларининг яширинлиги ва кескинлашганлиги;

- қўшинларни яширишга қаратилган тадбирларнинг ортиб бориши.

- шунингдек муҳандислик мутахассислардан бардошлилик;

- ўз мутахассиси бўйича нозик деталларни ҳам билиши ва малакага эга бўлиш;

- энг асосийси муҳандислик таъминоти вазифаларини бажаришда юқори чидамликга эга бўлиши хусусиятларини санаб ўтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Валецкий О. Применение самодельных взрывных устройств методы борьбы против них по опыту армии США Аналитический доклад. М., 2013. - www.csef.ru
2. Лапинни А. РФ Марказий ҳарбий округи қўмондони генерал-лейтенант ЎР ҚК Академиясидаги маърузаси. -Т., 2018.
3. ИШИДдан янги оммавий қирғин қуроли – “Шоҳид-мобил”лар. - zarodinu.org.ua.
4. Дворников А. РФ Жанубий ҳарбий округи қўмондони генерал-полковник “Красная звезда” газетаси муҳбирига округ қўшинларини янги ўқув йили вазибалари бўйича берган интервьюси//Красная звезда. – 3.11.2017.
5. Террористлар тактикаси: “Шоҳид-мобил”лар. – 2017. 30 июль. - zaytunarjuwani.wordpress.com
6. Cancian M. F. Tactics, Tecniques, and Procedures of the Islamic State. Lessons for the U.S. Forces // Military Review.– 2017. – Март-апрель.

АХБОРОТ ТЕХНИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамажанов И. Р.

ЎР ҚК Академияси ҳарбий Хавфсизлик ва
давлат мудофааси факультети 2 курс тингловчиси

Шерматов М. С.

ЎР ҚК Академияси ҳарбий хавфсизлик ва
давлат мудофааси факультети 2 курс тингловчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада замонавий давлатларда муваффақиятли тарзда жорий қилиниб бораётган “Хавфсиз шаҳар” тизими ва ушбу шаҳарларни барпо қилишида тизим маълумотлар базаларида сақланаётган, қайта ишланаётган маълумотлар хавфсизлигини таъмининлаш соҳасидаги саволларни самарали ечимини топиши бўйича хорижий давлатларнинг кўп йиллар давомида йиғилган ишланмалар ва тажрибаларни умумлаштиришига ҳаракат қиламиз.*

***Калит сўзлар:** замонавий шаҳар, ахборот тизимлари, кузатув камералари, ахборот технологиялари, тизимдаги заифликлар, одамлар, жараёнлар ва ахборот хавфсизлиги.*

Замонавий шаҳар – кўп босқичли мураккаб тузилмадир. У транспорт, телекомпания, электр ва сув таъминоти тизимлари ҳамда бошқа ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият юритаётган кўп сонли таркибий қисмлардан иборат. Шаҳардаги барча тизимларни назорат қилиш ҳар бир фуқаро ва шаҳар инфратузилмасининг барча заиф нуқталари хавфсизлигини таъминлаш, муҳим ходисалар тўғрисидаги ахборотларни олиш, архивлаш ҳамда ушбу маълумотларни манфаатдор хизматларга тақдим қилиш учун комплекс ахборот тизими зарур.

Хорижнинг кўплаб шаҳарлари қаторида республикамызда ҳам муваффақиятли тарзда жорий қилинаётган айнан шундай тизим “Хавфсиз шаҳар” ҳисобланади. Ушбу муҳим лойиҳанинг жорий қилинишида тизим

маълумотлар базаларида сақланаётган маълумотларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси юзага келади.

“Хабар.uz” эксперти ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиши маркази департаменти бошлиғи Шохрух Рахматов бир нечта хорижий давлатлар мисолида қидеокузатув камераларига уюштирилаётган кибер ҳужумлар оқибатлари ва уларнинг олдини олиш учун ўз фикри ва қарашлари билан ўртоқлашди.

АҚШ. Вашингтон видеокузатув тизими хакерлар ҳужумига учради.

2017 йил 12-15 январ кунлари Вашингтон шаҳрининг видеокузатув тизими хакерлар ҳужумига учради ва тизим камераларидаги тасвирни ёзиб олиш имкониятидан маҳрум бўлди. Ушбу хавфли ҳужум Доналд Трампнинг қасамёидан 8 кун олдин амалга оширилди ва унинг оқибатларини бартараф этишга шаҳар раҳбарияти томонидан анчагина куч ва маблаҳ сарф қилинди.

Расмий маълумотларга қараганда АҚШ пойтахтининг шаҳар тизимидаги тасвирлар ёзиб олиншини таъминловчи 187 та видеорегистратордан 123 таси ишдан чиқарилган. Уларга пул таъма қилувчи зарарли дастурий таъминот (ransomware) киритилган. Жиноятчилар тизим устидан тўлиқ назоратни шаҳар маъмурларига қайтариш учун муайян миқдорда пул талаб қилишади. Хакерлар ишонтиришича бу шаҳар маъмурларига тизимни тозалаш ва таклашга уринишларига нисбатан осонроқ ва арзонроққа тушади.

Муаммони ҳал қилиш учун шаҳар тизимининг ишлашига масъул мутахассислар ускуналарни тармоқдан узишга, улардаги дастурий таъминотларни учиритишга барча мосламаларни қайтадан ишга тушуришга мажбур бўлдилар. Шаҳар техник хизмати раҳбарининг таъкидлашича, шаҳар маъмурияти жиноятчиларга талаб қилинган маблағни тўлаб бермаган. У шунингдек ҳужум манбаини аниқлаш мақсадида тергов ишлари олиб борилаётгани маълум қилинган.

Россия: блогер пойтахт видеокузатув камераларини бузиб кирди.

“Nabrahabr” блогининг «ipetrov2064» ники остидаги фойдаланувчиси Россия пойтахтининг жойлаштирилган видеокузатув камераларидан 20 мингтасига ноқонуний равишда кириш ва уларнинг бошқарув назоратини ўз қўлига олишни уddалади.

Бузғунчининг ўзи блогда эълон қилганидек, дастлаб у фақат битта кузатув камерасига кириш учун ҳавола топган ва бу ҳавола бир ҳафта давомида ишлаган. Бироздан сўнг, у маълумотларни сақлаш ягона марказининг барча камераларига ва уларнинг архивига йўл топишга эришган.

«ipetrov2064» блогда видеокузатув камераларига кириб, улар орқали кузатув олиб бориш ҳақида батафсил йўриқнома қолдирган. У ёки бу видеокамерадан тасвирга медиаплеерга кўчириб олинган ҳавола ёрдамида уланиш мумкинлигини билдирган.

Хитой: Хакерлар кузатув камераларидан DDoS- хужум уюштириш учун фойдаланишган. Гўёки хакерлар томонидан камераларни бузиб кириш фақат видеоёзувларни кўриш ёки тизимни назорат қилишга йўналтирилгандек. Аммо, Хитойда видеокамералардан, худдики компьютер сингари DDoS- хужум уюштириш учун фойдаланишган.

2016 йилнинг сентябрида хайкерлар хитойлик видеокамералар ишлаб чиқарувчилардан бирининг махсулотидан фойдаланган ҳолда кучли DDoS-хужумини уюштирдилар.

Тахминан бир миллион мосламага киришга эришилгандан сўнг, улар нишон сифатида интернетдаги ресурсларга эътиборини қаратишди ва ортиқча трафик билан электр тармоғига қайта уланишга мажбур қиладилар.

Бу анъанавий DDoS- хужум бўлиб, фақат таҳдид зарарланган компьютерлар орқали эмас зарарланган видеокамералар орқали амалга оширилган. Бунда камералар яхшигини трафик манбаи ҳисобланади. Чунки у керакли манзилга бир вақт ўлчамида барқарор ўтказиш каналига эга бўлган ҳолда кўп сонли сўровлар юбориш қобилиятига эга.

Ишлаб чиқарувчи компаниялар вакиллари аниқлашича хакерлар эски талқиндаги қурилмалардан фойдаланилган. Шубҳасиз қурилма дастурий махсулот талқинлари устидан назорат олиб бориш зарур, бироқ одатда дастурий таъминоти янгиланган барча IP- видеокамералар ҳам 100 % ҳимоя қила олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ахборот тизимларида замонавий шаҳарларни барпо қилишда маълумотлар хавфсизлигини сақлашда видео кузатув камераларида ҳам ахборот хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лоримлигини унутмаслигимиз кераклигини хулоса қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Ахборот хавфсизлиги» ўқув қўлланмаси. -Т.: ТООУҚБЮ 2014 йил.
2. «Компьютер тармоқлари ва ахборот хавфсизлиги» курси Ўқув-методик қўлланмаси. Т.: ИНҲА университети. 2019.
3. <https://www.informatika.ru.> (мурожат вақти 06.07.2020 йил).

ЗАМОНАВИЙ КИБЕР ТАҲДИДЛАР ДАВРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Абдурахимов Р. Ғ.

ЎР ҚК Академияси Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факультети 2- босқич

ТИНГЛОВЧИСИ

***Аннотация.** Ушбу мақола ҳозирги кундаги замонавий кибер таҳдидлар даврида ахборот-психологик хавфсизлигининг долзарб муамаларига бағишланган. Биз замонавий кибер таҳдидлар даврида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги муаммолар ечимини излаш мақсадида хорижий давлатлар ва мамлакатимизда амалга оширилган айрим амалий тажрибалар ҳамда назарий тавсиялар йиғилган ишланмаларни умумлаштиришга ҳаракат қиламиз.*

***Калит сўзлар:** ахборот, таҳдид, глобал, кибермакон, киберхавфсизлик, ахборот-психологик хавфсизлик, ахборот-психологик таҳдид.*

XX асрда ахборот коммуникация технологияларининг инқилоби жамият ҳаётининг барча соҳаларига шиддат билан кириб борди ва инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Глобал ахборотлаштириш ҳозирги кунда жаҳон давлатларининг кундалик фаолиятини фаол равишда бошқариб, ахборот технологиялари миллий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги хавфсизликни таъминлаш вазифаларини хал қилмоқда.

Глобал кабермаконнинг пайдо бўлиш жараёнида ҳарбий ва фуқаро компьютер технологияларида конвергенция кузатилаётган бўлса, илғор давлатлар орасида потенциал душманнинг шахсий таркиби ва ҳарбий ва давлат инфраструктурасига фаол таъсир кўрсатишнинг янги услуб ва воситалари жадаллик билан ишлаб чиқилмоқда, бундан ташқари, ҳарбий ва давлат инфраструктурасини ҳимоя қилиш, душман ахборот тизимларига фаол таъсир ўтказувчи бузғунчи ҳаракатларни тайёрлаш ва амалга ошириш асосий вазифаси бўлган махсус кибернетик бошқармалар ёки қўмондонликлар ташкил этилмоқда. Ваҳоланки, ҳозирги кунда АҚШ, Хитой, Англия, Франция, Германия, Исроил ва бошқа давлатларда киберқўшинлар ташкил этилганлиги тўғрисидаги расмий маълумотлар мавжуд.

Асосан, кибермакон ибораси АҚШ ёки айрим НАТОга аъзо давлатларнинг расмий вакиллари чиқишларида кўп маротаба қўлланилаётганлиги, шунингдек, бир қатор мутахассислар тахлилига келиб чиқиб кибер жанглар ёки кибер хавфсизлик борасида АҚШнинг ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш мумкин.

Барча келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, Кибермакон – физико-географик муҳитга боғлиқ бўлмасдан одамлар ўртасидаги муносабатларни барча соҳаларини компьютерлар ва телекоммуникация воситалари асосида ўз ичига олувчи алоқа макони.

Айрим маълумотлар тахлилига кўра, кибермакондаги таҳдидлар барча хавфсизлик тизимларида, давлатнинг ҳаётий муҳим миллий манфаатларига хавф солишини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан кейинги йилларда киберхавфсизлик масаласи давлатлар олдида турган энг долзарб масала бўлиб қолади.

Бугунги шиддатли глобаллашув даврида ёшлар онгу шуурини интернет орқали кириб келаётган зарарли ғоя ва таъсирлардан самарали ва ишончли ҳимоялаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Информацион маконда миллатлараро, динлараро ва фуқаролараро тотувликни бузлишига олиб келадиган маълумотларни тарқатиш, сохта ахборот етказиш орқали демократик институтлар ва фуқаролик жамияти органларининг обрўсизлантириш, аҳолининг онгини манипуляция қилиш орқали улардаги сиёсий ва ижтимоий фаоллигини пасайтириш, жамиятнинг давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончини йўқотилишига олиб келадиган бўхтонларни тарқатиш билан эришилади. Бунинг яққол мисоли

сифатида 2010 йил Қирғизстоннинг жанубида содир бўлган миллатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг келиб чиқишига ҳам учинчи кучлар томонидан тарқатилган сохта маълумотлардир.

Бугунги ахборот глобллашуви авж олган бир вақтда Ўзбекистон халқига нисбатан ахборот-психологик таҳдидлар амалга оширилмаётганига ёки манфаатдор бўлган айрим кучлар эса юртимизнинг барқарор ривожланишини издан чиқариш учун ахборот хуружларини режелаштирмаётганига ҳеч ким кафолат бермайди. Шуларни инобатга олиган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳам юзага келиши мумкин бўлган хавф – хатарларни олдиндан билган ҳолда Мудофаа Доктринасида ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка таҳдидлар сифатида “Ахборот-коммуникация маконида Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига қарши қаратилган ҳамда аҳолининг тинч ҳаётига таҳдид солувчи мафкуравий ва психологик ҳаракатлар”[1] деб белгилаб қўйилганлиги ҳам ахборот-психологик таҳдидларининг нақадар хавфли эканлигини кўрсатади.

Ахборот-психологик таҳдидларнинг асосий объекти мамлакатнинг Қуролли Кучлари сафидаги ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, шунингдек ишчи ва хизматчилар биринчи навбатдаги мўлжал бўлиши тайин.

ОАВ ахборот психологик таҳдидлар кучайган ҳозирги даврда халқимизнинг маънавий кадриятларини, унинг миллийлигини, урф-одатларини ҳимоя қилинишида, ёш авлодни Ватанпарварлик руҳида тарбиялашда хал қилувчи куч бўлиши лозим.

Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи аниқ бир органга юкланмаган эди. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида асосан ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот соҳасидаги хуруж ва таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда иштирок этиш, китоб ўқишни тарғиб қилиш орқали халқимиз маънавиятини юксалтириш, китобхонлик анъаналарини кенг тарғиб қилиш, электрон ва аудио китоблар яратиш, китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш каби ишлар *Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг* асосий вазифаларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги телеканалларда эфирга узатилаётган телекўрсатувлар, концертлар ёки видеофильмларни ёш категориясидан қатъий назар барча бирдек томоша қилар эди. Ахборот таҳдидлари эса асосан ёшларни руҳиятига каттиқ таъсир кўрсатиш орқали келажак авлоднинг дунёқарашини ўзгартириш, кадриятларида бўшлиқни ҳосил қилишни мақсад қилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида “болалар онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатилишининг, уларга ҳийла ишлатилишининг, болаларни ғайриижтимоий

ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш” давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланиб, мамлакатимизда ёшларнинг ахборот-психологик таъсирлардан ҳимоя қилиш, салбий тарбиявий аҳамиятдаги фильмлардан ёшларни ҳимоялаш учун ҳуқуқий замин яратилган[2]. Энди ота-оналар телеканаллар орқали намоёниш этилаётган фильмларнинг ёш категориясини ажрата олади ва фарзандларини бузғунчилик, жоҳиллик каби салбий ғоялардан асраш имконияти пайдо бўлди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш бўйича кўплаб амалий ишлар амалга оширилди.

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга экани такрор-такрор ўз тасдиғини топмоқда. Кейинги йилларда жаҳоннинг турли ҳудудларида рўй бераётган воқеалар – минтақавий можаролар, оммавий норозилик ва тартибсизликлар, геосиёсий манфаатлар тўқнашувлари энг аввало, ахборот воситасида, унинг шиддатли кучи ва таъсири остида ҳудудий-мафкуравий кўламини кенгайтираётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳақиқатнинг муҳимлиги янада ойдинлашади.

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қудратини ва ҳарбий хизматчиларни ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетини ошириш, миллий хавфсизлигимизни таъминлашнинг муҳим ажралмас қисмидир.

Бу соҳада ҳар томонлама узоқни кўзлаб фаолият юритиш, мамлакатимиз миллий манфаатларига қаратилган ҳар қандай маълумотларни кузатиб бориш, ҳалқимизни эркин, озод ва обод ҳаёт барпо этишга йўналтирилган бунёдкор ғоялар билан қуроллантирган ҳолда ахборот маконида маънавий ва маърифий устунликка эришиб миллий хавфсизликни ахборот маконида таъминлашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Доктринаси. Тошкент, 2018. –ЎРҚ–458-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги № 444 Қонуни. Тошкент, 2017.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 2002.
4. Ўзбекистон Республикасининг ПФ-5308-сонли Фармони// Халқ сўзи. 23 январь.
4. Негматов Б.М. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдидлар (Ўқув қўлланма).-Т.: ЎР ҚК Академияси нашри, 2015.

AMERIKA QO'SHMA SHTATLARI HARBIY XIZMATCHILARINING RAHBARLIK FAZILATLARINI O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Atadjanov N. Sh.

O`R QK Akademiyasi tinglovchisi

***Annotasiya:** Maqolada Amerika Qo'shma shtatlari harbiy xizmatchilarini, bo'linmalarni boshqarishda rahbarlik sifatlarini shakllantirishga qaratilgan masalalar keng yoritilgan.*

***Kalit so'zlar:** Qurolli Kuchlar, Rahbarlik uslubi, rahbarlik fazilatlarini, armiya rahbariyati, rahbarlik nizomi, AQSH armiyasi.*

Rahbarlik uslubini o'rganish va bu tushunchaning paydo bo'lishi mashhur psixolog Kurt Levin nomi bilan bog'liq. U 1930-yillarda hamkasblari R.Lippett hamda R.Uayt bilan birgalikda bolalar guruhlarida ularni boshqarish bo'yicha tadqiqotlar o'tkazgan. o'sha davrdan beri rahbarlik uslubi psixologiya va menejment fanlarining alohida predmeti sifatida tadqiqotchilar tomonidan o'rganilmoqda.

Har qanday mamlakatning armiyasi o'z muhitidan rahbarlarni yetishtirish bo'yicha boy va ko'p yillik tajribaga ega. Darxaqiqat armiyaning tuzilishi strategik va rahbarlik ko'nikmalarini oshirish uchun zarur tashkilotdir. o'tmishdagi ko'plab taniqli rahbarlar, Buyuk sarkarda Aleksandr Makedonskiy davridan Ikkinchi jahon urushi davriga qadar armiya qo'mondonlari tomonidan ko'plab urushlar sodir bo'lgan bu jangovar xarakatlarni boshqarishda esa haqiqiy va g'ayrioddiy rahbarlar bo'lgan.

Armiyada rahbarlikni rivojlantirish martaba va o'sishining asosiy qismidir. Ofitser faoliyatini tashkil etish, o'ziga ishonib topshirilgan askarlarning motivatsiyasi va samaradorligi uchun javobgardir va uning darajasi qanchalik baland bo'lsa, kadrlar zaxiralarini boshqarish vazifasi shunchalik qiyinlashadi va uning rahbarlik qobiliyatlari shunchalik talabga aylanadi.

Ta'rifga ko'ra armiya yopiq ekotizim bo'lib, u erda kadrlar zaxirasini to'ldirish asosan quyi qatlamlarda sodir bo'ladi. Agar tijorat tuzilishi uchun har doim yuqori lavozimlarga rahbarlarni tashqaridan yollash imkoniyati mavjud bo'lsa, unda armiyada siz oddiy fuqarolarning rahbarlik lavozimlariga kelish holatlarini deyarli ko'rmadingiz. Armiyada generallar, serjantlar va askarlardan tarbiyalanib, ularning rahbarlik fazilatlarini va salohiyatini rivojlantiradi.

Shunday tajribalardan biri AQSh armiyasiga xos bo'lib unga ko'ra Amerika armiyasida armiya rahbariyatining ish faoliyatini aks ettiradigan va ularning etakchilik uslubiyotini shakllantirish bo'yicha aniq tavsiyalar beradigan nizom mavjud.

Rahbarlik uslubiyotini rivojlantirish kontseptsiyasining rivojlanish tarixi 1890-yillarda "Otliqlar jurnali" (Cavalry Journal) da haqiqiy armiya rahbarining fazilatlarini va uning harbiy harakatlar paytida tutgan o'rni haqida birinchi marta maqola chop etilgan. 1951 yilda Ikkinchi Jahon urushi davrida to'plangan tajribaga asoslanib, AQSh armiyasi etakchilikning 11 tamoyilini ishlab chiqadi, bu keyinchalik ofitserlar uchun etakchilik nazariyasini rivojlantirish uchun asos bo'ladi. Armiya rahbariyatining yetakchilik uslubiyotini konsepsiyasini o'z ichiga olgan birinchi nizom 1983 yilda e'lon qilinadi. Afsuski, u to'liqsiz va "Xom" bo'lib

chiqadi, ammo baribir u keyingi qoidalarining asosiy prototipi va armiya rahbarligi nazariyasini rivojlantirishning birinchi bosqichiga aylanadi. 1998 yilga kelib esa nizomning yangi nashriga tayyorgarlik jarayonida maxsus yozuvchi-kopirayter yollanadi, uning asosiy vazifasi rahbar shaxsining zerikarli faoliyatini qiziqarli hikoyalarga aylantirishdir. Uning izlanishlari natijasida nizomga Amerika tarixi arxivlaridan 60 ta ma'lumotnoma keltiriladi, unda ajoyib harbiy rahbariyatning namunalari rang-barang tasvirlangan. 2006 yilda ilgari chiqarilgan barcha nizomlar asosida etakchilikning yagona printsiplari va asoslari to'plami - "Harbiy rahbariyat: vakolatli, ishonchli va moslashuvchan" chiqadi, unda har qanday odam uchun sodda va tushunarli bo'lgan tilda yozilgan 216 sahifadan iborat bo'ladi. U rahbarning asosiy nazariyasi va psixologiyasidan tortib, muhitida zamonaviy rahbarlik masalalariga qadar rahbarlikning barcha jihatlarini qamrab oladi. AQShda rahbarlarning tayyorlashning yana bir modeli Bilimdonlik to'g'risida rahbarlik modeli hisoblanadi. Amerika harbiy ishlarida rahbarlik tizimiga asoslangan va muvaffaqiyatli harbiy rahbarlikning uchta asosiy elementini belgilaydi:

AQSh armiyasining rahbarlik modeli "Bo'l, bil, harakat qil" tamoyiliga asoslangan. Haqiqiy etakchini tashkil etadigan barcha fazilatlar 3 guruhga bo'linadi:

Bo'l - bu rahbarning fazilatlarini, insonga tug'ilishidan xos bo'lgan yoki uni tarbiyalash jarayonida singdirilgan rahbarning fazilatlarini.

Bil - fikr yuritish uslubiga va ma'lum bir rahbarning olgan bilimlariga asoslangan barcha fazilatlar.

Harakat qil - rahbarning berilgan sharoitdagi harakatlari va rahbarning xulq-atvori.

Nizomda rahbarning rivojlanishi umrbod jarayon ekanligi ta'kidlangan. Haqiqiy rahbar tajriba, bilim va rasmiy ta'limni o'ziga singdirib, o'z ustida tinimsiz ishlaydi, vazifani hal qilish uchun har qanday vaqtda undan foydalanish uchun etakchilik mahoratining barcha yangi darajalarini tushunadi.

Asl nusxada model harbiy dasturlarga ega bo'lishiga qaramay, biznesdagi har qanday rahbar uchun ajablanarli darajada uyg'undur.

Rahbarlik fazilatlarining boshqa modellaridan farqli o'laroq, ushbu model nafaqat xarakterga e'tiborni qaratadi, uni ob'ektiv baholash qiyin, balki etakchining qilishi kerak bo'lgan harakatlarni ham batafsil tavsiflaydi. Bundan tashqari, u har bir etakchining yakuniy maqsadi berilgan vazifalarni bajarish (diqqatni natijalarga qaratish) ekanligiga e'tibor qaratadi, bu ayniqsa uni ishlab chiqaruvchi vazifalaridan ajratib olib, liderni "o'zida" tahlil qiladigan modellar fonida yaxshi ajratib turadi. Model yuqori darajadagi umumiy tamoyillarni ko'rishga va kerak bo'lganda tafsilotlarga sho'ng'ishga imkon beradigan ierarxik tarzda tuzilgan.

AQSH ARMIYASINING RAHBARLIK MODELII

"Bo'l" tushunchasiga nimalar kiradi:

"Bo'l" yoki qo'mondon-rahbarning shaxsiy fazilatlarini.

- Etakchilik xususiyati;
- Armiya qadriyatlarini (LDRSHIP);
- odamlarga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lish;
- Jangovar ruh;

- Vazifani bajarish men uchun eng muhimi;
- Men magʻlubiyatni hech qachon qabul qilmayman;
- Men har doim topshiriqni oxirigacha bajaraman;
- Yiqilgan oʻrtogʻimni hech qachon jang maydonida qoldirmayman;
- Etakchilik koʻrinishi;
- Harbiy tashqi koʻrinishni professional koʻrinishi;
- Jismoniy tarbiya;
- oʻziga ishonch;
- Har qanday qiyinchiliklarga dosh bera olish qobiliyati.

"Bil" tushunchasiga nimalar kiradi:

"Bil" - bu etakchilik tafakkurining namunasi.

- Har qanday sharoitga moslashuvchan ;
- Toʻgʻri xulosalar chiqarish qobiliyati;
- Innovatsion moyillik;
- Xushmuomalalik;
- Amaliy bilim va koʻnikmalar.

" Harakat qiling " tushunchasiga nimalar kiradi:

1. Boshqaruv:

- Odamlarni boshqarish qobiliyati: ularni ragʻbatlantirish, insonning boʻysunishdagi imkoniyatlari va uning oldiga qoʻygan vazifalari oʻrtasida toʻgʻri muvozanatni saqlash.
- Ierarxiya chegaralaridan tashqariga chiqish: mavqeiga qaramay ishonchni qozonish qobiliyati, ularning taʼsir doirasini koʻrish.
- Aniq shaxsiy misol: shaxsiyatning kuchini namoyish etish, qiyin vaziyatlarda ishonchli harakat qilish, yuqori malakalar.
- Muloqot qobiliyatlari: boshqalarni tinglash, maqsadni aniq belgilash, uni oxirigacha tushunishdan oldin boshqalarga aniq tushuntirish.

2. Rivojlanish:

- Ijobiy muhitni yaratish: Boshqalarga gʻamxoʻrlik koʻrsatishni, tashabbusni va birgalikda ishlashni ragʻbatlantirish, yaxshi jamoaviy muhitni yaratish.
- oʻz-oʻzini rivojlantirish: qiyinchiliklarga tayyorgarlik koʻrish, ularning koʻnikmalari, qobiliyatlari va bilimlarini doimiy ravishda rivojlantirish.
- oʻz-oʻzini rivojlantirishda yordam berish: boshqalarning oʻzini rivojlantirishga boʻlgan ehtiyojlarini baholash, boshqa jamoa aʼzolarining shaxsiy oʻsishini qoʻllab-quvvatlash, oʻrganishda yordam berish, boʻysunuvchilarga maslahat berish va ularga rahbarlik qilish qobiliyati, jamoada ishlash qobiliyatlarini rivojlantirish.

3. Natijaga erishish:

- Toʻgʻri maqsadlar va ustuvor vazifalarni belgilash;
- ularga muvofiq reja tuzish;
- yuklatilgan vazifalarni bajarish va albatta rahbarlik qobiliyatini rivojlantirishga jiddiy yondashadigan har bir kishi muntazam ravishda oʻz ustida tinimsiz ishlashi lozim.

Yuqoridagi manbalardan kelib xulosa qilib shuni taʼkidlash kerakki, hozirgi kunga qadar, ayniqsa rahbarlikka boʻlgan qiziqish sezilarli darajada kamaydi va

etakchilikka ko‘p jihatdan o‘sdi. Buning sababi, so‘nggi o‘n yil ichida harbiy ta‘lim sohasidagi jahon ehtiyojlari asosan armiyadagi tayyorgarlik sifatiga qaratildi. Shu sababli, harbiy xizmatchilarning rahbarlik fazilatlarini rivojlantirish jarayonining xususiyatlarini kasbiy rivojlanish nuqtai nazaridan, shaxsan faol yondoshish nuqtai nazaridan va rahbarlikning an‘anaviy va zamonaviy tushunchalarini hisobga olgan holda yanada chuqurroq o‘rganish harbiy xizmatchilarning rahbarlik fazilatlarini rivojlantirish uchun pedagogik sharoitlarni o‘rganish uchun eng ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida qaralishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mahmudov I.I. Boshqaruv psixologiyasi. – T., 2006.
2. Boymurodov N. Rahbar psixologiyasi. – T., 2006.
3. FM 6-22 Army Leadership: Competent, Confident and Agile.
4. Lieutenant Colonel Joseph Keith Purvis (U.S. Army) — Four Decades and Five Manuals: U.S. Army Strategic Leadership Doctrine, 1983-2011.
5. Army Leadership: Doctrine and the New FM 22 -100.

ДУНЁНИНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ БЎЛИНМАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Акбаров К.М.

ЎР ҚҚ Академияси Ҳарбий хавфсизлик ва давлат
мудофааси факультети 2- босқич тингловчиси

Ботиров З. А.

ЎР ҚҚ Академияси Ҳарбий хавфсизлик ва давлат
мудофааси факультети 2- босқич тингловчиси

***Аннотация.** Мақолада Миллий гвардия бўлинмаларини тарихи, АҚШ ва Россия Федерацияси Миллий Гвардиясининг ташкил этилиши, тузилиши, мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар:** Россия Федерацияси, АҚШ, Россия Федерацияси Миллий гвардияси, Миллий гвардия, Россия Федерацияси Ҳукумати, жанговар фаолият.*

Турли давлатларда Миллий гвардия бўлинмалари ташкилий штат тузилиши, техника ва қурол-аслаҳа, турли хилдаги жиҳозланишдан келиб чиқиб бир қатор вазифалар юклатилган. Улар тинчлик ва уруш даврида маълум бир давлат қабул қилган қонунлар доирасида ўз фаолиятларини олиб боришади, ҳозирги даврга келиб, Миллий гвардия бўлинмаларига турли хилдаги вазифалар юкланган.

Миллий гвардия (фран. Garde Nationale, ингл. National Guard), миллий посбонлар (итал. guardia – посбон) – турли мамлакатларда ва тарихий даврларда ҳар хил қуролли ташкилотларнинг номи бўлган.

Мисол тариқасида уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз: милиция (кўнгиллилар, 1789–1827 йй.; 1830–1872 йй.даги Франция Миллий гвардияси ёки АҚШ Миллий гвардияси), жандармерия – ҳарбийлашган

полиция (Россия миллий гвардияси қўшинлари ёки Португалия Республика Миллий гвардияси), ҳудудий мудофаа (1940 йилдан бошлаб Швеция Миллий гвардияси), Қуролли Кучлар захираси (АҚШ Миллий гвардияси ва Миллий гвардиянинг бошқа қўплаб турлари), Қуролли Кучларнинг илғор (элитар) ва имтиёзли қисми (Шри-Ланка Миллий гвардияси), умуман Қуролли Кучлар (1925–1979 йй. даги Никарагуа Миллий гвардияси ёки Кипр Миллий гвардияси).

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) Миллий гвардияси – бу ҳаракатдаги америка армиясининг кўнгиллилардан ташкил топган асосий захираси ҳисобланади.

“Гвардиячилар” тушунчасига таъриф берадиган бўлсак, бу малакали жангчилар эмас, балки ўз хизматларини асосий ишлари билан бирлаштирган ватанпарвар рухдаги фуқаролардир. Ушбу бўлинмалар АҚШ Қуруқликдаги қўшинларининг бир қисми ҳисобланиб, улар Мудофаа вазирлиги томонидан федерал тизимда бошқарилади. Миллий гвардия бўлинмалари ҳар бир штатда бўлганлиги учун улар устидан назорат ҳудудий давлат бошқарув органи – Губернатор томонидан олиб борилади.

Гвардияни таъминоти давлат томонидан доимий назоратга олинган бўлиб, улар энг охирги русумдаги қурол-аслаҳа ва техникалар билан таъминланган. Уларнинг алоҳида авиация ва зирҳли техникалар парки мавжуд. Ҳозирги кунда АҚШ Миллий гвардиясига давлат қизиқишларини бошқа давлат ҳудудларида ҳимоя қилиш ва жанговар ҳаракатларда иштирок этиш, табиий ва техноген офатлар ва улардан кейинги юз берган оқибатларни бартараф этиш, терроризм ва наркотик моддалари ноқонуний савдосига қарши курашиш, давлат ташкилотларини бир меъёردа ишлашини таъминлаш мақсадида жамоат тартибини сақлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Шундай қилиб, АҚШ Миллий гвардияси Қуролли Кучлар, полиция ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мажбуриятларини бошқа куч тузилмалари билан ҳамкорликда бажариш учун мўлжалланган.

Россия Федерацияси Миллий гвардиясига тўхталар эканмиз, авваломбор ушбу ташкилотни тузиш “давлат хавфсизлиги ва конституцион тузимни” ҳимоя қилиш учун таклиф этилди, ушбу ҳарбий ташкилот Россия Федерацияси ИИВ Ички қўшинлари ва бошқа куч тузилмалари (ҳарбий ҳаво десанти, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳарбий денгиз флоти ва Россия ФВВ) бўлинмаларини айрим қисмларининг куч ва воситаларини ўз ичига олиши мумкин.

Россия Федерацияси Президенти В.В. Путин ташаббуси билан 2016 йил 5 апрелда Россия Федерацияси ИИВ Ички қўшинлари негизида Россия Федерацияси Миллий гвардия Федерал хизмати ташкил этилди. Миллий гвардияга ИИВ билан ҳамкорликда терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича вазифалар юклатилди.

Миллий гвардия таркибига, АВБМО (ОМОН), ТХМО (СОБР), тезкор ҳаракатланувчи махсус кучлар маркази ва авиация, қўриқлаш хизмати, қурол-аслаҳаларга рухсат бериш бўлинмалари ҳам киритилди.

Миллий гвардияни тузилиши давлат бошқарув тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди, Россия Федерацияси президенти Миллий гвардия Федерал хизмати директори – Россия Федерацияси Миллий гвардия қўшинлари Бош қўмондонини Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси этиб тайинлади.

Россия Федерацияси қонунлари билан Миллий гвардия тезкор-худудий бирлашган қўшинлари Россия Федерацияси Миллий гвардияси қўшинларининг ҳарбий-административ бирлиги саналади ва унга юклатилган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган.

Тезкор-худудий қўшилма таркибига ушбу худудда жойлашган Миллий гвардия бошқармаси, қўшилма ва ҳарбий қисмлар киради, марказий бошқармага бўйсинувчи қўшилма ва ҳарбий қисмлар бундан мустасно.

Ҳозирда Россия Федерацияси Миллий гвардия тезкор-худудий бирлашган қўшинларининг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- худудий органлар бўйсинувидаги, округ бошқарув органлари, қўшилма ва ҳарбий қисмлар тайёргарлигини ушлаб туриш, бўлинма ва ташкилотларни тинчлик даврида вазифа бажаришга, шунингдек жанговар ва сафарбарлик тайёргарлигини ташкиллаштириш билан қўйилган вазифани ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

- жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда иштирок этиш;

- Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан тасдиқланган рўйхатга асосан давлат аҳамиятига молик бўлган объектлар, махсус юklar ва иншоотларни қўриқлаш;

- экстремизм ва терроризмга қарши курашда иштирок этиш;

- аксилтеррор тадбирларини ўтказиш давомида, ҳарбий ҳолат ва фавқулодда ҳолат даврида ҳуқуқий режимни таъминлаш;

- Россия Федерацияси худудий муҳофаазида иштирок этиш, Россия Федерацияси давлат чегараларини қўриқлаш федерал хавфсизлик хизмати чегара органларига ёрдам бериш;

- Россия Федерацияси Қуролли Кучлари, федерал хавфсизлик хизмати чегара органлари, бошқа ҳарбий тузилма ва ташкилотлари билан Россия Федерациясига таҳдидларни қайтаришда биргаликда қатнашиш;

Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан тасдиқланган рўйхатга асосан тоифаланган ва ўта муҳим объектларни, миллий гвардия бўлинмалари томонидан мажбурий қўриқлашга олинган объектлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг молк-мулкларини ўзаро келишувга асосан қўриқлаш;

- Россия Федерацияси қонунлари доирасида қурол-аслаҳалар ҳисобини ва хусусий қўриқлаш компаниялар хизмат фаолиятини назоратга олиш, шунингдек ёқилғи-электрик мажмуалари объектлари хавфсизлигини таъминлаш;

- округ бошқарув органлари, қўшилма ва ҳарбий қисмларда, худудий бошқарув органлари, бўлинма ва ташкилотларида фуқаро ҳимояси тадбирларини ўтказиш.

Шунингдек, Россия Федерацияси Президенти томонидан қабул қилинган қарорлар асосида Миллий гвардия тезкор-худудий қўшилмасига бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, Миллий гвардия қўшинларини ўз вазифаларига бўлган ёндашуви, турли давлатларда Миллий гвардия бўлинмалари ташкилий штат тузилиши, техника ва қурол-аслаҳаси, вазифаларининг эволюцион босқичларини, шунингдек, улар томонидан олиб борилган жанговар ҳаракатлар турлича кўринишга эга. Ривожланган давлатларнинг Миллий гвардия қўшинларини бошқариш тизими ислохотлари давлат сиёсати даражасида амалга оширилган. Замонавий кўринишдаги сўнгги бўлиб ўтган жанговар ҳаракатлар ва қуролли можаролар таҳлили шуни кўрсатадики, бугун яратилган қўшинларни ташкилий тузилиши, уларнинг таъминоти эртанги жанговар ҳаракатлар учун ўз самарасини бермоқда.

Қатор ривожланган мамлакатларнинг истиқболдаги дастурлари турли давлатларда ўзгача ёндошиш, яъни Миллий гвардия қўшинларининг структуравий тузилиши, жанговар ҳаракатлар олиб бориладиган майдон сифими бажарадиган вазифалар кўлампидан келиб концепциялар қабул қилинмоқда. Ушбу ислохотларни амалга оширишдан мақсад, жанг майдонида кечадиган жанговар ҳаракатларни ягона марказ орқали бошқарилиш имконини ва тактик-оператив бўғинларни бир-бирига зарурат бўйича боғлаш ва қабул қилинган қарорни, вазиятнинг ўзгариши ҳақида аниқ маълумотлар ҳақида ҳамкорликдаги штабларни хабардор этиш каби функционал вазифаларни узлуксиз, тезкор таъминлашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Россия Федерацияси Президентининг 2016 йил 30 сентябрь кунидаги 510-сонли “Россия Федерацияси Миллий гвардияси Федерал хизмати тўғрисида” ги қарори.
2. Mahmudov I.I. Boshqaruv psixologiyasi. – Т., 2006.
3. Boymurodov N. Rahbar psixologiyasi. – Т., 2006.

АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДА ЖАНГОВАР РУҲНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ АСОСИЙ КОМПОНЕНТ (СИРИЯ- АФҒОНИСТОН МИСОЛИДА)

Мирзалиев А.А.

ЎР ҚК академияси, Ҳарбий хавфсизлик ва
давлат мудофааси факультети тингловчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Ахлоқий-руҳий тайёргарлик ҳарбий хизматчиларда жанговар руҳни шакллантирувчи асосий компонентлари. (Афғонистон мисолида) Ахлоқий-руҳий тайёргарликни ҳарбий хизматчиларда жанговар руҳни шакллантириши. тингловчиларга Ахлоқий-руҳий тайёргарлик ҳақида кенгроқ тушунча пайдо қилади ва ахлоқий-руҳий тайёргарлик ҳарбий хизматчиларга нечоғлик муҳим эканлигини аңлатади.

***Калит сўзлар:** кескинлик, ҳарбий хизматчиларни таёрлаш, рухий барқарорлик, ҳарбий-стратегик.*

Марказий Осиё халқлари томонидан сиёсий мустақиллик қўлга киритилган даврдан бошлаб Афғонистондаги вазият минтақавий хавфсизликнинг тизим яратувчи элементи бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатлараро ҳамкорликнинг фундаментал асослари ҳисобланувчи географик яқинлик, умумий чегараларга эгалик, тарих ва маданият каби омиллар минтақа давлатлари ва халқлари тақдири бирлигининг муҳим омиллари саналади.

Афғонистондаги оғир сиёсий вазият билан боғлиқ бўлган замонавий таҳлика ва таҳдидлар, шак-шубҳасиз, энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Улар Афғонистон билан чегарадош давлатлар хавфсизлик сиёсатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Хусусан, узоқ йиллардан буён “терроризмга қарши кураш” шиори остида ўтказилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Афғонистондаги вазият нобарқарорлигича қолмоқда; мамлакат ҳануз жаҳон “қора дори бозори”га гиёҳванд моддаларни етказиб бериш (2020 й.да – тахминан 85%) бўйича етакчи ўринда турибди.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчидан ҳар қандай вазиятда ҳам мураккаб синовдан шараф билан чиқиш, етарли жисмоний тайёргарликка эга бўлиш, энг замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғлар сир-асрорларини пухта эгаллаш билан бирга юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳиятга, алоҳида маънавий-руҳий хусусият ва фазилатларга эга бўлиш талаб этилади. Бу – ўз навбатида шахсий таркибнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, мустаҳкам иродаси, фидойилиги, она юртга меҳр-муҳаббати ва садоқатига сўзсиз боғлиқдир. Ҳарбий хизматчиларда қатъий ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Қўшинларда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкиллаштириш бўйича ўзига хос яхлит тизим яратилмоқди. [1]

Қўшинларда ўқув-жанговар вазифаларни муваффақиятли бажаришларини таъминлашда ҳарбий хизматчиларнинг мардлик ва жасурлик фазилатларини, ҳақиқий ватанпарвар инсонларни тарбиялаш, билими ва маънавиятини ошириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантириш, мустаҳкам ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартиботга эришишга йўналтирилган ҳолда самарали ташкиллаштириш. Қўшинларда юксак маънавий фазилатлар, мустаҳкам ирода ва Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини камол топтириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантириш, ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия йўналишларида ва ёшлар билан олиб бориладиган тадбирларни тубдан яхшилаш барча бўғиндаги командирларнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, қисқа муддатда юртдошларимизнинг, халқимизнинг ёш авлодни билим савиясида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу энг аввало, сиёсий савияга тегишли гап. Истиқлол туфайли одамларимизнинг Ватанга, она заминга меҳрли муносабати

шаклланиб боришти. Шунини очик айтишимиз зарур: илгари бутун собиқ СССР харитасини қамраб олган Ватан туйғусини онгимизга сингдириш тамойили кучли эди.

Бугун эса Ватанимиз муайян чегара ва қиёфа касб этди. Биз унинг куч қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ҳамда бутун вужудимиз билан ҳис этамиз. Бугун ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини она юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этапти ва бундан фахрланияпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси анашу десак, асло янглишмаган бўламиз.

Таъкид этиш лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу – танланган йўлга ишончимиз. Бу халқнинг улуғ мақсадимизга ишонгани.

Ўз ўрнида Қуrolли Кучларимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар тарбиявий ишларни ташкиллаштириш ва ўтказишга янги, самарали ёндашувни талаб қилмоқда. Шунинг учун мавжуд бўлган тарбиявий ишлар тизими Қуrolли Кучларнинг ва уларнинг истиқболдаги ривожланиши талабларига жавоб бера оладиган бўлиши керак. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, замонавий офицер, командир ва бошлиқлар «Ҳарбий педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари», «Тарбиявий ишларни ташкиллаштириш методикаси» “Хизмат фаолиятини ахлоқий-руҳий қўллаш методологияси” каби фанлардан мукамал билимларга эга бўлишлари, тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифаларини, қонуниятларини, тамойилларини, усул ва шакллари, йўналишларини чуқур билишлари бўйсунувчи шахсий таркиб билан замонавий талаблар асосида тарбиявий ишларни ташкиллаштириш, режалаштириш ва ўтказиш имконини беради. Чунки ушбу ишларнинг барчаси ҳарбий хизматчиларни кундалик хизмат фаолиятини ахлоқий-руҳий қўллашга ва шу орқали ўқув-жанговар вазифаларни самарали бажаришга эришишга қаратилган.[2]

Ҳозирги халқаро муносабатларда ҳарбий-сиёсий ва ахборот-психологик қарама-қаршилик кучайган бир шароитда шахсий таркибга жисмоний ҳамда психологик босим ортиб боради. Ўзбекистон Республикаси миллий ҳафсизлигини таъминлаш бўйича жанговарвазифаларни муваффақиятли бажариш ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий ва руҳий имкониятларининг сафарбар этилганлигива йўналганлигига боғлиқдир.

Қуrolли тўқнашувда ҳарбий хизматчи, унинг ҳарбий-касбий тайёргарлиги ва ахлоқий-руҳий сифатлари ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан командирлар, штаблар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари фаолиятида ахлоқий-руҳий таъминот қўшилма (қисм)нинг жанговар фаолиятида алоҳида таъминот тури сифатида мутлақо муҳим ўрин эгаллайди.

Ахлоқий-руҳий таъминот қўшилма (қисм) ҳаёти ва фаолиятидаги бошқа таъминотнинг-жанговар, техник, фронт орти турлари билан чамбарчас боғлиқ. Унинг асосий хусусияти шундаки, бевосита таъсир объекти нафақат ҳарбий хизматчининг онги, иродаси ва хулқи билан белгиланади, балки у шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолати билан боғлиқдир.

Ахлоқий тайёрлик – бу ғоявий эътиқод ва ватанпарварлик асосида шаклланган, ҳарбий хизматчининг ўз қуролига ва командирлар (бошлиқлар)нинг экстремал шароитда зиммасидаги вазифаларни бажаришга муваффақият билан кириша олиш қобилиятларини характерловчи ҳарбий маҳоратига ишончидир.

Жанговар қобилият – қўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг мўлжалланишига кўра экстремал вазиятларда уларга юклатилган жанговар вазифани муваффақиятли бажаришлари учун ўз жанговар куч-қудрати (жанговар имкониятлари)ни амалга ошириш имконияти.

Рухий қобилият – бу ҳарбий хизматчининг вазифаларини муваффақиятли бажариш мақсадида юзага келган вазиятнинг мураккаб шароитларини унинг онги ва руҳиятига таъсирини мардонавор енгиб ўта олиш, ўзининг ҳарбий-касбий қобилиятларини тўла намоён қила олиш қобилиятидир.

Рухий чидамлилиқ - ҳарбий хизматчиларнинг онги ва руҳиятига мавжуд хавф-хатарларга қарши тура олиш, замонавий жангнинг экстремал шароитларида жисмоний ва ҳиссий таъсирларга бардош бериши, шунинг билан бирга ҳарбий-касбий фаолиятни самараси ва фаоллигини сақлаш қобилияти ҳисобланади.

Рухий барқарорлик – бу ҳарбий хизматчининг хавф-хатарларга қарши тура олиши, замонавий жангнинг мураккаб шароитларини унинг онги ва руҳиятига, ҳиссий ва жисмоний таъсирига чидамлилиги, шу билан бирга ҳарбий-касбий фаолиятнинг фаоллиги ва самарадорлигини сақлай олишидир.

Рухий бошқарувчанлик – бу ҳарбий хизматчининг юқори қўмондонлик (қўмондон, командир, бошлиқ)ларнинг буйруқ (директива, фармойиш, кўрсатма) ларини мос равишда англаб етиши, ўзининг ахлоқий-руҳий ҳолати ва ҳуққини уларнинг талаблари ва қарорларига мос равишда бошқара олиши, шу билан бирга оқилона ташаббускорлик ва мустақилликни намоён қила олишидир.

Ахлоқий-руҳий ҳолат даражаси қуйидаги омил ва шароитлар йиғиндиси билан аниқланади:

ҳарбий фаолиятнинг йўналганлиги: талаблар, қизиқишлар, қарашлар қиймати ва эътиқод;

ҳарбий хизматчиларнинг минтақадаги ҳарбий сиёсий вазият, мамлакатимизда ва Қуролли Кучлардаги воқеяларга муносабати;

қўшилма (қисм) нинг қўшин ва вазифаларидан белгилайдиган хизмат фаолиятининг ўзига хосликлари;

ҳарбий жамоалардаги ижтимоий-руҳий вазият;

ҳарбий хизматчиларнинг руҳий ўзига хосликлари: англаш жараёни, руҳий маълумоти, хусусияти ва ҳолати;

Ахлоқий-руҳий тайёргарлик ютуқлари энг аввало замонавий жангда қуйилган талаблар, ахлоқий-руҳий тайёргарлик субъектлари томонидан аниқ англаганлиги билан белгиланади. Барча ҳарбий хизматчилар таркибидан мустаҳкам интизом, барча коида ва йуриқномаларии аниқ бажариш учун

жавобгарликни талаб килади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2018 йил 18 мартдаги 5 - сонли директивасига 1- илова.
2. Щербакова, Т.Н. Психологическая компетентность учителя: содержание, механизмы и условия развития /Т.Н. Щербакова.— Ростов-на-Дону: Изд-во Рост.ун-та, 2005.— 320 с.
3. Самаров, Р. Ҳарбий таълим ва фанни интеграциялашуви: мудофаани таъминлаш амалиёти контекстида/ Р. Самаров, А. Қодиров. // Ҳарбий таълим ва фанда инновациялар, 2019. №3 (5). – Б.3-9.
4. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 12 мартдаги 202-сонли директивасига 1- илова (Б.53-122).
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 8 август.

MILLIY GVARDIYA HARBIY XIZMATCHILARIDA AXBOROT XURUJLARIGA QARSHI IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH

Musinov A.A.

O`R QK Akademiyasi tinglovchisi

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada Milliy Gvardiya tizimlarida xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilarni axborot xurujiga nisbatan immunitetini shakllantirishga qaratilgan masalalar keng yoritilgan.*

***Kalit soʻzlar:** Qurolli Kuchlar, Milliy Gvardiya, axborot xuruji, maqsad va omillar, immunitet, raqamli texnologiya, ekstremizm, terrorizm.*

Bugungi globallashtirish jarayonida kimki axborotga egalik qilsa, oʻsha dunyoga hukmron boʻladi, degan ibora bejiz paydo boʻlgani yoʻq. Ma'naviy tahdidga, yoshlar ongini egallashga qaratilgan axborot xurujlari avj olsa olyaptiki, aslo pasaymayapti. Mamlakatimiz bugungi kunda oʻz taraqqiyotining yangi davri, yangi bosqichiga qadam qoʻyayotgan ekan, bu sohada oʻzining yuksak maqsad va gʻoyalari asosida buyuk kelajagi sari oʻzi tanlagan strategik yoʻlidan izchil va yanada faol rivojlanishni davom ettirmoqda. Shu oʻrinda yurtimiz mudofaa sohasidagi amalga oshirilayotgan tub islohotlar milliy armiyamiz qudratini yanada mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Ayni paytda armiyamizning huquqiy asoslari takomillashtirilayotgani mamlakatimizda harbiy-siyosiy faoliyatga ustuvor ahamiyat qaratilayotganining yaqqol ifodasidir.

Bugungi kunda Qurolli Kuchlarimizning tashkiliy tuzilmasi boʻyicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar haqida soʻz yuritadigan boʻlsak, muhtaram yurtboshimiz, Qurolli Kuchlarimiz Oliy Bosh Qoʻmondoni Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan joriy yilning “Ilm-maʼrifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”¹ deb nomlanganligi hambejizga emas. Chunki

hozirgi dorilamon kunlarimizda jamiyatimiz fuqarolari, Qurolli Kuchlarimiz harbiy xizmatchilari tomonidan yangidan-yangi texnologiyalardan foydalanib kelinmoqda. Ularning bunday axborot yangiliklaridan foydalanayotgan bir davrda, ularga ham turli xavflar tahdid solayotganligini unutmasligimiz zarur. Qurolli Kuchlarimiz Oliy Bosh Qo'mondoni tomonidan Qurolli Kuchlarimiz samaradorligini yanada oshirish maqsadida, uning tarkibida Milliy gvardiya bo'linmasining tashkil etilganini alohida ta'kidlab o'tishimiz lozim. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi jamiyat va davlat xavfsizligini ta'minlash, inson huquq va erkinliklarini ro'yobga chiqarish, aholini turli terrorchilik xatarlaridan, jinoiy va boshqa noqonuniy xatti-harakatlardan himoya qilishga qaratilgan, huquqbuzarliklar profilaktikasi sohasidagi huquqni muhofaza qilish funksiyasiga ega bo'lgan maxsus qo'shin turi hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasining tashkil etilganligiga endigina 3 yildan oshgan bo'lsada, bu qisqa vaqt ichida Milliy gvardiya mamlakat xavfsizligini ta'minlash tizimidagi muhim bo'g'inga aylandi va Qurolli Kuchlar tarkibiy qismlari bilan yaqin hamkorlik o'rnatildi. Bugungi kunda Milliy gvardiya tomonidan muntazam ravishda jamoatchilik xavfsizligini ta'minlash, hamda qo'shinlar faoliyatining samaradorligini oshirishga yo'naltirilgan tizimli tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Qurolli Kuchlarimiz Oliy Bosh Qo'mondoni Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning qonunchilik tashabbusi asosida Oliy Majlis palatalari tomonidan 2018 yil 9 yanvarda tasdiqlangan va yangilangan Mudofaa doktrinasining qabul qilinishi, albatta, harbiy sohada ulkan siyosiy-huquqiy ahamiyatga ega bo'lgan jarayon bo'lgani shubhasiz. Bu yangilangan doktrina asosida ixcham, yaxshi ta'minlangan, yuksak jangovar ruhga ega bo'lgan Qurolli Kuchlarimiz harbiy xizmatchilarining malakalari muntazam ravishda yanada mustahkamlanib kelinmoqda. Ammo bugungi kunga kelib harbiy-siyosiy vaziyat keskin o'zgarib, milliy va global xavfsizlik sohasida xatar va tahdidlar tobora kuchayib bormoqda, bu Qurolli Kuchlarimizda xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilarimizni yanada takomillashtirishda puxta o'ylangan va izchil harakatlarni davom ettirishimizni talab etadi. Bugungi rivojlangan kunlarimizda harbiy sohamizdagi ba'zi bir hujjatlarning davr talablariga mos kelmasligi sohadagi qator muammolarga yechim topa olmaslik holatlariga olib kelmoqda. Biz bugun XXI asrda, ya'ni axborot texnologiyalari rivojlangan davrda yashayotgan ekanmiz, eng avvalo barcha fuqarolarimiz, Qurolli Kuchlarimiz va Milliy gvardiyamizda xizmat qilayotgan barcha harbiy xizmatchilarimizning axborot xurujlari girdobiga kirib qolmasliklari uchun ularning ma'naviy bilimlarini yanada oshirishimiz shart hisoblanadi.

Aytib o'tish kerakki, «Axborot» tushunchasi bugungi kunda global mohiyat kasb etmoqda. U inson tafakkuriga turli yo'nalishlarda tasir etkazuvchi, yaxlit insoniyat hayotini va taqdirini u yoki bu tomonga burib yuboruvchi, goh salbiy goh ijobiy mohiyat kasb etuvchi qudratli vositaga aylandi. Shuningdek axborot xuruji tushunchasi ham yo'q emas.

Axborot xuruji deganda, biz raqib ustidan axborot hukmronligiga erishish va shuning evaziga unga moddiy, mafkuraviy yoki boshqacha zarar yetkazish uchun

davlatning harbiy kuchlari, hukumati hamda xususiy tashkilotlari tomonidan amalga oshirilayotgan tadbirlar va operatsiyalar majmuasini tushunamiz. Hozir yurtimizda ham ba'zi bir qo'shtirnoq ichidagi noqonuniy tashkilotlar tomonidan milliy armiyamiz harbiy xizmatchilarining ongini zaharlash va ularni o'zimizga qarshi ishlatish g'oyasida yashamoqdalar.

Axborot xurujida *axborot quroli* deb nomlanuvchi vositalar:

- axborot massivlarini yo'q qilish, buzish yoki o'g'irlash;
- himoya tizimlarini yengish;
- qonuniy foydalanuvchilar huquqlarini cheklash;
- kompyuter tizimlarini, texnik vositalarni ishini izdan chiqarish;
- shular kabi boshqa amallarni bajaradi.
- Hozirda hujumkor axborot quroliga quyidagilarni keltirish mumkin:
- ko'payish, dasturlarga kirish, aloqa liniyalari, ma'lumot uzatish tarmog'i orqali uzatish, boshqaruv tizimini ishdan chiqarish va shu kabi boshqa qobiliyatlarga ega bo'lgan kompyuter viruslari;

Axborot xurujining maqsadi - davlat, armiya va xalq o'rtasida ishonchsizlikni, alohida shubha, ikkilanish, tartibsizlikni keltirib chiqarishdir. XXI asrdagi axborot urushlarining o'ziga xos jihati urush vositalari, uslublarining ko'payotganining takomillashganida ko'rinadi. Bu kabi urushlar internetda, ijtimoiy tarmoqlarda va messenjerlarda olib borilmoqda. Psixologlarning fikricha axborot xurujining asosiy ta'siri asosan ma'naviy qashshoq shaxslarga o'z ta'sirini o'tkazmay qolmaydi.

Hozirda mamlakatimizda jamiyatimiz o'rtasida hamda harbiy xizmatchilarimiz o'rtasida mavjud bo'lgan yoki mavjud bo'lishi mumkin bo'lgan quyidagi bir qator muammolar mavjud:

yoshlarimiz hamda ma'naviy bilim saviyasi bo'sh bo'lgan fuqarolarimizning axborot xurujlari ta'siriga osonlik bilan tushib qolishi; fuqarolarimizning va harbiy xizmatchilarimizning axborot kommunikatsiya texnologiyalari hamda internet tarmog'idan qay tartibda foydalanishni bilmasdan turib, turli oqimlarga tushib qolishi;

diniy va dunyoviy bilimlarining yetarli darajada etmasligi oqibatida, yosh avlodning turli toifadagi jinoiy guruhlariga qo'shilib qolishi.

Bugungi kunda sovuq urush garchi tugagan bo'lsada, ammo XXI asr axborot texnologiyalari asri bo'lganligi sababli axborot xurujlari ham kundan-kunga tobora avj olib bormoqda. Bugungi kunda yurtimizda ham parda ortida axborot urushi ketmoqda. Qurolli Kuchlarimiz Oliy Bosh Qo'mondoni olib borayotgan islohotlardan shuni ko'rsak bo'ladiki, yurtimizda yaqin va uzoq kelajakda mamlakatimizga nisbatan axborot urushi susaytirilmaydi, aksincha faollashadi. Chunki muhtaram yurtboshimiz har bir sohaning rivojlanishiga alohida e'tibor qaratayotganligidadir.

Axborot xurujlari ta'siriga odatda yosh harbiy xizmatchilarimiz va ma'naviy qashshoq insonlar kirib qoladilar. Shuning uchun, harbiy xizmatchilarimizning ma'naviy bilimlarini doimiy ravishda mustahkamlab borish bizning asosiy vazifamiz hisoblanadi.

Bir soʻz bilan aytganda biz axborot xurujlariga qarshi kurashishda yangicha fikrlashimiz va ishlashimiz zarurdir.

Milliy armiyani isloh etishda Qurolli Kuchlar jangovarlik qobiliyatiga faol taʼsir koʻrsatuvchi uchta asosiy omil hisobga olinadi:

Birinchi omil - Qurolli Kuchlar texnikaviy jihatdan yaxshi taʼminlangan, tarkibi kam ammo samaradorligi yuqori boʻlishi, armiya sohasidagi islohotlarimizning maʼno-mazmuni puxta tashkil etilgan, tezkor va harakatchan, yaxshi taʼminlangan, zamonaviy qurol-yarogʻ va texnika vositalariga ega boʻlgan, mahorati baland, har qanday murakkab sharoitda harakat qila oladigan armiyani shakllantirishdan iboratligi.

Ikkinchi omil - Qurolli kuchlarni isloh qilishda harbiy yutuqlar, harbiy qurilishning ilgʻor tajribalaridan foydalanildi. Qurolli jangning yangi usul va shakllari paydo boʻlgan sharoitda jangovar vazifalarni hal qilishning yanada samarali imkoniyatlarini izlash borasida faol ish olib borildi. Bunda albatta, ekstremizm va xalqaro terrorizm xuruji faollashuvi kabi yangi faktorlarga qarshi kurash ham nazarda tutildi.

Uchinchi omil - Qurolli kuchlarning qay darajada axborot xavfsizligi bilan taʼminlanganligi hisoblanadi. Chunki bugungi kunda parda ortida uchinchi jahon urushi boʻlayotganligini hammamizga yaqqol ayondir. Bu ham boʻlsa axborot urushidir.

Shuningdek, yoshlarga oid milliy qonunchiligimizga maʼnaviy tahdidlar, axborot xurujlarining oldini olishga qaratilgan zarur oʻzgartish hamda qoʻshimchalar kiritish darkor. Bu borada baʼzi bir xorij tajribalarni oʻrganish foydadan holi boʻlmaydi. Masalan, Angliyada «oʻzini tutish kodeksi» va «Xavfsiz tarmoq» mustaqil jamgʻarmasi zararli, noqonuniy axborotlar oqimini nazorat qiladi. Ayrim Yevropa davlatlarida qonun asosida nomaqbul saytlarni yopib qoʻyish yaʼni, blokirovka qilish belgilab qoʻyilgan. Xususan, Germaniyada bu masala sud qaroriga koʻra amalga oshiriladi. Rossiyada esa turli axborot xurujlariga qarshi kurashish maqsadida «Xavfsiz internet markazi» tashkil etilgan. Umuman, Yevropa Ittifoqi tomonidan bu borada bir nechta qonun hujjatlari qabul qilingan va «Xavfsiz internet» dasturi ishlab chiqilgan.

Axborot urushi – bu chegaralari belgilanmagan, axborot tizimlarining urushayotgan tomonlarning qaysi biriga taalluqliligini aniqlash imkoni boʻlmaydigan ommaviy axborot vositalari orqali strategik axborotni dushman tomonga yoʻnaltirayotganda, oʻz mamlakati aholisining ham ongini zaharlab qoʻyishi mumkin boʻlgan sharoitdagi urush hisoblanadi. Bugungi kundagi axborot urushlari koʻproq dushman tomonning ongini zaharlash va buzish, hamda oʻz xalqining ongini jipslashtirishga qaratilgan urush boʻlib bormoqda. Shundan kelib chiqib biz ham eng avvalo, Qurolli kuchlar va Milliy gvardiyamizda xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilarimizni muntazam ravishda maʼnaviy-maʼrifiy bilimlarini oshirib borishimiz, ularni zamonaviy axborot xavfidan himoyalaniishini nazorat qilishimiz zarur hisoblanadi.

Shuning uchun ham hozirgi kunda harbiy sohada axborot xavfsizligiga koʻproq eʼtibor qaratsak, bu mamlakatimizning mudofaa qobiliyatini yanada

takomillashtiradi. Bunda axborot xavfsizligining predmetlari bo'lib axborot, ma'lumot, ularni qabul qilish-uzatish jarayonlari tushuniladi.

Yuqorida keltirib o'tilgan muammolar bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri bo'lib qolmoqda. Biz bu kabi muammolarni bartaraf etishimizda, albatta, Qurolli Kuchlarimiz Oliy Bosh Qo'mondoni tomonidan olib borilayotgan islohotlarga ergashib, yoshlarimizni to'g'ri yo'lga boshlashimiz, ularning ma'naviy bilimlarini doimiy ravishda oshirib borishimiz zarur. Shuningdek, garchi Milliy gvardiya bo'linmalarida xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilarimiz orasida yuqoridagi toifaga kiruvchi shaxslar bo'lmasada, kelajakda ularning bunday axborot xurujlari ta'siriga tushib qolmasliklari uchun ularni doimiy ravishda axborot xurujlariga qarshi immunitetini shakllantirishimiz, hamda bugungi kunning eng zamonaviy texnologiyalari, ulardan foydalanish tartiblarini o'rgatib borishimiz zarur hisoblanadi. Milliy gvardiya bo'linmalarida xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilarni harbiy vatanparvarlik xislatlarini shakllantirish bilan birga, ularda vatanga bo'lgan mehr-muhabbatni anglagan holda bugungi kundagi axborot xurujlariga qarshi immunitetni shakllantirishimiz, har qanday turli ta'sirlarga qarshi tura oladigan sifatlarni yaratishimiz zarur hisoblanadi.

Xulosa sifatida, yuqorida keltirilgan fikr va mulohazalarning tahlili asosida quyidagi ta'rifni keltirishimiz mumkin. Axborot xuruji–Davlat, jamiyat va Qurolli kuchlar tarkibidagi barcha shaxslarda bir-birlariga bo'lgan ishonchsizlik, ikkilanish va shubha ostida qarash kabi tuyg'ularni shakllantirish hisoblanadi. Xavfsizlik esa – davlatning barqaror faoliyat olib borishini ta'minlash va davlat organlari tomonidan shaxs va jamiyat, mamlakatning barqaror rivojlanishi uchun huquqiy, iqtisodiy, ijtimoiy sharoitlar yaratish, hayotiy muhim milliy manfaatlarni ta'minlashda ichki va tashqi tahdidlarga ishonchli qarshi tura olish, himoyalani qobiliyatidir. Prezidentimiz tomonidan yoshlarga yuksak ishonch bildiralayotgan ekan, yoshlarimiz ongini egallashga qaratilgan har qanday xatti-harakatlarga, milliy manfaatlarimizga rahna solishga, ma'naviyatimizga tajovuz qilishga, umrimiz mazmuni bo'lgan tarixiy xotiramizni buzishga urinayotgan g'arazli kuchlarga qarshi qalbimizda ogohlik qo'ng'irog'i doimo bong urib turishi uchun biz hammamiz birgalashib bu muammoga qarshi kerashmog'imiz kerak.

Hayot tajribamdan kelib chiqib shuni ayta olamanki, biz bugun axborot xuruji avj olgan bir paytda yoshlarimiz ongini, xalqimizning ma'naviyatini, qolaversa Qurolli Kuchlarimizda xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilarimizni axborot xurujlaridan himoya qilib, ularda unga qarshi immunitet shakllantirishimiz kerak. Mamlakatimizning davlat mustaqilligi va suverenitetini mustahkamlash ustuvor vazifa sifatida aniq belgilab qo'yilgan ushbu hujjat shakli yuqoridagi keltirilgan molarning hamda axborot xurujlaridagi mavjud muammolarning yechimi bo'la oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi (www.lex.uz)// O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2018. 2-son. Yanvar. 23-modda.

2. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo`limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 1-Ж. – Т: o'zbekiston, 2017. – В.10.
3. O'zbekiston Respublikasining "Mudofaa doktrinasini to'g'risida"gi qonuni // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 10.01.2018. 03/18/458/0537-son.
4. Kamilov.M.A. Axborot xavfsizligini taminlashning huquqiy asoslari. //Milliy gvardiya harbiy texnika instituti Axborotnomasi, 2018 1-son. В.151.
5. www.mite.uz, www.tice.uz.

НАТО МАМЛАКАТЛАРИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ВА РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Мамутов Ж.Р.

ЎР ҚҚ Академияси тингловчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада НАТО мамлакатлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий ва руҳий тайёргарлигини ташкил этишининг замонавий усуллари кенг ёритилган.*

***Калит сўзлар:** Юқори руҳий тайёрлик, профессионаллик, "юқори технологиялар операциялари", "руҳий тайёргарлик йўлаклари" кучли руҳий таъсир.*

Дунёнинг етакчи мамлакатларининг ҳарбий-сиёсий раҳбарияти қуролли кучлар шахсий таркибининг маънавий ва руҳий ҳолатини сақлаш миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлардан бири деб билади.

Ҳарбий экспертларнинг фикрига кўра, шахсий таркибнинг маънавий ва руҳий ҳолатини яхшилашга ёрдам берадиган асосий омиллар қуйидагилардир:

ҳарбий-саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва уни замонавий ҳарбий-сиёсий вазият талаблари даражасида ушлаб туриш ва маълум бир мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш;

илмий ва техник ютуқлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш ва мамлакатнинг ҳарбий-саноат комплексини янада ривожлантириш; барча тоифадаги ходимларни маънавий ва руҳий тайёргарлигини кучайтириш;

штаблар ва қўшинларнинг тезкор ва жанговар тайёргарлиги жараёнларини такомиллаштириш;

ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва биринчи навбатда шахсий таркибнинг моддий қизиқишини ошириш;

ҳарбий қўмондонлик ва назорат органларининг касбий маҳоратини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.

Шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш учун НАТОга аъзо давлатлар қуролли кучлари раҳбарияти маънавий ва руҳий тайёргарликдан фойдаланади. Шу билан бирга, қуйидаги вазифалар қўйилади:

- жанговар ва лагер ҳаётидаги қийинчиликларни муваффақиятли энгишга қодир бўлган жисмоний бардошли ва психологик барқарор ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш;

- жанг майдонида экстремал шароитларда ишлашга имкон берадиган барқарор профессионал жанговар кўникмаларни ривожлантириш;
- ҳарбий ҳаракатлар давомида муваффақиятга эришишга қодир кучли душманга қарши курашишга руҳий тайёрликни шакллантириш;
- бўлинмалар ва бўлинмалар, жанговар бригадалар ва экипажларнинг ижтимоий-психологик бирдамлигини таъминлаш.

АҚШда улар жанговар ва жисмоний тайёргарлик пайтида, қоида тариқасида, махсус ўқув марказлари ва машғулот майдонларида ахлоқий ва руҳий тайёргарлик билан шуғулланишади. Буюк Британияда танлов асосида ва бошланғич ҳарбий-касбий тайёргарлик жараёнида унга алоҳида эътибор берилади. Германияда бирликлар ва бўлинмаларнинг жанговар шаклланиши даври маънавий ва руҳий тайёргарлик учун энг қулай давр ҳисобланади.

НАТО ҳарбий хизматчиларининг маънавий ва психологик тайёргарлиги босқичма-босқич амалга оширилади.

Дастлабки босқичида, психотерапия бир хил бўлиб ўтди. Бу шуни англатадики, ўқув жараёнида улар ҳарбий хизматчиларда салбий руҳий ҳолатларга олиб келадиган шарт-шароитларни яратадилар. Жангга яқин бўлган вазиятда, ёш аскар ўз қобилятига бўлган ишончни йўқотади, бефарқлик ёки тушкунликка тушади, қўрқув ҳисси бор. Натижада, у овқатдан бош тортиши, уйкусини йўқотиши, ўз вазифаларини унутиши, интизомий ҳукуқбузарлик қилиши мумкин.

Бироқ, машғулотлар давомида буларнинг барчаси катта хавф туғдирмайди. Аскарларга қўрқувни бостиришга, бефарқликни, бошқа салбий ҳис-туйғуларни ва ҳиссиётларни энгишга, улардаги оддий ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга ўргатилади. Психотерапия орқали ҳарбий хизматчилар салбий руҳий ҳолатларнинг ташқи намоён бўлишини тўхтатиш қобилятини ривожлантирадилар, аммо ҳозиргача улардан қутулиш имкони йўқ. Психологик уруш мутахассислари, қоида тариқасида, бунга эътиборни қаратиб, душман кучларининг шахсий таркибига таъсир ўтказмоқдалар.

Ахлоқий ва психологик тайёргарликнинг иккинчи босқичи психологик рағбатлантириш чораларини ўз ичига олади. Унинг моҳияти ҳарбий хизматчиларни жанговар шароитларда ўз касбий вазифаларини ишончли бажаришга ўргатишдир. Шу мақсадда, жанговар тайёргарлик жараёнида уларга жисмоний, руҳий ва ахлоқий жараёнлар таъсир қилади. Бундай шароитда инструкторлар шахсий ёрдамга келиши, ҳарбий психикани нормал ҳолатга келтириши керак. Уларнинг асосий вазифаси бўйсунувчиларни юқори буйруқ буйруқларидан хабардор бўлишга ва нима бўлишидан қатъий назар уларни бажаришга ўргатишдир.

Психотерапия ва психостимуляция илгари ҳарбий хизматчиларни ахлоқий ва психологик тайёргарлигининг муҳим элементлари ҳисобланмаган ва мафкуравий ва сиёсий маърифатга кўпроқ эътибор берилган. Сўнгги йилларда вазият тубдан ўзгарди. НАТО мамлакатларининг ҳарбий экспертлари Британия Куролли Кучлари, Афғонистондаги Совет қўшинлари

ва АҚШнинг Ироқдаги жанглари таҳлил қилиб, аскарлар ва офицерларнинг психикасини иложи борица яқин атроф-муҳитда мақсадли равишда қаттиқлаштириш зарурлигига амин бўлишди.

Бугунги кунда улар қуйидаги тушунчага амал қилмоқдалар:

аскар ўқишни муваффақиятли бажара оладиган бўлса, у ҳақиқий урушда омон қолади;

барча психологик фазилатлардан, аввало, ишонч ҳиссини шакллантириш керак;

психотерапия ва психостимуляция усуллари ва техникаси хилма-хил бўлиши керак.

Қўплаб ахлоқий ва психологик фазилатлар физиологик чидамлилиқ ва ҳарбий хизматчилар танасининг қаттиқлашиши билан белгиланади. Шу сабабли аскар ва офицерларнинг спорт машғулотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг ҳарбий-амалий аҳамияти нафақат жисмоний куч, чаққонлик, чидамлилиқ, балки ўзига ишонч ва ўзига ишончни ривожлантиришдан иборат. Ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва руҳий хусусиятларини яхшилаш учун НАТО армиялари психологлари тез-тез сигналларни, узоқ масофали юришни (60-90 км), ёмон об-ҳавода алоҳида аскарларнинг ва бутун бўлинмаларнинг ҳаракатларини машқ қилишни тавсия этадилар. Бундан ташқари, қўшинларда махсус шароитлар сунъий равишда яратилган бўлиб, уларда аскарлар очликни энгиб, ташқи дунёдан узоқ вақт изоляция қилинган пайтда онгни сақлаб турадилар ва қийин иқлим шароитида ҳаракат қиладилар.

НАТО мамлакатларида Арктикада (Канада, Норвегия), чўлда (АҚШ, Миср), тоғларда (АҚШ, Туркия) ва тропикада махсус ўқув марказлари ва лагерлар мавжуд. Ушбу ўқув марказларида ҳарбий хизматчилар жанговар вазиятда қатъий ва ишончли ҳаракат қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган махсус дастурларда қатнашадилар. Масалан, иккита одатий машқларни санаб ўтиш мумкин:

1. Ўқитувчининг буйруғи билан аскар қоронғи хонага киради ва ёруғлик нурига амал қилиб, унинг ичига кириб боради. Турли томондан, унга механик чандиқлар қичкиради ва бу талаба найза ва таёқ билан уриш керак бўлган хужум қилувчи душманни кўрсатади. "Ҳужум" зарбалар, немислар, чет элдаги жамоалар билан бирга келади.

2. Ўқитиш машғулотларида хандақдаги аскарлардан 50-70 м масофада улар ўқ билан нишонга тегиши керак бўлган милтиқларни ўққа тутишлари керак. Катакчалар атрофида ҳақиқий ўқлар 1 м дан ошмайдиган баландликда хуштак чалади ёки ҳақиқий чиғаноқларнинг қирғин элементлари олиб кетилмоқда.

Бундай машқлар сизга ҳақиқий жангда юз берадиган руҳий ҳолатни бошдан кечиришга имкон беради. Жисмоний машқдан тортиб машқгача бўлган тажрибалар доираси кенгаймоқда. Жанг майдонини табиий равишда кўпайтириш бунга кўп жиҳатдан ёрдам беради, бунинг учун машғулот майдончалари ва ўқув майдончалари жиҳозланган. Ҳарбий психологлarning

фикрига кўра, замонавий ўқув майдончаси маънос кўринишга эга бўлиши, аскарлар ва офицерлар орасида тажовузни келтириб чиқариши керак, ҳамма жойда вайронагарчилик тасвирлари бўлиши керак. Ахлоқий ва психологик тайёргарликни ўқ узиш, портлашлар, ярадорларнинг ноласи билан бирга олиб бориш керак. Машғулот майдонидаги бундай вазият ҳарбий соҳада содир бўлаётган воқеаларга бефарқ қарашни ривожлантиради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мақсадли ва самарали бўлиши учун унинг назорати остида бўлган НАТО мамлакатлари армияларида махсус идоралар ташкил этилган. Ушбу органлар вакиллари, шунингдек, офицер ва сержантларни бундай ўқитиш шакллари ва усуллари бўйича ўқитадилар.

Барқарор ахлоқий ва психологик ҳолатни сақлаб қолиш учун, НАТО мамлакатлари раҳбарияти ҳарбий хизматга ижобий таъсир кўрсатиш воситаси сифатида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланади. Мухбирлар пули деб аталадиган тажриба, турли хил ҳарбий воқеаларга жамоатчиликнинг ижобий нуқтаи назарини шакллантирадиган фуқаро журналистларнинг тор доираси кизиқиш уйғотади. Бундай журналистик пуллар нафақат маълумот бериш, балки стратегик ниқоб манфаати учун дунё жамоатчилигини нотўғри маълумот олишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда НАТО мамлакатлари Қуролли Кучлари кўшимча равишда "21-аср шахсий хизматчиларининг маънавий ва психологик фазилатларини шакллантириш" дастурини ишлаб чиқдилар, унда чақирилувчилар учун асосий талаблар: юқори разведка, жисмоний куч ва Қуролли Кучларда хизмат қилиш учун кучли мотивация мавжуд. Ушбу фазилатларнинг кейинги ривожланиши хизматдан қониқишни ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитлари ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳисобига кутилмоқда. Ушбу ҳужжат маънавий-руҳий ва ахлоқий-меъёрларни уларнинг онгида амалда қўллаш механизмини ишлаб чиқди. Ушбу ёндашув, моддий рағбатлантириш принципи билан биргаликда, ҳарбий хизматчилар онги ва руҳиятига самарали таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, НАТО мамлакатларининг замонавий армияларидаги маънавий ва руҳий тайёргарлиги тайёргарлигини этарли даражада таъминлайди. Шу билан бирга, ҳамма ҳарбий хизматчилар ёки тўлиқ таркибда эмас, балки ҳар кунги жанговар машғулотларида қатнашадилар. Шу муносабат билан, психологик уруш мутахассисларининг асосий вазифаларидан бири аниқ душман бўлинмалари шахсий таркибининг ҳақиқий маънавий ва психологик ҳолатини аниқлашдир. Бинобарин, асосий психологик зарбани муайян ҳолатлар туфайли жанговар шароитларга энг кам мослаштирилган қисмларга этказиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Беленки Г.С. Жанг майдонидаги стресс: Исроил тажрибаси // Ҳарбий шарҳ. 1985. №7.
2. Бурке Ж. Минд ядрога қарши кураш // Замонавий хорижий ҳарбий психология. С. 262-270.

З. Габриел Р.А. Бошқа қаҳрамонлар йўқ. Урушдаги руҳий касалликлар ва ҳарбий психиатрия муаммолари. Нью-Йорк, 1988.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ОШИРИШДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ

Умаров Ш.У.

ЎР ҚҚ Академияси тингловчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилган кенг қўлланми ислохотлар самарасида замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, пухта тайёргарликка эга, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишига қодир миллий армиямиз шакллانганлиги кенг ёритилган*

***Калит сўзлар:** ватанпарварлик, мардлик, қасамёд, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик қарашлари, кечинмалар.*

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимизнинг бош комуси ҳисобланиб, жамиятда халқ манфаатлари йўлида ўтказилаётган ислохотларни ривожлантиришга имкон берадиган ҳуқуқий асосларни яратди. У инсон ҳуқуқларини, барқарорликни кафолатлайди. Демократик жамиятда инсон биринчи даражали масала эканлиги эътиборга олинаб, Конституцияда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари масаласига алоҳида аҳамият берилади.

Конституция Ўзбекистон Республикаси барча фуқоролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ҳамда ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканлигига алоҳида урғу берилади. Бу ўринда «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги меъёрларни ўзида мужассамлаштирган.

Ҳарбий хизматчилар ахлоқи - ватанпарварлик, мардлик, энг замонавий жанг қуроллари ва воситаларини билиш, ҳар қандай шароитда қўллай олиш, жанговар ўртоқлик қоидаларига содиқ бўлиб, жанг майдонларини ташлаб кетмаслик, Ҳарбий қасамёдга содиқ қолиб, ҳарбий бурчни ҳаётининг сўнгги дақиқаларига қадар бажариш каби хусусияти билан ажралиб туради [1].

Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий қоидалари ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомларда ўз ифодасини топган. Ҳарбий хизматчилар ахлоқининг жамият ривожига тутган ўрни мазкур мамлакат аҳолисининг тинч-тотув яшашлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш, яъни уларни ташқи хавф-хатар - душман тажовузидан ҳимоя қилиш билан белгиланади. Ҳарбий хизматчилар ахлоқи мураккаб тузилишга эга бўлиб, ахлоқий онг, ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатлардан ташкил топган уч қисмдан иборат.

Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий онги - хизмат жамоаларининг манфаатларига мос келувчи ахлоқий тушунча, қараш, ишонч, туйғу каби хиссиётлар тизимидан иборат бўлиб, бу уларнинг жамиятдаги, кундалик турмушдаги, хизмат фаолиятидаги хатти-ҳаракатлари, хис-туйғулари ва одатларида, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик қарашлари, кечинмалари шаклида намоён бўлади. Яъни, улар ватанга бўлган муҳаббат, ватанпарварлик, бурчга садоқат, жамият олдида масъуллик, миллий ифтихор, виждон, ор-номус, қадр-қиммат, ғурур, эзгуликка интилиш, ғамхўрлик, самимият хиссиётларидир.

Ахлоқий амалиёт — кундалик фаолиятда аниқ бир мақсаддан кўзланган тегишли воситалар, инсонийликка мос келувчи ишонч, ўзаро ҳурмат, ҳушмуомалалик, самимият, кун тартибига қатъий риоя қилиш, командир ва бошлиқлар буйруқларини ўз вақтида бажариш ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади. Ахлоқий муносабатлар - ҳарбий жамоалар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида амал қилинадиган қонунлар, низомлар ва буйруқларда ўз ифодасини топган ахлоқий меъёрлар билан чегараланган алоқалар ва таъсирларда намоён бўлади. Ахлоқий муносабатлар бошлиқлар ва бўйсунувчилар, катталар ва кичиклар, хизмат лавозимлари ва унвонлари тенг бўлган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва мулоқотлардан ташкил топади. Ахлоқий кодекслар, қоидалар ва меъёрларнинг келиб чиқиш тарихига назар ташласак, касбий ахлоқлар тизими борлигининг гувоҳи бўламиз.

Касбий ахлоқий меъёрлар заминида касбнинг ижтимоий-иқтисодий келиб чиқишига қараб, унинг шароитлари, низом ва қоидалари ҳамда жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти мужассамланган. Касбий ахлоқ умуминсоний меъёрлар билан чамбарчас боғлиқдир. Унда умуминсоний ахлоқ меъёрлари ва қоидаларига таянган ҳолда инсонларнинг турли ижтимоий соҳалардаги фаолияти намоён бўлади. Шунинг учун ҳам касбий ахлоқ умуминсоний меъёрларга қўшимча талаблар қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларида Ҳарбий хизмат ахлоқи халқимизнинг ўн минг йилликлар давомида тўплаган урф-одатлари, анъаналари, ахлоқий меъёрларига таянган ҳолда ҳарбий хизматни ташкил қилиш ва ўташ жараёнларида ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий тарбияси шаклланади. Ҳарбий хизматчининг Ватанга муҳаббати, маънавий масъулияти, ор-номуси, ғурури ва бошқа жихатлари касбий фаолиятнинг шарт-шароитлари, ташкил қилиниши, ҳуқуқий асослари ва йўл-йўриғини белгилаб беради ҳамда кундалик фаолияти жараёнида аниқ ва яққол кўзга ташланади.

Касбий ахлоқнинг ижтимоий вазифаси- ҳарбий бурч ва мажбуриятларни бажаришнинг маънавий-ахлоқий шароитини яратишдир. Ҳарбий хизматни ташкил қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномаларида бошқа умуминсоний ахлоқий талаблардан фарқли ўлароқ мутахассис учун махсус аниқ талаблар қўйилади. Шу билан бирга, ахлоқий меъёрлар бир тизимга келтирилиб, қонун, низом, буйруқ ва кўрсатмаларда қатъий белгилаб қўйилади. Ҳарбий хизматнинг вазифалари, умуминсоний ахлоқий меъёрларнинг талаблари ҳарбий хизматчилар фаолиятининг ўзига хос

кўриниши бўлиб, касбий эҳтиёжларни тўлдиради ҳамда анъана, маросим ва кўникмалар, ҳарбий хизматга боғлиқ ички ва ташқи фазилатлар, кишининг ўзига хос хусусиятларида намоён бўлади.

Ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, ботирлик, қатъиятлилиқ, инсонпарварлик ҳарбийларга хос хусусиятлардир. Ундан ташқари, қонунлар, буйруқлар, Ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомлар талаблари ҳарбий хизматчилар ахлоқий тарбияси шаклланишида катта аҳамият касб этади. Шунингдек, кундалиқ хизмат фаолиятини ташкил этиш, хизматни ўташ, жанговар ва дала машғулоти, жанговар навбатчилиқ каби ҳарбий хизматга хос бўлган жараёнлар ҳам асосий ўрин эгаллайди. Шахснинг одоб-ахлоқи, тарбияси ва фазилатлари унинг ахлоқий маданиятини кўрсатади. Ҳарбий ахлоқ ҳарбий жамоалардаги маънавий-руҳий ўзгаришларда, ижтимоий муносабатлар жараёнида, ўзаро низомий муносабатларда шаклланиб боради.

Қуролли Кучларимиз ҳарбий хизматчилари ўз ахлоқини ўзбек халқининг маънавий мероси ва қадриятлари, дўстлик, ўртоқлик, инсонпарварлик, ахлоқий теранлик, мардлик, самимийлик, инсофлилиқ, диёнатлилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик, ор-номус, поклик, вазминлик, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, ўтмишга ҳурмат, иймонлилиқ ва бошқа ахлоқий фазилатлари билан бойитиб боришади. Шунинг хулоса қилиб айтиш жоизки ҳарбий хизмат бошқа касблардан ўзининг вазифаларидан келиб чиққан жиҳатлари билан ажралиб туради.

Яъни, қонун-қоидалар, қатъий хизмат тартиби, буйруқ бериш ва бажариш, ватанпарвар бўлиш каби омилларга таянади. Шундай экан, уларнинг шарафли ва муқаддас бурчлари ҳарбий хизматчилар олдида алоҳида ахлоқий талаблар қўяди. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварлик каби Ватан Ҳимоячисига хос бўлган ахлоқий меъёрларни шакллантиришни тақозо этади ва ҳарбий хизматчиларнинг хизмати жараёнида такомиллашиб боради.

Шу билан бирга, қаҳрамонлик, мардлик, жасурлик, ботирлик, ўзаро кўмакдошлиқ каби хусусиятлар ҳам ҳарбий хизматчиларга хосдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ziyomhammadov B. Ma'rifat asoslari. -Toshkent, 1998.
2. Soliyev F. Muloqot psixologiyasi. Ma'ruzalar matni. -FarDU, 2008.
3. Ergashev I.. o'zbekistonda demokratik jamiyat qurish nazariyasi va amaliyoti. Toshkent, 2005.
4. Rustamov I. o'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini o'rganish./ Uslubiy ko'rsatma. TATU, 2016.
5. Sotiboldiyev A. Harbiy pedagogika./ o'quvqo'llanma. T, 2004.
6. Umarov E., Abdullayev M. Ma'naviyatasoslari. /o'quv qo'llanma. T., 2005.

УЧУВЧИСИЗ УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ҳаджиев С. Н.

ЎР ҚК Академияси Ҳарбий хавфсизлик ва давлат
мудофааси факультети 2 босқич тинловчиси

Аннотация: Мақолада учувчисиз учуш аппаратларини пайдо бўлишининг тарихий негизи, ҳозирги кунда чет эл қуроли кучларида тутган ўрни ва яқин келажакдаги ривожланиши тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Учувчисиз учуш аппарати, Sims-Edison Electric Torpedo, Siemens & Halske, QueenBee, ФАУ-1, ФАУ-2, Rayan 147А, Rayan 147Б, Wing Loong-1, Raven.

Бугунги дунё тараққиётининг ўзига хос хусусияти – бу технологияларни жадал ривожлантириш ва инсон ҳаётини сезиларли даражада енгиллаштирадиган техник янгиликлар доирасини кенгайтиришдир. Бу тўғридан-тўғри робототехника ва ҳар хил турдаги ускуналарни автоматлаштиришга таалуқлидир. Ушбу соҳаларда бири аэроавтика бўлиб, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учувчисиз учуш аппаратларини (УУА) яратиш ғоясини келтириб чиқарди. Дастлаб уларни яратиш ва улардан фойдаланиш тарихи ҳарбий мақсадлар билан боғлиқ бўлган [3].

Австрия армияси 1849 йил 22 августда Венецияни ҳаводан бомбордимон қилиш учун соат механизмлари ёрдамида бошқарилувчи учувчисиз учадиган ҳаво шарларидан фойдаланган. Аммо у масофадан бошқарилмаган. Масофадан бошқариладиган техникаларнинг пайдо бўлишига электр энергиясини ва радиотехникасининг ихтиро этилишига тўртки бўлди. 1892 йилда Sims-Edison Electric Torpedo компанияси симли бошқариладиган кемага қарши тарпедани тақдим этди [4].

Биринчи марта радио орқали бошқариладиган объектларнинг ғоясини таниқли муҳандис ихтирочи Никола Тесла амалга оширди. У 1889 йилда биринчи радио бошқариладиган кемани оммага намойиш этди. Кейинги ташаббус 1910 йилда инглиз ҳарбий муҳандис С.Кеттеринг томонидан тақлиф қилинган учувчисиз самолётлари бўлди. 1917 йилга келиб унинг тақлифлари ва ғоялари асосида радио тўлқин орқали бошқариладиган УУАларига авиация бомбаларини ўрнатган ҳолда яратишга эришдилар [5].

Биринчи жаҳон уруши йилларида иштирокчи мамлакатлар учувчисиз самолётлар билан фаол тажрибалар ўтказдилар. 1914 йил ноябрда Германия самолётда ҳам ўрнатилиши мумкин бўлган масофадан бошқариш тизимини ишлаб чиқишни буюрди. Лойиҳани Жена университети профессори Макс Уин бошқарган ва Siemens & Halske асосий таъминотчисига айланган. Бир йилга яқин бўлган синовлар давомида Уин денгиз флотидида амалий фойдаланиш учун мос технологияни ишлаб чиқишга мувоффақ бўлди, аммо мураккаб радио электрон вазият шароитида ишончли эмас эди, шунингдек, ҳаводан бомбордимон қилиш учун етарлича аниқ эмас эди. Siemens & Halske ўзининг авиация тажрибаларини давом эттирдилар ва 1915-1918 йилларда 100 км масофадан бошқариладиган 100

кг гача бўлган бомба кўтаришга қодир учувчисиз самолётлар яратишга эришди. Кейинчалик, Siemens & Halske ишланмалари асосида Mannesmann-MULAG томонидан “The Bat” (*Герман Фледермаус*) лойиҳасининг радио бошқариладиган бомбардимон УУА яратилган. Ушбу қайта фойдаланиладиган УУА 200 км масофани босиб ўтадиган ва 150 кг гача бўлган юкни кўтара оладиган бўлган [4].

Шунга ўхшаш УУАларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишнинг бошланиши 1933 йил деб ҳисобланади. Бунда инглиз муҳандислари қайта иглатилиши мумкин бўлган радио боқариладиган самолётни яратдилар. У Фарий Қуин томонидан 1943 йилгача такомиллаштирилган. Ушбу УУА *H82B* бўлиб, (1933-1943) масофадан бошқариладиган биринчи УУА бўлган. Иккинчи жаҳон уруши даврида кўплаб мамлакатларда радио бошқариладиган снарядлар яратилди. Германияда ФАУ-1 ва ФАУ-2, СССРда оғир бомбадимончи ТБ-3 кўприкларни портлатиш учун учувчисиз восита сифатида муваффақиятли ишлатилган. Урушдан кейин Америка Қўшма Штатларда (АҚШ) кўплаб ҳар хил дронлар яратилди, аммо ҳарбий ва фуқаролик мақсадларда кенг қўлланилиши фақат янги асрнинг бошларида бошланди. Ҳарбий УУАлари ғояси бугунги кунда нафақат ҳарбий йўналишлар учун, балки ҳаётнинг кўплаб соҳаларида, масалан, журналистика, спорт, нефт саноати, қишлоқ хўжалиги, экологик хизмат, қутқарув хизмати, тиббиёт ва бошқаларда ишлатилади [4].

1950 йилларнинг бошларида АҚШ денгиз кучлари Шимолий Кореядаги стратегик мақсадларни бомбардимон қилиш учун олти Ф6Ф-5К Ҳеллсат УУА парвозидан фойдаланиш режалаштирилган, аммо самарадорлиги пастлиги сабабли лойиҳа бекор қилинган. 1950 йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўнлаб Rayan Firebee реактив самолётлар учувчиларини тайёрлаш учун учувчисиз нишон сифатида ишлатилган. 1950 йилларнинг охирларида АҚШ армиясининг тадқиқот бошлиғи идораси тактик разведка самолётларини ишлаб чиқиш дастурини молиялаштирди, унда учта турдаги транспорт воситалари синовдан ўтказилди [4].

1960 йилда АҚШнинг У-2 разведка самолёти СССР ҳудудида уриб туширилди ва унинг учувчиси қўлга олинди. Ушбу ҳодисанинг сиёсий оқибатлари, шунингдек, Совет Иттифоқи чегаралари яқинида узоқ масофага разведка қилувчи РБ-47 самолётининг тутилиши ва Кубанинг ракета инқироzi пайтида У-2 нинг йўқолиши АҚШ раҳбариятини разведка самолётларини ишлаб чиқаришга қўшимча эътибор беришга мажбур қилди ва Firebee мақсадли конвертация дастури қайта тикланди. Натижада ХХI аср бошларига қадар турли хил модификацияларда ишлаб чиқарилган Rayan 147А ва Rayan 147Б модели учувчисиз разведка самолётлари пайдо бўлди [4].

Худди шу тарзда, СССРда Ла-17 учиш аппарати асосида Ла-17Р учувчисиз разведка самолёти яратилди. У 1963 йилда биринчи парвозини амалга оширди, аммо машҳурликка эриша олмаган. Ту-121 моделининг биринчи учурилиши 1960 йил 25 августда амалга оширилди. Шундан сўнг Ту-123 учувчисиз разведка самолёти яратилди. Кейинчалик 1970 йилларда

Ту-141 ва Ту-143, 1980 йилларда Ту-243 ва 2000 йилларда Ту-300 такомиллаштирилиб чиқарилди [4].

УУА собиқ Югославия, Косово (1999), Афғонистон (2001) ва Ироқ (2003) можароларида БМТ кучлари томонидан тинчликпарварлик операцияларида муваффақиятли ишлатилди. Технологияларнинг ривожланиши, жанговар тажрибанинг тўпланиши ва НАТО мамлакатлари олий қўмондонлигининг жанговар ҳаракатларда УУА дан фойдаланишга бўлган муносабатнинг ўзгариши аста-секин УУАларини уруш олдига олиб чиқди [4].

Суриядаги ҳарбий ҳаракатлар, ички можарога айланиб кетган пайтдан бошланиб, ҳар хил турдаги ва синфдаги УУА лари фаол фойдаланилган ва фойдаланишда давом этиб келмоқдалар.

Бу ерда турли хил давлатлар тамонидан УУА лари фойдаланилган. Булар: тўғридан-тўғри Сурия Араб Республикаси куролли кучлари; Россия куролли кучлари ва Эрон Исломий инқилоб гвардияси кўрпуси (ЭИИГК)нинг бўлинмалари; АҚШ бошчилигидаги коалиция кучлари; Исроил мудофаа кучлари ва Туркия куролли кучлари; Ироқ ва Шом ислом давлати (ИШИД) деб номланувчи террористик гуруҳларининг жангарилари.

Сурия ҳарбийлари тамонидан Россиянинг “Элерон-3 СВ” УУА лари ишлатилиб келинмоқда, бундан ташқари Эрон тамонидан ишлаб чиқарилган Маҳажер-2 ҳам ҳарбий ҳаракатларда бир неча бор разведка ишларини олиб борганлиги кузатилган. Бевосита Сурия ҳудудида фаол жанговар ҳаракатлар олиб бораётган ва азалий иттифочиси ҳисобланган Россия Куролли Кучлари томонидан УУА ларини кенг қўламда қўллаш ишлари амалга оширилди. 2016 йил феврал ойида Россия куролли кучлари тамонидан Сурия ҳудудида 70 га яқин УУА лари жойлаштирилган ва ҳаракатлар олиб борган, улар асосан “Элерон-3 СВ” ва “Орлан-10”, шунингдек, “Оутпостлар” фойдаланилган. Россиянинг УУА ларининг жановар ҳаракатлардаги бажарган асосий вазифаси ўта муҳим душман объектларини разведка қилиш, йўл қўйилган камчиликларни ўрганиш, артиллерия оловларини созлашдан иборат бўлган. Суриядаги бўлган деярли бутун вақт давомида ЭИИГК бўлинмалари УУАлардан фойдаланган. Фойдаланилган УУАлари деярли разведкачи УУАлари ҳисобланади.

Сурия ҳудудида Исроил давлати кўп мақсадли Ҳермес-900 УУА ни қўллаган, Ҳермес-900 ҳудуд бўйлаб разведка ишларини олиб бориб, аниқ нишонларга зарбалар беришган. 2019 йилларга келиб Исроил Суриядаги ҳаракатларини фаоллаштириб, иккита Панцир ва 9К33 Оса мажмуасини яқсон қилган.

Тасаввур қилиб кўрайлик, **келажакдаги куролли можаролар** қайси кўринишда бўлиши мумкин, унда УУАлари қандай ўрин тутаетди? Инсоният яралганидан бошлайдиган бўлсак, бир-бирларига ҳукмини ўтказиш учун даставвал муштлашиш, кейинчалик тошлар, таёқлар, дублға, ханжар ва ўқ-ёйлар ўйлаб топилди. Замон ривожланиб борарди, илм-фанда эришилган ютуқлар натижасида ҳарбий соҳада ўқ-отар куроллар, авиация, зенит,

артиллерия ҳамда атом бомбалар яратилди. Бу эса ўз навбатида кўплаб инсонларни бесабаб қонлари тўкилишига олиб келди.

Ҳозирги замон тараққиётидаги ҳарбий можаролар ва маҳаллий урушларда шахсий таркиб талофатини қисқартириш, вақтдан ютиш, ташаббусни зудлик билан қўлга олиш, ҳамда энг асосийси инсон ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида УУАлари яратилди.

Ҳар бир яратилган қуролга қарши қуролнинг яратилиши ва унга қарши курашлар бўлиши дунёда қуролланиш пойгасини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Узоқ масофадан уруш олиб боришнинг энг сўнги намунасига УУА мисол бўла олади. Радиоэлектрон вазиятнинг мураккаблашиши УУА ини бошқаришни издан чиқаришга йўналтирилади. Табиийки масофадан бошқариш йўқолгандан кейин УУА ларига сунъий интеллект ўрнатишни талаб этади. Кейинги урушларда сунъий интеллектга эга роботлар, УУА лари, робототехникалар иштирок этиши, шахсий таркибнинг эса сезиларли қисқаришини тахмин этишимиз мумкин. Қисқарган шахсий таркибдан қолган ҳарбий хизматчилар кенг дунёқарашли, инфармацион технологияларни мукамал билган, электроника ва микро электроника соҳаларини яхши ўзлаштирган дастурчилар бўлиши мумкин. Келажак жангларда ғалабани фақатгина иқтисодий ва илмий салоҳияти юқори ривожланган давлатлар қуролли кучлари эришишини фахм этишимиз мумкин.

Тарихдаги ва ҳозирги кунги қуролли тўқнашувлардан келиб чиқиб қуйидаги йўналишларда ишлар ва кадрлар тайёрлашни ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида УУАларини қўллаш бўйича мутахассисларни тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш ва такомиллаштириш;

Мутахассисларни саралашда яратувчанлик қобилиятига эга иқтидорли шахсий таркибни ажратиб олиш ва УУА лари, робот, робототехникаларни миллий вариантларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш;

УУА ларини, робот, робототехникаларни ишлашиши ва уларни бошқаришни таъминловчи дастурларни яратиш учун дастурчиларни тайёрлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Уринов, Ф.С. Беспилотные летательные аппараты / Ф.С. Уринов, Ф.Е. Слямбаев // Беспилотные летательные аппараты. Перспективные средства ПВО применяемые для борьбы с БПЛА в современных войнах и вооруженных конфликтах. Т., 2017. – Б. 5-6.
2. Батиров, Д.Б. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучларининг мўлжалланилиши, ташкилий-штат тузилмаси ва жанговар вазифалари / Д.Б. Батиров, Ш.А. Қамбаров // Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучлари авиация бўлинмаларини жанговар қўлланиши асослари. Т., 2019. – Б. 9.
3. Коннова, Л.А. Об истории беспилотных летательных аппаратов и перспективах их использования в практике спасательных работ [Электрон манба].- Режим доступа: <https://russiandrone.ru/publications>. (мурожаат санаси 28.08.2020).

4. Беспилотный летательный аппарат [Электрон манба].- Режим доступа: <https://ru.wikipedia.org/wiki/>.(мурожаат санаси: 08.09.2020).

5. История беспилотных летательных аппаратов (БПЛА) [Электрон манба] / История развития беспилотных летательных аппаратов. Режим доступа: <https://www.sciencedebate2008.com/>.- (мурожаат санаси 14.09.2020).

“ОНАМ АЛЛАСИДАЙ СУЮКСАН ТИЛИМ, АБАДУЛ-АБАД БУЮКСАН ТИЛИМ!”

Муродиллаева М. У.

ЎР ҚК Академияси Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Эшовов Ж. Қ.

ЎР ҚК Академияси 4-курс курсанти

Йўлдошев Д. И.

ЎР ҚК Академияси 4-курс курсанти

***Аннотация:** Мазкур мақолада маънавий қадриятимиз ва миллатимиз гурури бўлган ўзбек тилининг мавқеи, унинг равнақи учун юртимизда олиб борилаётган амалий ишлар, дунё тиллари, ёшларнинг она тилимиз келажаги учун қилиниши лозим бўлган вазифалари ҳақида фикр мулоҳазалар келтирилган.*

***Калит сўзлар:** миллат, тил равнақи, қонунлар, дунё тиллари, урф-одат, давлат тили, қатъиятлик.*

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, тили, маданияти ва қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Тарихимизга назар ташласак, улуғ мутафаккир шоир ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзбек халқи маънавий дунёси, тилининг шаклланиб ривож топишида хизматлари бекиёс бўлганлигига амин бўламиз. “*Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз*” деган пурмаъно сўзларининг маъзани англаш билан бирга, унинг бебаҳо асарлари орқали она тилимизнинг бекиёс бойлиги, унинг буюклигини англаб етамиз. Алишер Навоий ижоди ва фаолияти барча авлодларга юксак намуна. Она тилимиз мавқеи ва бойлиги ҳақида гап кетганда, албатта машҳур тилшунос Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини тилга олиш жоиздир. Буюк мутафаккир “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида муҳим бир муаммо хусусида шундай ёзади: “ ... халқ орасидан чиққан истеъдод аҳли салоҳият ва қобилиятларини ўз тиллари турганда ўзга тил билан зоҳир қилмасалар ва ишга солмасалар эди. Агар иккала тилда ижод этиш қобилиятлари бўлса, ўз тилларида кўпроқ ёзсалар эди ...”. Навоий ўзининг мана шундай теран ва маслаҳатомуз қарашлари билан нафақат ўз даврининг олиму уламолари, шоиру мусанаффисларини балки бизни ҳам уйғотиб, ҳақиқий миллатпарвар шоир сифатида ўзбек тили ва адабиётимизнинг нечоғлик бой, ранг-баранглиги ва чексиз имкониятларини бутун ижоди ва серқирра фаолияти билан исботлаб, унинг нуфузини жаҳон миқёсига олиб чиқади.

Ҳар бир миллатнинг энг қадрли бойлиги, унинг маънавий қиёфаси, маданияти, ички дунёсини акс эттирувчи муҳим восита бу унинг тилидир. Тилнинг мустақимлигини, умрбоқийлигини унда сўзловчиларнинг миллий ғурури, куч-қудрати, адабиёти ва санъати белгилайди, десак хато бўлмайди.

Тарихга назар ташласак, асрлар, даврлар ўтиши билан кўплаб тиллар истеъмолдан чиқиб, «ўлик тил»га айланганини гувоҳи бўламиз. Ҳар йили ўнлаб тиллар муомаладан чиқиб, “мархум”лар рўйхатига тиркалмоқда. Она тилимиз туркий тиллар оиласига 30 дан зиёд тил киради ва бу тилларда 250 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Олимларнинг фикрича, бугун туркий тиллар орасида фақат олтита тилнинг ҳолати барқарор деб баҳоланган. Булар давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, туркман, қирғиз тилларидир. Она тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеи ёмон эмас. Дунё миқёсида ўзбек тилида гаплашувчиларнинг умумий сони 50 миллионга етади. Википедия маълумотларига таянсақ, ўзбек тили сўзлашувчилар сони бўйича дунёда 27-ўринда туради. Агар дунёда 7000 га яқин тил ва лаҳжа мавжудлигини эътиборга олсак, бу ёмон кўрсаткич эмас.

Маълумингизким, 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши халқимиз ҳаётида шубҳасиз буюк тарихий воқеа ва Ўзбекистоннинг мустақиллик сари қўйган илк тамал тоши бўлган эди. Она тилимизга нисбатан ҳурмат эҳтиром сифатида қўйилган бу илк тамал тош халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлган тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлишига замин яратди. Она тилимиз миллий ўзлигимиз сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояга олинди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти ҳақида такрор такрор уқдириш фасли келди.

Албатта, ўзбек тилининг ўз куни, ўз байрамига эга бўлиши жуда қувонарли ҳодиса. Халқаро тажрибага назар соладиган бўлсак, турли мамлакатларда 20 апрель – хитой, 23 апрель – испан, 15 май – форс, 6 июнь – рус, 1 август – озарбайжон, 26 сентябрь – турк, 9 декабрь – итальян, 18 декабрь араб тили куни сифатида нишонланади.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигини нишонлаш арафасида 2019 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

2020 йил 10 апрелда Президентимиз томонидан ЎРҚ-615-сон Қонун имзоланди. Эслатиб ўтамиз, Олий Мажлис, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон

ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва “Ривожланиш стратегияси” маркази 21 октябрни Ўзбек тили байрами куни деб эълон қилиш ташаббуси билан чиққан эди. Ушбу таклиф давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йили маъқулланган эди.

Ривожланган хорижий давлатларда давлат тилига эътибор жуда юқори эканлигини реклама, эълонлар, баннерлар, кўрсаткичларнинг бари давлат тилида эканлигини кўрамиз. Аммо туб аҳолининг ўз она тилларига бўлган бундай эътибори қолган тилларни ҳурмат қилмаслик дегани эмас. Улар чет тилларни ҳавас қилса арзийдиган даражада билиб бемалол мулоқот қиладилар.

Бугун бизда ҳам чет тилларини ўрганишга зарур шарт-шароитлар яратилиши билан бирга ўз она тилини чуқур билиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзга миллат тилини ҳурмат қилиш эса тамомила бошқа масала. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани белгилаб қўйилган бўлса ҳам Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Демак, Ўзбекистонда гарчи давлат тили сифатида ўзбек тили кўрсатилган бўлса-да, бошқа миллатларнинг нафақат тили, балки урф-одатлари ҳам алоҳида ҳурмат қилинади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларнинг она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайди.

Ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлган 100 та тилдан биридир. Ҳолбуки, дунёда бундай юксак мақомга эга бўлмаган, аммо юз миллионлаб кишилар сўзлашадиган тиллар ҳам бор. Ўзбек тили қўшни давлатларда ҳам муомаладаги асосий тиллардан саналади. Хусусан, қўшни Тожикистонда ва Қирғизистонда ўзбеклар нуфусига кўра титул миллат вакилларида кейинги ўринда туради. Афғонистонда эса ўзбек тили пушту ва дарий тилларида кейинги учинчи расмий тил саналади. Қўшни мамлакатлар ҳамда Туркия, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон сингари давлатларнинг олий ўқув юртларида ўзбек тили алоҳида фан сифатида ўргатилади.

Биринчи бор мазкур йилнинг 23 сентябрида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлади.

Она тилимиз бугунги кунда дунё ахборот маконида ҳам ўз мавқеига эга тиллар қаторидан ўрин олган. “Озод Европа”, “Америка овози”, “Би-би-си”, “Эрон овози”, “ТРТ-Аваз”, “Спутник” сингари йирик халқаро ахборот маҳкамалари, радио ва телеканаллар ўз материалларини ўзбек тилида ҳам эфирга узатмоқдалар. Халқаро спорт майдонларига кириб бораётган ўзбек кураши воситасида “чала”, “ёнбош”, “ғирром”, “ҳалол” сингари ўзбекона атамалар дунёнинг турли бурчакларида тез-тез янграмоқда.

Википедия, Гугл, Фейсбук сингари йирик мессенжерлар, ижтимоий тармоқлар, интернет платформаларида ҳам ўзбек тилининг мавқеи ошиб бормоқда.

“Давлат тили ҳақида”ги Қонун, “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа муҳим ишлар амалга оширилиши билан давлат рамзларидан бири саналган маънавий қадриятимиз – она тилимиз қонун ҳимоясида эканлиги яна бир бор ўз исботини топди.

Албатта, тил фақат расмий ҳужжатлар, тадбир ва тантаналар, баландпарвоз шиорлар билан юксалиб қолмаслиги керак. Юртимиздаги ҳар бир ташкилот, ўзини шу юрт тақдирига дахлдор деб билган ҳар бир инсон тилимиз нуфузи, обрў-эътибори учун курашмоғи шарт. Ҳар қайси соҳа ва тизимда расмий ҳужжатларни юритишда, юртимиздаги идора ва ташкилотлар билан ёзишмаларда ҳам давлат тили меъёрларига қатъий амал қилиш лозим.

Умуман, биз ёшлар ўзбек тилининг келажаги, мавқеи, обрў-эътиборини ўзимиз таъминлашимиз керак. Бу тил бизнинг ота-боболаримиздан бизгача етиб келаётган энг катта бойлигимиздир. Унинг келажакда янада юксак мавқе ва обрў-эътибор қозониши ўзимизнинг истагимиз, ғуруримиз, қатъиятимиз ва астойдил уринишларимизу саъи ҳаракатимизга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Усманов А. “Муҳокамат ул-луғатайн” Алишера Навои. -Т. 1940 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармон. -Т., 2019 йил 21 октябрь, ПФ-5850.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида” қонун. 2020 йил 10 апрель, ЎРҚ-615-сон.

ТИЛ ВА МАЪНАВИЯТИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Абдувалиева М.А.

ЎР ҚК Академияси

Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада Тил - маданий, маънавий муносабатларни ўсиб боришига жуда катта таъсир кўрсатиши ҳақида сўз боради.*

***Калит сўзлар:** Онг, таффакур, маънавият, маърифат, таълим – тарбия, жамият, маданий.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ўзбек тилини юксалишига қаратилган улуғвор ишларнинг мантиқий давомидир. Унга кўра, тилимизнинг софлигини сақлаш, луғат бойлигини ошириш, барча соҳаларда четдан кириб келаётган замонавий сўз, ибора ва атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш ҳамда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида

Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилди. Мазкур тузилма давлат тилида юритилаётган меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилади, соҳага оид масалаларни таҳлил этиб, ягона давлат сиёсатини таъминлайди.

Тарбия - онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Мустақиллик йилларида юртимиз иқтисодиёти, маданияти ва маънавиятида туб ўзгаришлар бўлди. Буни таълимнинг тарбия тизимидаги туб ислохотлар, одам ва унинг маънавиятидаги, шу жумладан, адабиёт ва тилдаги ютуқларда ҳам кўриш мумкин. Мустақиллик туфайли, айниқса, тилга эътибор кучайиб, унга давлат тили мақоми берилиши тарихий воқеа бўлди. Буни Республика Конституциясининг 4-моддасида “Ўзбекистоннинг давлат тили ўзбек тилидир” деб мустаҳкамлаб қўйилиши ўзбек халқи учун жуда катта маънавий ҳуқуқий муваффақият бўлди, десак муболаға бўлмайди. Тарихан қисқа муддатда ўзбек халқининг миллий онги ва тафаккури уйғонди, миллий ўз-ўзини англаш жараёни бошланди, юртимизда яшовчи бошқа миллат ҳамда элат вакилларида она тилимиз-давлат тилига муносабат ўзгарди.

Тил сиёсати миллий ва мафкуравий сиёсатнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Тил фикрни ифода этиш усули, уни қайд этиш ва бошқа кишиларга етказиш, билдириш воситасидир. Тил тафаккур билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг таянчи ва тараққиёт қуролидир. Кишилиқ жамияти томонидан яратилгани ва кашф этилган барча нарсалар, ҳодисалар, тушунчаларни ўзида акс эттирувчи тил буюк умумлаштирувчилик ролини бажаради. Жамиятнинг тараққий этиши билан, тафаккур сингари, тил ҳам тараққий қилиб боради. Тил-амалий, ҳақиқий онгдир, тил онг сингари бошқа кишилар билан муомала қилиш эҳтиёжи туфайли, муомла қилиш зарурлиги туфайли пайдо бўлди. Тил кишиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш воситаси ва фикрнинг бевосита ифодасидир. Фикр айрибошлаш эса фақат тил ёрдамида юзага чиқиши мумкин. Тил-тафаккурнинг борлиқ шакли, тафаккур эса тилнинг мазмунидир. Инсонда онг шаклланиб, тилнинг пайдо бўлиши маданиятнинг илк қадамларидандир. Тилнинг шаклланиб ўсиб бориши бевосита инсонларнинг маънавий қиёфасининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Тил бевосита халқлар ўртасида маданий, маънавий алоқаларнинг ўсиб боришига ёрдам беради.

Умуминсоний маънавий қадриятлар инсон ҳаётини гўзаллаштиради, турмушига янги мазмун ва моҳияти бағишлайди. Одоб ахлоқи юксак, билимдон, иймон-эътиқодли, оташин ватанпарвар, юрти ва халқига садоқатли, фидоий, қалби пок, меҳнатсевар инсоннинг сўзи билан иши бир-бирига монанд бўлади. Маънавиятли-маърифатли киши

махаллийчилик, миллатчилик, гуруҳбозлик, тарафкашликка ҳеч қачон мойил бўлмайди, ўзбек миллатининг вакили эканлигидан чексиз фахрланади, миллий бирлик, миллий аҳиллик, миллий ҳамжиҳатликни вужуд-вужуди, тан жони билан қўллаб-қувватлайди. Маънавият илмий, ахлоқий, бадий, сиёсий, ҳуқуқий маданият, тил-фаоллик, ижтимоий ҳис-туйғу каби инсон ва инсониятга хос бўлган таркибий жараёнларни ўз ичига олади. Маънавият кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасавурлари ва тушунчалари мажмуидир. Маънавият тушунчасининг тарихан ривожланиб, инсоннинг табиат, жамият ва одомзотни идрок этиш эволюцияси ва салоҳияти сифатида шаклланиб, бу тушунча XX асрда мазмунан кенгайди ва дунёвийлик касб этди.

Маънавият-инсоннинг маълум даражасидаги жисмоний, ақлий, ахлоқий, рухий балогати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир.

Ўзбек тили радио, телевидения ва матбуотда, илмий-техника ва бадий адабиётда кенг қўлланади. Бинобарин, ўзбек тили кўпчилик халқ томонидан кенг қўлланилиши, миллий тил мавқеига эга бўлгани ва халқаро доирада ҳам қўлланила олиши (масалан, туркий халқлар ўртасида), бошланғич, ўрта ва олий таълим беришда ишлатилиши, маданият соҳасида санъат ва ҳунармандчиликда фан ва техникада қўлланилиши жиҳатидан давлат тили мақомига эга бўлишга тамоман ҳақлидир. Алоҳида айтиш лозимки, халқаро доирада ўзбек тили туркий халқлар вакиллари ўртасида бемалол қўлланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тил халқаро воситаси сифатида инсонлар ўртасида маданий, маънавий муносабатларни ўсиб боришга жуда катта таъсир кўрсатади. Тил-миллатнинг борлигини, унинг тарихи ҳақида маълумот берувчи восита ҳамдир. Айни дамда орзу умидларимиз, истиқлолимиз, қалбимиз ойнаси ҳамдир. Шунинг учун, она тилимизга доимо ҳурмат ва эътиборда бўлиб, унинг жамиятимиздаги мавқеини юксалтиришга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Зеро, тил бор экан миллат давомий, унинг истиқболи буюк, нурли ва чароғондир. Аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий иш олиб боришимиз даркор.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси.” – Т.: Шарқ. 1999. – 246 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни//
Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 7-18.

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING ОНА ТИЛИ ФАНИ БИЛАН АЛОҚАСИ

Муртазаева А.Б.

Тошкент кимё технология институти
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси
инглиз тили ўқитувчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада Она тили ва чет тилининг ўхшаш томонлари ва тил ҳодисалари талабаларга жуда катта ёрдам бериши ва икки тил тизим контактида пайдо бўладиган интерференция ҳодисаси ҳақида сўзборади.*

***Калим сўзлар:** лингвистика, тилишунослик, психология, психолингвистика, онг, хотира, диққат, транспозиция, интерференция.*

Маълумки, илм – фан тараққиёти инсониятнинг ижтимоий тараққиёт ривожини ташкил қилади. Бунга эришишда хорижий тилларнинг ўрни каттадир. ҳеч кимга сир эмаски хорижий тилларни билиш бошқа маданият вакиллари билан ҳамкорликда мулоқот қилиш ва маълумот алмашиш воситаси ҳисобланади. Бунга асосан чет тили фан соҳаси сифатида шахснинг бунёдкорлик ва мантикий сифатлари ривожланиши вазифасини бажаради, чет тилини мулоқот даражасида билишлик хорижий мутахассислар ўртасида ишчан мулоқот ўрнатиш имконини беради, тил билиш чекловларини олдини олиш, ишга жойлашиш имкониятлари ва чет давлатларида таълим олиш, таълим алмашиш, малака ошириш имконини яратади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда хорижий тилларни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, барча имкониятлар ёш авлоднинг тарбиясида баркамолликка эришишга қаратилганидан далолат беради. Зеро, бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида” ги қонунини ҳамда “Кадрлар тайёрлаш” миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими яратилди.

Институтларда ўқитиладиган чет тили предметининг илмий асосини ва мазмунини даставвал, тил ҳақидаги фан белгилаб беради. Чет тили ўқитишнинг тўғри ташкил этилиши ва самарали бўлиши тил тўғрисидаги лингвистик хулосаларнинг илмий ва аниқ бўлишига боғлиқ. Чет тили ўқитиш методикаси ва унинг тараққиётини тилшунослик фанисиз тасаввур этиб бўлмайди. Умуман тилшунослик ёки лингвистика тилларни муомала жараёнларини амалга ошириш учун хизмат қиладиган ишоралар тизимлари сифатида ўрганади. Методика эса чет тили ўқитиш муомаларини, яъни тилшунослик шуғулланадиган ҳодисаларни текширади.

Институтда талабаларнинг ёши ҳамда билим даражасига мос ҳолда, тилнинг товуш томони, грамматик қурилиши ва луғат бойлиги ҳақида умумий маълумот берилади. Ана шу билимга боғлаб ёзув ва стилистика нормалари ўргатилади. Буларнинг мундарижа ва ҳажми чет тили предмети дастурларида белгиланиб, мазмуни дарсликларда баён этилади. Лексика бўйича ўтказиладиган машғулотларни айниқса, луғат таркибида юз берадиган ўзлаштиришларга оид машғулотларни ижтимоий ҳодисаларга ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларга боғлиқ ҳолда тушунтириш лозим. Бунда ўқитувчи маҳаллий матбуот ва бадий адабиёт материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чет тили ўқитиш методикаси психология фани билан узвий алоқада. Бу алоқа методикага чет тиллар ўқитишнинг

психологик асосларини белгилаш, шулар асосида ўз метод, йўл, усул ва принципларини ишлаб чиқиш имконини беради. Ҳар қандай психик ҳодисалар (диққат, хотира, онг) борлиқнинг инсон онгига таъсири натижасида вужудга келади, бу таъсир инсоннинг турли фаолияти жараёнида шаклланади. Психология фани инсон хотираси, онги, диққатини, активлигини ошириш факторларини ўрганади ва уларга оид маълум назарияларни яратади.

Чет тили ўқитиш методикаси фани ҳам психология фани томонидан яратилган бу назариялардан чет тили ўқитиш жараёнида фойдаланади. Психология, шахс психологияси ва психоллингвистика таъсири остида қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ўқув материални ўзлаштиришга мослаштирилган интенсив метод вужудга келди. Бундан ташқари, гипнонедия методи чет тили материални бир неча маротаба эшиттириш ва тинглашиш орқали ўргатишни ўз ичига олади. Релаксация методи эса талабанинг руҳий бўшаган ҳолатида, психикасини бошқариш орқали чет тилини ўргатишни назарда тутди. Ритмопедия методи ёрдамида эса талабани асаб тизимини алоҳида ҳолга тушуриш орқали чет тилига ўргатилади. Бунда мустақил ишдан фойдаланилади. Сингдириш методи асосида эса нутқ оқимида бўлиш, эшитиш, тинглаш орқали чет тилини ўргатишга асосланади. Ҳис-ҳаяжонли методда ролли ўйинлар орқали чет тили ўргатиш назарда тутилади.

Педагогика фани тарбия назарияси, таълим назарияси ва дидактика бўлимларидан иборатдир. Методика фани таълимнинг мақсади, мазмуни каби муаммаларни ечишда умумий педагогикага суянади. Чунки чет тили ўқитиш жараёнида ҳам талабаларнинг тарбиясига аҳамият берамиз ва уни ривожлантирамыз. Айниқса, педагогика фани томонидан ўрганиладиган таълим назарияси ва таълимнинг дидактик принциплари ва методлари чет тили ўқитиш методикаси фани учун муҳимдир. Дидактика фани асослари орқали чет тили ўқитиш жараёнини ташкил қилиш, дарсни ташкил қилиш, талабалар билимини текшириш ва рейтинг баҳолашнинг шакл ва методларини аниқлашни ўрганамиз.

Бундан ташқари методика фани кибернетика фани билан ҳам яқин алоқада. Маълумки, кибернетика фани мураккаб системаларни бошқариш назарияси ҳақидаги фандир. Ўқитиш жараёнини ҳам мураккаб система бўлиб, унинг бошқарилиши ҳам маълум қоида ва қонуниятларга бўйсунди ва кибернетикага ҳос тизимга эга бўлади. Масалан, бошқарувчи орган – ўқитувчи ва китоб тушунилади. Бошқарилувчи орган эса талабалардир. Информационинг ўқитувчидан талабаларга узатилиши. Барча Олий Таълим Муассаларида ҳам хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш, оғзаки нутқни ривожлантиришга катта аҳамият берилади.

Ҳозирги вақтда турли босқичларда талабаларга чет тилини ўргатишнинг компютер орқали ўргатиш методлари ҳам ишлаб чиқилган.

Она тили материални қанчалик ўзлаштирилганлиги ҳам чет тили ўқитиш методикасини ўзлаштиришда катта рол уйнайди. Бу нарса чет тилини ўргатишда ҳам ижобий (транспозиция), ҳам салбий (интерференция) таъсир

кўрсатишини эътиборга олиш жуда зарурдир. Она тили ва чет тилининг ўхшаш томонлари ва тил ҳодисалари талабаларга жуда катта ёрдам беради. Икки тил тизими контакти пайдо бўладиган интерференция ҳодисасини қандай олдини олиш лозимлигини методика фани ишлаб чиқиши ва таъминланиши лозим.

Хорижий тилларнинг бугунги кундаги ўрни ҳақида сўз кетар экан, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чет тилларни билиш турли хориж мамлакатлари тарихи, илм -фан, маданияти билан танишиш, ўзаро мулоқот, ҳамкорлик, тажриба алмашиш орқали давлатлар яқинлашувини таъминлайди. Хорижий тилларни мулоқот даражасида ўрганиш илм - фан соҳасида эришилаётган ютуқлар билан ҳам белгиланади. Энг асосийси, хорижий тиллар фанлар аро мулоқот воситаси сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Хориж мамлакатлари илм-фан тараққиёти, янгиликлари, кашфиётларидан бевосита боҳабар бўлишлик;
- Турли фанлараро ўзаро мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- Илм- фан ютуқларидан фойдаланиш ва ўзлаштириш;
- Ўз ақлий салоҳияти, қобилияти ва билими билан жаҳон илм- фан тараққиётига ҳисса қўшиш.

Дарҳақиқат, фан – техника тараққиётини янада ривожлантиришда, хорижий тилларни чуқур ўзлаштириш орқали турли фан ютуқларини, кашфиётларини, хориж олимларнинг илмий изланишларини, кашфиётларини билиш, ўрганиш ва малака оширишга бўлган ҳаракат барқарор тараққиётнинг пойдевори ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ҳошимов Ў. Ҳ., Ёкубов И.Я. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи. 2006. – 190 с.
2. Рашидов Х, ва б «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси. – Т., 2007. 60 б.

MUNDARIJA

<i>Kirish soʻzi</i>	3
<i>Абдуллаева С. Я.</i> Тилга эътибор – элга эътибор.....	4
<i>Asilova G.A.</i> Harbiy taʼlim muassasalarida davlat tilida ish yuritish malakalarini rivojlantirish	6
<i>Sodiqova Sh.B.</i> Xorijliklarga oʻzbek tilini oʻrgatish orqali milliy madaniyatni tanitish	8
<i>Салишева З.И.</i> Respublikamizda va xorijiy mamlakatlarda oʻzbek tilini oʻqitish masalslari:yutuqlar va istiqboldagi vazifalar.....	11
<i>Асқарова Ш.К.</i> Навоий асарларида такрорнинг лингвопоэтик аҳамияти.....	16
<i>Атаев Ш.А.</i> Ўзбек тилининг тарихий шаклланишида бадий адабиётнинг ўрнига доир	20
<i>Холиқова Д.</i> Тил – миллат тафаккурининг инъикоси.....	22
<i>Baxronova D., Sarimsakova N.</i> Oʻzbek tili – oʻzbek millatining ruhi.....	26
<i>Ертаев Ш. И.</i> Тил миллат равнақи.....	31
<i>Якубова Ф.</i> Тил – давлат рамзи	33
<i>Shodiyev R.S.</i> oʻzbek tilshunosligida nutq madaniyatining oʻziga xosligi...	36
<i>Boymirzayeva M. Sh.</i> Til – millatning qiyofasi	38
<i>Джурраев Ш.Т.</i> Ўзбек тили ва унинг тараққиёт босқичлари	41
<i>Хожиева Ш.</i> Тил - миллат кўзгусидир.....	42
<i>Муродиллаева М.У.</i> Она тилим ўлмайди ёхуд боқийсан, ифтихоримсан, она тилим!.....	45
<i>Муродиллаева М.У.</i> «Муҳокамат ул-луғатайн»нинг хорижий элларда ўрганилиши.....	49
<i>Юсупова Н.З.</i> Ўзбек адабий тилининг шаклланишида Навоийнинг тутган ўрни.....	52
<i>Ражабова О.Н.</i> Тил бирликлари ўртасидаги боғлиқликлар.....	58
<i>Имамова Ш.П.</i> Тил миллат ғурури.....	60
<i>Majidova M. S.</i> Til tafakkur omili.....	63
<i>Рахманова М.У.</i> Язык – наше богатство.....	66
<i>Ergashova F.Yu., Ashurov L.</i> oʻzbek tilining shakllanishi va rivojlanishi...	69
<i>Қаршиева М.Х., Рахимов Б. Э.</i> Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир.....	72
<i>Xudaynazarova M. B.</i> Til-millat maʼnaviyati.....	77
<i>Ганпарова Н.А.</i> Ўзбек адабий тилининг ривожланиш тарихидан.....	78
<i>Тўраева Н. Н.</i> Она тили- Миллат руҳидир.....	81
<i>Бекнўлатов Х.Б, Мирпаязова С.З.</i> Тил - миллат бойлиги.....	85

<i>Курбанова С. А.</i> Тил миллат кўзгуси.....	88
<i>Эгамназарова З. К, Тухтасинова Р.Г.</i> Навои: мудрость слова и речи.....	91
<i>Пернопасова Е.А., Юсупова Н.Т.</i> Алишер Навои – художник узбекского слова.....	93
<i>Tashmetova A. S.</i> O‘zbek tilim- davlat tili, millatim faxri-g‘ururi.....	96
<i>Nuriddinova D.</i> Uzbek language history.....	98
<i>Абдуллаева Г.Б.</i> Великое наследие деятелей науки и культуры Средней Азии.....	101
<i>Соляхова Л.Р.</i> Узбекский язык как один из распространённых языков в мире.....	104
<i>Шомурадова Д.А.</i> Давлат тили ҳақидаги қонун ва унинг аҳамияти.....	106
<i>Халмуратова Д. Б.</i> Исторические особенности развития современного узбекского языка.....	108
<i>Отамуродова Д. Р.</i> Француз тилида сўз маъноларининг ўзгариши ва уларнинг қўлланилиши хусусида.....	111
<i>Қодирова И.</i> Мактабларда ўзбек тилини ўқитишда нутқ маданиятини ривожлантириш.....	114
<i>Икромов Ш.Э.</i> Ўзбек тили дарсларида ўқиш техникаси.....	116
<i>Эргашева Р. Т.</i> Авиация соҳасига оид атамаларнинг изоҳли луғатида терминлар маъноларини изоҳлаш масаласи.....	121
<i>Бобокалонов Р. Р.</i> Тилсиз миллат - сувсиз дарё	124
<i>Сайфуллаева Р. Р., Бобокалонов П.Р.</i> Тил, тафаккур ва мия нейронларининг электромагнит қуввати.....	127
<i>Бобокалонов П. Р., Фармонова П.</i> Тилни унутиш — ўзликни унутиш... ..	132
<i>Бобокалонов Р. Р., Ҳаятова., Бобокалонов П. Р.</i> Новербал мулоқот воситаларининг психонейролингвистик ва лингвокултрологик талқини.....	135
<i>Рахманов С.Х.</i> Нутқий маҳоратни ошириш усуллари.....	144
<i>Бабарахимова А.-М.Х.</i> Использование материалов сми в формировании межкультурной компетенции курсантов на занятиях по русскому языку.....	147
<i>Karimova M.</i> Umumta’lim maktablarida ona tilini o‘qitish muammolari....	151
<i>Сулейманова Н. К.</i> Медиаграмотность как цель и результат медиаобразования.....	153
<i>Mamatkulova B. R.</i> Cognitive approach to study of anthroponyms.....	155
<i>Paizbekov T.Q., Paizbekova A. Dj.</i> Implementation of the State Educational Standards of Uzbekistan for military teaching practice.....	159
<i>Иргашев. Д. Р.</i> Обучения курсантов иностранным языкам на платформе “Moodle”	162

<i>Алибаева У.А.</i> Ҳарбий хизматчилар фаолиятида чет тилининг аҳамияти, уни ўрганишдаги муаммолар ва ечимлар.....	165
<i>Жуманазарова Ф. Р.</i> Диалектизмы как основа определения географии возникновения пословиц	170
<i>Муминджанова С.Х.</i> Нетрадиционные уроки как средство обучения...	172
<i>Бектурдиева Ш.</i> Ҳарбий олий ўқув юртларида чет тили машғулотларида ҳарбий матнлар устида ишлаш	175
<i>Ахупова М..N.</i> O‘qituvchining jamiyat taraqqiyotidagi tutgan o‘rni.....	179
<i>Маъдиева А. Д.</i> Ҳессе ижодида маънавий юксалиш омиллари.....	181
<i>Маматқобилов Т.Д., Бурханов Т.М.</i> Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар фаолиятининг уйғунлиги.....	184
<i>Курганова Р.Н.</i> Сотворчество как фактор влияния на эффективность учебного процесса.....	188
<i>Эшонқулов Н.Э.</i> Таълим жараёнида мобил технологиялардан фойдаланиш.....	191
<i>Рузикулов Ф. С.</i> Замонавий ва келажакдаги маҳаллий уруш ва жанговар ҳаракатларда муҳандислик таъминотининг ўзига хос хусусиятлари.....	194
<i>Мамажанов И.Р., Шерматов М.С.</i> Ахборот техник хавфсизликни таъминлаш.....	199
<i>Абдурахимов Р. F.</i> Замонавий кибер таҳдидлар даврида ахборот-психологик хавфсизлигининг долзарблиги.....	201
<i>Atadjanov N. SH.</i> Amerika qo‘shma shtatlari harbiy xizmatchilarining rahbarlik fazilatlarini o‘ziga xos xususiyatlari.....	205
<i>Ақбаров К.М., Ботиров З. А.</i> Дунёнинг ривожланган давлатлари миллий гвардия бўлинмалари қўлланилишининг ўзига хослиги.....	208
<i>Мирзалиев А.А.</i> Ахлоқий-руҳий тайёргарлик ҳарбий хизматчиларда жанговар руҳни шакллантирувчи асосий компонент.....	211
<i>Musinov A.A.</i> Milliy gvardiya harbiy xizmatchilarida axborot xurujlariga qarshi immunitetni shakllantirishni takomillashtirish.....	215
<i>Мамутов Ж.Р.</i> НАТО Мамлакатлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий ва руҳий тайёргарлигини ташкил этишнинг янги тенденциялари.....	220
<i>Умаров Ш.У.</i> Ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик фазилатларини оширишда ахлоқий кадриятларнинг роли.....	224
<i>Ҳаджиев С. Н.</i> Учувчисиз учиш аппаратларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи.....	227

<i>Муродиллаева М.У., Эшовов Ж.Қ., Йўлдошев Д.И.</i> Онам алласидай суюксан тилим, абадул-абад буюксан тилим!.....	231
<i>Абдувалиева М.А.</i> Тил ва маънавиятининг бугунги кундаги аҳамияти.	234
<i>Муртазаева А.Б.</i> Чет тили ўқитиш методикасининг она тили фани билан алоқаси.....	236